



И. ОЛЬБРАХТ

АННА
ПРОЛЕТАР КИЗИ

И. ОЛЬБРАХТ

АННА ПРОЛЕТАР ҚИЗИ

1920 йил хақида роман



ЕКА

УЗБ. УЧИТЕЛЬСКОГО

ИНСТИТУТА

№ 014286

УЗБЕКИСТОН

УЧ. ЗАДАЧА

УЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЯТИ

ТОШКЕНТ — 1956

*Давлат Бадий Адабиёт нашриётининг
1954 йилдаги русча нашридан
АҲМАД АЛИЕВ
таржимаси*

ИВАН ОЛЬБРАХТ
ВА УНИНГ „АННА ПРОЛЕТАР ҚИЗИ“ РОМАНИ

Коммунист ёзувчи Иван Ольбрахт ҳозирги замон Чехословакия маданиятининг илғор намоёндаларидан бири бўлиб, унинг ижоди жонажон халқининг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Ольбрахт ҳақли равишда чех социалистик адабиётига асос солучилардан бири ҳисобланади.

Иван Ольбрахт Камил Земаннынг тахаллусидир. Иван Ольбрахт 1882 йил 6 январьда Подкрконош ўлкасидаги Семиля деган жойда йирик чех ёзувчиси Антал Сташек oilасида туғилди.

Ольбрахтнинг адабий ва ижтимоий фаоллиги бир минг тўққиз юзинчи йиллардан бошланади. У, гимназиядалигидаёқ «Коммунистик манифест»ни ўрганди ва кейинроқ уни чех тилига таржима қилди. Ольбрахт Прага университетида ўқиб юрган вақтларида ишчилар ҳаракатига қатнашади. У социал-демократик матбуотда ўн йилдан ортиқ ишлади.

Ольбрахтнинг дастлабки ижодиётиёқ Австро-венгрия монархиясига қарши ғоялар билан суғорилган эди. «Ватанга муҳаббат тўғрисида» (1910) деган ҳикояда ёзувчи австрия урушқоқларини қаттиқ масхаралайди. Унинг «Венада шухратга сазовор бўлган чол тўғрисида» (1913) ва бошқа ҳикоялари буржуазия партияларининг сайловолди найрангларини фoш этишга бағишланган.

1913 йилда Ольбрахтнинг «Баджаҳл одамбозорлар ҳақида» номи билан биринчи ҳикоялар тўплами босилиб чиқади. Бу ҳикояларнинг асосий қаҳрамонлари капиталистик жамият ва мешчанликка қарши анархистик эътироз билдиручи яланғoёқлардан иборат эди.

Брок, авторнинг диққатини, аслида ялангоёқларни шу аҳволга со-
лучи ижтимоий сабаблардан кўра, уларнинг ички дун'ёси кўпроқ
жалб этади. Ҳикоялар умумий реалистик йўналишига қарамай,
натурализм та'сиридан ҳоли эмас эди.

1918 йилда Ольбрахт «Актёр Есенийнинг ажойиб дўстлиги»
номли романни нашр этади. Бунда ёзучи қаҳрамонларнинг ҳаёти-
ни мамлакат ва халқнинг тақдири билан боғлашга уринади ва шу
билан натурализм таассуротини бирмунча енгади.

Ҳормай-толмай ҳаётий ҳақиқат орқасидан бориш ва илғор чех
адабиёти традицияларини ижодий ўзлаштириш Ольбрахтнинг чи-
накам реалист-сан'аткор бўлишига ёрдам берди. Бунда, унинг
рус адабиёти билан, Тургенев, Л. Толстой, Чехов ва айниқса Горький
ижоди билан танишгани катта роль ўйнади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси, кўпгина Ғарб ёзучи-
лари сингари, Ольбрахтнинг ҳаёти ва ижодида ҳам бурилиш боз-
кичи бўлди.

Ольбрахт ўзининг энг яхши китоблари учун Октябрь револю-
циясидан миннатдор эканлигини такрор-такрор айтарди.

1920 йилда Ольбрахт Совет Россиясига келиб, III Интернацио-
налнинг иккинчи конгрессида қатнашади.

Ольбрахт Москвада «Ҳозирги замон Россиясининг картиналари»
номи билан бир қатор очерклар ёзади. Ёзучи В. И. Лениннинг
сўзини бирнеча бор эшитади ва Ленинга махсус боб бағишлайди.

Совет мамлакатининг ҳаёти, унинг меҳнат жараёнини тасвир-
лаш билан, ёзучи янги ижтимоий-сиёсий тузум базасида янги муно-
сабатлар пайдо бўлаётганини, социалистик маданият юксалаётгани-
ни кўрсатади. Ольбрахт Маяковский поэзиясини юксак баҳолайди,
РОСТА¹ ойнаси плакатларига катта э'тибор беради ва плакатлар-
нинг сиёсий йўналишини, та'сирчанлиги, оптимистиклигини қайд
қилиб ўтади.

Октябрь революциясининг Советлар мамлакати меҳнаткашла-
рига берган самараларини кўрсатиб, Ольбрахт Чехословакия бур-
жуазия республикаси халқнинг турмуш шароитини тубдан ўзгар-
тишга ҳам, унинг маданиятини юксалтиришга ҳам қобилиятсиз
эканлигини исботлайди.

Совет воқ'илигини яхши билиш, воқияларнинг моҳиятини тўғри
англаш, ҳаётни фақат кўриш, кузатишгина эмас, шу билан бирга
воқияларни олдиндан кўрабилиш — ёзучи очеркларининг ҳаққоний
чиқиши ва уларнинг зўр агитацион аҳамиятга эга бўлишига сабаб
бўлди.

¹ РОСТА — Россия Телеграф Агентлиги.

1921 йилда Чехословакия Коммунистик партияси тузилгани билан Ольбрахт партия сафига киради. У партиянинг марказий органи бўлган «Руде право» газетасининг дастлабки редакторларидан биридир. Ольбрахт ўзининг сиёсий фаолияти учун буржуазия ҳокимияти томонидан бирнеча марта таъқиб остига олинади.

1924—1925 йилларда «Рефлектор» журналинда Ольбрахтнинг «Анна пролетар қизи» романи босилиб чиқади. 1928 йилда эса бу роман алоҳида китоб бўлиб чиқади.

1927 йилда Ольбрахтнинг «Австрия ва республика ҳақида тўққиз ажойиб ҳикоя»¹ номли сатирик ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. Бу ҳикоялар тўпламининг асосий ғояси эски тартиб-қондаларни сақловчи буржуа Чехословакия республикасининг Австрия монархиясининг давомчиси эканини фош этишдан иборат. Ольбрахт Австрия ва Чехословакия воқе'лигининг ҳақиқий картинасини яратди, буржуа қалбаки гуманизмининг ниқобини йиртиб ташлайди («Эдуард Жакнинг мартабаси»).

«Нома'лум солдат» ҳикоясида империалистик урушни бошлаб юборган ҳоким синфларнинг жиноий қилмишлари қаттиқ қораланади. Нома'лум солдатнинг сўзи «озод» Чехословакия республикасидаги алданган, яхши турмуш ҳақидаги умидлари пучга чиққан халқ оммасининг кайфиятини яхши ифодалаб беради. Содда тил билан ёзилган қизиқарли ва жонли равишда ривожланиб боруни сюжетга эга бўлган бу ҳикоялар йигирманчи йиллардаги чех адабиётига қўшилган қимматли ҳиссадир.

Унинг ўттизинчи йиллардаги ижодида Закарпатье темаларида ёзган асарлари катта ўрин тутади — «Тоғлар ва асрлар» (1935), «Голет водида» (1937) очерклари шулар жумласидандир. У, «номсиз мамлакат» ҳақидаги энг яхши асарида, — Ольбрахт Закарпатьени шундай деб атарди, — «Никола Шугай, қароқчи» романида халқнинг стихияли қаршичилигини ифодаловчи «қароқчи»нинг умумлашган образини яратди. Ёзуни ҳаётдаги ҳаққоний манзарани тасвирлаб берди. Закарпатье халқининг мураккаб ижтимоий ва миллий муносабатларини тасвирлаб берди. «Никола Шугай»да реализм билан Украинанинг бой поэзиясидан олинган афсонавий фантастика моҳирона қўшиб юборилган.

Фашистлар аккупацияси даврида Ольбрахт партизанлар ҳаракатида қатнашади, Жанубий Чехияда миллий комитетга раҳбарлик қилади, шу билан бир вақтда адабий ишини ҳам давом эттиради. Тўғридан-тўғри ҳозирги замон ҳаётидан асар ёзиш имконияти бўл-

¹ Бу ҳикоялар 1948 йилда «Шундай бўлган эди» деган ном билан қайта нашр этилган.

магани учун Ольбрахт халқнинг қаҳрамонопа ўтмишини эслатиш, унинг галабага бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида қадимий қиссалар ва афсоналарни қайта ишлашга ўтади.

Чехословакия озод этилгандан кейин Ольбрахт партизанлар ҳаракатига қатнашгани учун медаллар билан мукофотланади. Унга дастлабки олти чех ёзувчиси билан бирга «Чехословакия халқ сан'ат-кори» деган фахрий унвон берилди (1946). Ольбрахт ҳаётининг сўнгги йилларида информация министрлигида актив иш олиб борди, вақтли матбуотда тез-тез чиқиб турди. Узининг «Хомтама умидлар», «Корей халқи озод бўлади» ва бошқа публицистик мақолаларида тишчилик учун актив курашчи ёзувчи — уруш оловини ёқувчиларнинг ҳийла-найрангларини фашистлар, барча мамлакатлардаги халқларни тишчилик, демократия ва социализм учун курашга чақиради.

Ольбрахт 1952 йил 30 декабрда вафот этди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Ольбрахтнинг вафоти муносабати билан э'лон қилган таъзияномасида ёзувчининг ижодий йўли — халққа ва унинг Коммунистик партиясига фидокорона хизмат қилиш панаҳси эканлиги кўрсатилади.

* * *

«Анна пролетар қизи» романи ёзувчининг энг муҳим асаридир. Бу роман, Чехословакия буржуа матбуоти майда-чуйда ишлар ва сиёсийликни да'во қилувчи мешчанни мақтаб, чех халқининг ижодий куч-қувватига ишонмасликни пропаганда қилаётган бир даврда майдонга чиқди. Чех воқеалигини ҳаққоний акс эттиручи, актив гуманизм ҳамда меҳнаткаш халқнинг ёрқин келажакига ишонч ғоялари билан сугорилган революцион адабиёт буржуазия адабиёти билан курашда ўсиб ва мустаҳкамланди. Ольбрахт ҳам революцион адабиётнинг С. К. Нейман, И. Волькер, М. Майёрова, Ю. Фучик ва М. Пуймановалар билан бир қаторда турадиган машҳур намоёндаларидан бири эди. Ольбрахт реалистик чех прозасининг илғор демократик традицияларини ривожлантириб, А. М. Горькийнинг тажрибаларидан ижодий фойдаланиб, XX аср чех революцион адабиёти тарихида янги давр очувчи роман яратди.

Романга 1919—1920 йилларда Чехословакия Коммунистик партияси тузилиш арафасида бўлиб ўтган воқеалар асос қилиб олинган.

1918 йилда Чехословакия республикаси э'лон қилингандан кейин халқнинг сиқови билан буржуазия бир қатор демократик ўзгаришлар ўтказди. Брок, ҳамма сиёсий система ва капиталистик тузум эскича қолаверди. Мамлакатда ишсизлик ва қашшоқлик

ҳукм сурди. Ишчилар ҳаракати кучайди. Баъзи районларда стачкалар кўтарилди.

1919 йилда ҳокимиятни бошқариб турган социал-демократик партия ичидан, бу партия қўллаётган сиёсатдан кенг омманинг нозирчилигини ифода этучи, жиддий оппозиция пайдо бўлди. Бу аҳвол социал-демократияни «ўнг» ва «сўл» қанотга бўлинишига олиб келди. Ишчилар синфининг манфаатларини ифода этучи «сўллар» III Интернационалга таянадилар, мавжуд сиёсатни тубдан ўзгартиришни талаб қиладилар ва буржуазия билан қатъий кураш олиб бориш позициясида турадилар. Революцион кайфиятнинг ўсишидан «ўнг» кетган «ўнглар» эса, буржуазия билан келишиш сиёсатини қўлладилар ва кўп ўтмай ягона ишчилар ҳаракати орасида ихтилоф чиқариш йўлига ўтиб кетдилар. 1920 йил сентябрьда Тусарнинг социал-демократик кабинети ишчилар синфига ҳужум қилиш учун буржуазияга йўл очиб, исте'фо берди. Ҳокимият тепасига Чернийнинг реакцион ҳукумати келди, бу эса ўнг социал-демократ лидерларининг ёрдами билан 1920 йил декабрьда ишчилар ҳаракатини ер-ер қилишига киришди. У шу мақсадни кўзлаб партия марказий бюроси ва «Руде право» газетасининг редакцияси жойлашган Ленинградга кўчирилди. «ўнглар» билан «сўллар»нинг курашидан фойдаланди. Ҳокимиятнинг исте'фо бериши, саноатни национализация қилиш, ишчиларнинг йўқолиши талаб этиб бутун мамлакат бўйлаб меҳнаткашларнинг омманий чиқишлари бошланди. Аммо, ишчиларнинг декабрдаги чиқишлари Чехословакия меҳнаткашларини талқинга олиб келгани йўқ. Ҳали бу вақтда Коммунистик партия бўлимининг, деҳқонлар оммаси ишчиларнинг чиқишини қўллаб-қувватламагани учун революцион ҳаракат бостирилди, социал-демократларнинг ўнг қисми эса, буржуазия билан бирга бўлиб кетди.

1920 йил воқиялари Коммунистик партияни тузиш зарурлигини кўрсатди.

Чехословакия тарихи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу воқиялар Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсири остида мамлакатда меҳнаткашлар оммасининг сиёсий онги ҳамда революцион ҳаракатининг ғоясини белгилайди. «1920 йилда,— деб ёзган эди Ольбрахт,— ишчилар синфининг қудратли авангарди овозини баланд кўтарди. Чех революцион ишчилар оммаси ўзларининг рус ўртоқларидан ибрат олиб, эски партиядан воз кечди ва у билан оғир жангларда... янги партияни вужудга келтирди... Бу китоб ҳам мана шу ҳақда ҳикоя қилади»¹.

¹ И. Ольбрахт, «Анна пролетар қизи». Авторнинг иккинчи чех нашрига ёзган сўзбошисидан. Прага, 1946 йил.

Ольбрахт Чехословакия меҳнаткашлар оммасининг ҳаёти ва курашларини революцион юксалишда пролетариатнинг стихияли намоишлардан, ташкилий равишда бош кўтаришигача кўрсатади.

Ёзучи халқнинг кенг табақалари кайфияти айниқса тўлиқ намоён бўладиган қизғин йиғилишлар, намоишлар манзарасини яратди. Романда Россия меҳнаткашларига муҳаббат ва бутун дунёдаги эзилучиларни озод қилиш ишида рус революциясининг тарихий ролини тушуниш ҳиссиётлари ифода қилинади.

Революцион чақириқлар, шеърлар, қўшиқлар, авторнинг кўтаринки руҳдаги жўшқин нутқлари замонанинг революцион хусусиятларини акс эттиради.

«Анна пролетар қизи»да Ольбрахт ижобий қаҳрамон образини — ишчи коммунист Тоник Кроусский образини яратди.

Ольбрахтнинг бу қаҳрамони ўзининг юксак синфий онги, пок маънавий қиёфаси билан илгари яратилган адабий қаҳрамонлардан ажралиб туради.

Тоник — курашда яшнайдиган ишчан ва жонли киши образидир. У пролетариатнинг буржуазия ва унинг ҳомийлари устидан ғалаба қозонишига қаттиқ ишонади, бу ишонч эса унинг фаолиятига Горький қаҳрамонлари (Нил ва Павел Власов)даги сингари исёнкорлик характерини бағишлайди.

«Улар, — деб ёзади Ольбрахт Тоник ва унинг ўртоқлари ҳақида, — ўзларининг ишчи эканликларини, ер юзидаги ҳамма нарсани яратган ва ҳамма нарсанинг хўжайини эканликларини, ўз қўллари билан вужудга келган нарсаларга ўзлари эгалик қилишлари кераклигини англадилар».

Брок, бу янги қаҳрамон образининг умуман муваффақиятли чиққанига қарамай, ундаги баъзи камчиликларни ҳам қайд қилиб ўтиш керак; бу камчиликлар характернинг турғунлиги, қаҳрамоннинг меҳнат жараёнида, ишчилар коллективида кам кўрсатилганлиги, унинг шахсий ва оилавий ҳаёти жуда кам тасвир этилганлигидир.

Ольбрахт оддий қишлоқ қизи — Анна образида кенг халқ оммасининг курашга қўшилиш жараёнини акс эттирди. Ёзучи деҳқон қизи Аннанинг қандай қилиб индивидуализм ва хусусий мулкчилик тушунчаларини енгиб, ишчилар синфи томонига ўтишини кўрсатади.

Дастлаб Аннада пролетар онг вужудга келишига хўжайкаси билан кекса ғишт теручининг хотини ўртасидаги жанжаллар сабаб бўлади: хотиннинг сўзларидаги тез фурсатда ишчилар хўжайинларига қарши бош кўтаришларига қатъий ишонч туйғулари Аннанинг қалбига чуқур сингиб қолади.

Аяпанинг Тоник блан учрашуви унинг ҳаётида ҳал қилучи роль бйнайди. Тоник юз бераётган воқияларни тушуниб олишда Аннага ҳам беради. Анна мажлисларда ораторларнинг нутқларини тинг-
ни, Тоник блан суҳбатлашиш натижасида турмушга бутунлай
ниқалча қарайбошлайди ва ундан ўз ўрнини топиб олади. «Мен
ларнинг уйингизда нима қиламан, архитектор Рубеш, ўзимизни-
лар бинга кетаман! Мен сизларга мансуб эмасман!»— дейди у,
«Иқ ҳўжайининга. Китобнинг сўнги бобида Ольбрахт томонидан
рилган кичкина бир эпизод,— Аннанинг архитектор Рубешнинг
ни Дидла блан учрашуви,— олдий деҳқон қизида синфий онгнинг
ичиллик ўсганлигини янада яққолроқ кўрсатади.

Очирихт романда ишчилар образини тасвирлаш блан бир қа-
шонқа сифт вакилларини, бошқа ижтимоий табақа ва пар-
тияни вакилларини ҳам тасвир этди. Романдаги эса қоладиги
биринчи дегутат Яндакдир. «Сўл» социал-демократ-
иктин ишчиларидан бирининг сотқин бўлиб чиқиши
кўриляир. Бу ҳол ўқучида сиёсий ҳушёрлик ва душ-
манни меҳмонсиза бўлиши ҳиссини уйғотади, партияни эса,
қоладиги маънавий тутуриқсиз, принципсиз кишилардан тоза-
лашга мажбурлади.

Ольбрахт чириб бораётган буржуазия оиласини: ундаги дун'ё-парастликка асосланган муносабатлар, шафқатсизлик, худбинлик, бир-бирига ишонмаслик ва ички дун'ёси пуч одамларни ҳаққоний олиндида кўрсатади. Автор томонидан жонли ва ишонарли қилиб тасвир этилган архитектор Рубеш оиласи — буржуа онги ва буржуа ҳақлоқини ақс эттиручи типик ояладир. Ольбрахт Рубешлар дун'ёсига соғом, аҳил ишчи Тоник Кроусский оиласини қарама-қарши қилиб қўяди.

тасвирлаш, ифодалардаги жўшқин публицистик хусусиятлар «Анна, пролетар қизи» романини чипакам бадний асар даражасига кўтарган.

«Сенинг асаринг,— деб ёзган эди Клемент Готвальд Ольбрахтга,— бизнинг миллий маданиятимиз тарихида янги даврдир; бу давр блан бирга жамиятнинг янги қаҳрамони — халқ орасида раҳбарлик ўрнини эгаллаш ҳамда ўзининг социалистик идеалларини амалга ошириш учун кураш олиб боручи ишчи синфи тўла ҳуқуқ блан чех адабиётига киради».

Ольбрахтнинг романи ҳозир, Чехословакия меҳнаткашлари социализм асосларини қураётган пайтда ҳам уларни яшаш ва ўз мамлакатларининг бахтли келажаги учун курашга ўргатади.

П. А. Қлейнер.



Ёш барин

Биринчи куни кечқуруноқ хўжайка ошхонага, Анна-нинг синаи кирди. Анна шу куни эрталаб Пелгржимов яқинидаги қишлоғидан Прагага келиб, картон қутидаги қақир-қуқурларини кўтариб, Масарик вокзалидан чиққан эди. У, йўловчилардан Вацлав майдонидаги 33-нчи уйга қандай боришни сўроқлаб, серқатнов кўчаларда худди адашиб қолган кучук боладай сандирақлаб юрарди.

Хўжайка кечқурун ошхонага кирган пайтда, Аннанинг Рубешлар квартирасига келганига беш соатча бўлган эди; у, бу квартирадаги етти хона ва икки томондаги эшикни кўздан кечирган, газ ёқиш, ҳожатхонага сув бураш ҳамда эшикларни занжирлашни ўрганиб олган эди.

Хўжайканинг қўлида бир даста газета қийқимлари бор эди. Эллик ёшлардаги барваста, басавлат бу аёл малла сочли хизматкор қизнинг олдига келиб, деди:

— Анна, сиз ҳали тажрибасиз қишлоқи қизсиз, пойтахтнинг нималигини билмайсиз. Мен атайлаб прагали қизлардан оқсоч олмайман, чунки улар ҳаммаси бузилиб кетган. Прагада хавф-хатарлар кўп, шунинг учун ҳам мен сизни баъзи нарсалардан ўз онангиздай огоҳлантириб қўймоқчиман. Агар мен сизга бу даҳшатли воқиаларнинг ҳаммасини гапираверсам, эҳтимол, ишонмайсиз ҳам, яхшиси манавиларни ўқинг!— У қўлидаги газета қийқим-

ларини столга қўйди.— Диққат блан ўқиб чиқинг! Ҳозир оймқиз сизга қандай ўрин солишни ўргатади, кейин идиш-оёқларни ювиб қўйинг-да, бориб ётақолинг. Бугун эшикни занжирламанг, барин мажлисда, кеч қайтади. Қани, ётоқ уйга борақолинг.

Қорачадан келган, чиройли, ўн етти яшар оймқиз Дадла Аннага ўрин солишни ўргатди.

— Мана қараб туринг! Манави буёққа... бу ерга бундай қилинади... ёстиқ бу ерга қўйилади! Тунлик кўйлакни бемалол кийиш учун мана бундай қилиб, ярмигача тескарисини ағдариб, кўрпа устига ташлаб қўйилади. Оймларга ҳар куни кечқурун тунги столчага бир стакан сув қўйиб қўясиз... Мана, манави стаканда. Тўхтанг, тўхтанг, ҳозир эмас, сув кечқурун қўйилади. Бордию, эрта-лаб бу стаканда тишга ўхшаш бирор нарса кўриб қолгудай бўлсангиз, чўчиб ўтирманг,— у ростакам тишнинг ўзи бўлади. Сиз ҳали бу ерда, Прагада бунақангги ажойиботларнинг кўпини кўрасиз!

Кейин улар оймқизнинг будуарига (махсус хонасига) киришди. Бу ердаги ҳамма нарсалар пушти рангда — девор ҳам, мебельлар ҳам, одеял ва ёстиқлардаги ленталар ҳам пушти рангда, ҳатто бурчакдаги қизғиш креслола турган, жигарранг духобадан ясалган катта айиқчанинг бўйнига ҳам пушти ранг лента тақиб қўйилган эди. Бу хонада атир ҳиди гуркираб туради.

— Бутун квартирани ойм бошқаради, лекин бу хона меники, бу ерда мен хўжайинлик қиламан; бунинг нимаси ёмон!? Қани, диққат блан қараб туринг! Одеялни мана бундай қилиб қоқилади. Тунлик кўйлак бу ерга, унинг ёнига бош кийим қўйилади, тунги столчада ҳамиша ойна блан маникюр асбоблари... манави нарса туради. Мана бу пардоз столчаси, бу ерда умивальник. Тушундингизми? Атир шиша, упа қутичалари, вазаларнинг қандай турганини яхши эслаб олинг, эртага буларга дурустроқ қарарсиз, бугун аллақандай гангиб турибсиз. Агар уйни супуриб-сидирган пайтда бу нарсаларнинг ўрнини алмаштириб қўйсангиз, жанжал чиқади! Хўп, майли, худо хайр берсин, энди борақолинг... Исмингиз Анна-а, шунақами?

— Ха, шундай, оймқиз.

— Ойм сизга Кис блан Ландру тўғрисида ажойиб нарсалар босилган газета парчаларини бергандир-а?

Анна бу саволга тушунолмаб қолди. Оймқизнинг

аса, бу блан ҳазиллашаётганини ҳам, ёки жиддий гапир-
раётганини ҳам билиб бўлмасди. Анна хижолат бўлди.

— Ҳа, албатта берган,— деб давом этди Дадла.—
Ана, ошхонадаги столда турипти. Буни ойим уйимизга
келган ҳамма хизматкорга беради. Уқинг, жуда ажойиб
нарсаси, шундан кейин ҳарбир хизматкор аёл камида икки
рифтагача ўзини яхши тутиб юради. Бордию, шу ўқиш-
ни қорнингиз оғриб қолгудай бўлса, эрталаб менинг
ошимга келинг, шokolод бераман.

Ойимқизнинг қора кўзларида шодлик учқунлари чақ-
наб кетди. Чамаси, янги хизматкорнинг, арзон баҳоли
қўйлагининг енгларини шимариб олган, малла сочли,
кўзлари жовдироқ қишлоқи қизнинг ночорлиги унга қи-
нқ туюлган эди.

Ойимқиз Дадла жуда ёқимли кулди, Аннанинг ўзи ҳам
мактабда қизлар блан бирга худди шунақа кулар эди.

— Истайсанми?— У, Аннанинг икки синфли қишлоқ
мактабидаги дугонасига ўхшаб гапирди.

Дадла тунги столчанинг тортмасини очиб, ундан бир
плитка шokolод олди-да, озгинасини ушатиб Аннага
узатди.

— Ма, о! Шохона яна!

— Раҳмат сизга,— деди Анна ажабланиб.

— Энди кетсангиз ҳам бўлади,— деб сўзини тугатди
Дадла.

Энди Аннанинг кўз олдида мактабдош дугонаси эмас,
балки хизматкорларга буйруқ беришга одатланиб қолган
ойимқиз турарди.

Анна ошхонада идиш-товоқларни ювиб, полкаларга
қўйиб, архитектор Рубешнинг хотини яна уч марта
ошхонадан хабар олиб кетди. Кейин Анна ухла-
б, унинг олдидаги ҳужрачага кирди. Ҳужрача жуда
қулай эди ҳам, эни ҳам уч қадамдан келар, лекин яхши-
лигини, электр чироғи ҳам бор эди. Ҳужрачанинг
ошига қилинган торгина деразаси зина томонга қара-
ган эди. Анна таассуротлардан шунчалик эсанкираб қол-
маганда унга ҳатто шу ер ҳам ма'қул тушган бўлар эди.
Броқ, шу куннинг синовлари ҳали тугамаганди.

Анна кроваткага ўтирди-да, беканинг буйруғига итoат
қилиб, таъга парчаларини ўқийбошлади. Булар жуда
наҳмалли, таланган, алданган ва фожиали равишда ўл-
дирилган оқсочларнинг даҳшат тўла қонли тарихидан

иборат эди. Мана, мисол учун, Парижда бир Ландру исмли, чиройли эркак қиёфасидаги шайтон яшаган экан; у ўзининг вилласига қизларни алдаб келтириб ўлдираб ва жасадларини қиймалаб печкага ёқиб юборар экан. Анна бу ялангоч жасадни ва худди эшикнинг олдиғача оқиб бораётган қонни кўз олдига келтирди; гўё унинг ёнида кўзларига қон тўлган Ландру турибди, у тиржайиб, пичоғини қайрайди... Пичоқ қуруқ қайроққа тегиб шундай ғижирлайдики, Аннанинг эти жимирлаб кетади.

Аннага печь ва унинг ёнида мудҳиш қотил тургандай туйилди. Қотил аланга ёруғида енгларини шимариб, оёқлар, қўллар ва бошларни печкага тикарди... Сочлар куяр, чакаклар кўмирга айланар ва бош суяклари эса ўзлари севмоқчи бўлган кишига қараб тишларини ғижирлатар эдилар...

Венгриядаги Цинкот деган шаҳарда Кис исмли бир тунукачи яшаган экан. У «ма'лумоти» ва тилёғламалиги блан хотин-қизларнинг бош-кўзини айлантираркан. Аммо Киснинг сиҳрига учиб, унинг остопасига қадам қўйган хотин-қизнинг ҳолига вой: тунукачи қассобга айланаркану, худди қушхонада қўйни тутгандай, қизга чанг солиб бўйинини сапчадай узаркан! Сўйилган хотинларнинг жасадларини тунука бочкага жойлаб, қопқоғини кавшарларкан-да, ертўлага яшириб қўяркан; у ертўлани крестсиз мудҳиш қабристонга айлантириб юборган экан...

Праганинг ҳам ўз Ландру ва Кислари бор эмиш, улар Вацлав майдони ва Масарик вокзалида қизларни пойлаб туришар, жилмайиб улар ёнига боришиб, муҳаббат изҳор қилишар, уйланишга сўз беришаркан,— лекин буларнинг ҳаммаси фақат қизларни ўлдириш, талаш, ёки ҳеч бўлмаганда ишониб тузоғига илинган қурбонларнинг бор будшудини алдаб олиб, уларни бир умр бахтсиз қилиб қўйиш учун қилинаркан.

Анна кроватда ўтириб «Народни политика»¹ газетасидан қирқиб олинган парчаларни ўқир экан, унинг мовий кўзларида худди тунукачи ошиқ Кис қатл этган қизларнинг кўзларидаги сингари даҳшат акс этиб турарди. Баланд шифтда электр лампочкаси ёниб турар, оқланган торгина ҳужра чироқ шу'ласида худди даҳшатли қотил

¹ «Народни политика» («*Národní politika*») — реакцион миллий-демократик партиянинг газетаси.

Андру қатл этган қурбонларнинг жасади сингари совуқ,
хез туюларди.

Анна бирдан ўз тақдирини ўйлаб ваҳимага тушиб
етди. У эрталаб юрагини ҳовучлаб поезддан тушган ва
юрган қутисини қўлтиқлаб сершовқин кўчада сандирақ-
лаб юрган пайтдаёқ шундай ваҳимага тушган эди. Лекин
у даҳшатни айниқса ҳозир чуқур ҳис қилди. Туғилиб
юрган ҳовлисининг томлари илма-тешик, эски фанерлар
оқлашган ва страхования компанияси ҳамда сун'ий кофе
фабрикасининг э'лон тахтачалари қоқилган иссиққина
нинг қўмсаб қолди. У эчки етаклаб, қўшнилариининг
бодисини боқиб юрган гўзал ўтлоқларга, жонажон ўлка
бракларига ва гулхан атрофида подачилар блан ҳанго-
налашиб, бошини қонга буркаб ўтирган ўз қишлоғига
кетгани келди. У ойиси, пияниста отаси ва бешта сингли-
синини эчтинди...

Анна Ботинкасининг ипларини ечаётиб йиғлаб юборди,
юшлар экан, кўз ёшлари тирқираб, қишлоқдан кийиб
юган хол-хол гулли кўк чит кўйлагининг бурмаларидан
юшиб туширди. У ўринга киргандан кейин бошини
югани буркади да, анчагача хўрсиниб ётди. Юрагини
юган нҳими ва қайғу босиб кетганидан эрталабгача ух-
лаб юлмади.

— Ҳа, Анна, газета парчаларини ўқиб чиқдингизми?—
деб сўради эрталаб хўжайка.

— Ҳа,— деди секингина, рангги синиқиб кетган Анна.

Хўжайка ошхонага кириб айланиб юаркан, унинг
ўлкан сийнаси халат остида серкиллар эди. У, кеча Анна
юрган идиш-товоқларнинг ҳаммасини бирма-бир кўздан
кечирди, «ёғ юқи қолмаганмикан», деб сийпалаб кўрди.
Кейин буфет тортмаларини очиб-ёпиб қаради, плита кра-
ни тўғри очилганми, газ тўғри ёнаятими деб текшириб
кўрди.

— Озодалик энг муҳим нарса, Анна,— деди у.— Бу
ерда, Прагада ҳечнарсани очиқ қолдириб бўлмайди, бу ер
ошларнинг қишлоғингизга ўхшамайди: нарсаларни дар-
ров ис, чанг босиб қолади. Ҳозир сиз баринга нонушта
беринг; мен сизга нонуштани қандай тайёрлаш керакли-
гини кўрсатаман. Соат тўққизда ойимқизнинг олдига
кириб, қачон нонушта қилмасҳилигини билинг. Борди-ю,
у ҳали ухлаб ётган бўлса, товуш чиқармай, оёқ учига
юринг.

Шундан кейин хўжайка энг асосий масалага ўтди:

— Демак, сиз тажрибасиз қизларни йўлдан оздирадиган эркаклар ҳақида ёзилган нарсани ўқиб чиқдингиз-а?— Хўжайка жиддий тус олди.— Эҳтиёт бўлинг, Анна, жуда эҳтиёт бўлинг! Ҳали ёшсиз, онангиз олдида сизни эҳтиёт қилиш менинг вазифам. Бизнинг ёнгинамизда, кўшнимизнинг уйида ҳам шундай ҳодиса юз берди. Кейин бечора қиз аламига чидайолмай ўзини сувга ташлаб ўлдирди. Йўлдан оздирган кишини икки йил қамоққа ҳукм қилишди, яна шуниси ҳам аниқландики, бу унинг саккизинчи жинояти экан. Бу уйлардаги хизматчилар блан дўстлашишни асло ўйламанг, оқибати ёмон бўлади: Энг яхшиси, ҳечким блан гаплашманг. Яқшанба кунлари обеддан кейин черковга боришингиз мумкин, бордию, мутаолани яхши кўрсангиз, бизда яхши китоблар кўп. Яхшиси, уйда ўтираверинг, шунда ҳечқандай фалокатга учрамайсиз. Билсангиз, бу гапларимнинг ҳаммаси сизнинг фойдангиз. Мен сизни фақат уй-рўзгор ишларига эмас, бу ўз-ўзидан маълум — бошқа кўп нарсаларга, шунингдек яхши хулқли бўлишга ҳам ўргатишим мумкин. Бизникидай жойни топиш жуда қийин: барин — машҳур архитектор, мен бўлсам, катта амалдор оиласиданман. Менинг отам шаҳар ҳокими бўлиб ишлаган. Мен буни мақтаниш учун гапираётганим йўқ, шунчаки, кимнинг хонадонида хизмат қилаётганингизни эслатиб қўйиш учун айтаяпман. Сиз мени тезда билиб оласиз. Мен «Чех қалби» деган жамияти хайриянинг раис ўринбосариман, шунинг учун ҳам менда одамларга яхшилик қилишдан бўлак зўр қувонч йўқ. Мен одамларни севаман ҳамда яхши одамларнинг мени севишлари блан фахрланаман. Агар ўзингизни яхши тутсангиз, сизни ҳам яхши кўраман. Бизнинг уйимизда сиз худди ўз оилангизда яшагандай яшайсиз. Мен хизматкорни ҳадеб ўзгартираверишни унча ёқтирмайман, агар сиз итоатли ва тиришқоқ бўлсангиз, сиз учун бу ердан яхши жой бўлмайди.

Бу сўзлар Аннанинг жароҳатли қалбига малҳам бўлди. Энди унга руҳан таскин берадиган бу шифобахш ҳиссиётларнинг ҳаммаси маълум эди: уйда ва Целгржимов черковидаги ва'з-насиҳатлар чоғида руҳоний дўзахда биқиллаб қорамой қайнаб турган қозон ва уердаги бошқа азоб-уқубатларни та'рифлаб бўлиб, ичида жаннат порлаб, фаришталар қўшиғи эшитилиб турган осмон пар-

дасини қавмлари олдида кенг очиб юборар эди. Ҳозир Анна Прагада ҳам ўзини тутолмаган, енгилтак чўрилар тушадиган тунука бочкали ва лаққа чўғ печкали дўзахгина мавжуд бўлмай, балки тиришқоқ ва итоатли чўрилар учун доимий жаннат ҳам борлигини билиб олди.


— Сиз менинг гапимга тушундингиз-а, Анна, шундай эмасми?— деди хўжайка мулойимгина қилиб, кейин яна жиддий блан қўшиб қўйди:— итоатли бўлинг, таниш-билиш орттиришдан сақланинг. Дарвозабон хотин блан дўстлашакўрманг.

— Йўқ-йўқ, барина, сра ундай қилмайман!— самимий жавоб берди Анна.

— Ишқилиб, эҳтиёт бўлинг!— деди архитектор хотини.— Соат ҳам етти бўлиб қолибди, ҳали замон барин туриб қолади. Нонга чиқиб келинг-а. Нон дўжони қўшни ҳовлида. Бизнинг уйдан борганингизни айтсангиз, ҳамма нарсани бераверади.

Хўжайканинг эҳтиёткорлиги ҳақиқатан тўғри экан, Анна тез кунда буни яхши билиб олди. Прага ғириллаб айланиб турган шайтон тегирмонига ўхшайди. Бу пойтахтда ҳарқандай одамнинг боши айланиб қолади, бу ерда ҳамма нарса фақат одамларга бахтсизлик келтириш учун хизмат қилади. Мана, масалан, Вацлав майдонига қарасанг, у ерда катта-катта бутилка макетларининг юриб кетаётганини кўрасан, бутилкалар шим кийган, тагида оёқлари бор, шу оёқлар қадам ташлайди, ана тамошаю, беихтиёр пиқиллаб кулиб юборгилар келади!— Шу маҳал бирдан аллақандай йўловчи сени йиқитиб юборай дейди. Тиззагача тушадиган ажойиб корсет¹ кийган, худди жовлидай кўринадиган, ҳашамдор манекенни тамоша қилиб турганингда, тўсатдан қўлингдаги сумкани тушириб юборишади. Ер блан битта бўлган картошкани йўловчидан, йўловчиларнинг оёғи остида териб олишга тўғри келади. Катта кўчада трамвайдан қочиб, четга чиқаман деганингда эса, орқадан ғиз этиб автомобиль келиб қолади, кейин кўрқанингдан қаршингдан келаётган арава-нинг тагида қилиб кетай дейсан. Агар сенга: «Кўр бўлиб қолдингми, аҳмоқ?» деса ҳам майли, бундан бадтарроқ фалокатга йўлиқмаганингга жон дейсан. Хўжайканинг айтгани тўғри: яхшиси, уйда ўтириш керак.

014286 Билан халча қилиш учун ичдан боғланадиган кенг белбоғ.



Шундай яхши хўжайканинг уйида қорин тўқ ва беҳавотир яшаганингдан кейин бирор ёққа боришнинг нима ҳожати ҳам бор. Хўжайинлар нима еса, Анна ҳам деярлик шуни ерди, ишнинг кўлиги уни қўрқитаолмасди, у ўз қишлоғида бундан ҳам оғирроқ юмушларга ўрганиб қолган. Хўжайка қаттиққўллик, лекин кўнгилчан аёл. У жамияти хайрияга а'зо, унинг эшигидан ҳечбир гадой бир шиёла кофе блан бир парча нон ёки сарқит овқат олмасдан кетмайди. Муҳтож одамлар хўжайкани чинакам ташвишга соларди.

— Оҳ, дунёда шу қадар қайғу ҳасрат кўпки, асти қўйинг!— дерди у ҳўрсиниб.— Даҳшатли муҳтожлик шу қадар кўп, шу қадар кўп, жоним Анна! Одамларга ёрдам бериб, муҳтожликни сал-пал камайтиришнинг ўзи ҳам қандай яхши бўлади. Мен ўз давлатимдан шуларга ёрдам бераолганим учун бахтиёрман. Менинг ягона қувончим ҳам шу. Менинг ҳаётдан нақадар оз фойдаланаётганимни ўзингиз кўриб турибсиз. Агар қўлимдан келса, бундан ҳам кўпроқ ёрдам берардим. Балки мени яхшилик блан эслашар, бундан қувончли нарсга йўқ. Энди бизнинг мамлакатимиз мустақил бўлиб олди,— деб қўшиб қўярди у,— уруш яраларини даволаганимиздан кейин турмуш анча енгиллашиб қолса ажаб эмас.

Анна кўзларини ерга тикиб бу гапларни тингларкан, жуда кўнгли бузилиб кетар эди.

Баринга хизмат қилиш жуда осон эди. У ҳар куни тўрт марта даҳлизда кўринар эди. Ўзи барваста, сочи қирдирилган, оқаринқираган соқолини калта қирқтирган ва пиджагининг ёқасига лочин суратли значок тақиб юрарди. Аннага у ҳеч иш буюрмасди, бутун уй-рўзғорни хотини бошқарарди. Рубеш эрталаб барвақт кетиб, кеч-қурун кеч қайтар, фақат тушки овқатдан сўнг уйда бир соат ўтириб газета ўқир, ойимқиз Дадлани бироз эркалатар эди. У қизини яхши кўрарди. Аммо қизини эркалатган пайтларда ҳам доим шошиб турар, худди бу ишларга вақти йўқдай туюларди. Рубеш қизининг елкасидан қучиб, унинг кўзларига тикиларди-да, худди отни эркалагандай елкасига шаппатилаб қўярди.

— Хўш, тойчоғим, ишлар қалай?

У қизига духи, уқа, пайпоқ ва ипаклик мато совға қилар, лекин кўпинча бу совғаларини чарм пальтосининг чўнтагида унутиб қолдирарди. Ба'зан овқатланатуриб,

...удди бирнарсга эсига тушиб қолгандай, қизига ялт этиб
...арирди-да, тўсатдан гапириб юборарди:

Бугун отанг оз-моз пул топди. Сенга нима олиб
берай?

Отажон, яхшиси менга пул берақол.

Отаси бош чайқарди:

Пул сўрама, қизим. Пул — ёмон нарсга, у блан
мўминла қилишни билиш керак. Хўп, берсам берай, ле-
кин оғроқ бераман. Аммо, бир кунмас-бир кун сенга шаҳ-
...ди олиб келаман.

Қорабурул тулки мўйнаси-чи?

У кулимсираб, ма'қул дегандай бош қимирлатиб
қўярди.

Ойимқизга хизмат қилиш хўжайинга хизмат қилишдан
...ўри қийинроқ эди. Айниқса у ички кийим-кечак масала-
...да ўлғудай инжиқ эди. У нарсаларини жуда севар,
...ларини эркалаб, кичрайтириб — кўйлакча, иштонча, ха-
...атча, уқача деб атарди. У, яхши кўрган нарсаларини
...ини олдида туриб бағрига босар, секин силаб-сийлаб,
...удди жонли нарсандай юзларига суларди. Агар нарсга-
...ларини бирон палла-партини тегса ёки бузиб қўйса, жуда
...ақдан чиқиб кетарди. Лекин, ойимқиз унчалик баджаҳл
...масди, кўпинча яхши дасмолланмаган синабандини Ан-
...ани улоқтириб ташларди-да, бир соатдан кейин ўзи
...ошхонага кириб, унга шоколад ёки ширин бодом бериб
кетарди.

— Хоҳлайсанми? — дерди у, Аннанинг мактабдош
дугоналарига ўхшаб. — Лекин ойимга айтма, бўлмаса у,
...ени бузаяпти деб мени айблайди.

Лекин Дадланинг Анна блан жанжаллашмаслигининг
...абан бор эди. Ба'зан кечкурунлари онаси жамияти
...айрив мажлисига кетган пайтларда Дадла амиркон
...ўфли, чиройли шляпалар кийиб, ясаниб-тусаниб ошхо-
...нага кириб қоларди.

Мен бир минутга дугонамникига бориб келаман.
Лекин, сиз ойимга айтмай қўяқолинг, Анна, — дерди у
...еарволик блан. У ойисининг қайтишига ярим соат
...олганда уйга қайтиб, Аннанинг олдига борарди, қора
...ларини ўқрайтириб, унга қарарди-да: — ҳечкимга чурқ
...иб оғиз очманг, Анна! — деб қўярди. У, ўз хонасининг
...ини олдида яна орқасига ўгирилиб: — Мен сизга чирой-
...и кўйлак ҳад'я қиламан, — дерди.

Лекин оймқиз Дадла — Рубешларнинг ёш насли орасида ягонаси эмасди. Квартирадаги хоналардан бирида яқинда кимдир яшаган: Анна Рубешларникига янги келган кезларда ўша хонада ҳали ҳам эркак ҳиди сезилар, тамаки ва сочмой ислари келиб, турарди; тунги столчада бир сиқим папирос кули қолиб кетган, бундан ташқари «Игры и спорт» журнали ҳамда «Ла ви паризьен»нинг бир нумери очилиб ётар эди.

Бу хона ўзининг сирлилиги блан Аннанинг диққатини жалб этарди.

— Барина, манави меҳмонхона ёнидаги уй кимники?— деб сўради у, бир куни хўжайка ошхонадаги столда қуён гўшти ичига чўчқа ёғи тиқаётган чоғида.

Хўжайка Аннага синовчан бир назар ташлади:

— Одобли одам бировга бундай савол бермайди, шу эсингизда бўлсин, Анна. Одобли одам, айтилиши лозим бўлган гапни айтишмагунча кутиб туради... Лекин менинг сиздан яширадиган гапим йўқ. Бу хона ўғлим Честмирники. У ҳозир сафарда... Парижда.

Хўжайка бирдан чир этиб Аннадан юзини ўтирди-да, юмушини ҳам ташлаб, беихтиёр ҳали у, ҳали бу нарсани қўлига олиб, ошхонада безовталиқ блан уёқдан-буёққа юрабошлади. Кейин у деразага тикилиб қаради, халатининг чўнтагидан дастрўмол олиб, бурнини қоқди-да, яна қуён гўшти блан овора бўлиб кетди. Анна қийма турган косадан кўзини узиб қараган эди, хўжайканинг йиғлаётганини кўриб қолди.

Анна жуда қўрқиб кетди. Хўжайка унинг қараб турганини пайқаб қолди.

— Менинг икки ўғлим бор эди, Анна,— деб гап бошлади у.— Уруш вақтида каттасидан айрилдим. Эрим уни кўп машаққатлар блан Венада министрликка ишга жойлаштириб қўйди, мен ҳам уни фронтга юборишмаганига севишиб, худога шукур қилдим,— худо бизга катта марҳамат қилди, деб ўйладим! Ўғлим Венада вафот этди. У аллақачон архитектор бўлган бўларди.— Хўжайканинг юзларидан икки томчи йирик ёш юмалаб тушди. У яна дастрўмолини олди.— Ҳаёт жуда оғир! Сизга яхши, Анна! Мана менинг ақалли бир ҳасратлашадиган одамин ҳам йўқ. Эрим ҳамиша банд, ўз дарди-ҳасратим блан ёшгина қизимнинг та'бини хира қилгим келмайди. Ақалли бир ҳасраткашим ҳам йўқ...— деб такрорлади хўжай-

қалттиқ хўрсиниб йиғлаб юборди. Хўжайканинг қайғуси блан ўз аҳволига худбишларча ачиниш-бир бирига қўшилиб кетиши, чўчка ёғи тикадиган на бир бўлак ёғни ушлаб турган дўмбоққина қўл-хатмаслиги, қуён гўшти устига кўз ёши қуйилиб унга қарамай, бу ҳол Аннани ҳайрон қилиб, раҳми-тигирди.

Ар Анна ҳамма нарсадан хабардор бўлганда, хў-на буидан ҳам кўпроқ ачинган бўларди. Лекин у, архитектор хотинининг фақат Венада вафот этган инини эмас, балки кичик ўғли — Честмирга ҳам аза-чинини билмасди. Бу ёш йигитнинг уч ойгача бир ҳўжир князь қизи Ковалевская блан айш-ишрат пулни пўчоқдай сочганини ҳали Аннага ҳечким иб бермаган эди. Ушанда сарфланган пулга Анна-отаси жўжавурдай жон блан умрбод тўқ яшаши-ни ёди. Ашша Честмирнинг қалбаки вексель блан-шўнчага икки юз минг крондан ортиқ пул олиб, Николаевна блан Германияга кетиб қолгани ва-ниган изкуварлар ҳозир уни ахтариб юрганла-билмасди. Анна, архитектор хотинининг кўз ёш-фақат икки ўғлининг қайғуси эмас, балки кат-тенканинг қисмати ҳам сабаб эканини билмас-жанинг катта қизи Зденка студентлар балида-аил сил студентни яхши кўриб қолади. Отаси-ранишда қизига: «Тегмайсан» деса, қизи отасига-шундай қат'ият блан: «Тегаман» дейди. Кейин ота-бир тарсаки ейди, кўзидан милт этиб ёш чиқармай,-нига эрталаб ўзининг қимматбаҳо нарсалари ва ома-касса дафтарчасини олади-да, жазманининг оиласи-ининининг отаси — Сазавдаги қишлоқи нонвойнинг-га жўнаб кетади.

Зденка балоғатга етган қиз эди, шунинг учун ҳам-сининг э'тиборли дўстлари унга: «Жуда ачинамиз,-юби архитектор, лекин қизингизни зўрлаб қайтариб-ийди»,— дейишди. Рубеш омонат кассадаги пул-ки деб ишотлаб, пулни олишда қизига тўққинлик-моқчи бўлдию, броқ сазавли ишбилармон нонвойлар-бўй меросхўр қизини ҳимоя қилиш ишига маҳаллий-ни ва социалистик халқ партияси намоёндасини жалб-дилар. Архитектор «Голоса Средной Чехии» газетаси-мана шу воқиага бағишлаб мақола босилган бир

сонини олди. Бу мақолани унинг Бенешовдаги қурилиш-ларидан бирида ишловчи ишчилар ҳам ўқишиб, бошқа ҳамма қурилишларга овоза қилиб юборишди. Вацлав майдонидаги 33-нчи уйнинг дарвозабони эса газетадан ўша мақолани йиртиб олиб, шу уйда туручиларнинг ҳаммасига бирма-бир кўрсатиб чиқди. Биз тасвир этаётган, я'ни Анна блан хўжайка суҳбатлашаётган пайтда, Швейцарияда, Давосда Эденканинг эри сил касалидан жон бермоқда, ёшгина хотини эса унинг ёнида эди.

Анна бу воқияларнинг ҳаммасидан кейинчалик хабардор бўлди. Хўжайканинг ҳар куни тонг отарда ўрнидан туриши, тунги столчадан эрининг карманини пайпаслаб топиб, ундан эллик кронлик ёки йигирма кронлик кредитни ўғирлаб, пул кўпайганидан кейин уни умрида бир мартагина ўша балда кўрган куёвининг сўнгги умрини бйроз енгиллаштириш учун Давосга юборишидан ҳам Анна бутунлай беҳабар эди.

Дарҳақиқат Аннанинг хўжайкаси бетоли' бўлди. Ҳатто бирдан-бир қувончи бўлган хайр-аҳсон ҳам ба'зан уни қаноатлантирмас эди.

Мудҳиш бир воқиа Аннанинг ёнида сақланиб қолди.

Бир кун у ошхонада овқат пиширар, хўжайка эса меҳмонхонанинг чанг-чунгларини артар эди. Эшикдаги қўнғироқ жиринглаб қолди, Анна эшик очгани чиқди.

Эшикда юпунгина кийинган бир хотин тугунча кўтариб турган экан.

— Рубешова хоним уйдадилар?— деб сўради хотин титроқ товуш блан.

— Уйдалар! Нима ишнингиз бор?

Нотаниш хотин эшикни итарди-да лип этиб Аннанинг ёнидан даҳлизга кирди. Кейин ҳали у эшикни, ҳали бу эшикни очиб хоналарга қарайбошлади. Анна унинг орқасидан югуриб юарди.

— Хоним, бунақа қилманг, яхши эмас!— деди Анна кўрқа-писа шивирлаб ва унинг енгидан ушлаб олди. Лекин хотин бу вақтда меҳмонхонага етиб борган эди, у хўжайка блан бетма-бет келиб қолди.

— Рубешова хоним сиз бўласизми?

— Сизга нима керак? Нима иш блан келдингиз?— жиддий сўради хўжайка.

— Менга нима кераклигини ҳозир айтаман сизга,— нотаниш хотин ўзини босиб гапиришга уринарди-ю, лекин

унинг жуда ҳаяжонланаётгани кўриниб турарди.— Сиз менга «Чех қалби» дан манави шим блан икки бош қани юборибсиз. Буларни ўзингиз қайтариб олинг!— Унинг тугунни столга қўйди; тугун ечилиб кетган эди, у хўжайиннинг эски шими блан икки бош карамни олиб қолди. Нотаниш хотин бу нарсаларни хўжайкага қайтариб қўйди.

— Мен сизга олинг, садақангиз бошингизда қолсин демоқчиман!— Аёл дарғазаб бўлиб гапирарди.

Хўжайканинг рангги ўчиб кетди.

Бизга сизнинг садақангиз керак эмас, биз ўз ҳақимизни олишни истаймиз!— деб қичқирарди хотин.— Сиз меннинг эримни биласизми? У сизнинг эрингиз ва эрингизнинг отаси қўлида ўттиз беш йил гишт теручи бўлиб ишлаган. Энди бўлса эрингиз уни кўчага улоқтирди, чунки у қариди, куч-қувватдан қолди, оёғига бод келди, қўли бўлиб қолди. Турган гапки, энди уни эксплуатация қилиб бўлмайди! Страхкасса ҳам унга бир тийин тўлаганини Ўша бундан бир ҳафта илгари сургалиб аранг қилишга борса, эрингиз полициячига айтиб, ҳайдаб чиқарибди! Мана меннинг аҳволимни кўриб қўйинг, садақангиз!

Хотин сизнинг шимариб, қотиб кетган қўлларини кўриб, қўлида гишт деган гап йўқ, терию, қуруқ суяк эди.

Бу ҳам сизларнинг қурилишингизда майиб бўлган, шунинг учун менга ойида ўттиз икки крон пенсия тўлагани! Мен қўшимча маблағ топаоламанми? Биз очлик-қорғиниб ўлаяпмиз! Сиз эски шим блан ҳаммасини олиб кетса бўлади, деб ўйлайсизми? Ўз эрингиз блан иш қилишга хўп уста экансизлар-да: у бизнинг уч қават қишлоқни шилиб олади, сиз бўлсангиз яланғоч танамиз-бекитиш учун эски шим юборасиз!

— Бу ерда нима ишингиз бор?— деди хўжайка дудуқчи.— Мен сизни танимайман ва бу нарсаларни сизга берган эмасман. Бу «Чех қалби»нинг совғаси. Нега бу нарсанинг ҳаммасини менга гапирасиз? Бу даҳшатли ҳолатда, тушунаман, лекин буларнинг менга нима қилиши бор?— Архитектор хотини кўз ёшларини зўр-ба-ғийиб турарди.

Менга нима алоқаси бор дейсизми?— бақириб қолди хотин, унинг қотиб, чакак-чакак бўлиб кетган қўлида қизил доғлар пайдо бўлди.— Бўлмаса, шунча қўл анжомлар қаёқдан келди? Бутун квартирангиздан

атр ҳиди келади! Ўғилларингиз фоҳишалар блан айшишрат қилишга қаёқдан пул топишади? Ҳа, буларнинг сизга алоқаси йўқ, албатта!— деб бақирди у заҳарханда қилиб.— Албатта, сизга алоқаси йўқ!— деб яна такрорлади у нафрат блан.— Сиз қандай ўйлайсиз, эрингиз ким учун бизни шилади? Ўзи учунми? Биз уни ўттиз беш йилдан бери таниймиз, хоним; унинг қандай яшаши, қандай кийиниши ва нима еб, нима ичишини ҳам биламиз. Қизларга унча қўп харажат қилмасди, ахир, у қурилишларда ишлаётган хотин-қизларни конторасига обориб турар, бунинг учун уларга соатига бир миридан қўшиб қўярди. У, сиз учун бизни сиқиб сувимизни олаяпти!

Хотин меҳмонхонани кўздан кечирар экан, кўзларидан ўт чақнар эди.

— Эрингиз манавиларни олиш учун шундай қиладди!— диван, кресло, ҳайкалча ва суратларни туртиб кўрсатиб бақирарди хотин.— Мана шуларни олиш учун! Сиз учун қиладди! Сиз учун!— У хўжайка устига бостириб борар, хўжайка эса рангги қув ўчиб, қўрқиб кетганидан қадам-бақадам рояльга томон чекинади.— Бу нарсалар кимнинг меҳнатига келган? Мен ва эримнинг меҳнатига келган! Бизнинг пулимизга келган! Булар чолимнинг қони, булар менинг оқ сутим!— у ўзининг ясси кўкрагига уриб бақирарди.— Мен мана шу кўкракдан сут берганман, сизларни семиртириш учун сутимни ўз ўғилларимдан ўғирлаб сизларга берганман!

— Сиздан ўтинаман...— деди шивирлаб хўжайка.— Лутфан, ўтинаман сиздан... Ростини айтаяпман, бу нарсаларнинг менга дахли йўқ... ахир, мен ҳатто сизни танимайман-ку...

Хотиннинг йўтали тутиб қолди.

Қўрқиб кетган Анна секингина унинг енгидан тортди.

— Хоним, марҳамат қилинг...

— Сиз менга семизлигимни пеш қилмай қўяқолинг,— деди хўжайка,— семизлигим ўзимга азоб, ишонинг. Мен нуқул озишга ҳаракат қиламан, овқатни жуда кам ейман, Аннадан сўранг, у ҳам бу гапимни тасдиқлайди.

Нотаниш хотиннинг йўтали узук-юлуқ истеҳзоли кулгига айланди, кейин тагин қаттиқ йўталга айланиб кетди. Унинг кўкраги гижиллаб, хириллар эди.

Анна ҳамон унинг енгидан тортарди:

Хошим, марҳамат қилинг...

Хўп, яхши қиз,— деди ҳорғин товуш блан аёл.—
Унинг хўжайканг аҳмоқ! Мен унга айтаётган гаплар-
нинг бирор сўзини ҳам тушунмади. У ҳақиқатан ҳам ўзи-
нинг айбсиз эканига ишонади... Ахир, у киши семизлик-
ни қутилиш учун Карловие Варида даволанадилар-ку.
Анна у киши кўнгилчанлар ҳам! Эри блан иккаласи вази-
рани усталлик блан бўлашиб олишган!

У стол олдига келиб шим блан карам ўроғлиқ
ўмолчани тортиб олди. Шим столда қолди, икки бош
арам юмшоқ гиламга юмалаб тушди.

Хотин эшикка томон йўналди. Эшик олдига боргач,
пирилди-да, мушт ўхталди: бирдан овози ҳам жаранглаб
кетди.

— Уғлимиз ўн беш ёшга кирди. Вақти келиб у, биз
чун қасос олади!

— Хоним, сиздан ўтинаман!— ялинди Анна.

Броқ ғиштчининг силласи қуриган хотинига ялиниш-
нинг ҳождати йўқ эди. Анна унинг кетидан эшикни ёпиб,
ишкани шим блан карамларни олиб чиқиш учун, қайтиб
тоҳмонхонага кирди. Хўжайка худди бурчакдаги диван
нинг қўйилган ганч ҳайкалча сингари оқариб уй ўртаси-
да турар ва қимир этмай тўғрисида тикилиб қолган эди.
Унинг бу қарашида афсусланиш, ранжиш, андиша ва
иққоний ғазаб аломатлари акс этарди.

Анна ўчоқбошига кириб кетди. Унинг ҳам рангги ўчиб
кетган бўлиб, а'зои-бадани титрар, қўли ишга бормасди;
ишкани тўлиб кетган эди. Хўжайкани бекорга ранжитди!
Бегона хотин учун Анна уялиб кетди. Аммо у хотинга ҳам
Анна қаттиқ гапираолмаган бўларди. Ахир, Анна ғиштчи
силласининг аҳволини билади, у ишламаган чоғда баққол
масияга лоақал бир кап оқшоқ ҳам бермайди. Аммо,
тўғрида қаншоқлик, майиб ғиштчилар ва уларнинг умид-
сизликка тушган хотинлари борлигига хўжайка айбдор-
ми? Буларнинг ҳаммаси нақадар оғир! Прага деб аталган
бу Вавилонда яшаш нақадар мушкул! Уларнинг уйида,
Аннанинг туғилган қишлоғида турмуш анча яхши, анча
сўнгил эди.

Даҳлиздаги эшик қулфи шиқирлаб очилиб ёпилди-да,
ойимқиз Дадла ошхонага кирди. У инглиз тили дарсидан
қайтган эди.

— Ойим қани?

— Меҳмонхонадалар, ойимқиз, — қўрқа-писа жавоб берди Анна.

Дадла меҳмонхонага кирди. Онасидан ҳеч гап ололмаганидан кейин Дадла яна ошхонага қайтди.

— Яна бир бало бўлдими? — хитоб қилди у.

— Эй, худойимей, ойимқиз. . . — деди Анна, бошини ушлаб. Шу онда тилга кириб, бўлган воқияни Дадлага айтиб берди.

Ойимқиз меҳмонхонага югурди.

— Тупур ўша аҳмоқона хайр-эҳсонингга! — деб бақирарди Дадла. — Сенга неча марта айтдим! Ундан нима фойда чиқади? Нуқул хафагарчилигу, ношукурлик! Нега у хотинни ҳайдаб юбормадиларинг? Нега полицияни чақирмадиларинг? Ҳозир отамга телефон қиламан, уни қаматиб қўйсин. Отамни топиш мумкин, у хотин ким экан ўзи! Тузукроқ оқ соч ёллагин деб мен сенга юз марта айтганман! Бу қишлоқи бузоқ Аннадан нима кутиб бўларди! Худди баққолга ўхшаймиз, квартирамиз каптархона бўлиб қолган, қаёқдаги ёшишчи хотинлар ҳам меҳмонхонага бош суқаверади. Сенинг мана шу бемаза одамшавандалигинг шу аҳволга олиб келди! Оқсочга тўланадиган пулни тежашга уринишинг шу аҳволга туширди.

Дадла эшикни шу қадар қарсиллатиб ёпдики, девор сувоқлари кўчиб тушди, Дадла отасининг кабинетига кириб, унга телефон қилди, кейин ўзининг пуштиранг будуарига кириб, унинг эшигини ҳам қарс этиб ёпти.

— Мана, кўрдингизми, Анна, менинг қилган яхшилигим, хўжайиннинг иш блан та'минлагани учун ана шундай миннатдорчилик билдиришади-я, — деди эртасига хўжайка, овқат пиширишаётган пайтда. Хўжайка алам блан гапирарди. — У хотин бутунлай ёлғон гапирди. Агар эрим бирор даромад қилаётган бўлса, уларнинг меҳнатидан эмас — уларнинг меҳнати турган-битгани зарар! — Эрим давлат маблагидан даромад қилади.

Анна индамади.

— Сиз Дворжакова блан пичиллашмайсизми?

— Йўқ, бекам.

— Тўртинчи қаватдаги Маржена блан-чи?

— У блан ҳам, бекам.

Дворжакова дарвозабон, Маржена эса бир қават шовқинидаги квартирада оқсоч бўлиб ишларди. Анна уни дўконда ва дўконда бирнеча марта кўрган эди: Маржена шўх ва эпчил қиз. Нон дўконда у бошқа хизматкор хотинлар билан ҳазиллашгани ҳазиллашган: фартукларнинг ёнчилигини бир-бирига боғлаб, билдирмасдан бўйинларига оғир чўп теккизиб қўярди; қизлар бирдан уёқ-бўёққа қўнғилаб, бўйинларини қашиб қолишарди, буни кўриб, дўкондаги ҳамма одамлар кулиб юборарди. Ҳақиқатда, Анна Марженани жуда кам кўрган, аммо овозини кўп эшитган эди, чунки эрталаб иккаласи ҳам деразаларни очиб, ўз квартираларини супуриб-сидиришарди. Одатда, Маржена юмуш қилатуриб қўшиқ айтарди. Унинг «Қоплонлар», «Дуб барги» ва «Либен кўприги» деган қўшиқлари бутун ҳовлига эшитиларди. Маржена қўшиғини ҳамма уйдагилар эшитадиган қилиб айтар, чамаси, у ўз қўшиқларини томма-том охиб, бутун Вацлав майдонини бутун Прага бўйлаб янграшини истарди. Анна парда орқасига яшириниб, Марженанинг қўшиқларини тингларди. Анна қўшиқ эшитганида қувониб, жилмайиб қўярди. Маржена «Либен кўприги» қўшиғини айтганда, ҳатто унга жўр ҳам бўларди. Маржена зинадан юрганда ҳамини уч зинани бир қадам қиларди, мабодо, биров билан таллашаётган бўлса, унинг кулгиси бутун йўлакни тутиб кетарди.

— Бу тагин ўша тўртинчи қаватдаги бебош,— деб қўярди хўжайка, Маржена уларнинг эшиги олтидан биринчи бўлиб ўтиб кетган пайтда. Дарвозабон Дворжакова эса шовқин-суронни эшитиши билан ўз каталагидан югура чиқиб:

— Яна бу қанақа шовқин?— деб қўярди.

Лекин, Марженани кўргандан кейин юмшаб қолар ва хўжа кўрсинга дўқ қилган бўларди:

— Э сен пирпиракни қараю! Манави чипта супурги билан бир тушираман!

У ҳазиллашиб чипта супурги билан қизни бир-икки уриб қўярди. Маржена эса, чинқириб, биқинини ушларди-да, хахолаганча кўчага қочиб кетарди.

Бир куни эрталаб Анна майда-чуйда нарсга харид қилганини чиқаётиб, зинапояда Маржена билан тўқнаш келиб қолди. Маржена унга яқин келдида, очиқ юз билан жилмайиб гап бошлади:

— Ҳай сариқ қиз, қанақасан ўзинг, ҳамиша уйда кампиринг блан уймалашганинг уймалашган? Юр, ундан кўра қаллиқ топиб, сайр қилиб келамиз!

Анна қипқизариб ерга қаради. Маржена кулиб юборди.

— Анави сизнинг бойваччангизни ҳали топишгани йўқми?— деб сўради у.— У жуда олифта йигит, ҳа!.. Нехлебова келиб додини берганида, кампиринг нима деди? Кекса Нехлебованинг кимлигини билмайсанми? У ўша шим блан карам кўтариб келган хотин-да. Нега кўзингни бақрайтирасан? Дворжакова иккаламизга бу ишларнинг ипидан игнасигача ма'лум, жонгинам!

Анна ўзини ўт устида тургандай ҳис этди. Маржена кулган сари, Анна бадтар қизарарди.

Маржена жавоб ҳам кутмай зинадан ғизиллаб тушиб кетди. Пастга тушгач, тўхтаб Аннага кулиб қаради. Анна эса қимир этмай турарди.

— Сен ҳали жуда ғўрга ўхшайсан!— деди Маржена хахолаб.

Анна ҳали ҳечким блан учрашгани ҳам, гаплашгани ҳам йўқ эди. Анна кечки овқатга бир литр қора пиво олиб келиш учун Шенфлок пивохонасига борганида, одамлар унга: «Хўп чиройли сочингиз бор-да, яхши қиз!»— деб қўйишарди. Броқ Анна кўзини ерга тикиб, ҳарқандай ҳазил-ҳузил гапларга ва саволларга мутлақо жавоб бермасди. Оқ курткали буфетчи унинг қўлидан пиво кружкасини олатуриб «Ол-ла, намунча калон думоғ-а!» деб куларди. Борди-ю, эшик олдида бирорта йигит у блан танишмоқчи бўлиб: «Бунча шоммасангиз, яхши қиз?» деб гап отгундай бўлса, Анна бошини елкаси орасига олиб, шундай югурардики, кружка чайқалиб, этакларига пиво кўпиклари сачраб кетарди. Бирор нарса харид қилиш керак бўлмаса, Анна ҳечқаёққа чиқмасди. Чиқишининг нима кераги бор? Эрталаб соат олтидан кеч тўққизгача, ба'зан эса ўнгача ишлагандан кейин ўзининг ҳам тезроқ ўринга кириб ётгиси келиб қолар, то эрталаб барвақт хўжайка хўжра эшигини очиб, жаранглама товуш блан: «Анна!» деб чақиргунча тўйиб ухлаб олишни истарди. Эшикни тақиллатиш ёки эшикнинг орқасида туриб чақириш ҳам бефойда эди, ба'зида ҳатто уни елкасидан туртиб: «Ҳай Анна, вақт бўлди, туринг, эшитаяп-сизми!» деб уйғотишга тўғри келарди.

Яқшанба кунлари тушки овқатдан кейин хўжайка

Ўқиниш учун Аннага китоблар берарди. Бу китоблар гусчилар¹ уруши ҳақида қиссалар, қадимги чех ривоятлари, шунингдек, Шерлок Холмс, Леон Клифтон ва Ник Картерлар ҳақида ёзилган ҳикоялардан иборат бўларди. Анна иккуворлар ҳақида ёзилган қиссаларни ўқигандан кейин, алавақтгача ухлайолмас ва кўча эшик яхши қулфланганимикин деб, бирнеча марта ўрнидан туриб қараб келарди. Хўжайинлар кутубхонасида яна бир ажойиб китоб бор эди, бу баҳор, кўл тепасидаги тўлин ой ва қалбнинг ширин орзиқиши тўғрисида ёзилган шеърлар тўплами эди. Бу шеърлар Аннанинг ёдида, ўз қишлоғидаги ялпиз ўсиб турган увотлар, бешта синглиси яшаётган ямоқ-яскоқ томли уйчаси ҳақидаги хотираларини жонлантирар эди. Анна хўжайинга сигара олиб келиш учун борадиган тамаки дўконидан кўлда қуёш ботишини тасвирлаган откриткалар сотиб оларди. Буларда қуёш гўё ҳақиқий ситиндай ярқирарди. Анна ана шу откриткаларга китобдаги шеърлардан тўрт сатирини кўчириб, сингиллари ва қишлоқи дугоналарига юборарди. Анна қишлоғидагиларга ўзи ҳақида хабар бериб, бироз мақтаниб қўйишни истар эди.

Ойимқиз Дадлада ҳам китоблар бор эди. Дадла ўз китобларини комоддаги ички кийимлар тагига яшириб қўярди.

— Қўйсангиз-чи, ўша ёш болаларнинг эртакларини, Анна,— деди бир кун Дадла.— Мен сизга дурустроқ нарсалар бераман. Фақат ойимга миқ этиб оғиз очманг, ойим уйда йўқлигида ўқинг!

Дадланинг китоблари хўжайка берадиган китобларга сра ўхшамасди: у китобларда барно йигитлар ва ярим яланғоч хонимларнинг суратлари кўп эди. Анна бунақангги китобларни дастлаб варақлаганида қипқизариб кетди. Лекин у, китобларни ўқий бошлагач, гусчилар уруши ёки иккуворларнинг саргузаштларини тасвирловчи китобларга нисбатан буларнинг анча мароқли эканига ишонди. Бу романларни ўқишдан баъзан Аннанинг боши айланиб кетарди. У бўғриқиб кетган юзларини силаб, ўрнидан турарди-да, ошхонада уёқ-буёққа юриб, ҳавони тозалаш

¹ 1419—1434 йилларда Чехияда феодализм ва католик мазҳаби-га қарши миллий озодлик курашининг иштирокчилари. Ян Гус (1369—1415) шу курашнинг илҳомчиси.

учун деразаларни очиб қўярди. Китоблардан бирида чиройли сурат бор эди: бунда башанг кийинган жаноб бир хонимни қучоқлаб турарди. Суратдаги эркак — пўлат королининг ўғли, хоним эса — кексайиб қолган герцогнинг хотини эди. Хонимнинг эғнида битта ич кўйлагу, тўр лозими бор эди, чап елка боғичи тушиб кетгани учун сийнаси кўриниб турарди. Сурат остига: «Джонинг хонимни мардона бағрига босиб «Севаман сени, севаман!» — деб фар'ёд чекиши» деган сўзлар ёзиб қўйилган эди.

Анна ҳадеб бу суратга узоқ-узоқ тикиларди. Унинг кўк кўзларида хаёлчанлик аломатлари пайдо бўлабошлади. Бирор одам Аннани ҳам мардона бағрига босармикан, у ҳам «Севаман сени, севаман!» деган ноаларни эшитармикан?

Анна ошхона столи блан идиш-товоқ ювиладиган раковина ўртасидаги табуреткада, пастгина осилиб турган лампочка тагида хаёлчанлик блан тикилиб ўтирарди. Китобдаги сурат нима бландир Аннага сочмой ва тамаки иси келиб турадиган сирли ёш баринни эслатди. Ёш барин келармикан? Дяко келармикан? Анна уни севиб қолганга ўхшарди.

У келиб қолди. Наҳотки, бу туш бўлмаса, наҳотки, у чиндан ҳам келиб эшик звоногини чалаётган бўлса? Анна уни дарров таниди-ю, юраги дукиллаб уриб кетди. Аннанинг қаршисида, йўлакка тўшалган гиламда кулранг пальто, юмшоққина шляпа, америкача қўлқоп ва модали ботинка кийган ёш йигит турарди. Бу юзлари ғалати бўлиб оқариб кетган, толиққан чуқур кўзларининг ости кўкиш кўринган гўзал ёш йигит эди. Эшикда иккита кекса жаноб эҳтиром блан қимир этмай туришарди.

— Ойим уйдаими? Мен Честмир Рубеш бўламан. Сиз бизнинг янги хизматчимизмисиз?

Унинг товуши қат'ий ва равон эди.

— Уйда ҳечким йўқ. Бекам ойимқиз блан бирга шаҳарга чиқиб кетишди. — деди дудуқланиб Анна.

— Bitte¹, — деди Честмир, ҳамроҳларига ўгирилиб ва дадил юриб ўз хонасига ўтди. Унинг кетидан ҳамроҳлари ҳам киришди.

— Онам қайтганида, — деди у Аннага ҳатто қия ҳам боқмай, — менинг келганимни айтинг.

¹ Bitte — Марҳамат (немисча).

У ўз хонасига кириб кетди.

Анна даҳлизда туриб қолди. Честмирнинг келиб қолиши худди му'жизага ўхшарди. Уйга бирдан гўё порлаб келган булут парчаси тушган эди. Анна, ёш барин босиб келган қизил гилам поёндозга боқар экан, унга, худди поёндозда заррин ип ётгандай ва бу ип унинг хонасида қулф тешигига тортилаётгандай туюларди.

Ошхонада ювуқсиз идиш-оёқлар ёғ босган иссиқ сувага солиб қўйилган эди. Қиз идиш-оёқларни ювишга кирилади. У уйда ўзи ёлғиз қолган ярим соат мобайнида ришон бўлиб, ёш бариннинг эшиги очилиб қолмасмики, у чиқиб бирор иш буюрмасмикин деб бирнеча бор даҳлизга чиқиб қаради. Яна ҳар сафар чиққанда унинг қонини дукиллаб кетарди.

Қулф шиқирлаб харид қилинган майда-чуйдалар солинган пакетларни кўтаришдан қийналиб кетган Дадла кириб келди. Анна унинг ёрдамига шошилди.

— Ойимқиз, ёш барин келди!— деди шивирлаб Анна.

— Қанақа ёш барин?

— Честмир жаноблари.

Дадла ғалати қилиб кўзини сузди-да, тескари қараб даҳлиздамай ўзининг пуштиранг хонасига кириб кетди. Бир-ича минутдан сўнг архитектор хотини келди.

— Бекам, Честмир жаноблари келдилар,— қувонч билан хабар берди Анна.

— Қани у, қани?— хитоб қилди хўжайка, унинг кўзларини чақнаб, сўлгин чехраси ёшариб, бетига югурган қизиллик ҳатто чиройли ҳам бўлиб кетди.

— Ўз хонасида, бекам. У киши блан бирга аллақандай жаноблар ҳам бор.

Хўжайка пакетларни Аннанинг қўлига берасолиб, ўғлининг хонасига югурди. У эшик дастасидан тортди, лекин эшик ёпиқ экан. Она тақиллатди.

— Мирек, Мирочка, очақол! Мен ойингман!

Унинг ювуши ёшлардай, худди ма'шуқалар товуши-дай жарангларди.

Эшик очилиши блан хўжайка ўғлининг кучоғига кириб кетди.

— Мирочка!— деб қичқирди у қувонч блан.

Бир минутчадан сўнг ошхона олдидан Дадла ўтди, у аллақачон қайта кийиниб, сочларини тараб олишга улгурган эди. У ҳам акасининг эшигини тақиллатди.

— Эй, Мирек, оч, эски майшатпараст!— деб хитоб қилди у сохта қувноқлик блан.

Дадла хонага киргач, акаси блан фақат сўрашдию, отасига телефон қилиш учун тўғри кабинетга ўтди.

Хўжайка ошхонага югуриб кирди. Одатда, у жуда оҳиста ҳамда виқор блан қадам ташларди, ҳозир бўлса, худди ёш қизчалардай уёқдан-буёққа пилдираб юрарди.

— Анна, ахир, у ҳали туз тотгани йўқ-а!— деди у шивирлаб; афтидан, бу ҳол уни қаттиқ ташвишга солган эди.— У эрталабдан бери йўлда экан! Тезроқ, Анна, барака топинг, тезроқ бўлинг! Ахир, у кечки овқат пишишини кутиб ўтираолмайди-ку! Ғизиллаб қассобга боринг, уч дона чалароқ қовурилган бифштекс олинг, ҳа, айтгандай, Чадилнинг магазинига кириб, бир дона омар¹ олинг,— Честмир омарни яхши кўради. Кейин майонез² ҳам олинг. Бир бутилка вино олинг,— ёш барин пиво ичмайди. Чадил магазинидагилар қанақа вино кераклигини билишади. Лекин, барака топинг, тезроқ қимирланг, оёқингизни қўлингизга олинг. Майонез солишга кўвача олинг.

Анна ғизиллаб чиқиб кетди.

Анна харид қилган нарсаларини кўтариб халлослаб келган пайтда, хўжайка товада ёр қизитиб, картошка қовирар ва пиёз тўғраб турарди.

— Келдингизми, Анна. Энди бориб ёш хўжайин хонасидаги столни ясатинг. Учта прибор! Ҳа айтмоқчи, югуриб бориб анави жанобларга пиво олиб келинг.

— Хўп бўлади, бекам!— деди Анна қипқизариб. Қиз, юраги дукиллаб, Честмирнинг эшигига борди-да, эшик дастасини ушлаши блан оёқлари қалтираб кетганини пайқайди.

Уйда равшан чироқ ёнар, ҳаммаёқни папирос тутуни босиб кетган эди. Ёш барин диванда шифтга боқиб, ёнбошидаги, чекиб ташланган папирослар блан тўлиб кетган хитой кулдонга чекаётган папиросининг кулини чертиб ётар эди. У уйда кийиладиган ипакли қора куртка ва энгилгина туфли кийиб олган эди, Честмир уйга кирган

¹ Омар — денгиз қисқичбақаси.

² Майонез — тухум сариғи, горчица, зайтун мойи, сирка ва зирвар қўшиб тайёрланган қайла.

Аннага эътибор бермади. Унинг ҳамроҳларидан бири стол-
да китоб ўқиб ўтирарди. Иккинчиси эса, шкаф олдида
туриб, Аннага сурбетларча тикиларди.

Анна столни ясатар экан, ёш бариндан кўз узмасди.
«Баббий, у, мунча чиройли-а! Унинг чехраси нақадар
қонсиз, нақадар ғамгин! Анна унинг ҳеч бўлмаса бир
қиё боқишини истар эди. Анна титраб кетди. Лекин ёш
барин шифтдан кўз узмасди, қора кўзларида шу қадар
ғам-ғусса бор эдики, бундан унинг хаёли узоқларда юр-
гани, кўзига аллақандай ғамгин ва гўзал нарсалар кўри-
шадигани дарҳол англашиларди.

Анна тарелкаларни, кумуш прибор ва салфеткаларни
стол устига териб қўяр экан; «Менга қиё боқадими ёки
йўқми? Бордию, қиё боқса нима бўлади?» деб ўйлар эди:
Броқ ёш барин қиё боқмади. Шкаф ёнида турган ажна-
бийгина Аннадан ҳеч кўз узмасди. Анна унинг бадқовоқ
ва бадбашара киши эканини пайқаб олди.

Кейин уйга хўжайка кирди.

Хўжайин ҳаммани мунтазир қилиб, ҳар кунгидан эр-
тароқ бўлса ҳам, ҳарҳолда кечқурун келди. Келдию, тўн-
ган кабинетига ўтиб кетди. Бир минутдан сўнг Аннани ча-
қириб звонок чалди.

— Бекач қани?

— Жаноби Честмирнинг ҳузурларида.

— Ойимқизчи?

— Ўз хоналарида.

— Уни чақиринг.

Хўжайин ҳар кунгидай жиддий эди.

Ойимқиз Дадла отасининг кабинетига кирди, улар
анча вақтгача гаплашиб ўтиришди. Кейин ойимқиз каби-
нетдан чиқиб, Честмирнинг эшигини тикиллатди-да не-
мислардан бирини чақириб, отасининг кабинетига бош-
лаб кирди. Кейин ойимқиз ўзининг пуштиранг хонасига
кириб, духоба айиқчасини столга ўтқизди, унинг бўйнига
пуштиранг лента тақиш блан шуғулланди, бу эрмакка
жуда зўр диққат блан киришган эди.

Хўжайин немис блан узоқ суҳбатлашди. Суҳбат тамом
бўлгандан кейин, немис ўртоғини даҳлизга чақирди, улар
бирнимани узоқ маслаҳатлашишди, кейин улардан бири
пальтосини кийиб, қалпоғини бостирди-да, чиқиб кетди,
иккинчиси эса, Честмирнинг уйига қайтиб кирди.

Кечки овқат хафалик ва жимжитлик блан ўтди. Ов-

қатни овқатхонада ейишди; стол атрофида фақат Дадла блан ота-онасигина ўтиришарди. Хўжайка янада қизариб, аввалгидан ҳам бўртиб кетган, лекин кўзидаги қувонч аломати аллақачон сўнган эди: эри олдида ўз қувончини яшириши лозим эди.

Кечки овқатдан сўнг Анна Честмирга жой тайёрлаб берди, немисларга эса диванга жой солди. Хўжайка тагин ўғлининг уйига кириб олган эди. У стол ёнида семиз қўлларини Честмирнинг нозик, чиройли қўллари устига қўйиб ўтирар ва ўғлининг кўзига меҳр блан термулар эди. Анна кириши блан улар гапни тўхтатиб, анча вақтгача жим ўтиришди — Аннанинг олдида гаплашишни иштамади, шекилли. Немис уларнинг ёнида китоб ўқиб ўтирар, у чех тилига тушунмас, шунинг учун ҳам ҳечнарсанга эътибор ҳам бермасди. Она блан бола ҳам унга эътибор беришмасди. Анна уни жуда ёмон кўриб қолди: бу ерда унга нима керак? Ўзининг ортиқчалигини ўзи ҳам сезиб турибди-ку. Иккинчи немис меҳмонхонада тунагани кетган бўлса керак.

Анна идиш-оёқларни ювиб қўйди-да, ётоғига кетди. Брок унинг ҳеч уйқуси келмади. Ёш баринга бирор хавфхатар таҳдид қилмоқда, уйда аллақандай англаб бўлмайдиган бир сир бор, ёш баринга ёрдам бериш керак. Анна бўлсачи, бу ерда, ҳужрачада уни кўролмай шифтга термулиб ётипти. Хоҳ бу ерда, хоҳ ўз уйида бирор иш қилиш лозим бўлганида, Анна ҳаминша тайёр эди. «Фалон ишни қил!» — дейишса, бас, у албатта шу ишни қиларди. Брок ҳозир ундан ҳечким ёрдам сўраётгани йўқ. Бу ерда нима гап бўлаяпти? Нега хўжайинлар ётоқхонасида чироқ ўчмайди? Кечаси Анна бирнеча марта туриб, ҳужрачасининг эшигини очиб қаради. Лекин Анна ҳарсафар эшикни очганида, ётоқхонада чироқ ёниб турганини кўрарди; чироқ шу'ласи қулф тешигидан ўтиб, даҳлиз деворига тангадай ёруғ ташлаб турарди. Бу шу'ла оқонли, лекин бутун уй ичи сингари жимжит ва тинч, бу ҳол яхшилик аломати эмасди. Ёш баринга ёрдам бериш керак! Ҳа, Аннанинг сингиллари касал бўлиб қолган пайтларда уларнинг уйида ҳам туни блан керосин чироқ ёниб чиқар, Анна эса иситмалаб турган боланинг пешонасига латта ҳўллаб босарди. Ҳозир ёш баринга ҳам худди шундай ёрдам бериш керак. Бугун Анна унга ёрдам беролмайди. Нима учун? Ёш бариннинг кўзларида ғам-ғусса

тўла. Анна мана шу кўзларни ўйлар экан, ўпкаси тўлиб кетарди, чунки у ёш баринни севиб қолган эди.

Эрталаб Анна эшикнинг ғийқ этганини эшитганида, прғиб ўрнидан турди. Ё раббий, бугун хўжайка бутунлай ўзгариб кетипти-я, ранглари синиқиб, ҳорғин кўзлари қизарган, нурлари сўниб қолган эди!

— Водичков кўчасидаги Бергнинг кондитер магазинига бориб, бодомли печенье олиб келинг,— деб буйруқ берди у, Аннага қайрилиб ҳам қарамай.

Анна чиқиб кетди. Пастда, кўча эшикда, дарвозабоннинг ҳужраси олдида Дворжакова блан Маржена туришган эди; Марженанинг қўлида майда-чуйда олиб келадиган сумка. Маржена Аннани кўриши блан югуриб унинг олдида борди,— чамаси, у ўзининг янги танишини кутиб турган эди.

— Мирекларингиз қайтиб келдимиз?— деб сўради у лабдурустдан.

— Ҳа,— деб пичирлади. Анна.

— Анави иккитаси-чи, улар Берлин изқуворларими?

Анна кифтини қисиб қўйди. Шу пайтда Шерлок Холмс, Пик Қартер ва Леон Клифтонлар Аннанинг эсига тушиб кетди.

— Ҳа, албатта, изқуворлар-да!— деди Маржена.— Ашаддий исковучлиги кўриниб турипти.

— Изқуворларми?— шивирлади Анна.

— Уни тўрт ойдан бери излашиб юришганидан хабаринг йўқми?

— Йўқ.

— Мирек сизларнинг чолингиздан икки юз минг пулин дундириб кетганини ҳам билмайсанми?

— Йўқ.

— Ғыоиты!— деб ҳуштак чалиб юборди Маржена.— Сен ҳеч балони билмас экансан-ку, вой ландовурей!— айтчи, кеча сизларникида нима гап бўлди?

Анна ўзининг кўрган-билганларини гапириб бергани. Маржена ҳадеб савол бериб унинг сўзини бўлиб тур. Маржена ҳамма воқияни батафсил билиб олишнинг эрдди.

Ҳм, ҳа,— деди у правардида.— Ҳали шундай де-ди! Шундай қилиб, ёш Рубешлар тўғрисида чиндан ҳечнарсга билмайсанми? Улар ҳақида бутун Прагада бўлди-ю, газеталарга ҳам ёзишди,— фақат сен беҳа-

бар экансан! Эҳ, бу Мирек блан Ферда жуда олғир бола-лар эди-да, бутун Прагани агдар-тўнтар қилишга қурби етарди! Мирек ўн олти ёшидаёқ шу ерда, Виноградида биттасини ҳомиладор қилиб қўйган. Иккала ўғил отаси-нинг пулларини роса совуришди. Оҳ, бу Честмир роса хотинбоз эди-да! Бир куни у, шу ерда зинапояда мендан ҳам бир тарсаки еган.—Маржена кулиб юборди.—Юр, сени нарироққача кузатиб қўяман.

Анна худди уйқусирагандай борар, Маржена эса, янги сенсациядан қаттиқ та'сирланган эди.

— Бизнинг уйимиз сенинг хўжайканга қарайди. Ило-жи бўлган чоғда ижара ҳақини олиб турарди, кейин ар-хитектор бундан хабардор бўлиб қолди-да, роса жанжал кўтарди. Шу блан Мирекнинг маишатпарастлиги барҳам топди. Фердага-ку, Венада хўп мазайди, унга уйдан пул юбориб туришар ва у ерда офицерлар блан роса айши-ишрат қилиб юрарди. Мирек бўлса қарзга ботиб қолди. Ўша вақтда у бир рус князь қизига хуштор бўлиб қолган эди. Э, биз уларни биламиз, уларнинг ҳаммаси ўзлари-ни князь қизи қилиб кўрсатишади. Бир куни улар Лион савдо уйи олдида машинадан тушишаётганларида, мен у княжнани кўрганман. Афти-башарасига роса упа чапи-лаган экан. Оҳ, Мирек унга роса пул сарфлади-да! Она-сида уч пул ҳам қолмаганидан кейин вексельга отасининг имвосини ясаб, икки юз минг пулни олди-да, жуптагини ростлаб қолди. Кейин чолингиз «Кўз» деган хусусий бир қидирув шу'басига мурожаат қилган эди, Честмирнинг княжна блан Германияга жўнаб кетганлиги ма'лум бўлди. Сўнгра отаси уни Берлиндан қидиртирабошлади.

Қизлар Водичков кўчасидаги кондитер магазинига етиб боришди-да, эшик олдида тўхташди.

— Демак, уни қамашганими?— деб сўради Анна чўчиб.

— Йўғе!— деди Маржена.— Хусусий қидиручилар қа-майолармиди? Қамаш ҳуқуқи фақат полицияга берилган.

— Бўлмаса, нега уйга улар блан бирга келипти?

— Ие, сен ҳали нима учун келганини сўраяпсанми? Мен қаёқдан билай? У ўз княжнаси блан ухлаб ётганида, эрталаб уйига бориб: «Яхши йигит, қани биз блан Прага-га марҳамат қилинг, бўлмаса дадангизнинг икки юз минггини уриб кетганингизни шу ердаги полицияга ма'лум қиламиз» дейишган бўлса керак. Хўп демай иложи қанча?

— Княжна нима бўлди?

— Ол-ла, бошқа ғаминг йўқ дейман!— Марженанинг жаҳли чиқиб кетди.— Роса йиғлаган бўлса керак, чунки бобилиски пуллар қўлдан кетади, яна бирор қовоқхонага ишга киришга тўғри келади.

Аннанинг юраги гупиллаб уриб кетди.

— Энди нима бўларкин-а, Марженка?

— Мени Марженка дема, менинг отим Маня. Энди нима бўларди? Оҳ, жонгинамей,— деди чўзиб Маня.— Ташвиш ортти-да! Уни қамашмайдику-я... Тўхтаб тур-чи, энди нима бўлишини тахминан биламан,— у қошларини чимириб, сирли товуш блан шивирлади:— Мирекни Америкага жўнатишади! Бойларнинг болалари саёқ бўлиб кетса, ҳамиша шунақа қилишади. Изқуворлар ҳалиям сизларникидами? Бўпти-да, мен аминманки, Мирекни Америкага жўнатишади! Бу иккаласи уни Гамбургга олиб боришади, билет олиб беришади, пароходга ўтқизишади, бўлди — ана энди худо ёр бўлсин, ўғилча, Америкага салом айт-да, ўз кунингни ўзинг кўравер! дейишади. Анна, худди менинг айтганимдай бўлади!

Анна йўлкада бир нуқтага тикилиб турар ва ўткинчиларнинг туртиб кетишаётганини ҳам пайқамасди.

— Сен Мирекка пирожний олгани кетаяпсанми? Хўп, борақол, энди, борақол, лаңдавур, бўлмаса, ҳали кампининг ақиллаб юради. Менга ҳам вақт бўлди. Яхши бор! Ўртага сени яна эшик олдида кутиб тураман.

Анна бодомли печенье олди-да ғизиллаб уйга жўнади. Хўжайин ҳали уйда экан, овқатхонада унга нонушта берди, кейин Честмирнинг уйига икки пиёла кофе блан печенье олиб кирди.

Ёш хўжайин ҳали ўрнидан тургани йўқ эди. Стулда изқувор ўтирипти. Бу анави кеча китоб ўқиб ўтириб шу ерда ётиб қолган изқувор эмас, бошқаси, кеча шкаф олдида қаққайиб шилқимлиж блан Аннага тикилгани эди. Честмир йўл-йўл шохидан пижама кийиб, ўрнида папирус чекиб ётар эди. У кўркем йигит эди. Бугун ҳам худди кечагидай ғамгинлик блан шифтга тикилиб олди.

Анна нонуштани тунги столга қўйди-да, ёш баринга навар ташлади. «У, ўзининг княжнасини, рус княжнани кўраётган бўлса керак,— деб ўйлади Анна унга ачиниб.— Чекиң нега уни севишга йўл қўйишмайди, нега княжна олдида юборишмайди? Ота-оналари шунчалик давлатманд

одамлар, унга бемалол рухсат беришлари мумкин эди. Шунда ҳамма иш жойида бўларди! Бечора ёш барин!»

Шу пайтда Честмир Аннага қараб қолди. Унинг шаҳло кўзлари бир нафас Аннанинг малла сочларига тикилиб, туриб, кейин кўкраклари устида югурди. Йигитнинг лабларида сезилар-сезилмас табассумга ўхшаш нарса кўрилгандай бўлди.

Аннанинг юраги шиғиллаб кетди, қон миясига уриб, эти жимирлашиб кетди. Ёш барин Аннага жилмайиб қўйди. Анна унинг олдига бориб, қўлини сиқиб: «Айтинг, руҳингизни кўтариш учун нима қилиш керак? Оҳ, айтинг, айтақолсангиз-чи, нимани истасангиз, шуни қилишга тайёрман!» дегиси келарди.

Броқ, ёш барин яна шифтга тикилиб қолди ва аста-секин Аннанинг кўнгли ҳам тинчиди.

Анна изқуворга кофе узататуриб: «Эҳ, аблаҳ! Агар, сени йўқотиш блан ёш баринга ёрдам бериш мумкин бўлса, ҳозирнинг ўзида ошхонадан катта пичоқни олиб чиқиб, сени бўғизлаб ташлардим!» деб ўйлади.

Унинг сра чиқиб кетгиси келмасди. Эшик олдида у Честмирга яна бир қараб қўйди. Броқ энди Честмир унга қарамас эди. У оппоқ бармоқлари блан хитой кулдонга папирос кулини чертиб туширарди.

Кейин Анна уйларни супуриб-сидирабошлади, аммо Честмир унинг хаёлидан сра нари кетмас эди. У деразаларни очган эди, шамол қалин пардани елпитиб юборди. Тўртинчи қаватдан эса Маня айтаётган «Дуб барги» деган ашула жаранглаб эшитиларди. Квартирада Анна ёлғиз эди. Архитектор ишга кетган, қизиғи шундаки, уйда хўжайка ҳам йўқ эди. Аннанинг жуда боши қотди: хўжайка шу қадар барвақт қаёққа кетиши мумкин?

У, меҳмонхонани йиғиштираётиб, бирдан тўхтаб қолди. Унга ичкаридан аллақандай ғалати товушлар эшитилгандай бўлди, агар кечаси шундай товуш эшитилганда, Анна қўрқиб кетган бўларди. У эшикни очиб қаради-ю, эси чиқиб кетди: хўжайка полда мукка тушиб ётар, пешонасини гиламга уриб, бўғиқ товуш блан худди гўрдан эшитилаётгандай «У-у-у... У-у» деб йиғларди.

Жуда қўрқиб кетган Анна хўжайканинг тепасига бориб энгашди.

— Бекам, эй худойимей, бекам!

Хўжайка унга ғамгин кўзлари блан қаради. Унинг

ўзариб кетган сўлгин юзлари худди мурдадек даҳшатли, оқарабошлаган сочлари пахмайиб жилвасини йўқотган эди.

— У тошдан ясалган... У худди тошдан ясалганга ўхшайди,— деб такрорларди хўжайка оғир хўрсиниб ва бақрайган кўзларини Аннага тикиб.

— Эй худойимей! Бекам лоақал бир нафасгина, ойим-қизни чақириб келгунимча ўзингизни тутинг.

Хўжайка ўзига келди. У оғир гавдасини зўрға кўтариб, оёққа турди.

— Йўқ, йўқ. Дадлочкани чақирининг кераги йўқ!

У шезлонгнинг олдига аранг судралиб бориб, унга шуқадар зарб блан ўзини ташладики, пружиналар ғижирлаб кетди.

— У тошдан ясалган... У худди тошдан ясалганга ўхшайди, Анна!

Анна гап архитектор ҳақида бораётганини тушунди. У қўрқиб кетиб, хўжайканинг олдида турар ва нима қилишини билмас эди.

— Боринг,— деди ҳорғинлик блан пичирлаб хўжайка.— Мендан хавотир олманг. Сиз жуда яхши қиз экансиз, Анна...

Анна чиқиб кетди.

Кейин Рубешлар хонадонида бирдан жонланиш билланиб қолди. Броқ жонланиш худди ўлик чақаришга тайёргарлик кўраётгандай мудҳиш ва ғамгин эди. Чамаси, Маня буни олдиндан пайқаган экан: квартирани иккита катта сафар чемодани олиб келишди, изқуворлар эса, навбат блан қаёққадир бориб келишарди. Хўжайка жуда бўшашиб, квартирада уёқдан-буйёққа бора-бора, гоҳо ошхонага кириб, Аннага уни-буни буюрарди ва беихтиёр кастрюль қопқоғини очиб, қайланинг таъминини тотиб қўярди. «Тамат соусни кўпайтиринг, Анна,— деб қўярди, броқ бу сўзларни беихтиёр айтарди. Чунки у, аслида, ҳозир на таматни ва на қўй гўштини айтарди, бу сўзларни эса фақат ўз фикрларини яшириш учунгина айтарди. Чамаси, у аллақандай бир даҳшатли кутар, унга қаршилиқ кўрсатиши мумкин эдию, аммо қандай қилиб қаршилиқ кўрсатиш фикри хаёлига келмасди. У, бу даҳшатли кутар ва қўрқувдан кўзлари бақ-

¹ Шезлонг — узун кресло ёки диваннынг бир тури.

райиб қолган эди. Ўғли жўнаб кетаяпти, бутун ҳаёт-мамоти шу ўғли эди, онага ҳечким кўмак бераолмасди. Хўжайка Мирекнинг уйига кириб, нарсаларни жойлашга ёрдам берар экан, ўзини гўё мурдани безатаётгандай ва тобутнинг қопқорини ёпиш олдидан марҳум блан сўнгги марта видо'лашаётгандай ҳис қиларди.

Овқат ҳам хафалик блан ўтди. Архитектор Дадла блан ошхонада овқатланди; хўжайка ўғлининг олдида қолиб, унга ўзи овқат берди. Изқуворлар навбат блан чиқиб, аллақердаги ресторанга бориб келишарди. Овқатдан сўнг она блан қиз ясаниб олишди, шу вақт Дадла ҳам йиғлаб юборди. Хўжайин ошхонадаги идиш-оёқлар йиғиштирилмаган стол ёнида ўтириб сигара чекар ва ўзини худди газета ўқиётган қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди. Кейин шофёр блан изқувор чемаданларни олиб чиққани киришди, Честмирнинг хонасидан эса хўжайка блан Дадла ва ёш Рубеш бирга чиқишди. Анна ёш баринга сўнгги марта бир қараб олиш учун йўлакда турарди. Ёш барин онаси блан бирга қизил поёндоздан юриб ўтиб кетди.

Хўжайка ошхона эшиги олдида тўхтади.

— Мирочка, отанг блан хайрлаш, борақол, ўғлим,— деди у.

Честмир икжиланиб қолди.

— Борақол, жонгинам. Онангнинг сўнгги илтимосини қондирмасанг, ахир, бир кун ўзинг пушаймон қиласан.

Ёш Рубеш ошхонанинг эшигини очди-да, остонада туриб эҳтиром ва такаллуф блан:

— Сизга та'зим қилиш шарафига муяссарман, жаноб архитектор!— деди.

Отаси жавоб бермади.

Честмир онаси ва синглиси блан чиқиб кетди. Кўч эшиги ҳам ёпилди, эшикнинг ёпилишидан чиққан қис қагина, бўғиқ товуш Аннанинг қалбига қаттиқ та'сир қилди.

Анна чала қоронғи даҳлизда узоқ вақт турди, унинг назарида, худди дунё ҳувиллаб қолгандай, гўё ўзидан бошқа ҳечким йўқдай туюлар эди. Кейин у ҳужрасига кириб, кровати ёнида тиз чўкди-да, бетини ёстиққа бошиб йиғлаб юборди.

Архитекторнинг чиқиб кетгани, кейин хўжайка блан оймқизнинг қайтиб келишгани эшитилиб турарди. Анна

иик этиб ўрнидан турди, кўзёшларини артди ва тиззасининг чангини қоқиб, ошхонага чиқди.

Шу куни ва эртасига квартирада худди мотамдай: ҳаммасқ ҳувиллаган, ғамгин ва жимжит эди. Ҳечким сипирмас, бир-бировларига қарамасликка ҳаракат қилинар, уйга линҳона кириб келган ўша кимсанинг руҳини бевота қилмаслик учун ҳатто оёқ учида юришарди. Хўжайка кўп вақтини чеккадаги уйда диванда ётиб ўтказиб, ойимқиз эса ўз хонасидан сра чиқмасди. Броқ туш-кун оғқат вақтида ҳамма нарса — асбоблар, салфетка ва ёпиқлар жой-жойида туриши, шўрва қайноқ бўлиши керак эди, — хўжайка блан ойимқиз бу нарсаларни кузатиб туришарди. Улар жимликни фақат хўжайин бузиши мумкинлигини билишарди; агар бирор нарсадан аччиғлангудай бўлса, у жуда даҳшатли бўлиб кетар эди.

Учинчи куни даҳшатли телеграмма келди. Хўжайка телеграммани ошхонада ўқиди-ю, гандираклаб кетди-да, биллиб кетмай деб буфет эшигини ушлаб қолди. Анна билан Дадла уни суяб ётоқ уйга олиб киришди; Дадла ирраши ва отасини чақирди.

Честмир ўзини отиб ўлдирган эди.

Икки кундан сўнг она, ўзини отиб ўлдирган ўғли билан хатни олди. Лекин бу хатни онага топширолмади-лар, чунки у оғир касал эди.

Честмир Гамбургдаги учинчи разрядли меҳмонхонада, кечаси кузатиб бораётган икки изқуворнинг олди-дан ўзини отган. У ўзининг кўзидан отиб, онаси блан севинчиси рус княжнасининг номини айтиб ўлган.

Дадла мотам либоси кийди, хўжайин ҳам енгига ва шинасига қора лента тақиб олди. Фақат Аннагина ўз кўнгулисини ҳечкимга изҳор қилаолмасди. У ётоқ уйда хўжайкага бром ичириб, касални ёруғ безовта қилмасин деди чий пардани тушириб қўяётган пайтда, бу рангги тақиб кетган аёлни кучгиси, унинг бағрида йиғлагиси билан унга: «Бекам, жон бекам, қандай фалокатга учради!» деб юрагини бўшатгиси келарди. Броқ хўжайка билан бир этмай, бир нуқтага термулиб ётар ва ҳечнарсасага қаро қилмас, Аннани ҳам пайқамас эди.

Бир куни эрталаб ёш бариннинг руҳи Аннанинг олдида учиб келди. Анна квартирани йиғиштирарди, деразлар ланг очиқ бўлиб, хоналарда шамол кезарди. Анна меҳмонхона эшигини очаркан, қандилнинг биллур шил-

ди роқлари аста тебраниб, нозиккина шилдираб кетди. Шу пайт ёш бариннинг руҳи учиб келган эди. Руҳ Аннанинг, фақат Аннанинг ўзини йўқлаб келган эди. Шу лаҳзада Анна худди Честмирнинг шу ерда эканини пайқади ва ўзини гоёт бахтиёр ҳис этди.

Кейин яна бир-бирига ўхшаш кунлар ўтаверди.

Хўжайка бироз тузалгандан кейин, эри блан бирга турадиган ётоққа бундан кейин асло кирмасликка қарор бериб, ўз кровати ва туалет столчасини бўш уйлардан бирига кўчиришни буюрди.

Оғир кун

Безовталиқ, ёш Рубешнинг ишқий можаролари ва унинг вафоти ҳақидаги гап-сўзлар Аннани хизматкор Маржена блан янада яқинроқ қилиб қўйди. Маржена Рубешлар уйида бўладиган воқиаларни жуда қизиқиб кузатиб борар ва ҳар куни эрталаб Анна чиққунча йўлакда кутиб турарди.

Маня жуда яхши қиз эди. У жуда кўп нарсаларни биларди, унинг гаплари Аннанинг кўз олдида бу бинодаги ҳамма квартираларнинг эшигини ва ҳатто жаҳон эшигини очиб юборди.

— Сизларнинг архитекторингиз — Прагада энг катта фрибгарлардан, — деди Маня. — У кўҳна ҳарбий материалларни сотиб олаётган пайтда бутун бошли хазинани ўмариб кетган, канализация қуриш вақтида эса магистрат¹ни уриб кетган. У етти²та ҳовлидан даромад қилади, ишчилар блан эса, худди итдай муомала қилади. Унинг ҳақида қанақа қўшиқ тўқишганини биласанми?

Анна билмасди, Маня худди шу ерда, ҳовлининг ўзида майда-чуйда олиб келадиган сумкасини кўтариб туриб, ашула айтабошлади:

Қуручи бор Рубеш деган,
Унинг қўлида ишлаган —
Айрилади соғлигидан.²

— Маня, Манечка, худо ҳақи бас қил, деразалар очиқ-а! — деди қаттиқ қўрқиб кетган Анна.

¹ Шаҳар идораси.

² Асарда учрайдиган шеърларни *Рустам Комилов* таржима қилган.

— Уларнинг миллионидан нима фойда?— давом эт-
ди Маня.— Хўп яхши хўжайинлар-да! Уғиллари ўзини
отади, қизлари эса нуқул бирорта йигитнинг бошини
манантириш пайида! Кампирларинг куйиб, ғам-ҳасрат-
ли адо бўлаяпти, нима, унга биров ачинади деб ўйлай-
дими? Архитекторинг озмунча одамнинг бошини еди-
ди, ахир, уларнинг ҳам оналари, фарзандлари бор эди-
ди! Сенинг беканг-чи? Бунақангги зиқнаси оламда йўқ!
Миллионер эмишлар яна, етти хонали уйи бор-ку, бит-
тагина хизматчи сақлайди! Сенинг ўзинг ҳам кўп лақ-
масан-да, уларни бошингга чиқариб юборгансан, эрта-
либдан кечгача ишлаганинг-ишлаган, тагин кир ҳам
ювасан! У бўлса, Швейцариядаги қизим курортда эрча-
лари блан ҳузур қилсинлар деб сенинг иш ҳақингдан
уриб қизига юборади. Ўзинг қипқизил лақмасан, бил-
дингми! Уйда ўтирганинг ўтирган, ҳечкимга қорангни
кўрсатмайсан, ҳатто якшанба кунлари ҳам ошхонада
кўйманиб юраверасан. Қонун бўйича якшанба кунлари
у сенга жавоб бериши керак эканини билмайсанми, дей-
ман? Келгуси якшанбада мен блан бирга бўласан, ўйнаб
келамиз! Агар дурустроқ кийиминг бўлмаса, менинг кўй-
лагимни олақол, менинг иккита кўйлагим бор.

Анна иккиланиб қолди.

— Қани, нима дейсан?

— Ҳа, мен жуда соддаман, Маня... Қўрқаман.

— Нима? Қўрқаман? Нимадан қўрқасан?

— Ахир, мен ҳали Прагани яхши билмайман... Сен-
га ўхшаган тажрибали эмасман...

Кейин Анна Марженага Ландру блан Кис тўғрисида
сураб бериб берди.

Маржена ўзининг катта-катта қўнғир кўзларини ун-
га тикиб турди-да, оҳ тортди — «Вой худойимей?», деб,
ҳовлини бошига кўтариб хахолаб юборди. У энгашиб
кулар экан, жингалак сочлари тўлқинланиб турарди.

— Вой худоей, энди нима қиламан, менинг кавале-
рим тушукачи-ку, мени бочкага қамаб қалайлаб ташла-
маса гўрга эди!— деб Маня кула-кула энтикиб қолди.—
Анька, сен қипқизил аҳмоқсан!

— Маня, Манечка, худо ҳақи! Ахир, деразалар
очиқ-а!

Маня тўйғунича кулиб олганидан кейин, кўзини олай-
тириб жиддий гапирди:

— Мана, кўрдингми, қанақанги ноинсоф хотин у. Жин урсин уни, қишлоқи қизни сиқиб сувини олиш учун роса ваҳимага солипти. Ишла, ишла, бошқа ҳечнарсани ўйлама, лақиллаб юравер, ишдан чиқиб қолганингдан кейин эса, сени кўчага ҳайдайди, очингдан ўласан.

— Хўжайкам сра унақа хотинмас,— Анна ўз хўжайкасининг ёнини олди.

— Унақами, ё унақа эмасми, лекин шундай қилади. Уларнинг ҳаммаси шунақа қилишади, эри ҳам шундай... Хотини бир одамнинг терини оқизса, эри юзлаб одамларнинг сиқиб сувини олади — иккаласи бир гўр!

Тўсатдан бутун ҳовли бўйлаб ёқимсиз товуш янграб кетди, худди полкадан тунука идиш тарақлаб тушиб кетганга ўхшади.

— Анна, қачонгача ғийбат қиласиз?

Ошхона деразасидан архитектор хотинининг семиз гавдаси кўриниб қолди.

Анна қипқизириб кетди, Марженадан чир ўгирилди-да, югуриб уйга кириб кетди.

— Ҳа, ҳа, кучингнинг борица тирише, лақма! — бақриб қолди унинг кетидан Маржена.

Архитектор хотинининг қовоғидан қор ёғарди.

— Тўртинчи қаватдаги Марженадан бадтарроқ уфат тополмабсиз-да,— деди у бармоғи блан пўписа қилиб.— Эҳтиёт бўлинг, Анна!

Аммо якшанба кuni тушки овқатдан кейин Анна ҳарқалай юрак ютиб, сайр қилиб келиш учун рухсат сўради. Анна шу рухсатни сўраш учун бутун шанба кuni ва деярлик якшанбада ҳам кун бўйи тайёргарлик кўрди. Аннанинг кўрқоқлиги учун қойиб:

— Бекам, ижозат беринг, бир айланиб келай? — деган гапни айтдиргунича Манянинг эси кетди.

Хўжайка Аннага қаради:

— Аҳа, бошланаяптию! — деди хўжайка норозилик билан.— Майли бўлмаса, идиш-оёқларни ювинг-да, борақолинг, худо хайрингизни берсин. Лекин эҳтиёт бўлинг, Анна!

Тушки овқатдан кейин иккала қиз ўйнаб келиш учун бирга чиқиб кетишди. Маня Аннани яхшилаб ясатиб қўйди. Манянинг хўжайинлари қишлоққа чиқиб кетишгани учун, у дугонасини бемалол ошхонага чақирди-да, ўзининг янги катак гулли кўйлагини ва кўк атир гул

суратли эски похол шляпасини берди. Анча вақтгача Маня шу шляпани Аннанинг бошига ҳали унақасига, ҳали бунақасига кийгизиб кўрди, ниҳоят, дидига ёққан-дай кийгизган эди, жуда ярашди. Манянинг ўзи кенг ҳаворанг белбоғли пушти кўйлаги блан катак-катак шайқачасини кийди. Қизларнинг иккаласи ҳам жуда масаниб олишган эди, Анна ошхонадаги ойнага қараб ҳеч бўймасди. Унинг кайфи жуда чоғ. Бугун у идиш-оёқларини саранжомлади, бўйинини, юз-қўлларини, оёқларини тиззагача яхшилаб ювди, янгигина дазмол босилган омплоқ пахтадай ич кийимларини кийди. Устидан манави янги кўйлакни ҳам кийиб олди. Кайфи чоғ бўлмасинми, ахир!

— Энди юр, Пришкопига бориб олифтагарчилик қиламиз!— деди Маня.

Маня блан сайр қилиш жуда кўнгилли бўлди. Бугунги очиқ ҳавода прагали хотин-қизларнинг кўпчилиги Влтава соҳилларида ёки Крч ўрмонларида сайр қилишарди, шу кунни кўчада ҳам ҳаракат одатдагидан кўра сийракроқ, аммо шу ҳам Аннани чўчитарди. Маня эса уни трамвай вагонлари ва автомашиналар орасидан худди ўз уйида, ўз қишлоғида юргандай, бемалол олиб ўтарди.

Вацлав майдони этагида, жингалак сочлари пахмайган, узун қора галстукли бир йигит уларнинг йўлини тўсди.

— Қаёққа, қаёққа, ойимчалар?— деди у қулочини ёзиб.— Қаёққа кетаяпсиз, маллахон блан қорахон?

Маня бошини сал қийшайтириб унга кўз қирини ташлади:

— Нарн тур, олифта!

Анна жуда қўрқиб кетди, лекин Маня бу сўзни ғазаб блан эмас, балки шундай очик кўнгиллилиқ блан айтдики, йигитнинг ўзи ҳам хахолаб кулиб юборди. Маня ҳам қингиллаб кулди, лекин шу заҳоти бошини икки елкаси орасига олиб, Аннанинг қўлидан ушлади-да, урра қочди. Улар муюлишда бурилишди, Маня каттакон почта қути-син орқасига яшириниб, кулишда давом этди.

Бироздан сўнг қизлар Пришкопига чиқишди, у ерда инакли моллар магазини, Целетний кўчасида мўйна ва шляпа магазинларининг витриналарини, Старомест майдонида эса Ян Гус ҳайкалини узоқ вақт тамоша қилиб юришди.

— Мана кўрдингми, монахлар Ян Гусни шу ерда куйдиришган,— деб тушунтирди Маня.

Улар ўйинчоқлар магазини олдида, кейин атторлик моллари магазини олдида тўхташди. Шу ерда Маня дугонасига камар тўқаси ва тугмаларнинг қандай тақилишини, хотин-қизларнинг ич кийимлари ва корсетларига қандай қилиб уқа тутиш ҳақида худди билимдон одамдай гапириб берди. Кейин қизлар Эски шаҳарнинг¹ салқин кўчаларидан дар'ё бўйига чиқишди. Карл кўпригидан ўтиб, қиямаликдан Петршин тепалигига кўтарилишди.

Тепага чиққач скамейкага ўтиришди. Анна дугонасининг кўйлагини гижим қилмаслик учун, эҳтиётлик блан этагини йиғиштириб ўтирди-да, тепадан туриб Прагани ва қуёш нурида ярақлаётган Влтава дар'есини тамоша қилабошлади. Унинг ҳали ҳам кайфи чоғ эди. Аннанинг умрида биринчи марта ярим кун тўлиқ эркин юриши. Бу вақт унинг ўз ихтиёрида. Кўк тутун орасида ястанган азим шаҳар манзараси ва фақат трамвай звонокларининг овози блангина бузилаётган жимлик Аннани мафтун қилди. Йўқ, Рубешлар уйида ўқиган китобларидаги гўзал шеърлар ҳам, ўз қишлоғида, дугоналари блан эчки боқиб юрган кезларда айтган қўшиқлари ҳам унинг кайфини шу қадар чоғ қилмаган эди. Унинг ёдидан чиқиб кетган ўқучилик йилларидаги бирор шеърни баланд овоз блан ўқиб юборгиси ёки чех корольлари ҳақидаги ривоятлардан эслариси келарди. Броқ, у ўз қалбида тўлиб-тошган ҳиссиётларни икки оғиз сўз блан оҳистагина ифодалаб қўяқолди:

— Вўй-бў, уйлар бунча кўп-а!

Енма-ён ўтирган Маня пиқ этиб кулиб қўйди. Бу кулги, анграйиб қолган тамошабинларга ўз қимматли буюмини кўз-кўз қилаётган керик мулкдорнинг кулгисига ўхшарди. Аммо шўх Маня ҳам бугун ўзини одатдан ташқари ювош тутар, унинг пастда ястаниб кетган шаҳарни тамоша қилиб тинчгина ўтиргиси, ёз ҳавосида тўйиб-тўйиб нафас олгиси келарди. Шу пайтда атрофда катта ёшли кишилар кам, ҳазилкашлик қиладиган ҳечким йўқ, шу блан бирга завқ-сафо ҳали олдинда, Маня буни ўйлаб олдиндан лаззатланарди.

¹ Эски шаҳар — Праганинг бир райони.

— Қани, кетдик,— деди у, қуёш Градчани томонга оғабошлаганда.

— Уйга кечки овқатгами?— деб сўради Анна хафа бўлиб.

— Бўлмаган гап! Кампиринг овқат олиб қўймаса, бугун кечқурун овқатланмай қўяқоласан...

Қизлар аста-секин шаҳарга тушиб, Гибери кўчасидаги Халқ уйига жўнашди. Бугун у ерда «Карл Маркс» жамияти кеча ўтказаятган эди. Маня эса ўз ошнаси ту-пукачи Богоуш блан ўша ерда учрашишга ва'далашган эди.

Қизлар Халқ уйига етиб боришганда қош қорайган эди. Улар барокко¹ услубида ишланган ҳашаматли дарвоза ёнидан ўтиб кетдилар. Бу дарвоза шу қадар катта эдики, ичига бир сартарошхона блан тамаки киоскаси жойлашган эди. Қизлар Халқ уйининг биринчи ҳовли-сига кириб қолишди. Кейин Новий проезд орқали иккинчи ҳовлига ўтишди. Боғ павильонида аллақачон чироқ ёқилган эди. Тош ётқизилмаган ва қуриган қайрағочлар блан қопланган иккинчи ҳовлини эски одат бўйича боғ деб аташарди. Халқ уйи бир вақтларда князь Виндиш-грецлар ва граф Кинскийлар саройи эди, кейинчалик бу бино атрофига барокко услубида тўрт қаватли корпуслар қурилиб, уларга босмахона ва конторалар жойлашди. -Атрофи девор блан ўралган ҳовлидаги дарахтлар ўша даврдан буён сақланиб келмоқда. Чала қоронғиликда чироқлари милтиллайбошлаган боғ павильони бир вақтлар баринларнинг оранжереяси бўлган бўлса керак. Павильоннинг фанер томлари баланд турар жой биносининг брендмауерига² суялиб турарди, олди томонидаги деворнинг ҳаммасига эса оранжерея ромлари қўйилган бўлиб, ойнавандли эди. Ҳозир павильон худди фонарьдай порлаб, ундаги ҳамма нарса яққол кўриниб турарди.

Тамакининг кўкимтир тутуни орасида, катак-катак ас-турхон ёзилган тўгарак стол атрофида уч юзтача киши тиқилишиб ўтирипти, улар орасида Маня блан Аннага ўхшаш қизлар ҳам кўп эди. Боққа киришлари

¹ Барокко — XVII—XVIII асрларда қўлланилган серҳашам архитектуралар услуби.

² Брендмауер — катта биноларни ўт тушганда ҳаммаси ёнмасини учун ўртасини ёшиқ девор блан ажратиб қўйиш.

бланоқ, Анна буларнинг ҳаммасини кўрди, юраги бугун билиб оладиган аллақандай янгилик лаззати блан арзиқиб тушди. У янглишмаган эди: Халқ уйининг боғ павильони унинг тақдирида ҳал қилучи роль ўйнади.

Эшик олдида Маняни тунукачи, йирик тишли, жингалак сочли, қувноқ йигит Богоуш кутиб олди.

— Салом, Манечка!— деди у қизларнинг қўлини сиқиб.— Ҳа, анави, Рубешларникида ишлайдиган Анна шуми? Сен бу тўғрида менга ҳам гапириб берган эдинг-а?

— Ҳа, ўша лақма қизимиз шу!

Богоуш стол ёнига яна иккита стул келтириб қўйди ва қизлар эркак ва аёл ишчилар компаниясига тушиб қолишди. Стол усти қўпиксиз пиво кружкалари, кўкимтир шишалардаги сода сувлари ҳамда чекиб ташланган папирослар уюлиб кетган кулдонлар блан тўлиб кетган эди.

Залда ҳаваскорлар спектакльлари учун кичкинагина сахна қурилган бўлиб, унда йигитлар ва қизлар ўйин қилишар,— гоҳ якка-якка, гоҳ группа бўлиб шеърларни дикломация қилишар, ашула айтишар эди; ҳаваскорлик оркестри чалиб турипти. Музыка ва ашулалар Аннага жуда ёқди, дикломацияни эса унча тушунмасди.

Аннанинг ёнида ёш металлест ўтирарди. Музыка тугаб, залда қарсақлар янграган пайтда ҳалиги йигит Аннадан:

— Сенинг бу ерга биринчи келишингми, ўртоқ?— деб сўради.

Йигитнинг «сан»сираб гапириши ва «ўртоқ» деган сўзи Аннани уялтириб юборди. У қизариб кетди. Лекин Маня дугонасига ёрдамлашиб, унинг ўрнига ўзи җавоб берди; у йигитга: Аннанинг Пелгржимов ўлкасидан экани ва Прагага яқинда келиб, ҳозир Рубешлар оиласида хизмат қилаётгани ҳамда хўжайкасининг жуда айёрлиги ва ўз хизматкорини ҳаққаёққа чиқармаслигини айтиб берди. Суҳбат қизиқ кетди. Аннанинг суҳбатдоши Пелгржимов ўлкасини биларди, йигит касаба союз мажлисига борган, Аннанинг туғилган қишлоғида бўлган ва ҳатто ҳозиргина тасвирлаб берган уйчасини ҳам кўрганга ўхшарди. Дастлаб тортиниб-уялиб ўтирган Анна энди ўзини тутиб олди. Анна бу суҳбатдан жуда мамнун бўлди — у онаси, сингиллари, отаси ҳамда қаптарлар расми ишланган тунука эълонлар ёпиштируғлик жонажон

они эслаш уни ғоятда хурсанд қиларди. Аннанинг суҳбатдоши Рубешларни ҳам биларди. «Бу бутун Прагада ишқондорсиз эксплуататорлардан бири»,— деди у. Анна «эксплуататор» деган сўзни умрида биринчи марта эшитиб эди, бу сўз унга ёқиб қолди ва жуда қизиқ бўлиб қолди.

Шу пайтда сахнага бир группа ёшлар чиқиб, аллақандай шеърларни хор бўлиб дикломация қилабошлады, дикломацияда «омма», «куч», «миллионер», «қадам» «бир, икки, сўл, сўл, сўл», деган сўзлар тез-тез такрорланиб турарди. Чиндан ҳам бу шеърлар кўп минглик ёшларнинг Вацлав майдонида қадам ташлашини эслашди. Зўр олқишлар тингандан сўнг Аннанинг суҳбатдоши яна Рубеш ҳақида гап очиб, яқинда унинг ишчилик орасида бўлиб ўтган катта забастовка тўғрисида гап олиб берди.

Элма-ён ўтирган Маня ярим юмилган қўлини пиво иккалари турган дастурхонга қўйиб ўтирар эди. Бонин улкан кафетини блан қиз қўлини беркитган эди, Манянинг қўли бутунлай кўринмай кетди. Иккаласи ҳам инуният блан жилмайиб қўйишди, қиз янада ёқимлироқ бўлиб кетди, унинг қора кўзларининг қараши андан ташқари мулойим эди, ҳамиша серзарда Маня бир ипакдай майин бўлиб қолган эди.

Оркестр салобатли маршни чалабошлады.

— Бу — французларнинг революцион қўшиғи «Маршез»,— деб тушунтирди Аннага суҳбатдоши.

— Шундайми?— деди Анна ҳайрон бўлиб, бир зум андан блан кўз уриштириб олди. Тоник (тунукачи Богош уни шундай деб атади) чиройли, кўк кўзли йигит Аннанини пайқаб олиш учун мана шу бир зумнинг ўзи кифоя эди.

Олдиндаги столда бошқаларга нисбатан яхши кийинган, малла сочли бир ёш йигит Аннага томон сал бурни-иброқ ўтирарди. Унинг чеҳраси қизларга ўхшаб кетарди. Шу йигит ҳадеб Аннага қарайверди, кейин эса, шундай узоқ тикилиб қолдики, бунинг қиз ҳам пайқаб қолди. Бу қарашда шилқимлик эмас, балки завқланиш ифода-ланарди. Бунинг Маня ҳам пайқади.

— Сенга нима бўлди, Яроушек?— деб қичқирди Маня йигитга.— Бизнинг Анна сенга ёқиб қолдими?

Йигит илжайиб қўйди, Анна эса қизариб кетди.

— Бу — студент, парламент депутатининг ўғли Яроуш Яндак,— деди Маня.

Ўғли блан бирга ўтирган депутатнинг ўзи ҳам қизлар томонга қараб турарди. Бу кўркем, соқоллари тептекис қилиб қирилган, қувноқ юзли, жингалак сочли кишини кўрган одам студентнинг отаси эмас, кўпроқ унинг акаси деб ўйлаши мумкин эди.

— Хўш, қизлар, бундан бир иш чиқармикан?— деб сўради-да, ўғлининг елкасига қоқиб, қучоқлади.

— Ота, қўйсанг-чи!— деб мингғирлади қизариб-бўзариб кетган Яроуш жаҳл блан, лекин дўстона.

Яндаклар столида ўтирган учинчи суҳбатдош ҳам қизлар томонга ўгирилиб олди. Унинг қопқора кўзлари жиддий, кишини тешиб юборадиган ва пичоқ дамидай ўткир эди, буни кўрган одам ўзини йўқотиб қўярди. Унинг соч-соқоллари сақичдай қопқора ва ўнг мўйловини кесиб ўтган яра доғи бутун юзи бўйлаб кетган эди. Столлар орасидан ўтиб келаётган бир кекса ишчи унинг елкасига қўлини қўйиб сўради:

— Хўш, бу ердаги ишларимиз сенга ёқдими, ўртоқ Плецитий?

— Болаларча эрмакларининг нимаси менга ёқиши мумкин?— жиддий жавоб қайтарди Плецитий, ўткир кўзларини унга тикиб.— Бемаза шеърлар блан буржуазияни енгмоқчи бўлаяпсизларми, дейман?

Бу жавоб Аннага сра ёқмади.

— Бу жуда яхши ўртоқ,— деди Тоник Анна томонга энгашиб.— У яқинда Россиядан қайтиб келди. У Россияда Қизил Армия сафида жанг қилиб, Деникинга асир тушган ва қатл этилишига сал қолган. Мен сенга бу ҳақда кейинги сафар гапириб бераман.

Анна Тоникка яна бир қараб:

— Шундайми?— деб қўйди.

Аннанинг мана шу савол аралаш мақулловчи оҳангда айтган сўзида Тоникнинг «кейинги сафар» деган сўзи туфайли пайдо бўлган шодлик ифодаланиб турарди.

Концерт тугаш олдидан ҳаваскорлар оркестри «Интернационал» чалди. Ҳамма ўрнидан турди, билган кишилар пролетар гимнини айтабошлади. Бу — рус революциясида галаба қозонганлар қўшиғи эди. Анна ҳам ўрнидан турди. Лекин ҳали у, «Интернационал»нинг сўзларини билмасди.

Соат тўққиздан кейин Богоуш блан Тоник иккала келди. Соат еттида соат тўққиздан кейин тамом бўларди, чунки қатнашганлар дарвозалар ёпилмасдан бурун уйга келиб олишлари керак эди, бўлмаса, дарвозаларга пул тўлашга тўғри келарди. Кўчаларда ҳали кўп эди. Маня яна шўхлик қилабошлади. У, чироқ ёнларида ярқираб товланаётган витрина ва реклама лавиналаридаги тротуардан баралла кулиб борарди. У ва дансинглардан жуфт-жуфт бўлиб чиқиб келатган олифталар унга ҳўмрайиб қарар эдилар. Тоник кўчаларни Вацлав майдонигача кузатиб боргач, То- хайрлашди.

Бизга яна келиб тур, ўртоқ,— деди у, Аннага қў- ниб узатаётиб.

Анна миннатдорлик блан бош қимирлатиб қўйди.

Сен уйдан жуда кам чиқасан, а?

Кечқурун соат еттида пиво олиш учун чиқади!— деди ўз қистириб қўйди, кулиб Маня.

Тоник Эски шаҳарнинг аллақандай бир торгина кў- часи тарафга бурилди, иккала қиз эса Богоуш блан Вацлав майдонидан кетишди. Маня под'ездда кўп йигити блан яна бироз турди, Анна эса юқори- қириб кетди. Ошхонадаги столда унга нон блан совуқ- ка олиб қўйилган эди,— ҳарҳолда хўжайка олий- батлик кўрсатган эди. Уша куни кечқурун Анна Ру- ссиядан бирортасини ҳам кўрмади.

Бу жуда ажойиб кеча эди!

Душанба куни Анна кирхонада, ярим ертўлада кир- қилди. У, ма'завага солинган кирни юваркан, хиргойи- қилди, якшанба кечасининг таассуротларига берилиб- қилди. Сешанба куни, ювилган кирларни текислаб тах- тидан пайтда ҳам Аннанинг хаёли ўша таассуротлар- га банд эди.

Бугиси якшанба куни иккала қиз яна Халқ уйига- га, ўша улфатлар блан ўтиришди. Бу сафар саҳна- даваскорлар тамоша кўрсатишмади, лекин шундай- ки ҳам, ўтириш кўнгилли бўлди. Сешанба куни кеч- ки Анна учта ярим литрли пиво кружкаси блан- ни ёнларидан ёзиллаб чиқиб кетаётганда, тротуарда- га юрган Тоникни кўриб қолди. Анна қипқизариб- қилди. Тоник у блан бирга пивохонага бориб келди. Чор-

шанба куні Тоник яна келди, бу сафар Анна кўча эшик олдида у блан бирпас турди. Шу орада дарвозабон Дворжакова икки марта ҳужрасидан чиқиб, уларга кулимсираб қараб қўйди, Анна юқорига чиққандан сўнг эса, хўжайка кўпиклари тиниб қолган кружкаларга шубҳа блан қараб қолди. Учинчи сафарда Анна кечки овқатдан сўнг пастга тушиб, ўн минутча қолиб кетди, кейин эса, ерга қараб туриб, кечқурунлари кўчага чиқиб келиш учун хўжайкадан рухсат сўради.

— Ҳа-ҳа,— деди хўжайка,— бунга ҳақингиз борлигини айтишинпти-да, сизга. Аммо ўзингизга эҳтиёт бўлинг, Анна. Сиз ўзгариб қолдингиз, мен кўпдан буён орқангиздан кузатиб юрибман. Яна сизга шуни ҳам айтиб қўяй: сизнинг ҳуқуқингизни ҳечким поймол қилаётгани йўқ, башарти фақат қилишингиз лозим бўлган ишнингизга қиладиган бўлсангиз, у вақтда мендан ҳам худди ўзингизга тегишли лозим бўлган ҳақни олаверасиз.

Шундан кейин хўжайка жаҳл блан эшикни эпиб, ошхонадан чиқди. Бир минутдан сўнг у ерда ойимқиз Дадла пайдо бўлди. У, кулимсираб, ошхонадаги ойнага қаради-да, чекка сочларини ҳурпайтирабошлади.

— Сиз у йигитни жиловлаб олинг, Анна. Сиз блан биз эрга чиққанимиздан кейин, ҳазил-ҳузил ҳам тамом бўлади! Ойим эски руҳда тарбияланган. У бизни ҳам эски вақтдаги қизлар сингари юришимизни истайди, у вақтда қизлар доим уйда ўтириб, буваларига подтяжка блан уйда кийиладиган туфли тўқишарди.

Анна, хўжайканинг норозилиги ўзига унча та'сир этмаганига ҳайрон қолди. Анна ҳаётда ҳечнарсани осонликча қўлга киритиб бўлмаслигини болалик чоғларидаёқ биларди. Пастда кутиб турган Тоник блан учрашиш олдида хўжайканинг зарда блан айтган сўзлари ҳеч гап эмас эди.

Ез фаслининг узун кечалари... Тоник блан Анна трамвайга тушиб, Жижекковга, буталар ўсиб ётган Витков қиялигидаги Инвалидлар уйига ёки Еврейлар печига боришарди. Прага чеккасидаги қумлоқ, топталган рангсиз ўтлар ўсиб ётган, ғамгин ялангликни Еврейлар печи деб аталарди. Лекин шунга қарамай, ҳатто Капрининг ҳурмо дарахтлари ва Брионнинг зайтун дарахтлари остида ҳам буердагидан кўра қизгинроқ муҳаббатни тополмайсиз. Бу ялангликда жуда кўп катта-кичик чу-

оликлар борки, буларнинг қандай пайдо бўлиб қолганма'лум эмас. Бу чуқурларни одамлар қазиганми ёки ялангликнинг ўзи яратганми билиб бўлмайди. Чуқурларнинг синиқ қувачалар, илма-тешик обдасталар ва ҳархил шокорлик чиқиндилари ётади. Шаҳар мана шу ялангликка қараб чўзилиб бормоқда, бу ерни икки томондан қанжага олиб, энди ялангликда уй-жойлар қад кўтармоқда эди. Яқин фурсатда ялангликдан асар ҳам қолмайдди. Броқ ҳозирча Еврей печи устида ҳали пойтахтга булутлари блан тўсилмаган бепоён, мусаффо кўк абази ястаниб ётарди. Ҳаво иссиқ кунларда шаҳар рофидаги хотин-қизлар сарғайиб кетган ўтлар устида дам олиш учун шуерга чиқишади. Улар бу ерда смаларини ечиб, эркин ўтиришади, чулки тўқишади. Ёш болалар бирор шиша синиғини оғзига солмасин деб, қўлоқ бўлиб туришади. Кундузлари ёшлар футбол ўйнайди, кечалари эса ўғрилар ўз ўлжаларини кўмиб кетишлар. Кечалари бу ерда Жижковдан чиққан ошиқ-шунуқлар қучоқлашиб ўтирадилар,—қумлоқ чуқурларга ҳоли меҳмонхона вазифасини ўтайди. Бир чуқурда туриб иккинчисида нима бўлаётганини кўриб бўлмайди, тепада эса электр чироқлари ўрнига уларга монда чақнаётган юлдузлар нур сочиб туради. Кечқурадилари Жижков кўчаларида кекса ишчилар завод ва фабрикалардан қайтгач, кўйлакчанг ўз уйлари олдида трубка чекиб туриб, ёш қиз ва йигитларнинг жуфт-жуфт қилиб Еврейлар печига томон оқаётганини тамоша қилдилар: қизлар янги дазмолланган чит кўйлак кийиб, йигитлар ҳам ювиниб-тараниб озода, тоза ёқалар тақишиб бир томонга йўл оладилар. Чоллар трубкаларини оғизидан олиб, жилмайиб бир вақтлардаги хотираларни элайдилар-да, «Ана холос, қизнинг адабини берганини кетди»,—деб қўйишади. Тунда полиция патрульлари ялангликни айланиб, ошиқ-ма'шуқлар юзини электр шаръ блан ёритишади.

Анна блан Тоник ҳам ўша ёққа боришарди. Улар ер хилват чуқурда ўтириб, қўл ушлашиб узоқ гаплашар ва узоқ вақт жим қолишарди; Еврейлар печи деб аталган яланглик улар учун ҳашаматли кўшклар ва шимқиз Дадла китобларида ёзилган соҳилдаги дарахтлардан ёмон эмас эди.

Тоник Аннани биринчи марта шу ерда узоқ ва қат-

тиқ ўпган эди, Аннанинг боши айланиб кетди; у титраб ўз севгилисининг бағрига янада қаттиқ қисилди. Джо хонимни мардона бағрига босиб: «Севаман сени, севаман!» деб фар'ёд чекарди...» Йўқ, Тоник фар'ёд чекмади, ҳечнарсa демади, фақат Анна шивирлаб: «Тоничек!» дерди холос.

Бир-бировларига ўз ҳаётларини ҳикоя қилиб бериш бирам ҳузур эдики, бу суҳбатлар худди бир куйни ижро этаётган скрипка блан виолончель ёки гобой¹ блан ов бурғисининг дуэтига ўхшарди. Бу суҳбатлар бундан ҳам кўра кўпроқ болаларнинг: икки қўллаб илиб ол, ўнг қўл блан тут, чап қўл блан, энди кафтинг блан ур ва илиб ол, энди тиззанг блан сиқиб ол, деб қичқиришиб копток ўйнаётганларини эслатарди. Копток уёқдан-буёққа учиб юради...

Тоник ўзининг Погоржельдаги ярим вайрона уйда ўтган ёшлик чоғларини ҳикоя қилиб берарди. Доим жанжаллашадиган кўп болали тўртта оила яшаган бу вайронадан ҳаминша бўрсиган бўтқа, шиптир ва ювинди ҳидлари анқиб турарди. Тоник ўз отаси ҳақида, нафасни бўғучи Перутц фабрикасида тўқучи бўлиб ишлаган отаси ҳақида гапирди. Тоник қирқ ёшларидаёқ қариб қолган отасини фақат кечқурунлари ва якшанба кунларигина кўрарди. Отасининг кийими ҳаминша пахта чангги блан қопланган бўлар ва бу чанг унинг ўпкасига ҳам жуда кўп ўтириб қолган эди. Чол доим ҳўмрайиб юрар, умр бўйи ташвишда эзилиб кетган эди: ҳали ишчиларнинг ишҳақиға хўжайинлар хиёнат қилади, ҳали ишсиз қолиш хавфи туғилади. Тоник бири нонвойчилик қиладиган, иккинчиси эса ширинча касалидан ўлган икки биродари ҳамда ўн ёшдан бошлаб онасига дастёрлик қилабошлаган синглиси тўғрисида ҳам гапириб берди. Онаси оқсоч эди: ҳаркимнинг кир-чирини ювар, уй-рўзгор ишларига қарашар, қопчиқлар тикар, бозордан корзиналар кўтариб келар, зинапоялар ва майхоналарнинг ҳожатхоналарини юйиб-тозалар, боғбонлар қўлида ишлар — хуллас, қаердан пул чиқадиган бўлса, ишга киришиб кетаверарди.

Тоник Аннага ўз хотиралар коптогини ташлаган эди, у ҳам илиб олиб, Тоникка ўз жонажон уйи тўғрисида

¹ Гобой — ёғоч сурнайнинг бир хили.

гапиракетди. Уйининг томи илма-тешик бўлиб, тешиклардан бири сун'ий кофе фабрикасининг э'лони ёзилган тунука блан ямалган эди. Бу тунукага бир каптарча бир пути циконий¹ кофени чангаллаб кетаётганини тасвирланган расм ишланган бўлиб, худди ҳозир аллақайларга, булутлардан ошиб, осмонга, фаришталар ва биби Мар'ям ҳузурига ўчишга тайёр тургандай туюларди. Анна бу каптарчани жуда севар, фикран у блан ўйнашар ва тушларида ҳам кўриб чиқарди. У вақтларда Анна нима учун каптарчага бу қадар ишқивозлигини ўзи ҳам билмасди, бунинг сабабини энди тушунабошлади: унинг ҳам узоқ-узоқларга... парвоз қилгиси келарди... масалан... қаерда сени топаолсам ўшаёққа. Аннанинг отаси гоҳ ёшт теручи бўлиб ишлар, гоҳ маҳаллий сойлар қўлида батраклик қиларди. Сигир-бузоқларини боқиш, гаровга қўйилган уйининг ўттиз крон процент пулини қаердан топиш тўғрисида ташвиш чекавериб ичкиликка ўрганди ва оила а'золарини азоблайдиган бўлди. Онасининг эса бировларнинг ишини ва рўзгоринларини қилавериб тинка-мадори қуриган эди. У корзинкада Пелгржимов бозорига қўзиқорин, черника меваси, маймунжон, малина, брусника², ёғ ва сузма солинган тугунчак олиб борарди. Оилада Аннадан бошқа яна бешта қиз бўлиб, булардан бири ҳамиша бетоб эди. Анна кичик сингилларини опичиб, ўзи блан бирга далага олиб кетар, мактабга қатнайдиган каттароқлари эса бой мужикларнинг ғозини боқар, мевасини теришар, ўрим-йиғим пайтларида машоқ теришарди. Улар бу хизматлари учун бир бурда қора нон ва соатига уч геллер ҳақ олишарди.

— Энди биз буларнинг ҳаммаси учун қасос олишимиз керак,— деди Тоник, қат'ий.— Ўзимиз учун ҳам, бизгача яшаганлар учун ҳам қасос олишимиз керак.

Эрталаб Тоник ҳамиша мактаб олдида — янги қурилишда тўхтаб ўтар,— у ерда унга доим иш топилиб турарди. Хўжайинлар томонидан раҳмсиз равишда эксплуатация қилинаётган аравакашларнинг ўзлари ҳам улардан беш баттар эксплуататор эдилар: Улар аравакашлардан юзта йишт туширишга ўн икки геллер олишар, То-

¹ Циконий — илдизи кофе ўрнида ишлатиладиган кўк гулли ўт.

² Брусника — майда қизғиш мевали ўсимлик.

никка эса уч геллер тўлашарди. Қурилишда ишлайдиган ўқучи албатта баъзида дарсдан кечикиб қолар, унинг шим ва яланг оёқларини ёшт чангги босиб кетарди. Пул топиш қандай яхши, қондан қилинган бир парча қолбаса олиб ейиш қандай маза, лекин буни билмаган ўқитучи бўлса, унга зарда қилар, жекирар, бундай ўқучини бурчакка турғизиб қўярди ва хулқига қўядиган баҳосини пасайтирарди. Тоник мактабга ҳамиша ясаниб-тусаниб, нонуштага бўлка блан ветчина¹ олиб желадиган бой болаларини кўриб, жаҳли чиқарди. Ҳамма ўқитучилар орасида Тоник бир ўқитучини яхши кўрарди, чунки ўша ўқитучи барчага барабар жиддий муомила қиларди. Бир куни шу ўқитучи блан қизиқ бир воқиа рўй берди. Тоник ва унинг дўстлари Лоиза Пол блан Эда Вранна жодугарлар қиёфасига киришиб, қўни-қўшнилари эшигида диний колядова² айтиб юришди. Улар пальтолари ичига қоғоздан ясалган тож, кадьильница³ ўрнида ишлатиладиган гултуваклар, оналаридан сўраб олишган сорочкаларни яшириб олишган эди; қора танли жодугар ролини ўйнайдиган боланинг юзига сурис учун чўнтақларига пробка куйиндисини ҳам солиб олишган эди. Улар ашула айтиладиган жойга — под'ездга келиб кийиниб олишлари, кейин яна ўзларини тузатишлари, дастрўмолга туфлаб юзларини тозалашлари керак эли, чунки маскарад кийимида кўчада юриш мумкин эмасди — полициялар ҳайдаб юборарди.

Болалар квартираларни айланишарди. Улар звоногини чалган эшикларнинг биридан кекса ўқитучилари чиқиб қолди.

— Вой дангасаларей! — деб қичқирди у, болаларга худди синфдагидай. — Қайси мактабда ўқийсизлар?

Болалар бир лаҳза қотиб қолишди, кейин ғизиллаб зинадан тушиб кетишди. Тоник умрида сра бунақа қочмаган эди. Лоиза Пол йиқилиб зинадан орқаси блан сирганиб тушди. Улар пастга тушиб олишган ўзларига келиб, ўқитучи таниб қолмаганига хурсанд бўлиб хахотлаб кулиб юборишди. Дарров кийимларини ечиб, қўчага уриб қочишди-да, яна роса кулишди, кейин ҳурматли

¹ Ветчина — чўчканинг дудланган ёки тузланган сон гўшти.

² Ўзбекларнинг «ой-ойи»сига ўхшаш қўшиқ.

³ Кадьильница — ибодат вақтида исриқ тутадиган идиш.

гражданиларнинг жиғига тегиш учун кўчада шовқин-сурон кўтариб шўхлик қилишди.

Анна, хотиралар коптоғини икки қўллаб ушлаб олган эди.

Ҳа, у ҳам ишлаб пул топарди. Пелгржимов ўрмончида ёзда қўзиқорин кўп бўларди, лекин уни топабди керак эди. Ўғил болалар қўзиқоринга боришганда шунтак чалишарди: қўзиқорин жуда синчков нарса, у, шунтак чалаётган ким экан деб, мохлар орасидан мўлмай қолади. Қизлар эса, ҳуштак чалишни билишмайди, шунинг учун улар қўзиқоринни эркалаш блан топишади: топган қўзиқоринларини ўпиб: «худога шукур, худо, юз марта ортиқроқ қўзиқорин ато қил», деб йишарди.

Анна терган қўзиқоринларини, поддубникларини¹ уйга олиб келиб, картошка шўрвага солишарди,— оқ қўзиқоринларни эса, тозалаб, сопол идишга тахлаб, рўмолча-тугарди-да, Пелгржимов бозорига сотгани олиб келишди. Қўзиқорин бўлмаган кезларда Анна ҳархил ҳўллар териб келар, кеч кузда эса ўтин тергани ўрмондорарди. Шу пайтларда ўрмончидан эҳтиёт бўлиш керак эди, чунки агар у кўриб қолгудай бўлса, ялиниб-қориш, йиғлаб-сихташига қарамай, шу заҳоти ҳамма-ни тортиб оларди. Анна синглиси блан ўрмондан катта-кичикина боғ шох кўтаришиб желишаётганда, қишлоқдаги болалар «қағ, қағ, қағ!» деб уларга тегажағлик қилишди. Бу сизлар қарғалар инини ўғирлаб келаяпсизлар, бу қарғалар сизларни қувалаб келишаяпти дейиш-ди эди.

Кузда пода боқини ҳам осон эмасди. Моллар тинч-тинч ўтлаб юрган пайтларда гулхан ёнида исиниб ўти-ни, қўшиқ айтиш ва гердайиб қамчини шарақлатиб, устидан сакрашаётган ўғил болалар устидан ку-чани мумкин. Лекин моллар санғиб, картошка экилган ва анғизларга тушиб кетиб, улар орқасидан югу-риб тўғри келганда шунақангги совқотасанки, ҳатто юрган яланг оёқларингги сигир янги ташлаган «тап-тап» иситиб олишга ҳам рози бўласан, киши.

Амалки, Тониқ Аннани колядова айтиб юрмаган деб сир? У жуда кўп айтган! Уларнинг старший ўқитучи-

¹ Поддубник — қизғиш-сариқ қалпоқли қўзиқорин.

лари яхши одам эди, у маҳаллий ўт ўчиручилар дружинасини бошқарарди. Унинг йигирма икки яшик асалариси бўлиб, шундан бошқа ҳечнарсга блан иши йўқ эди, лекин шундай бўлса ҳам у, Аннанинг хулқиға икки баҳо қўярди, чунки Анна жуда кўп дарсдан қоларди; ҳатто бир кун Аннанинг отаси болаларини мактабга юбормай қўйгани учун ўн икки соат қамалиб ҳам чиққан эди.

Тоник ўзининг ўқучилик йилларидаги очарчилик тўғрисида гапириб берди. Аҳ, ўшанда шу қадар овқат егиси келардики! Тушда завод гудоги ўкириши блан, Тоник цехидан худди кучук боладай югуриб чиқиб, завод қаршисидаги дўкончага борарди. Семизгина кўнгилчан дўкончи хотин бурдаланиб кетган булкаларни унга арзонга сотарди. Тоник қотган-қутган нонлар солинган корзина олдиға тиз чўкиб, ёғ босиб кетган шапкасига бурда-бурда нонларни териб соларди.

— Бу шайтон бола шунча парча-парча нонни қаёқдан топаркин?— деб очик кўнгил блан кулиб кўяди сотучи хотин, ундан бир мири пулни олатуриб. Лекин бир кун шу хотин билдирмасдан келиб қараса, бола атайлаб бутун булкаларни корзина тағиға яшириб бурдалаб ўтирган экан. Шунда Тоник бўри боласидай чап бериб қолган бўлишиға қарамай, роса изза бўлиб, ўша кундан бошлаб у учун дўкон эшиги ёпилиб қолди. Колбасафуруш мушуклар учун сотадиган «қийқимлар» (бу ҳархил нав'ли колбаса парчалари, ветчина пўстлари; бўрсиб қолган чўчка ёғлари эди) блан роса қорин тўйғизиш мумкин эди-да, деган фикр унинг иштаҳасини карнай қилиб юборарди, озиқ-овқат дўкони олдидаги тузланган бодринг бочкасини кўриш блан Тоникнинг оғзининг суви келарди. Ҳарҳолда у фирибгар аравакашлар ва очик кўнгилли дўкончи хотинни ҳурмат блан эсларди,— агар улар бўлмаганда Тоник бундай соғлом йигит бўлиб ўсмаган бўларди.

Шу пайт Анна ҳам ўз хотираларини бошлаб юборди.

Эҳ, у болалик чоғида ёғ сурилган бир бурда нонни қандай орзу қиларди-я!.. Аннанинг оиласида сигир бор эди, бу сигирни фақат болалар кечаси панларнинг дала-сидан беда ўғирлаб келиб боқишарди. Лекин болалар ўз сигирларининг сарёғини мутлақо тотиб кўрмасдилар, чунки уни Пелгржимов бозорида олиб сотишиб, гаровхатга мувофиқ процент тўлаб туришарди. Болалик чоғ-

ридан илк хотиралар ҳам кўнгилсиз эди. Бир кун
си кун пишаётган пайтда кичкина Анна бир бурда
га сарёғ суриб берасан деб жанжал қилди. У аввал
қилди, кейин йиғлаб юборди-да, полга ётиб,
ларини типирчилатиб жангарилик қилди. На бақи-
кор қилди ва на калтаклаш. Онанинг раҳми ке-
нонга озроқ сарёғ суриб берди. Броқ қизалоқ ҳали
лагинини ютмасданоқ эшикдан отаси кириб қолди.
-Бола иккаласи отадан зир титрарди. Қизалоқ нон-
тишлайсолиб, ўзини эшикка урди-ю, гириллаганча
ликдан сой томонга тушиб кетди. Унинг кетидан гур-
лаб отаси югурарди, орқадан онасининг қичқирган
ни эшитилди. Сой бўйга борганда, отаси Аннага
олиб, кўйлагининг орқасидан тутди-да, ҳавога кў-
туриб, бор кучи блан улоқтириб юборди. Улгудай
иб, жони чиқиб кетган қиз сойнинг нариги бетида-
омшоқ майсазорга тушди. Анна талвасаланиб чирт
олган кўзларини нариги қирғоққа тушгандан сўнг-
очди. Ғоят кўрқиб кетган онаси уни кўтариб олди...
Анна блан Тоникнинг болалик ва ёшлик чоғлари бир-
га жуда ўхшар эди. Лекин уларнинг кейинги ҳаёти
а-бошқа йўлдан кетган эди. Тоник учун армия по-
арининг ҳарбий барабанлари чалинди. Италия
инининг даҳшатли симфонияси — гувиллаб отилаётган
руладаси¹ ва гумбирлаб чиқаётган портлашлар жа-
рашлади. Кейин, асирларнинг мунгли, ғамгин қўшиқ-
лари эшитилди ва ниҳоят уйга қайтиш тўғрисидаги шод-
лик қўшиқлари янгради. Броқ бу қўшиқларнинг фақат
бошланиши шодлик бўлган холос...

Тоник Кольбеннинг металлургия корхонасида қуючи
бўлиб ишларди.

— Ишлаётган заводнинг тўғрисида менга гапириб
бер,— деб илтимос қилди Анна,— сен у ерда нималар қи-
ласан?

Тоник унга катта қуюв цехлари тўғрисида, қолип
қилинадиган қумлар, суюқ металл ва у ерда ишлайди-
ғини юзлаб ишчилар тўғрисида сўзлаб берди. Вагранка²
на мартен печьларида эриб оппоқ бўлиб кетган металл
биқирлаб қайнайди, эритмаларни қуйиш пайтида эса,

¹ Рулада — куйнинг бир қисми, тез чалинганда ашулани усталик
олиб айтиб етиб олиш.

² Вагранка — чўян ва рангдор металллар эритиладиган печка.

қопқора қуов пехлари кўз қамашадиган даражада яр-
лаб кетади. Қуючилар ловуллаб турган суюқликни
ликда узун сопли чўмичлар блан олишади-да, кен
кумлардан ясалган галати қолипларга қуюдилар. Су
металл солинган катта-катта идишлар тепадан — қу
ишчилар устидан, тош кранлардан олиб ўтилади.
ерда ишлаш жуда хатарли, шундай ҳодисалар ҳам
ладики, пўлат плиталар тушиб ёки қайноқ шлак тў
либ кўп одамни нобуд қилади. Металлни формаларга
қолипларга қуйиш пайтларида, кўпинча кичкина пор
лашлар ҳам бўлиб туради, шундай вақтларда сакра
чиққан темир эритма ҳавода қизиган питрага айлани
ишчиларнинг бошига тушади. Тоник Аннага завод ма
мурияти ҳақида, инженер ва мастерлар ҳақида, иш тақ
симоти ва баҳоларни белгилаш пайтида чиқадиган конф
ликтлар, ишчилар коллективи ва уларнинг ўзаро ҳам
корлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Анна бу гапларнинг ҳаммасини ҳам тушунавермас
ди. Унинг кўз олдида аллақандай қора, ба'зан эса бир
дан кўтарилиб қизгин ва даҳшатли оппоқ алангага ай
ланган баҳайбат нарса намоён бўларди. Бу тасаввур
этилган даҳшатнинг хавф-хатарини писанд қилмай,
даҳшатли йиртқични ром қилаолиш қандай яхши, Тоник
эса, шундай қилаолади, чунки у кучли ва ботир йигит.

Тоник чиндан ҳам кучли йигит эди. У Еврейлар печ
даги чуқурда Аннанинг белидан қучоқлаган пайтда,
қўли ҳеч бўшашмас эди. Унинг лаблари ҳам қаттиқ ва
«ҳа» дегани ҳам, «йўқ» дегани ҳам қат'ий эди.

— Сен мени севасанми, Тоничек?— дерди эркала
ниб Анна.

— Ҳа,— дерди у хотиржамлик блан Аннанинг кўзи
га тикилиб.

— Дун'ёда яшаш қандай яхши-а, тўғрими?

— Бўлмасамчи, сен нима деб ўйлайсан?

— Яхши! Илгарига қараганда, бирмунча дуруст.

— Илгарига қараганда, бирмунча дуруст, бу тўғри.
Лекин ҳали яхши эмас.— Тоник ўйлаб қоларди.— Анеч
ка, нега сен ҳаётимиз дуруст бўлиб қолди деб ўйлайсан?

— Нега бўларди, чунки иккаламиз бир-биримизни
севамиз-да.

Аммо Тоникнинг хаёли бутунлай бошқа ёқда ва унинг
«биз» деган сўзи жуда кенг ма'нода эди.

Бизнинг ҳаётимиз анча дуруст бўлиб қолди,—
Тоник,— чунки буни бизгача яшаган ўртоқлар
қўлга киритганлар. Ўзимиз ҳам бирмунча иш
қилдик. Лекин биз ўзимиз учун ҳам, биздан кейинги
лар учун ҳам яна кўп нарсани қўлга киритишимиз

Шундайми?— дерди Анна ҳайрон бўлиб ва То-
никнинг пинжига тикилиб, унинг кўзларига тикиларди.
Тоник блан Анна қош қорайганда, ба'зан эса кечала-
ларга қайтишарди. Улар бир-бирларидан ҳеч аж-
ралиб келмай, қучоқлашиб оҳиста қадам ташлаб
бар, кичкина-кичкина жўяк тортилган ва паст деворли
қўлгону усулидаги кичик-кичик боғлар ёнидан ўтиб бо-
рар; бу боғларда эса почтальон ва банк хат ташучи-
ларнинг оилалари ўзларининг хусусий хўжаликларидан
қўлга болалардай иштиёқ блан ишлашарди; улар катта
қўлгону ёнидан ўтиб кетишарди, буёққа ҳар куни эр-
тадан қатор-қатор автомашиналар қатнаб бутун шаҳар
қўлгонуларидан чиққан кул, ҳархил чиқинди, сартараш-
ларда йиғилган сочларни олиб келиб ташларди. Бу
қўлгонунада ҳаминша бирнима тутаб, ҳаммаёққа сарғиш
қўлгонуна тутаётган тарқалиб ётарди.

Бир куни кечқурун улар юзи тиртиқ қора соқолли
Тоникнинг учратиб қолишди; Анна бу кишини Халқ уйида
қўлгонуна кечада кўрган эди. У ҳозир, депутатнинг ўғли,
Тоник Ярда Яндак блан бирга кетаётган эди. Тоник
Анна ғира-шира қоронғиликда уларни дарров та-
воқуладан яқин бориб қолишди. Анна Тоникдан
қўлгонуна четга олмоқчи бўлди-ю, лекин Тоник худди: чет-
қўлгонунанинг нима кераги бор? Муҳаббатимизнинг ошқор
қўлгонунадан уялади деб ўйлайсанми? дегандай бироз
қўлгонуна блан тўхтатиб қолди.

Меҳнатга шон-шарафлар!— деб саломлашди Пле-
тнев, унинг тешиб кетай деб тикилиб турган кўзлари-
ни тиртиқ юзларида аллақандай ёқимсиз, заҳарханда
қўлгонуна бўлди, бу блан у гўё «Шундай кунларда ҳам ишқ-
муҳаббатга вақт сарф қилар экансан-да?» деяётгандай
қўлгонуна.

Меҳнатга шон-шарафлар!— деди юмшоққина қи-
я Яндак, у то қиз блан йигит уларнинг олдида
қўлгонуна кетгунча кўк кўзларини Аннадан узмади.
Анна қил-қизариб кетди. Яндак Аннанинг юз ва соч-

ларига тикилди, унинг бу қарашида яширин муҳаббат бор эди. Шу вақт Аннанинг хаёлида Честмир Рубешнинг хонаси тўғрисида гира-шира хотиралар гавдаланди.

Учрашган ўртоқлар чала қоронғиликда кўздан ғойиб бўлишди, ошиқ-машуклар эса, узоқ вақт индашмади. Тоник беихтиёр Аннанинг белидан қўлини тортиб, чирилиб олди. Нима учун Плецитийнинг менинг устимдан кулади. Тоник ўз вазифасига эътиборсизлик билан қараяптими? Ҳали у кўп вақтини Анна билан юришга сарфлаётими? Ахир, у Вацлав майдонидаги уй под'ёздида Анна билан хайрлашаётган пайтда кўпинча: «Эртага мен келмайман, эртага активлар йиғилиши бор, индинга эса спорт тўғрагининг машғулоти бўлади. Демак, пайшанба кuni учрашамиз, Анечка... э-э, йўқ, айтгандай пайшанба кuni касаба союз мажлиси бор экан» деб баҳона қилмасмиди.

Фақат шаҳар атрофидаги ёруғ кўчаларга чиқиб, трамвайнинг охири останоксига яқинлашган пайтда Тоник билан Аннанинг қўллари қайтадан бири-бири билан учрашди. Вагоннинг олдинги площадкасида кетаётиб вожатийнинг орқасида Тоник яна Аннанинг кўзига бир қараб қўйди, кейин улар бир-бирларига қисилишиб туриб олишди.

— То-ни-чек! — деб товуш чиқармай такрорларди Анна, бу гунг овозга Тоникнинг тушуниб олганига қувониб. Бўм-бўш трамвай одамсиз кўчалардан ғувиллаб шаҳар марказига томон учиб бормоқда.

Рубешлар уйининг под'ёздида Тоник Аннани ўлиб, хайрлашаркан деди:

— Эртага пленум бор. Индинга шанба — демак марксистик жамиятининг йиғилиши бўлади... Ҳай, менга қара, сен ҳам мен билан бирга бормайсанми? Ажойиб баҳслар бўлади-да. Биз Халқ уйининг боғ павильонида йиғилишамиз.

Албатта, Анна боришни истайди! Уйдан ҳам бемалол чиқиб кетаверади, хўжайканинг совуқ қарашлари энди унга таъсир қилмайди.

— Бораман. Хайрли кеч, Тоничек!

— Хайрли кеч, Анна. Боргин!

Броқ шанба кuni Анна Халқ уйига бораолмади. Рубешнинг аллақандай румин қариндоши — хотини билан

ирига Черновицдан Прагага келиб қолди. Улар «Қора от» меҳмонхонасига қўнишди, архитектор улардан жуда сифаатдор экани кўриниб турарди. Рубешлар ҳалиги бриндошларини ҳафтанинг ўртасидаёқ кечки овқатга таклиф этиб қўйишди, Дадла бўлса шу муносабат билан тайлаб Аннага қора блузка ва оқ фартук сотиб олиб берди, унинг сочига оқ лента ҳам тақиб қўйди. Шанба кунини эса румиялар Рубешларни «Қора от»га кечки овқатга таклиф қилишди. Бу меҳмондорчиликка боришга қайка зўр тайёргарлик кўрди ва иложи борица яхши-яқсаниш билан бирга мотам маросимига ҳам риоя қилиш учун қандай кийиниш тўғрисида Дадла билан узоқ муҳомада қилди. Кундузи хўжайка Аннани Денисов вокзалда туручи опасиникига аллақандай бир қути олиб бориш учун юборди.

Ойимқиз Дадла нима учундир ҳовлиқиб, ошхонага бориб кирган пайтда Анна фартугини ечиб, шимарил-симанларини тушираётган эди. У, ошхонага бирор ки-ши келаётганини вақтида пайқаш учун эшикни қия очиб қара-дирди. Онаси ошхонага мўралаб қолган эди, Дадла кўров ойна олдида айланишиб, гўё кир ювиш тўғриси-ни гаплашаётган бўлиб Аннага:

— Манжетларни ҳам совунлаб ювасизми... — деб сўради.

Онаси кетгандан кейин ойимқиз Дадла Аннага хат билан трамвай пули берди-да, Денисов вокзалидан чиққан вақтиёқ шу хатни Виноградига олиб боришни сўради. Онаси конвертга ёзиб қўйилган, иккинчи қаватга чиқиб кўчанинг томондаги иккинчи эшикдан инженер Рудольф Фа-бианни сўраш керак. Хуллас, конвертда ҳаммаси кўрсати-лган. Мана, яна бир хат: қайтишда Пршикопидаги инженерт гастрономидан уч бутилка вино, марранда гўш-ни ва ўттиз кронга олий нав' колбаса, ёғ, пишлоқ олиб келиш керак. Мана, бир крон — мабодо Анна икки-уч кронага қайтайга тушадиган бўлса ишлатади. Олиб келган на-рсаларини вақтинча ертўла олдидаги бурчакка яшириб қўйи-б туради. Лекин айланишиб қолганини ҳечким билмас-гани учун жадал ҳаракат қилиши керак!

Анна ҳамма топшириқни тўла-тўқис бажаришни мўл-лаб уйдан чиқди. Тўғри, у Фабианнинг инженерли-ги шубҳаланиб қолди. Чунки Маня уни қовоқхонада қи-лиқ қилади деган эди, лекин Анна учун бунинг

фарқи йўқ эди,— Анна фақат шунга севиндики, энди унга кечкурун уйда иш буюришмайди, у Тоник блан учрашиши мумкин.

Анна хўжайканинг опасидан катта қутини олгач, трамвайга тушди-да, Виноградига жўнади. Уч остановка юргач, у бирдан кўчада Тоникни кўриб қолди.

— Тоничек!— деб қичқирди у.

Тоник эшитмади, Анна деразадан бошини чиқариб, қўлини силкитиб қаттиқроқ қичқирди.

— Тоничек, Тоничек!

Тоник ўгирилиб қаради-ю, хурсанд бўлиб кетди. У устидан кўк спецовка, ичдан пиджак кийиб олган, бошида эскигина кепкаси бор эди. Шанба кунлари заводда унинг сменаси соат тўртда тугарди, ҳозир ишдан қайтиб келаётган эди.

Тоник шу заҳоти йўлидан қайтиб, трамвай кетидан югурди. Остановкада Анна ҳам трамвайдан сакраб тушиб, унга қараб чопди. Улар қўл сиқишиб, жилмайиб қўйишди. Анна ўзига берилган топшириқларни гапириб берди, Тоник адресга бир қараб олди-да, сени бошлаб бораман деди. Улар трамвайга тушиб, Виноградигаги музей ёнидан ўтишди-да, кейинги остановкада трамвайдан тушиб, тик тепаликка кўтарилиб борадиган тинч Бальбинов кўчасидан кетишди. Булардан бирнеча ўн қадам нарида кир оқ халат кийган ориққина бир бола (бу бола дўконда ишларди) япалоқ яшикчалар ортилган (чамаси, яшикларда дудланган балиқ бўлса керак) аравани судраб борарди. Арава оғир қилиб юкланган эди, арқон ўраб боғланган яшиклар боланинг бўйидан ҳам баланд қилиб ортилган. Арава филдираклари майда тош терилган йўлдан зўр-базўр филдираб кетаяпти, шўрлик боланинг тинкаси қуриб бораётгани кўриниб турарди.

— Виждонсиз эксплуататорлар!— деди ғижиниб Тоник.— Тўхтаб тур, мен унга ёрдамлашаман.

Тоник илдам олдинга юрди. Шу пайтда боланинг бутунлай дармони қуриб, (балки, қоқилиб кетгандир) тутқични қўйиб юборди. Араванинг олд томони ерга дўқ этиб тушди-да, яшиклар тарақа-туруқ қилиб тош кўчага сочилиб кетди. Хонимчалари блан бошлашиб арава ёнидан ўтиб кетаётган икки жаноб хахолаб кулиб юборишди. Қўрқиб, қаттиқ чарчашдан қипқизариб кетган бола ҳам жаноблар томонига ўгирилди-да, кулиб юбор-

бу кулги эсанкираб қолиши натижаси бўлса керак. Тоникнинг дўкондан қора сатин халатли, қулоғига қалам тақиб турган барваста киши югуриб чиқди. У боланинг ол-
тинга югуриб келиб, қулочкашлаб тушириб қолди. Икки
кўзи шарақлаган тарсаки товуши эшитилди. Арава
кўчига ушиб тушган бола, типирчилаб, қўллари
белан юзини яшириб олди. Дўкондор боланинг орқасига
бир тепди.

— Яшикларни йиғ, аблаҳ!— деб бақирди у бутун
кўчани бошига кўтариб.

Шу вақт Тоник ҳам яқинлашиб қолган эди, унинг
оғир-бадани жимирлаб кетди. Бирнеча ҳатлаб дўкондор
кўчига етиб келди-да, унинг юзига икки тарсаки тортиб
чорди.

— Мана сенга, чўчқа буржуй!

Дўкондорнинг лаби блан энгаҳи қора қонга бўялди.
Тоникнинг меҳнаткаш қаттиқ қўллари оғир, темир-тер-
мак блан ишлашга ўрганиб кетган эди. Дўкондор Тоник-
ни қараб бақрайиб қолди, унинг оғриқдан кўра ҳам кўп-
роқ ҳайратга тушиб қолганлиги сезилиб турарди.

Боланинг устидан кулган икки жаноб ва хонимлар
кўчани келишди. Бу воқиа рўй берган жойга кўчанинг на-
риси бетидан яна бирнеча бекорчилар югуриб келди.
Анна эс-ҳушини йиғиштиргунича арава атрофида оломон
пайдо бўлиб қолди. Тоникнинг ҳаяжон блан баҳслаша-
гани эшитиларди. Дўкондор бурнига дастрўмол тутиб,
ерга тушган қаламини олди-да, яна қулоғига қистириб
қўйди.

Анна жанжал бўлган жойга югурди, лекин тикилиш-
ни Тоникнинг олдида ўтаолмади. Тоникнинг олдида кек-
сароқ, соқол мўйловини тоза қилиб қирдирган, катак-
лигак йўлли костюм кийган, суяк кўзойнак таққан киши
турарди, бу кўзойнакда у хитой амалдорига ўхшаб ке-
ларди.

— Яхши,— дерди у Тоникка,— лекин зулмга беш
сонда зулм блан жавоб бериш мумкинми, ахир? Буни
сиз биланг, оғзи-бурнини қопқора қонга бўяб ташлабсиз!
Бизнинг ёш республикамызда бундай қилиш ярамайди.
Демократия зулм блан келишаолмайди!

— Болаларни эксплуатация қилишга ва азоблашга
қўйиб берган демократиянгизга тупураман!— деб
кичирди Тоник.

Шундай жавобдан сўнг оломоннинг кайфияти бирдан ўзгариб қолди.

— Бу қандай бўлди, у республикани ҳақорат қила-яптими?— деб хитоб қилди портфель қўлтиқлаб турган бир ёш йигит, зарда блан.

— Нақадар сурбетлик бу!— деди жаҳл блан аввал четроқда турган чол, тикилиб яқинроқ келди.

— Ана, қандай одам экан-а, бу!— деди рангги очиқ катак-катак йўлли костюм кийган жаноб.— Сиз — большевик бўлсангиз керак?

— Ҳа, мен большевикман,— деб жавоб берди Тоник ғазаб блан.

Одамлар заҳарханда қилишди.

— Ҳа-ҳа, ҳали шундайми!— деб бақирди ғазаб блан аллаким, боя болани мазах қилиб кулган хоним эса бирдан чийиллаб:

— У большевик! Кўраяпсизларми, у большевик!— деди.

Тоник атрофидаги оломон жўшга келди. Большевикларни умрида кўрмаган бу майда буржуалар ҳар кун булар ҳақида газеталарда бўлмағур тухматларни ўқишар, якшанба кунлари эса, қовоқхонада бема'ни куплетларни эшитишар эди. Ҳақиқий большевикни биринчи марта кўришлари блан рус революциясининг буржазия матбуоти тасвирлаган бутун даҳшатларини эслашди.

Ертўлаларда кишиларнинг гардонидан отиб ташлашлар, одамларни тириклайин ахлат чуқурларига қўмишлар, ловиллаб турган плиталарда қовирилган графинялар ва ёш кадетлар қўлидан шилиб олинган теридан қилинган қўлқоплар. Одам ўлдиравериш эс-ҳушини йўқотган комиссарлар тушлик овқатга ўзига ёқмаган станция бошлиқларининг чақалоқларини қовуриб келтиришни буюради. Оломон орасидаги обивательларнинг кўзига яҳудийлар зўравонлиги, хотинларнинг умумийлиги, чувринди кийим кийган князь хотинлари, булғотилган ибодатхоналар, хароб қилинган ва емирилган маданият, талон-торож қилинган музейлар, тошчилар фартук ўрнига боғлаб олган машҳур рассомлардан Тициан ва Корреджиолар ишлаган картиналари, му'табар кишиларнинг қириб ташланиши ва уларнинг мол-мулклари ўғрилар, қотиллар ва яҳудийлар томонидан талон-торож қилиниши кўринар эди. Турган гапки, больше-

виклар Чехословакия республикасини емириб ташлаган бўлар эдилар!

Тоник атрофига тўпланган кишилар орасидан, Бальбинов кўчасида яшайдиган бир дурадгор бақариб қолди:

— Уни қўйиб юборманглар! Полицияни чақиринглар, Постовой! Постово-о-ой!

Икки ёш йигит одамлар орасидан чиқиб полиция участкасига шу қадар югурдики, уларни кўрган киши худди жонини ҳовучлаб қочаяпти деб ўйларди. Уларнинг орқасидан йўлкани тарақлатиб яна бир шоввоз ҳам югуриб кетди.

Мол-мулкдан ажралиб қолиш хавфи Тоникни қуршаб олган кишиларнинг юракларини ваҳимага солди. Бу янги америкача печкадан ажралиб қолиш хавфи эдики, бу печкани сотиб олиш учун эгаси уч йилгача пул жамғариб, ниҳоят, ўтган йили уни ўз ошхонасига олиб келиб ўрнатган. Бу, хотинининг тўққизил ички шоҳи қўйлагидан, саккиз юз эллик крон жамғармаси ва унинг процентларидан ажралиб қолиш хавфи эди; бу процентлар ўтган ярим йилгача Прага шаҳари омонат кассасида йиғилган процент эди.

Обивательларнинг кўз ўнгидан яҳудийлар, немислар республиканинг ҳалок бўлиши, деворга тираб одамларни отишлар ва талаган амеркон ботинкаларига канопдан ип тақиб кийган ўғрилар бир-бир ўтабошлади...

— Қўйиб юборманглар уни, қўйиб юборманглар!— деб шовқин-сурон қиларди ҳаяжонга келган оломон. Боя мазах қилиб кулган хоним худди бировни қувиб келаётгандай чинқариб:

— Ушланглар уни! Қўйиб юборманглар!— дерди.

Оломон тинчийбошлаган пайтда хоним худди тўсатдан бир нарсани эслагандай тирсаги блан одамларни уёқ-буёққа итариб олдинга интилди.

— Ёнини тинтинглар! Ёнини тинтинглар, тагин ёнида тақиқланган бирор нарса бўлмасин!

Хонимнинг фармонини бажаришга ҳозир турган икки ёш йигит Тоникка яқин келишди, Тоник ўзини ҳимоя қилишга шайланиб турди-да, кўзларини олайтириб:

— Қани, йўқол кўзимдан!— деб қичқирди.

Ёш йигитлар ҳам яқинлашишга жур'ат этаолмай жойларида қолақолдилар.

Тоник яшириниш фикрида эмасди. Узининг шуерда ҳозир бўлиши блан оломонни ҳаяжонга солар ва қўрқувни билмас ботируна қараши блан уни ноҳўя ҳаракатдан тўхтатиб турарди. Оломон борган сари кўпаяр, лекин арава атрофида ҳали ҳам шиша ичидаги пуфакчаларга ўхшаш бўш давра бор эди. Бу давра ичида Тоник, дўкондор, бола ва ҳалиги кўзойнакли, оч костюм кийган, соқоли тоза олинган му'табар жаноб турарди.

Дўкондор бурнини артиб, шу жанобга гапирарди:

— Биласизми, тақсир, бу дудланган балиқлар менга қанчага тушган? Ҳали унинг пулини ҳам тўлаганим йўқ, қаёқдан пул топиб тўласам экан деб, бош қотириб ўтирган эдим. Кеча бўлса у ёғ солинган бутилкани синдириб қўйган эди.

— Йўқ, йўқ,— деб қўл силтарди кўзойнакли жаноб,— барибир, болани уриш мумкин эмас!

Дўкондор болага энгашиб, елкасидан ушлади-да, жанобга томон итарди.

— Қани, жанобга айтгинчи, меникида ёмон яшайсанми?

Бола «йўқ» дегандай бош чайқади.

— Сени яхши боқаяпманми?

Бола «ҳа» дегандай бош қимирлатди.

— Сени урамани?

Бола яна бош чайқади.

— Ҳа, бунга ишонч ҳосил қилдик-ку,— деди истеҳзо блан Тоник.

— Нимага ишонч ҳосил қилдингиз? Ҳечнарсанга ишонч ҳосил қилганингиз йўқ!— деб хириллади дўкондор.— Сиз мени буржуй чўчқаси деб атадингиз. Мени-я! Тақсир, мен сиздан кўра ҳам пролетарроқман! Шанба кунлари менга маош бергин деб борадиган одамим йўқ, менда саккиз соатлик иш куни ҳам йўқ, эрталаб соат олтидан то кечқурун ўнгача молдай ишлайман.

— Анови даст'ёрни қаранг-а. Фойданинг ҳаммасини сиз олиб, даст'ёр болага бўлса фақат шапалоққина тегади,— деб гап қистирди Тоник.

— Фойда! Биласизми, тақсир, қанчадан солиқ чиқишини?— деди аччиғланиб савдогар, ғазаби қайнаб турган хоним эса:

— У солиқ тўламайди!— деб қичқирди.

— Хоним, у солиқ тўламайди, албатта!— деб хонимга ўтирилди савдогар, хоним эса қичқирарди:

— Большевиклар солиқ тўламайдилар, биз солиқ тўлашга мажбур бўламиз! Сиз буни тушунасизми, шубҳали одам-а?

— Хоним, биласизми, дўконхона биноси учун қанчадан ижара тўлайман? Буни ҳечким суриштирмайди!— Дўкондор энгашиб, одамларни четлаштирди.— Яшиқчаларни босманглар, ҳой... Йиғиб ол!— деб бақирди даст'ёрига.

Қўрқиб кетган Анна қутичани кўтариб оломон орасида турар ва тобора одамлар кўпайиб бораётгани ва ҳечким Тоникка ачинмаётганини ваҳима блан кузатар эди. Бу кўчада фақат савдогарлар, ҳунармандлар ва бойлар туришарди, бу ерда ишчилар яшамасди. Анна олазарак бўлиб, бирорта ҳимоячи бўладиган одам ахтарар экан, рангги очиқ костюмли жанобдан умид қилди, чунки ўша одам масалани беғараз ҳал қилишга уринаётганга ўхшарди. Анна зўр-базўр ўша одамнинг олдига етиб борди-да, секин баридан тортди.

— Тақсир,— деди у,— ахир, дўкондор ёш болани урди-ку.

— Бу бизга ма'лум,— деб қат'ий жавоб берди жаноб кўзойнак орқали Аннага совуқ назар ташлаб.— Бу ишга сиз аралашмай қўяқолинг.

Анна қўрқа-писа нари кетди.

Тоник Аннага хотиржамлик ва завқ блан жилмайиб қўйди.

— Қўрқма, Анна,— деди у, Аннага далда бериб.— Улар мени тишлашаолмайди. Тишлашса, тишлари синади. Тишлашга жур'ат ҳам этаолмайдилар. Буржуазия ўзи урушмайди, у ўзи учун бошқаларни уруштиришга одатланиб қолган.

Аллаким истеҳзо блан кулиб юборди.

— Сен блан пачакилашиб ўтиришга тобимиз йўқ! Қараб тургин, биз сенга буржуазияни кўрсатиб қўямиз!

Оломон устига иккита ҳасса отилди, ҳақоратлар эшитилди.

Тоникнинг тоқати тоқ бўлди. У қаддини ростлаб, олға қадам ташлади.

— Сизлар блан гаплашиб ўтиришга вақтим йўқ,— пўнғиллади у, кейин бир бекорчини ўнг қўли блан турт-

ди, бошқа бирини эса чап тирсаги блан кўкрагидан итариб юборди.

— Қўйиб юборманглар!— деб бақирди орқа томондан бировларни уруштириб тамошасини кўришга ишқи-воз одам.

Тоник одамларни ҳали ўнгга, ҳали чапга сурарди. Анна ҳам унинг кетидан итариб-туртиб ўтабошлади, шунда унинг елкасига бирнеча марта мушт тушди.

— Қани кетдик!— деди унга Тоник. Тиқилинчдан чиқиб олишганидан кейин Тоник Аннанинг қўлидан ушлаб олди.

Улар кўчанинг юқори томонига қараб кетдилар. Бир тўда одамлар улар орқасидан қараб қолаверди. Оломон орасидан фақат бояги тутоқиб кетган хонимгина жур'атланиб Тоникни тўхтатиб қолишга уринди. У Тоникка етиб бориб зонтик ўқталди, Тоник ўгирилиб мушт кўтарди.

— Менга қаранг, хоним, умримда ҳеч хотин кишини урган эмасман, лекин ҳозир шу ерда шилқимлигингизни бас қилмасангиз, иш чатоқ бўлади.

Хонимнинг ҳамроҳлари уни четга олиб чиқишди.

Анча сийраклашиб қолган оломон бирдан жонланиб, чувиллашиб бақирабошлади:

— Буёққа, буёққа, ушланглар уни, қўйиб юборманглар!

Кўчанинг юқорисидан шошиб-пишиб икки полициячи келар, улар олдида эса уч ёш йигит ҳовлиқиб чопиб келар эди.

— Буёққа, буёққа!

Тоник кулиб қўйди.

— Тўхта,— деди у Аннага,— улардан қочишимиз керак эмас-ку, ахир.

Тоник тўхтаб уларни кутиб турди. Бир минутдан сўнг полициячилар ва оломон етиб келди. Очиқ рангли костюм кийган жаноб яна ташаббусни ўз қўлига олиб гап бошлади:

— Мен министр советниги, доктор Кетнерман,— деди у полициячиларга.— Сизларга расмий равишда ма'лум қиламанки, бу одам республикани ҳақорат қилди.

Сал ўтмай полициячилар, Тоник блан Анна, кўзойнакли жаноб ва дўкондор кўчанинг қуйи томонига қа-

риб йўл олишди. Дўкондор дўкониини ёпиб, истар-истамас кетабошлади. У чап бериб қочмоқчи бўлдию, лекин иложини қилаолмади. У ҳали ҳам дастрўмол блан бурнини артиб, қон оқмаётганмикин деб қарарди. Бу воқияни қаноатланган оломон тарқалди, аммо ба'зибир кингоматалабларгина Тоник блан полициячилар орқасидан эргашиб кетишди. Анна енгларига заррин жияк тақилган полициячининг олдида ўралашиб юарди. У ваҳимага тушган эди, чунки унинг севган йигитини олиб кетишаяпти-да! Бу — қишлоқи қизнинг полициячилар пайзаси ва шафқатсиз суд қаршисидаги ваҳимаси эди. Полициячининг енгидан тутиш учун Аннага жуда катта жасорат керак эди, аммо у жур'ат этиб унинг енгидан чишлади.

— Жаноб полициячи, манави одам болани урди,— деди Анна.

— Полиция ишига аралашманг!— деб бақириб берди, заррин жиякли кўк мундир кийган киши.

— Бор, Анна, сен бу ишга аралашма,— деди Тоник.

Кейин Анна қизил табличкага оқ ҳарфлар блан «Полиция участкаси» деб ёзиб қўйилган ойнавонли эшик олдида узоқ вақт туриб қолди. Унинг Тонигини шу ерга олиб кириб кетишди.

Теварак-атрофни кўча шовқини тутиб кетган, тротуарлардан пиеда йўловчилар қатнайди, лекин буларнинг ҳаммаси гўё туманда гаплашиб кетаётгандай туюларди. Ҳархил овозлар худди калаваси чувалиб кетган ипдай аралаш-қуралаш бўлиб, Аннанинг хаёлида эса у қарашга жур'ат этаолмаётган оқ-қизил табличка гавдаланар эди.

Ойнали эшикдан аллақандай одамлар чиқиб келарди, лекин булар орасида Тоник йўқ эди. Мана, эшикдан дўкондор чиқди, кейин яна аллақандай одамлар, ундан кейин Аннага бошдан оёқ совуқ назар ташлаб очик рангли, йўл-йўл костюм кийган жаноб ҳам чиқди.

Ниҳоят, эшикдан Тоник кўринди.

— Тоничек! Тоничек!— деб хитоб қилди Анна, унинг қўлидан ушлаб оларкан.

— Ёш болаларга ўхшама, Анна. Юр,— деди у, Аннани сал ўзидан четлаштириб.

— Тоничек, сенга ҳечнарсa қилишмадимми?

— Нима қилишарди? Қани юр, юр.

Улар йўлга тушишди. Анна унинг қўлини маҳкам сиқар эди.

— Сенга ҳечнима бўлмасмикин, Тоничек?

— Нима, икки кун ўтириб чиқаман, холос.

Анна унинг бармоқларини сиқди.

— Тоничек!

Тоник уни трамвай останковкасигача бошлаб борди, Анна ҳам итоат блан бирор нарсани сўрамай, Тоник қаёққа бошласа шуюққа боришга тайёр ҳолда кетарди.

— Бор энди, Анна, ҳали ҳам ўлгудай гап эшитадиган бўлдинг. Менинг мажлисим бор, ҳа, айтмоқчи, ҳали уйпа ҳам кириб чиқишим керак. Агар иложини топсанг, Халқ уйига келгин.

Қош қораймоқда. Тоник уни трамвайга тушириб, нигоҳи блан кузатиб қолди. Тоник кўздан йўқолгач, Анна вагон ичкарисига кириб кетмоқчи бўлган эдики, бирдан юзида чандиғи бор, соқолли киши — Плецитий блан студент Яроуш Яндакни кўриб қолди.

— Сенга нима бўлди, ўртоқ? — деб сўради Яроуш ва саломлашар экан, анча вақтгача Аннанинг қўлини ушлаб турди. Унинг қўли иссиққина ва самимий бўлиб, нигоҳида ачиниш аломати сезилиб турарди.

Анна кўзёшисини зўрға тийиб, юз берган воқияни уларга сўзлаб берди.

Анна гапини тугатгач:

— Ахир, Тоник яширинса бўлмасмиди? — деб сўради бепарволик блан Плецитий.

— Яширинишни истамди, — деб жавоб берди Анна.

Собиқ қизил аскар Яроушга кўз қирини ташлади-да, бепарволик блан деди:

— Бема'нилик! Нега у заводлардаги ишчилар орасида агитация қилмайди? Кўча-кўйда обивательлар блан адибади айтишиб юришдан, бунинг устига, ўзининг полиция идорасига олиб боришларига йўл қўйишдан нима фойда?

Плецитийнинг айрим кишиларнинг тақдири қизиқтирмас эди. Уни фақатгина революция қизиқтирарди.

Анна ажабланиб, ҳечнарсга тушунмай унга тикилиб қолди.

Наҳотки, у Тоник тўғрисида шундай гапларни айтаётган бўлса?

— Йўғе, — деди Яроуш, Анна ҳам бу гапни ўзининг

кўнглини кўтариш учун айтилганини дарров пайқади.— Тоник албатта заводларда агитация ишларини олиб боради... У азамат йигит.

Анна иккала ҳамроҳига бирор марта ҳам қарамай, улар блан икки остановка бирга борди. У Плепитийни ўлгудай ёмон кўриб қолди. Анна Вацлав майдонида трамвайдан тушди. Яроуш ўзининг юмшоқ ва иссиққина кафти блан яна Аннанинг қўлини сиқди, аммо бу гал қизининг қўлини ўзи истаганча узоқ вақт сиқиб туролмади, чунки Анна қўлини тортиб олиб, худди вагон юрай деганда сакраб тушиб кетди.

«Уйда ўлгудай гап эшитасан»,— деган эди Тоник хайрлашатуриб, айтгани келди. Шундай кунлар бўладики, кишининг ўтмишда қилган ва келажакда қиладиган гуноҳлари учун ҳам бирданига ҳамма жазо келақолади, бу жазолар худди полкадан тарақа-туруқ қилиб ағдарилган идиш-оёқларга ўхшаб унинг бошига ёғилади.

Анна энди уйга кириб, эшикни ёпган ҳам эдики, лип этиб даҳлизга хўжайка чиқди.

— Қаерда эдингиз? — деб бақирди у.

Анна қўрққанидан жавоб беролмай қолди.

— Қаерда эдингиз? — деб бақирабошлади архитектор хотини. У кечки пардозни қилган: уқа ва зеби-зийнатларини таққан, сочларини тараб, упа-эликлар қўйиб олган эди.— Ярамас! Ярамас қиз!

Уй эшиги очилиб, Рубеш қаради.

— Юр, ўзингни хуноб қилма, у блан йайтишиб ҳам ўтирма. Биринчи числода уни ҳайдаб юборамиз. Нарсаларни олиб келдими?

— Олиб келди. Албатта, биринчи числода ҳайдаб юборамиз!— деб қичқирди хўжайка, кейин Аннанинг қўлидан қутичани юлқиб олиб, уйга кириб кетди.

Даҳлизда ойимқиз Дадла пайдо бўлди.

— Хатни олиб бориб бердингизми, Анна? — хушонад блан шивирлаб сўради у, гўё ҳожатхонага кетаётгандай бўлиб.

— Йўқ, ойимқиз.

Дадла таққа тўхтади, рангги ўчиб кетди. Кейин у қўриб кетиб, савол назари блан Аннага тикилди, лекин жавоб ҳам кутмай, тишларини гижирлатди-да, худди сочини юлмоқчи бўлгандай зарда қилиб икки қўли блан бошини тутди. Лекин шу онда у ортиқча тўхтаб қолиш

мумкин эмаслигини пайқаб қолди, чунки ота-оналари шубҳаланиб қолишлари мумкин эди.

— А-аҳ, аблаҳ! — деди у тасвирлаб бўлмайдиган даражада ғазаб блан, кейин туф деди-ю, ҳожатхонага кириб кетди. Шўрлик лоақал Аннага ҳам ғазабини сочаолмади, — эшикни қаттиқ ёпиш мумкин эмасди-да.

Дадла қайтишда яна шу ердан ўтаётиб худди бояғидай ғазаб блан туфлаб кетганда Анна ҳамон даҳлизда бошини қуйи солиб турган эди.

Анна ошхонага кириб кетди. У ошхона столи ёнидаги табуреткага ўзини ташлади-ю, бошини қўллари орасига олиб, нима бўлса-бўлар, ҳечнарсани эшитмай ҳам, кўрмай ҳам деб, кўзларини чирт юмиб олди. Аннага уйдан чиқиб кетаётган хўжайинларнинг оёқ товуши ва ҳовлида машина овози эшитилди. Кейин ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.

Ун беш минутлардан сўнг ошхонага шиддат блан Дадла кирди. Анна бошини ҳам кўтармади.

— Нега хатни обориб бермадинг? — деб бақирди Дадла бўғиқ товуш блан, — эй ярамас, расво, ҳайвон! Қани энди, ўлдириб қўяқолсам, сен беҳаё шармандани! — Ойимқиз оғзига келганини қайтармади. Кейин у ошхона эшигини шу қадар зарб блан ёпдики, полкадаги идиш-оёқлар шарақлаб кетди. Ниҳоят, Дадла ота-онаси борлигида шунча ғазабини ичига ютиб тургани учун ўзини мукофотласа ҳам бўларди. У, квартирадаги етгита уйнинг ҳаммасига кириб-чиқар ва эшикларни шу қадар тарақлатиб ёпардики, девор сувоқлари шитирлаб тўкилар, қандилларнинг шилдироқлари жаранглаб кетар ва бутун уйларзага келарди. Анна умрида бундай жаҳлни кўрмаган эди! Ба'зан отасининг жаҳли чиққанда, Аннанинг бошига муштлаган вақтлари ҳам бўлган, — отасининг қўли оғир эди, — лекин унинг ҳечвақт бу қадар жазавасти тутмасди.

Бир минутдан сўнг ойимқиз Дадла тагин ошхонага кирди.

— Мени нима қилдингиз! Оҳ, ҳудойимей, мени нима қилдингиз! — деб йиғлаб юборди, Дадла. — Мени бўғизладингиз, ҳалок қилдингиз! — У пешонасини идиш-оёқлар турган полкага урди.

Анна бошини кўтарди.

— Нима қиляпсиз, ахир, ойимқиз! — Хушингизни бошингизга йиғинг!

Дадла плитадан нари кетиб, кўзларини бақрайтирди.
— Икки чаккасини чангаллади.

— Анна, худо ҳақи, мен бу кечани худонинг инояти
икки ҳафтадан бери кутган эдим-а! Сиз мени қандай
манда қилганингизни билмайсиз, Анна. Улдинингиз,
индингиз мени! — Ойимқиз бошини чангаллаб, алами-
нидойолмай ошхонада уёқдан буёққа юрабошлади. —
худойимей, худойимей!

— Ойимқиз, — деб шивирлади қўрқиб кетган Анна, —
икки ҳозир ҳам бориб келишга улгурарман?

Дадла югуриб Аннанинг олдида борди-да, ўсиқ тир-
чари блан унинг елкасидан ушлади.

— Боринг, Анна, боринг, — деб хириллади Дадла. —
ринг, Анна, хизматингиз учун сизга уқа тутилган
ни батист кўйлагимни совға қиламан. Югуринг! Руди
ан чиқиб кетган, сиз энди «Метрополь» кафесига бора-
агар у ерда бўлмаса «Арк», «Эдисан» ёки «Лувр»га
иб қаранг. Булардан ташқари яна «Рококо»да, паст-
ни вино залида ҳам бўлиши мумкин. Агар у ердан ҳам
олаолмасангиз, Градчанидаги «Айиқ» кафесига борасиз.
«Метрополь»нинг қаердалигини биласизми?

— Йўқ, ойимқиз.

— Оҳ, худойимей, ҳечбалони билмайди-я! — деди
Дадла фигони фалакка чиқиб.

Дадла қалам блан қоғоз олиб, кафе, ресторан, қовоқ-
хона, кўчаларнинг номи ва трамвай номерларини ёзабош-
лади; Анна бирортасини тушунмай қолса, Дадла бетоқат-
лик блан ер тепинарди.

— Югуринг, Анна, югуринг, жоним, ишқилиб уни
топинг-да, яхшилигингизни унутмайман, мен сизга уқа
тутилган лозим ҳам бераман! Градчанига биринчи трам-
вай блан борасиз, қаерда тушишни ўзингиз биласиз, ке-
йин у ерда юқорига чиқиб сўрайсиз. Кейин уйга қайтиб
келманг, ойим блан дадам ярим кечасиз келишмайди, ма-
на, беш крон олинг, кафеда бироз ўтиринг, журналларда-
ги расмларни тамоша қилинг. Югуринг, Анна, югуринг.
Калитни олиш эсингиздан чиқмадими?

— Олдин ўринларни солиб қўяй.

— Кераги йўқ, кераги йўқ, ўзим қиламан. Сиз ғизил-
ланг!

Анна кўчага чиқди. Бугун қандай даҳшатли кун-а!
Биров уни дуоибад қилдими ёки сиҳрладимикин, умр

бўйи қилган гуноҳларини шу бутун ювишга тўғри келаяпти. Ахир, у бировни хафа қилдими? Ойимқиз бўлса, бажариш мумкинми, йўқми эканини суриштирмасдан иш буюраверади. Худди нонга юбораётгандай «югуринг, уни толиб келинг!» дейди. Хўжайинлар ҳаммаша шунақа, ҳечнарсга блан ҳисоблашиб ўтиришмайди. Анна тротуарлардан югурди, трамвайларга тушди, қовоқхона ва кафеларга кириб чиқди. Тротуарларда бораётган пайтда одамлар уни туртиб кетишди, у айланадиган эшикларга дуч келганда каловлаб қолди. Анна ойна ва ёғочдан ясалган карусельда икки марта айлангач, қандиллар блан чарогон қилиб ёритилган, ҳаммаёғига тош-ойналар қўйилиб, оқ дастурхонлар ёзилган залга кириб қолди. Эшик олдида уялиб турган бумазей кўйлакли хизматкор қизга ҳечким э'тибор бермади; уни биров лоақал гадоё деб ҳам ўйламади. Чунки Анна жуда соғлом ва озода кийинган қиз эди. Унинг ёнидан кафе приборлари терилган патнис, кумуш челақларга солинган вино бутилкалари ва чинни тарелкаларда овқат кўтариб уёқдан-буёққа югураётган кельнерлар (ресторан ходимлари)нинг бу қиз блан гаплашишга сра вақтлари йўқ, кельнерларнинг ёш даст'ёрлари эса ўзларининг фрак¹ ва оқ манишкалари² блан гурурланиб Аннани мутлақо назар-писанд қилишмасди. Фақат яқинроқдаги столларда ўтирган кишиларгина Аннанинг ўзига дуруст, малла сочли, бежирим қиз эканлигини пайқадилар. Анна бу ғалла-говурда уялиб, бирнеча марта «Марҳамат қилиб, айтингчи...» деб илтижо қилганида, унга мутлақо э'тибор беришмади, ба'зан эшитишганда ҳам «у киши бу ерда йўқ», ёки янада батарроғи «Билмайман», ё бўлмаса «У одамни танимаймиз» деб жавоб беришарди. Бу Анна учун жуда оғир эди. Айниқса унга «Лувр»да кельнерлар устма-уст тўрт марта мужмал жавоб қилганда ва четдаги столда ўтирган семиз бир жаноб кўз қисиб уни имлаганда, Анна ахтарилиши бас қилиб, Ўлтава қирғоқларига қочиб бориб, ўзини сувга ташлаб ўлдиргиси келди.

Лекин шундай бир кутилмаган воқиа юз берди, бу гўё ажойиб қутилиш сингари ҳам эмас, балки жуда оддий воқиадай юз берди: Анна соат тўққизлардан ошганда

¹ Фрак — олди этаги калта, орқа этаги энсиз сюртук.

² Манишка — эркалар кўйлагининг тикма ёки қадалма кўкраги.

«Бобоко» қовоқхонасидан инженер Фабианни топди. Ан-
на бу қовоқхонанинг кийим ечадиган жойида, худди хом
анна ўхшаш қипқизил гиламда аланглаб турган эди,
«Фейлигина бир кельнер унинг саволига: «Ҳа, у шу ерда»—
«Ҳа» жавоб берди ва жаноби инженерни чақириб берди.

Инженер — олифта кийинган йигит бўлиб, Аннага эса
анна зиёда олифта бўлиб кўринди. Фабиан роса атр-упа
анна экан, Анна буни дарров пайқади; у оқ гетр¹ кийган,
ойиб галстук таққан бўлиб, қўлида олтин соат, ўрта
омоғида эса катта кўк феруза кўзли узук ялтирарди,
унинг кўзи азбаройи катталигидан бармоғининг икки
инини қошлаб турарди.

— Сизга нима керак? — деб сўради кибр блан инже-
нер. Унинг гапларида киборлик да'воси сезилиб турарди,
лекин, Аннанинг назарида, бу да'вогина эди, холос; Фа-
бианда Аннанинг хўжайинларида бўлган ўзига ишонч
сониқмасди.

— Мен сизга хат олиб келган эдим, афандим.

— Буёққа беринг, — деди инженер, конвертни очди-да,
битта кўз югуртди. Унинг лабларида мамнунлик табас-
муи жилваланди. «Жуда соз!» — деб юборди у охирида
ти жилетининг чўнтагидан икки кронлик қоғоз пул олиб
анна блан Аннага узатди. Анна қизариб кетдию, лекин
пўлни олди.

Инженер очиқ рангли пальтосини кийди-да, анчагача
аннага қараб гулдор шарфини тўғрилади, Анна эса
пўлни ушлаганча, қизил гиламлар тўшалган пилла-
ноядан кўчага чиқди. Шундай қилиб сарсон-саргардонлик
туғади, Анна озод бўлди. Анна Тоник блан учрашиш
умидида ғириллаб Халқ уйига борган эди, броқ мажлис
тугаб, одамлар тарқалишган экан. Анна боққа кирди-да
ойнадевордан павильонга мўралади. у ерда фақат битта
лампочка ёнар ва иккита столда одам бор эди. Битта
столда марьяж ўйнашяпти, иккинчисида уч ўртоқ нима
тўғрисидадир баҳслашар, тўртинчиси эса «Деревообде-
лочник» газетасини ўқиб ўтирарди.

«Энди нима қилсам экан?» деб ўйларди Анна. Гиберн
кўчасида трамвай останковкасига кета туриб. Ойимқиз
Дадланинг кафега кириб, журналларни варақлаб ўтир
лоб берган маслаҳати мутлақо фойда бермади, — бу кафе,

¹ Гетр — ботинка устидан тўлиқдан тиззагача киядиган иссиқ
оёқ кийими.

қовоқхона ва ресторанлар роса Аннанинг жонига теккан эди. Эркаклар диққатини жалб қилиб яна анави кафед-гига ўхшаб уялгандан кўра, икки соат кўчама-кўча ерга қараб юрган яхши. Хўжайинлар — ўлгудай худбин бўли-шади, улар ҳамма ширсага калтафаҳмлик блан қарашади.

Анна бирдан Маняни эслаб, Вацлав майдонига жўна-ди. У кўча эшикни қўлидаги калит блан очди-да, қоронғи зинадан тўртинчи қаватга кўтарилди. Маня турадиган хўжранинг панжарали деразаси зина томонга қараган эди. Анна ойнани аввал секингина, кейин эса қаттиқроқ тақирлатди. Лекин Маня уйғонмади. Анна жуда қаттиқ тақиллатди.

— Ким у? — деган уйқу аралаш овоз эшитилди, ниҳоят.

— Мен, Аннаман.

Ойна ёриди, кейин дераза ланг очилиб, гулдор панжа-ра орқасида Манянинг боши кўринди. У кўзларини гоҳ сузиб, гоҳ пириллатиб қарадида, Аннанинг чеҳрасидаги хафалик аломатини кўргач, кўзларини катта-катта очди:

— Сенга нима бўлди, жонгинам?

— Манечка, ўтинаман, мени уйингга кирит.

— Хўп бўлади, киравер!

Маня секингина зинапоядаги эшикни очди-да, Анна-нинг қўлидан етаклаб қоронғида ўз хўжрасига олиб кир-ди. Иккаласи ўринга ёнма-ён ўтиришди. Анна дугонаси-нинг саволига фақат: «Манечка, мен жуда бэхтсиз эканман!» деяолди-ю, ўпкаси тўлиб, гапириш ўрнига хўнграб йиғлаб юборди. Маня дарров тушуниб, суриш-тирмай қўяқолди. Икки қиз қўл ушлашиб алламаҳалгача ёнма-ён ўтиришди, бири малла сочли, иккинчиси қора сочли, бири кўйлақда, иккинчиси битта ич кўйлақда; малла сочли қиз йиғлайди, қора сочли қиз эса унга ачи-ниб, бошини силайди, тиззаларига уриб: бўлди, энди, бўл-ди! — дейди.

Ниҳоят суҳбат бошланди.

— Қани, гапириб бер!

Анна хўжайка опасиникига қути олиб келиш учун юборганидан бошлаб, шу бугун бошидан кечирган барча мусибатларининг ҳаммасини тўкиб солди. Фақат Плеци-тийнинг Тоник ҳақида алам қиладиган гаплар гапиргани тўғрисида чурқ этмади. Тоникни полициячилар олиб кетгани ҳақида гапираётган пайтда Анна яна йиғлаб, қўллари блан юзиши яшириб олди. Маня воқияни эши-

ниб бироз хотиржам' бўлди, дугонасидан хавотир олган эди, у ҳам ўтди, кейин Аннанинг кўнглини очишга уриниб, уни ўринга босиб қитиқлайбошлади.

— Вой тентагей, вой бақироқ сигирей, буларнинг ҳаммаси арзимас гаплар-ку! Прагада бундай ишларга боғланиш керак, бу ер сенинг Пркеницийинг эмас.

У Аннанинг оёқ кийими, кўйлаги ва пайпоғини ечиб, ўрнига ётқизди-да, томоғигача кўрпага буркаб қўйиб, унинг олдиди.

— Оббо тентагей!

Кейин чироқни ўчириб, ўзи ҳам Аннанинг ёнига ётди. Улар кечаси алламаҳалгача пичирлашиб ётишди. Манянинг хўжайинлар блан бўлган жанжал айниқса қизиқтирди; оймқиз Дадланинг қутириб кетганини эшитганида қўқисдан бирнарсга эсига тушгандай, ўрнидан сал кўтарилди-да, кўрсаткич бармоғини юқори кўтариб, ҳуштак чалди.

— Ўҳ-ҳў!— деди Маня худди ўз шубҳасини текшириб ўраётгандай бир минутча шу ҳолатда ўтирди-да, кейин яна гап сўради.

— Қани, ҳаммасини бирбошдан менга яна гапириб бергин-чи.

Маня бу воқияни яхшилаб тушуниб олмоқчи бўлди.

Анна ҳам оймқиз Дадланинг қутириб кетганини қайтадан гапириб берди.

Ҳаммасини эшитгач, Маня шундай хулоса ясади:

— Дадланинг бўйида бўлиб қолгани шубҳасиз. Унинг эсхонаси ўйнаб кетган. Шошма, бу бошланиши, ҳали бундан беш бадтари бўлади. Эрталаб ҳаммасини Дворжаковага айтиб бериш керак.

Охирида Маня яна бир ҳуштак чалди, бу сафар худди нуқта қўйгандай қисқа чалди.

Қизлар бир-бирларига орқа ўгириб ғужанак бўлиб ўхлашди.

— Биз ҳозир Австрия давлат бургутига¹ ўхшаймиз,— деди Маня уйқуга кетаётиб. Бу унинг сўнгги сўзи бўлди.

Бизга қурол керак, қурол!

Диагноз нотўғри чиқди: 1919 йилда Марказий Европани ларзага келтирган талваса жаҳонда бирнеча янги давлатлар пайдо бўлишидан кейин тутган тўлғоқ эмас.

¹ Австриянинг герби.

эди. Бу янги туғуруқлар олдидан тутган тўлғоқ эди. Диагноз хато бўлиб чиқди, чунки воқияларнинг бориши ғоят шиддатли эди.

Тоникнинг Жижковдаги ижарага турган квартирасида, унинг ўрин-кўрпасида ўн кундан буён венгрияли эмигрант — революционер тунар эди. Эмигрант ўртоқлари қалбаки паспорт тўғрилаб, кўчада газета сотучи қилиб тайинлатишгунича Тоникникида турди. Сил касали бутунлай ҳолдан тойдирган бу муҳожирнинг қопқора кўзлари чақнаб турар, оғзида эса фақат уч дона: иккита юқори ва битта қуйи тиш кўриниб турарди; унинг тишлари ғоятда оқ ва худди олмахоннинг тишидай мустаҳкам эди. Венгрнинг исми Шандор Керекеш эди; бу бир вақтлар токарь бўлиб ишлаган. Керекеш кунлардан бир кун, сентябрьнинг охирларида металлустлар касаба союзининг секретариати жойлашган Халқ уйига келди. У, худди саёқ итдай озғин, кийимлари жулдур, ёнида ҳужжати ҳам, сариқ чақаси ҳам йўқ эди. Шу вақтларда ўзини венгр революционери қилиб кўрсатучи жуда кўп одамлар — майда-чуйда эпчил муттаҳамлар, баъзида эса полиция айғоқчилари Венгрия социал-демократик партиясининг қалбаки ҳужжатлари блан келиб, ишчи ташкилотларидан ёрдам сўрашарди. Лекин ўртоқлар Шандор Керекешга ишондилар, Тоник уни ўз уйига олиб кетди.

Тоник блан Керекеш бир-бирларининг тилига тушунишмасди; шунинг учун ҳам улар турли имо-ишоралар ва «Право Лиду»¹ газетасининг эски сонларига ёзиш, шунингдек Керекеш билган йигирматача словак сўзи ҳамда иккаласи биладиган ўттизтача немисча сўз ёрдами блан гаплашардилар. Улар бир-бирларининг фикрига тушуниб олгунча талай вақт сарф бўлар, лекин ҳар иккаласи ҳам ишчи бўлгани, меҳнат уларни сабот-матонатга ўргатиб қўйгани учун ҳам доим бир фикрга келаолардилар.

— Биласанми, мени боғлашди, қамашди... тюрма. Тушунасанми, мана бундай каталакка-я,— Керекеш камеранинг ҳажмини кўрсатарди, кейин бармоғи блан турли жиҳозларни кўрсатарди.— Ўрин-кўрпа йўқ, стол йўқ,

¹ «Право Лиду» — социал-демократик партиянинг марказий органи.

сгул йўқ... Мен у ерда ўн кун, йигирма кун ва яна уч кун бўлдим. Ҳар куни — heute, gestern, morgen¹— очилади-да, бир гонвед² кадети ва икки гонвед-обер-лейтенант граф Имре Белаффи блан кадет барон Тасилло Ченгери киришади. Қийимларимни ечишади, ҳаммасини ечишади, мен қип-яланғоч бўлиб қоламан; полга ётқи-лишади, оғзимни ерга қаратиб қўйишади, мана бундай қилиб. Шундайлигича қимирлатишмайди. Кадет-да бутилка бор, ана бунақа, ҳув чемоданингнинг устида-гидақа. Бутилкада кислота... Тушунаяпсанми? Мана — H_2SO_4 , мен мана, газетага ёздим, Ҳа, ҳа, тушундингми! Бутилкада роз пати бор. Буни чизиб кўрсатиш керак. Мана, қараб тур, манави роз, унинг қанотидан пат ола-миз. Кадет перони бутилкада ҳўллаб, кетимга тикади. Мен «Вой до-о-о-д!» дейман. Шу нарса ҳар куни такрор-ланади, тушунаяпсанми?— heute, gestern, morgen. Ўн, йигирма ва яна уч кун. Обер-лейтенант блан кадет тепам-да туриб дарғазаб бўлишади: «Гапир!» дейишади. Мен: «Йўқ!» дейман, улар: «Гапир, ҳайвон!» дейишади. Мен: «Йўқ!» дейман. Улар: «— Айт, Алдар Ач қаерда, Ферер қаерда, Шабо қаерда?» дейишади. Мен «Айтмайман!» дейман. Уларда қамчи бор. Мени уришади, мен ҳушдан кетиб қоламан. Бир челақ сув олиб келиб, устимдан қу-йишади — мен кўзимни очаман. «Гапир!» дейишади. Мен: «Йўқ!» дейман. Улар чекишади-да, ёниб турган сигарета-ни кўкрагимга босишади. Мен дод-фар'ёд қиламан, типирчилайман. Улар: «Шабо қаерда, Ач қаерда, Гутман Вильмос қаерда, Лакатос қаерда?» дейишади. Мен: «Айтмайман» дейман. Улар тарсаки тортиб юборишади. Мана, кўрдингми?— Керекеш синдирилган тишларини, кейин кўйлагини ечиб кўрсатади. Орқасининг ҳаммаси чандиқ, кўкрагини куйишдан қолган доғлар босиб кет-ган.— Ўртоғим Пало Ковочни ўлгунча урдилар. Биласан-ми, қум тўлатилган қоп блан уришди. Буни чизиб кўрсат-иш керак. Мана, қара, қоп блан бошга урадилар. Одам гандираклаб бориб йиқилиб ўлади. Жаллодлар учун бу жуда қулай-да. Доктор желиб, кўзойнак орқали уёқ-буёғига қарайди, ўлганини аниқлайди-да, елкаларини

¹ Бугун, кеча, эртага (немисча).

² Гонвед — Венгрияда резервдаги махсус қўшин.

қисиб қўяди: мурдада ҳечқанақа из йўқ — юз-кўзлари топтоза, оқ, баданида на жароҳат ва на қон бор. «Нима бўпти, ўлипти-да, олиб кетинг» дейди доктор. Обер-лейтенант блан кадет кулиб, қўлларини ишқалашади-да: «Ҳечнарсани пайқагани йўқ», дейишади. Улар шундай қилиб кўп одамни ўлдириб юборишди. Hundert¹, бир неча hundred социалист ва коммунистларни ўлдиришди. Қумли қоп блан уриб одам ўлдириш жуда қулай. «Мени ҳам шунақа қилиб ўлдиришади», — деб ўйлардим. Нима қилиш керак? Йигирма уч кундан бери тюрмада ўтирибман. Тюрмачи киради. Обер-лейтенант ҳам, кадет ҳам эмас, анави белбоғига калит осиб юрадиган, эшикни очиб-ёпадиган ва овқат олиб келадиган киши киради. У кексароқ ва анча дуруст одам. Мен жуда заифлиб қолдим. Тиззаларим қалтирайди, а'зойи-баданам бўшашиб кетган, зўрға оёқда тураман, лекин бор кучимни тўплаб, ўзимни ўнгладим-да, унга ташландим. Томоғини тишлаб олдим. Ерга ағдарилиб роса олишдиж, тишлаб олганимча ҳеч қўйиб юбормадим, калтаклайвериб синдиришганидан қолган мана шу учта тишим блан. Кўраяпсанми, худди олмахоннинг тишидай диккайиб турипти. Мана, назоратчи ҳам ўлди, унинг қонидан эса оғзим чучмал бўлиб кетди. Қандай жирканч! Эсга олмаган яхши. Эсимга тушса ҳали-ҳали кўнглим беҳузур бўлиб кетади. Бу назоратчида ҳеч гап йўқ, ҳаммасига граф Имре Белаффи блан барон Тасилло Ченгери айбдор эди. Оҳ, қандай қонхўр йиртқишлар-а, улар! Агар қачон бўлмасин уларни учратиб қолгудай бўлсам, ўлдираман! Керекеш венгр тилида шанғиллаб узун бир жумла айтди. — Ҳа, чех ўртоқ, — деб давом этди у, — мен алам ва ғазабларимни ўз она тилимдагина ифода этишга қодирман; чунки мен, қонхўр итвачча Хортини дунёга келтирган ота-оналарни қаттиқ ла'натлай оламан. Оҳ, йўталишимни қаранг! Биламан, силман... Аммо, барибир мен уларни ўлдираман! Кечирасан, буёғини ҳам айтиб бераман. Мен ўлган тюрмачининг кийимини ечиб, кийиб олдим-да, қочдим. Ёнимда сариқ чақа ҳам йўқ эди, пиёда йўл босдим, яшириндим. Ердан топган-тутганимни едим. Камдан-кам тиландим, чунки хавотирли эди. Фақат бир куни бир баринни учратиб шапкамни олиб, ундан гугурт сўрадим.

¹ Юзта (немисча).

У тугурт берди. Danke schön!¹ Олов-яхши парса. Wagn!². Бир товуқнинг шартта бўйини узиб, пиширдим. Ниҳоят, Прагага етиб келдим. Шу ерда кўнглим енгил тортиб, хотиржам бўлдим. Бу ерда ташкилот, пролетарлар, коммунистлар... Яхши ўртоқлар...— Керекеш яна она тилида бир нарсалар деди.— Ўртоқ, агар мен қўлингни сиқиб, кўзларингга тикилиб раҳмат десам тушунмаслигининг мумкинми?

Ҳа, 1919 йил диагнози нотўғри эди: бу туғруқдан кейинги дард эмас, балки янги туғруқларнинг яқинлашуви эди. 1919 йилнинг май ойида жуда катта хатолик бўлди. Халқ бу кунни «Савдогарларга сўнгги огоҳлантириш!» деган шиор остида ўтказди ва Австрия монархиясининг қолдиғини тугатишга ишонган эди.

Ўзгаришдан сўнг халқ қайтадан кўчага чиқди. Аммо бу намоёншларда чехлар озодликни қўлга киритиб, ўз миллий мустақилликларидан шодланиб, «Наздар!»³ ҳамда «Гей, славяне!» гимнини айтиб кўчаларга чиққан тантанали кунлардаги шодиёна кўринмас эди. Ҳозир намоёнчилар бир йил бурунги, яъни фронтларда тўплар ва қабрларнинг оғзи очилиб турган вақтдаги сингари, дарғазаб ва баджаҳл кўринарди. Старомест майдонига тўпланган минг-минг кишилик оломон тутаяқиб, қаҳру-ғазаб ўтлари блан ратуша⁴ деразасига қараб, «Гинчлик истаймиз!» деб қичқиради. Бугун улар яна саф тортиб, шаҳар маркази томон йўл олдилар. Демобилизация қилинган солдатлар ҳам келиб қўшилдилар, улар озодликда ўтказган ярим йил шаҳар четларида ҳукм сурган очлик ва муҳтожликнинг оқошларида, ҳарбий асирлар лагерларида ҳукм сурган очликдан сра ҳам қолишмаслигини кўрсатди; улар оқошларида ва лагерларида экан дарғазаб хотинлари ва оч-яланғоч болаларини кўришмас, витриналарга қўйилган гўштлар, дудланган чўчқа этлари, чиройли қилиб терилган ичкилик шишалари блан уларни ҳечким безовта қилмас эди. Австрия армиясининг собиқ қочоқлари келиб қўшилдилар. Ўрмондаги ҳаёт, очлик ва таъқиб этишлар уларни: «Ўзингни ўзинг сақла! Ўлдирилмай, десанг,

¹ Ташаккур (немисча).

² Иссиқ (немисча).

³ Чех тилида — саломлашув.

⁴ Ғарбий Европа мамлакатларида шаҳар маҳкамаси жойлашган бино.

Ўлдири!» деган оқилона қоидага ўргатди. Легионерлар ҳам келиб қўшилдилар; чунки улар ярим йил мобайнида қат'ий ҳаракатлар қилиш одатини тарк этмаган ҳамда беш йил ичида озод ватан учун кураш ҳақидаги орзу-умидларидан воз кечмаган, бутун тўсиқларни ёриб ўтиб уйларига талпинган эди. Бу ерда большевиклар ҳам бор эди. Улар кўпчилик эмас, аммо рус революциясининг тажрибаларини ўрганиб, воқияларнинг моҳиятини ва ўз бурчларини яхши тушунар эдилар. Дўкондорлардан ўч олиш учун ярим ертўла квартиралардан озғин, ҳорғин аёллар югуриб чиқабошладилар; улар бир қоп кепак учун дўкондорларга сўнгги кўрпаларини берган эдилар. Бу ерда ўғли ҳалок бўлган оналар ва бева қолган хотинлар ҳам бор эди. «Озод бўлган ватан»нинг буларга раҳми келмади, чунки давлат арбобларининг вақти йўқ, бундай хотинлар эса жуда кўп эди. Улар энди кўпдан буён йиғлама, кўзёшлари қуриб, қалбларини тошдай эзар эди. Уруш инвалидларининг хотинлари ҳам келган,— «Тинчлик ва озодлик» бу хотинларга ортиқча оғизгина тўхфа қилди. Намойишга ашадди ўғрилар, текинхўрлар ва муттаҳамлар ҳам суқилиб олган эдилар; улар бу май кунда республика полиция бошлиғи Бинерт олдида ҳам худди император полицай президентлари Кришков ва Кунцлар ҳузурида қилгандай бемалол, катта ўғирлик қилиш мумкин эканини яхши тушуниб олишди. Ўғрилар ўлжаларни пайқашиб, бир-бировларини қутлашар эди:

— Салом, Пепик! Бугун Божена учун арзонгина кофталар, пайпоқлар оладиганга ўхшаймиз.

Енгларига қизил лента тақиб олган социал-демократик ташкилотчилар ҳам келган эдилар, улар бугунги намойишнинг аҳамиятини тушунардилар ва омманинг активлигини қай даражагача қўйиб бериш ва қаерда тўхташ кераклиги тўғрисида ўз раҳбарларидан аниқ йўл-йўриқ олиб келган эдилар. Уларга намойишни қайси кўчалардан олиб бориш ва митингда социал-демократик министрлар сўзлайдиган Старомест майдонига соат нечада етказиб боришгача тайинланган эди. Мабодо социал-демократик ташкилотчиларнинг енгларидаги қизил лента фойда бермайдиган бўлса, уларга ёрдам бериш учун қўшни кўчаларда полициячи соқчилар турар эди.

Қовоғи солиқ намойишчилар Прага кўчаларидан ва бутун чех шаҳар-қишлоқларидан ўтдилар. «Битсин

золимлар, узилсин кишанлар!» деган қўшиқлар ҳавода янгради. Ёшлар эса:

Ҳай чайқовчи, савдогар,
Топган фойдангни қайтар!
Иштаҳанг мисли аждар,
Бойиб кетдинг, бас, етар!

деган, чайқовчилар ҳақида ёзилган қўшиқни айтишарди. Намойишчилар канои арқондан қилинган сиртмоқли дор макети ва йирик-йирик қизил ҳарфлар билан «Савдогарларга сўнгги огоҳлантириш!» деб ёзилган шиорни кўтариб турардилар. Намойишчилар машҳур товламачиларнинг дўшмани олиди тўхтаб, уларга бостириб киришар, қўрқанидан қора терга тушиб, яшик ва қопларга яшириниб олган дўкандорларни судраб чиқиб, дор макети остига турғизиб қўйишарди-да, уларнинг бўйнига сиртмоқ солиб, бундан кейин ҳеч чайқовчилик қилмаслик, камбағаллар ҳисобига бойимаслик ҳамда ёш республиканинг муносиб граждани бўлишга тантанали ваъда беришларини талаб қилишарди. Қассоблар, тегирмончилар, нонвойлар, пиво пиширучилар, боққоллар, аттор ва пойафзалфурушлар худудқланишиб, ютинишиб қасам ичишарди, оломон эса қовоқ солиб жим турарди. Кейин савдогарларни худди асирлардай шаҳар айлантиришарди, кўзларидан ғазаб ўти чақнаган хогинлар ҳам уларга ла'нат ёғдирарди, ёшлар эса уларнинг қулоғи остига бориб, хўрликни келтирадиган қўшиқлар айтарди; шу пайтда асирлар бу нарсалар ўзларининг соғлиқларига ёмон таъсир этажаги ҳақида ўйлар эдилар — биттасида диабет, бошқасида юрак ўйноғи, учинчисида буйрак касали бор эди, — яна улар уйда хотинлари ва қизларининг ғазабдан жазавага тушиб, худди тутқалоқ тутаётгандай ўзини ҳарёққа ураётгани ҳақида ўйлар эдилар. Савдогарларни ратушага олиб бордилар, у ерда бўлган митингда нотиклар уларнинг тепасида ҳалоллик ҳақида, демократик республика ва сўнгги огоҳлантириш ҳақида узоқ вақт дабдабали нутқ сўзладилар.

Бу май намоишининг қандай хатолари бор эди? Омма монархия тузумининг сўнгги илдиэларигача қуритаяпмиз деб ўйлар, лекин буржуазия демократия билан юзма-юз турганини пайқамас эди. Намойишчилар савдогарларни нима қилиш керак, — ўлдириш керакми-

йўқми, деган масалани ҳал қилишга қодир эмас эдилар; улар савдогарларни гўё символистик осиш йўлини топганлари учун хурсанд эдилар.

Билоят шаҳарларида намоийишчилар социал-демократик раҳбарларнинг кўрсатмасига мувофиқ ҳаракат қилдилар. Прагада эса, ана шу май кунда, чех корольлари қароргоҳида: озод республикада озод бўлган халққа қарши қуролли куч юбориб, унинг қонини тўкиш мумкинми, деган масала биринчи марта ҳал қилинарди. Социалистик министрларни бу тўғрида юритилган фикр ваҳимага соларди, чунки бу намоийиш социалистик партияларнинг кучини кўрсатиш ва ҳукуматдаги ён бермай келаётган ўнг буржуа қисмларга таъзиқ кўрсатиш учун уларнинг сиёсатини қўллаб-қувватлаш йўлида уюштирилган эди. Брок шу блан бирга ҳозирги алғов-далғов пайтда халқнинг ўз қаҳру-ғазабини беозор дор ўйини орқали намоийиш қилишига йўл қўйиш — давлат нуқтаи назаридан донолик блан қўйилган қадам бўлмасмиди? Лекин буржуазия министрлари бошқача мулоҳаза қилдилар. Уларнинг фикрича, дор-сиртмоқлар ҳатто ростакам бўлмаса ҳам, омма қўлида яхши ўйинчоқ эмас, ҳечқандай гуноҳи бўлмаган муҳтарам савдогарларнинг мол-мулклари ва шахсий хавфсизлигини эса ҳарқандай йўл блан бўлмасин таъминлаш зарур.

Кундузи социалистик министрлар ўз бардошлари ва ўзларига бўлган ишончларини йўқотабошладилар. Полициядан, белгиланган намоийиш плани бузилди, деган маълумотлар келабошлади: Старомест майдонида бўлган митингдан кейин намоийишчилар тарқалишмади, гуруҳларга бўлиниб, бебошлиқ қилиб ижтимоий хавфсизликни таҳлика остида қолдирдилар. Полиция бошлиғи Бинерт министрлар совети блан боғланган телефондан бир нафас нари кетмас, унинг безовталиги овозидан билиниб турарди. Унга, легионерлар озиқ-овқат ва пойафзал магазинлари прилавкаси орқасида туриб, нархларни ўзлари белгилашяпти, ночор дўкондорларнинг кўз олдида бир-неча минутдаёқ ҳамма молларни сотиб юборишяпти деб хабар беришди. Лекин бундай ҳолларда яна қандайдир тартиб сақланади — легионлар талон-торожга йўл қўймайдилар ва тушган пулни савдогарлар қўлига берадилар. Лекин шундай масъулиятсиз одамлар ҳам борки, улар савдогарлар бугун кўрадиган зарарларини халқдан

нинг ҳисса қилиб талаб олганлар, деб айюҳаннос торта-
шлар-да, ичкийим ва газлама магазинларига бостириб
ириб, тўп-тўп газламаларни кўчага иргитадилар, истаган
одам бу молларни талон-торож қилади. Жижковдаги
қоғоқхоналарда беш кронга ипак чулки, блузка ва
миркюн туфли сотадилар.

Шаҳар аҳволи тўғрисидаги келаётган телефонограм-
малар тобора ваҳимали тус олмоқда. Кўчаларда агита-
ция бўлаяпти. Депутат Яндак автомобильда шаҳар айла-
ниб, халқ олдида нутқ сўзлаяпти. Полиция бошқармаси
ўнинг нутқиға баҳо беришға жур'ат этаолмайди, лекин
ҳовир юз берган вазиятда бу нутқлар ҳоят хавфли эканли-
гини айтиб қўйишни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Жаноби
депутат орқасидан бир гуруҳ кишилар эргашиб юрипти-
ки, уларни тўғридан-тўғри большевик деб атаса бўлади.
Улар трамвайларнинг тепасига ва ҳайкалларнинг пьеде-
стальларига чиқиб, ифвогарлик қилмоқдалар. Улар Рос-
сиядан намуна олишға, қўлга қурол олишға чақирмоқда-
лар, халқнинг сиртмоқли дор ўйинини чинакам револю-
цияға айлантиришға ундамоқдалар. Одамлар ҳам нотиқ-
ларни қизғин қувватламоқда ва рус революциясини
қутламоқдалар. Полиция ожизлик қилапти, бунинг усти-
ға қурол ишлатиш ман' этилган. Полиция бошлиғи эса бу
буйруқни бекор қилишни сўраяпти. Бирнеча полициячи
роса калтак еди, кўпларининг қуроллари тортиб олинди.
Хавф-хатар жуда зўрайиб кетди, тезлик блан қат'ий чо-
ралар кўрилиши зарур.

Кечға томон социалистик министрлар блан келишиш
мумкин бўлди ва Прага кўчаларига ҳарбий қисмларни
юборилди. Ҳарбий қисмларни халққа қарши юборилгани
йўқ — асло халққа қарши юборилгани йўқ! — Ахир,
Савдомест майдонида бўлган митингдан кейин одамлар
тичгина уй-уйларига тарқалишди, — ҳарбий қисмлар
мас'улиятсиз элементларға қарши юборилган эди.

Шундай қилиб, жума — орзу умидлар барбод этил-
ган кун бўлди. «Савдогарларға сўнгги огоҳлантириш»
натижа бермади. Гарчи дўкондорлар ёлғондакам дор
остида қасам'ед этиб, улардан талаб этилган ҳамма
шартларға кўнган бўлсалар ҳам, — на нон ва на бир
чир сут арзон бўлди. Гап фақат савдогарларнинг оч-
қўзлиғида эмас экан. Австрия монархиясининг қолдиқ-
лари ҳали тугатилмаган эди. Аммо, меҳнаткаш оммаға шу

ма'лум бўлиб қолдики, ҳозир ўтмиш кучларига қарши эмас, балки яшовчан ва ҳокимиятни қўлга олишга ишқи-воз буржуазияга қарши кураш бўлмоқда экан. Омма вазмин, кўзгалини ҳам қадам тапшлаши сингари оғир, лекин у озодликда ўтказган олти ярим ойнинг ўтган ва келажак кураш ўртасидаги бир танаффус эканлигини англай бошлади. Озодлик қувончи эндиликда порлоқ келажак учун интилиш блан боғланиб кетган, чунки Москва Кремли минораларида қизил байроқлар ҳиллирар ва Царское Село устида ўроқ-болға тамғали байроқ кўтарилган эди. Яшасин Ленин!

Заводлар гавжум ва жонланиб кетган эди. Ишчилар сиёсий воқиялардан яхши хабардор бўлиб келишарди. Улар уйда, овқат устида ҳам шошиб-пишиб газеталарни кўришар, ўнг қўлларини беихтиёр ҳали кофе кружкаси, ҳали нонга узатган вақтларида, чап қўллари босмахона бўёгининг ҳидлари кетмаган газетани қўймас эдилар.

— Бўлақол, тезроқ овқатингни есангчи, бўлмаса кечга қоласан!— дейишарди ишчиларнинг хотинлари аччиғланиб. Эрлар газеталарини чўнтакка солганча ёзиллаб уйдан чиқишар, одам блан лиқ тўла трамвай вагонларига сакрашиб, тиқилинча ҳам газетани ўқиб кетишга уринишарди. Бутун дунё ҳаракатга келган ва бу ҳаракатга эндиликда дипломатлар ва зарҳал погонли мундир кийган генераллар эмас, балки ишчилар оммаси раҳбарлик қилаётган эди. Венгрияда, Германиянинг Мюнхен ва бошқа шаҳарларида, Финляндия, Эстония ва Италияда ишчилар оммаси ҳаракатга келди. Шу блан бирга Россияда — энг муҳими — Россияда ҳаёт қайнарди.

Тиқилинч трамвайларда ва эрталабки поездларда одамлар сиёсат тўғрисида баҳслашар эдилар. Одамлар трамвай останювкисидан завод дарвозасига боргунча суҳбатлашиб, кўрган-билган янгиликларини бир-бирларига айтиб беришар, шкафчалар олдида иш кийимларини кияётган пайтда, кўк фартукнинг бир енгини кийиб, иккинчи қўли бошқа енгини ахтараётган вақтда ҳам мунозара қилишаверарди. Энтузиастлар ва скептиklar, онгли ва онгсиз ишчилар цехларга кирган пайтларида ҳам, қуюв қолиплари ҳамда тобланган пўлатлар орасида, мартен печлари ёнида, кўмир складлари ва қум олин-диган жойларда фикр олмошар эдилар. Барча фабрика ва заводларда, токарь ва дурадгор, тикучи ва бўёқчи,

пармаловчи ва металлург, нонвой ва тегирмончилар ора-
нда ҳам шундай баҳс кетарди. Тўқув станокларининг
шовқин-суронида тўқучилар бақиришиб бир-бировлари-
нинг қулоқларига янгиликлар айтишарди, юкни жойлаш-
ти тарқатиш бўлимидаги қизлар чаққон бармоқлари блан
қоғоз ва станиольларни танлаб олатуриб, ўз дугоналари-
нинг кавалерларининг фазилатлари тўғрисида гаплашар-
канлар, йигитнинг сариқ ёки қора сочли эканини эмас,
балки унинг «Сокол» ёки «Ишчиларнинг спорт жамияти-
га а'зоми, йўқми» эканлиги тўғрисида мулоҳаза юритар-
канлар, чунки ҳамаёқда революция тўлқинланиб келмоқ-
да эди.

Мажлислар жуда жонли ва ҳаяжонли ўтарди. Тоник
ба'зан ёлғиз, ба'зан эса Анна блан бирга бундай маж-
лисларнинг энг муҳимларига албатта қатнашар эди. Ру-
бинлар Аннани биринчи числодан бўшатиб юборганлари
йўқ, у ҳам зўр матонат кўрсатиб кечқурунлари уйдан
чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлиб олди. Тоник блан Анна
шаҳар атрофидаги ошхоналарга бориб, катак дастур-
донлар ёзилган стол атрофида ўтирар эканлар, умумий
тайфийатдан завқланиб, нотижалардан ҳеч кўз узмасдилар.
Улар энди тинчлик давридагига ўхшаб қўл ушлашиб ўти-
ришмасди. Тоник воқиалар сур'атига жуда берилиб кет-
ган эди. Деярлик ҳамма йигилишларда унинг ўзи нутқ
сўзларди.

— Ўртоқлар!

Тоник минбарга жуда ярашар ва Анна у блан шундай
фихрланардики, асти қўяверасиз! У қаддини ростлар, кўк
пўлатга ўхшаш кўзлари худди магнитдай ҳаммани ўзига
ортар, «Ўртоқлар» деган сўз эса, унинг лабларидан сан-
тонга урилган болға зарбидай жаранглаб чиқарди.
Минбарда турган пайтда Тоник Анна билган Тоникка
нутлақо ўхшамас, бошқа, икки юзи қипқизил, кўзлари
порлаб турган одамга ўхшарди. Тоник худди шундай руҳ-
ланган пайтларда ва Аннани эркалаб, меҳр-муҳаббат блан
дучоқлашиб турган минутлардагина шундай бўлар эди.

— Ўртоқлар!— деб хитоб қилди Тоник Халқ уйидаги
боғ павильони саҳнасидан. Кечқурун ойнавонли залнинг
широқлари ёқилди, унда бўлаётган нарсалар боғдан худ-
ди ёниб турган фонарь ичидай яққол кўриниб турарди.

1 Қалайи қоғоз.

Зал тўла одам, юмалоқ столлар атрофи тирбанд, деворлар тагида, сахна олдидаги бўш жойлар ҳам одам бланлиқ тўла эди. Уларнинг тепасида кўтарилаётган тамаки тутунлари тўлқинида худди воқиа ва орзу умидларнинг акссадоси янграётгандай туюларди. Сахна ёнига узун стол суриб қўйилди, бу стол атрофида парламентнинг социал-демократик депутатлари ўтирар эдилар.

— Ўртоқлар, бизни алдадилар!— деди Тоник.— Республика бизнинг қўлимиз блан барпо этилган! Биз республикани ҳимоя қилиш учун ажнабий қўшинлар сафида жанг қилдик, тоғларга қочдик, армияда исёнлар уюштирдик, душманнынг орқа томонида қўпоручилик ишларини олиб бордик. Биз жанг қилардик, ҳалок бўлардик, очлик азобини тортардик, бойлар эса бу вақт ичида ҳарбий хизматдан қочиб, чайқовчилик блан шуғулланиб бойирди, хотинларимизни бир товоқ картошка учун сўнги кўйлақларигача беришга мажбур қиларди. Хўш, ҳозир республикани ким идора қилаяпти? Ушалар! Биз илгари қандай бўлсак, ҳозир ҳам худди ўшандай қуллимизча қолавердик. Қандай ўзгариш бўлди? Темирчилар қўлларингизга қаранг! Австрия монархияси давридагидан кўра юмшаб қолиптими? Тўқучилар, ўпчаларингиздаги пахта тўзони ҳеч камайдими? Ер қазучилар, белларингиз камроқ букчаяптими? Кўчаларда тиланчилар камайдими? Силдан ўлаётган камбағаллар озми? Ишчиларнинг хотинлари, бола-чақаларингизга бир қаранг! Улар аввалгидан кўра камроқ озаяптиларми?

— Пришкопида жуда кўп тўқ болалар ўйнаб юрипти!— деб қичқирди қаттиқ ғазаб блан бир аёл залнинг ичкарисидан.

— Бизга сутдан дарё, кисельдан қирғоқ вада қилдилар,— деб куч блан сўзида давом этди Тоник.— Ва'дани бажармасликни монархлар ҳам билар эди. У вақтларда бундай ва'даларни император муборакномаси деб аталарди, ҳозир эса Вашингтон декларацияси дейилади. Хўш, вада қилган умумлашган шахта ва оғир саноат қани?

— Бизни алдадилар!— деган қат'ий бир овоз эшитилди жиниб қолган залдан.

Бу, кам ерли деҳқонлар Союзининг секретари; озғин, чайир, қирғий бурун кишининг овози эди. Унинг қора кўзлари чақнаб кетди.

Юзлари худди тошдан йўнилгандай барваста тошчи муштини столга қўйиб туриб, секин гапирди:

— Улар бизни ғафлатда қолдириб, вақтдан ютмоқчи, кейин эса республикада ўз тартибларини ўрнатмоқчи эдилар.

— Қани помешчиклар ерини тақсимлашгани? Қани эндогарлар мулкининг мусодара қилингани?—Тоник залга сиқиручи снарядга ўхшаш қисқа-қисқа жумлалар отарди.

— Қани церковларнинг давлатдан ажратилгани?

Аудиторияда кулги эшитилди.

— Бизнинг программamız — Табор!¹— деб хитоб қилди биров, яна кулги кўтарилди.

— Ўтган ҳафта...— деб қичқирди бир хотин, умумий шовқин-сурон ичида унинг овози эшитилмади, у бирнеча секунд жим туриб, кейин сўзини давом этди.— Ўтган ҳафта Вишеградда бир банк хат ташучисини совға кўтариб кетаётган руҳонийни кўриб, шапкасини олмагани учун қамоққа олишди.

Қаттиқ кулгидан залнинг ойна деворлари яна дириллаб кетди.

— Хўш, қани мунтазам армиянинг милиция билан олмоштирилгани?—Тоник сўзида давом этди.— Ҳукумат армияни ой сайин кўпайтирмоқда. Нима учун? Биз буни ўтган йили билиб олдик: буни бизнинг солдатларимизни жаҳонкапиталининг малайига айлантириб, уларнинг кучи билан Венгрия революциясини қонга ботириш учун қилинапти! Буни инсондай яшаш учун ўзига шароит яратаётган венгр пролетарларини бизнинг солдатларимиз кучи билан қириб ташлаш учун қилинапти.

— Шармандалик, шармандалик!— деган шовқин-сурон эшитилди. Бу товушларда ғазаб ва хижолат туйғулари янграрди.—Қандай қилиб, бундай воқиа юз берди? Нега биз ўзимизни алдашларига йўл қўйдик? Бизнинг ишчи ташкилотларимиз ҳам шу жаллодлик ишига иштирок этдилар!

Залда худди динамит портлагандай:

¹ Гўё таборчиларнинг (XV асрдаги гусчилар ҳаракатида энг революцион позицияда турган сўл қанот) умуман хусусий мулкни бекор қилучи «мувозанат» социализм талабини қабул этган буржуа партияларининг шиорларидан қулишдир. Буржуа партиялари амалда таборчиларнинг кенг ёйилган ғояларидан фойдаланиб, халқни алдамоқчи ва хусусий мулкни бор кучлари билан ҳимоя қилиб сақлаб қолмоқчи бўлган эдилар.

— Шармандалик, шармандалик!— деган хитоблар эшитилди.

— Тўғри, ўртоқлар, бу шармандалик!— деб хитоб қилди Тоник,— Революция тузган армияга Венгриядаги революцияни бўғишга буйруқ берганларга, рус революциясини ҳам бўғишга уринганларга уят, уят! Бу ишга рози бўлган, Спортчи отрядларимизни Словакияга юборган бошлиқларимизга ҳам уят.

Тоник ҳаяжонланиб жим бўлиб қолди. Зал ҳам жим бўлди: чунки нотиқ ҳамманинг қалтис жойига теккан эди. Оғир жимлик чўкди, фақат ба'зи одамларгина хўмрайиб: «тўғри, шундай бўлди» деб қўйишарди. Бошқа бирор сўз айтишга ҳечким жур'ат этолмайди, чунки шу топда «хиёнат» деган даҳшатли сўзни айтиш мумкин ва бу блан партиянинг жонли танига даҳшатли зарба урилган бўларди, буни ҳамма билар эди. Ҳамма одам шундан қўрқарди. Шу пайт кам ерли деҳқонлар Союзининг секретари хўмрайиб ҳаммага кўз югуртириб, ўрнидан турди-да, бармоғи блан депутатлар ўтирган столни кўрсатиб:

— Мана бу сизлардан келган иш!— деб қичқирди.

Залдагилар сесканиб кетди.

— ... Бизни алдадилар!— деб давом этди Тоник, яна залдагиларнинг диққатини жалб этишга ҳаракат қилиб.— Бизни ҳамма алдаяпти. Бизга: ҳадеб «Сабр қилинг!» дейишади. Биз бу гапни тўрт йил уруш давомида эшитиб келдик. Яна қачонгача кутамиз! Мен сизларга ҳозир айтиб бераман! Буржуазия иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, армия ва полицияни ўз қўлига олгунича кутамиз. Ундан кейин капиталистлар ҳиқилдоғимиздан хиппа бўғиб: «Бас энди, ишчилар! Демократия ва озодлик блан шунча ўйнашганингиз етар. Ишҳақини камайтирамиз, саккиз соатлик иш кунини бекор қиламиз! Энди бизнинг ногорамизга ўйнайсиз!»— дейди.

Анна севган йигити блан фахрланарди. Ана, у қизарган юзлари, кўк кўзлари блан залдагилар диққатини ўзига тортиб турипти. У, бу одамларнинг қаҳр-ғазаби, чекаётган дарди, орзу умидларини ҳис этарди, бу ҳисларни ўз юрагининг қони блан илтиб сўзга айлантитар ва одамларга қайтарар эди.

«У қандай чиройлик-а!» деб ўйларди Анна ва Тоник унинг шу ерда эканини эслаб, шу томонга бир қараб қўйишини истарди. Броқ Тоник унга қарамасди, Тоник

чун Аннанинг қарашлари ҳам шу ердагиларнинг қараш-
лари билан қўшилиб кетган эди. Анна энди Тоникнинг гап-
ларини англайолмас, фақат унинг овозини эшитар ва
шунинг ўзиёқ унга ҳузур бағишларди. Тоникнинг кўта-
рилган қўлларида куч-қудрат, яна аллақандай англаб
ўймайдиган бир нарса сочилардики, шу нарсалардан
оқимни қалтироқ босиб, кўзларда ёш пайдо бўларди. Оҳ,
Анна уни қандай севади!

Тоник ўз нутқини тугатарди. У қўлини силкитди, кўз-
лари чакнаб кетди.

— Россияда улуғ кураш борапти, бизларнинг ҳам-
мамизни озод қилиш учун кураш борапти. Россияда иш-
чилар қони бизлар учун тўкилмоқда. Россияда биз учун,
ер юзидаги барча пролетарлар учун янги дунё қуришаяп-
ми. Ахир, бу курашлардан биз ҳам четда қолмайлик-да,
биз ҳам бу курашнинг муносиб қатнашчилари эканлиги-
мизни кўрсатамиз! Яшасин рус революцияси!

Шодиёна садолардан Халқ уйининг боғ павильони
ёрзага келди. Тоник саҳнанинг четига келди:

— Яшасин жаҳон революцияси!

«Яшасин!.. Ленинга шон-шарафлар бўлсин! Револю-
цияга шон-шарафлар бўлсин!» деган хитоблар билан одам-
лар аудиторияни бошларига кўтардилар, залда гулдурос
чирсақлар чалинар, тамаки тутуни бурқир, одамларнинг
юз чехралари ва қизил байроқлар кўзга ташланарди.
Яшасиндан қилқизариб кетган Тоник рампанинг ёнгина-
сида туриб:

— Яшасин Чехословакиядаги революция! — деб хитоб
қилди.

Павильоннинг ойнавонд девори чил-чил бўлай деди.
Эрмон сурати туширилган парда, раис столчаси, тўлиб
ётган кулдонлар, катак дастурхонлар, шифтга осилган
симпочкалар ҳаммаси гўё чирпирак бўлиб айланиб кет-
тидай бўлди. Душманлар куйиб ўлсин: «Яшасин Чехо-
ловакиядаги революция!» деб қичқиришарди. Бу хитоб-
ларда ўтмишга зўр нафрат, келажакдаги бахтиёр ҳаёт
оқида орзу, озодликка бўлган иштиёқ, бўлажак қизгин
юшанча жанглари, қасос ва ғалаба ҳиссиётлари мавжуд
эди. Одамлар ўрнидан туриб, қўл силкитишарди.

— Яшасин Учинчи Интернационал! — деб хитоб қилди
Тоник. — Учинчи Интернационалга шон-шарафлар бўл-
син, у бизни кураш ва ғалабага олиб боради.

— Ленинга, Ленинга шон-шарафлар бўлсин!

Тоник залга тушди. Унинг юзлари ҳаяжондан қизариб кетган, чакка томирлари бўртиб чиққан эди. У столлар ўртасидан ўтиб бораётганда, залда ҳали ҳам шовқин-сурон ва гулдирос қарсақлар давом этарди. Тоник Аннанинг ёнига ўтирар экан, ёқимли қараш ва мулојим табасум блан уни қутлаб қўйди. Аннанинг мовий кўзлари меҳр блан боқар, у бутун вужуди блан Тоникка томон талпинарди.

Мажлисга раислик қилаётган кекса ёғочсоз навбатдаги нотиққа сўз бериш учун залнинг тинчишини кутиб, ўз столи ёнида турарди. Лекин у сўз беришга улгурмасданок, саҳнага қора сочли бир одам югуриб чиқди. Бу собиқ қизил аскар Плецитий эди. Аннанинг рангги ўчиб кетди, у Плецитийни жуда ёмон кўрарди!

— Ўртоқлар!— деб қичқирди Плецитий, раисга э'тибор бермай. Раис ҳечнарсга қилаолмаслигига кўзи етиб ноилож ўрнига ўтирди.

Плецитийнинг овози Тоникнинг овозига мутлақо ўхшамасди. У худди чархланган пичоқ тигидай ўткир ва кескин овози блан Аннанинг қалбида адоват ва қўрқув ҳисси уйғотарди.

— Шовқин-сурон кўтариш ва қарсақ блан ҳечнарсгага эришаолмайсизлар,— деб гап бошлади Плецитий. Бу сўзларни шундай бепарволик ва кеккайиш блан айтдики, унинг назарида, мажлис аҳли олдида турган трагик дилемма¹ ҳатто кулигига ҳам арзимайдигандай туюларди. Анна бу одам пичоқдай ўткиргина эмас, балки темирдай совуқ ҳам эканини англади.— Вайсашдан ҳам ҳечқандай фойда чиқмайди,— сўзида давом этди Плецитий.— Вайсашини социал-демократик сафсатавозларга қўйиб беринглар...

Залдагилар титраб кетдилар — нотиқ қўпол ва шафқатсиз равишда уларнинг нозик жойига теккан эди. Ўзи нима деяпти, ахир, буердагиларнинг ҳаммаси социал-демократлар эмасми?

Мажлис раисининг столи ёнида ўтирган кекса ишчи ўрнидан турди.

— Ўртоқ! — деди у мулојимгина ва нотиқнинг енгидан тортди.

¹ Дилемма — бир-бирига зид бўлган икки имкониятдан бирини тавлаб олишга мажбур бўлиш.

— Бор, йўқол! — деди ғижиниб нотиқ. — Вайсашни социал-демократларга қўйиб беринглар, ўзларингиз ишга киришинглар! Қўлларингизга қурол олинглар! Қурол олинглар, қурол!

Мажлис раиси ўрнидан туриб, қўлини кўтарди.

Уртоқ! — деди у қат'ий суратда.

Лекин одамлар:

— Қўйинг, гапирсин! Унга сўз берилсин! — дейишиб раиснинг сўзини бўлишди.

Тартибсизлик бошланиб кетди, одамлар ўрнидан туриб кетишар, раис алланималар деб бақирарди. Саҳна яқинидаги стулда ўтирган парламент депутатларидан бири ўрнидан турди-да, оппозициянинг кучини чамалаб кўраётганидай, совуқ назар блан зални кўздан кечирди.

Залдан аллакимнинг:

— Жим! — деган йўғон овози эшитилди, лекин унга ҳечким қулоқ солмади.

— Қўйинг, гапирсин, унинг гапи ҳақ, гапирсин! — деб эитиб қилди бир оқсочли ишчи аёл. Унинг юзида қизил доғлар пайдо бўлди.

— Қўйинглар, гапирсин, унга сўз беринглар! — деб бақирешарди залдагилар.

Мажлис қатнашчиларининг кўпчилиги ўрнидан туриб кетди, залнинг бурчак-бурчагида группалар пайдо бўлди. Бу ерда бир-бирига душман икки лагерь мавжуд эканлиги, тақдирини учун ҳамма кўрқаётган партия ичида бирликнинг йўқ эканлиги аниқ эди. Мана шу фикр ҳамманинг ғазабини қайнатиб юборди. Одамлар бир-бировларига қараб бақирешар ва ўз группаларига яқин боришга интилишарди. Залнинг чап томонидан рангсизгина бир ош йигит ирғиб столга чиқиб «Жи-и-им!» деб бақирарди. Бу тартибсизликни бадтар кучайтириб юборди. Ёш йигитни столдан тортиб туширишар, хотинлар уни қарғашарди. Депутатлар столини одамлар девордай қуршаб олишди, одамлар шовқин-сурон қилар, қўл ва гавдаларини сиқирлатишарди. Ишчилар рампа томонга интилишар, одамлар тобора кўпайишар, улар норозиликлар, хотинларнинг чинқиришларига ҳам қарамай, олдинги қатордаги стол ёнида ўтирганларни итаришар ва сиқиб боришарди. Бу одамлар стол атрофида ярим доира шаклида туриб қўл силташар ва мажлис раисига қараб: «Унга сўз беринг!», «Уни сўзлашдан маҳрум этишингизга йўл қўй-

маймиз!» «Ахир, биз унинг сўзини эшитмоқчимиз, сизларнинг сўзларингизни минг марталаб эшитганмиз!» деб қичқиришарди.

Раис Плецитийга бирнима деган эди, лекин у йўқ деб ишора қилди.

Жуда ҳаяжонланиб кетган Анна ҳамма воқияни мароқ блан кузатиб борарди. Анна бир группага қўшилишни, Тоник ҳам ўша группада бўлишини жуда истардию, лекин бу группада у ёмон кўрадиган одам — Плецитийнинг бўлишини хоҳламасди. Нега у қаерга борса, ўша жойда жанжал чиқаради-а?

Орқа томондаги бурчакда Шандор Керекеш индамай ўтирар эди. Унинг пешонасидан тер чиқиб кетган бўлиб, кўзлари ўтдай ёнарди. Унг томондаги девор тагида эса Ярда Яндак турар эди; у мажлис бошланишида Анна блан бир зум кўз уриштириб олдию, ҳозир эса қизнинг кўзларини ҳам унутиб юборган эди. Тоник олдинда, эркаклар орасида турарди. Шовқин-сурондан зал ларзата келарди.

Плецитий рампанинг ёнгинасига келиб, алланима деб қичқирди. Унинг очилиб турган оғзи кўринди-ю, аммо сўзини эшитиб бўлмади. У сахнанинг олдида ғужғон ўйнаётган одамларни қўл ишораси блан орқага чекинишга буюрарди. Унга ҳамма қулоқ солди, сахна олдидаги одамлар сийраклашиб қолди. Президиум Плецитийга сўз беришга мажбур экани маълум бўлиб қолди. Залда тантанали кулги эшитилди. Бир гуруҳ ёшлар чапак чалиб юборишган эди, залнинг ярми уларга эргашди.

Плецитий қаддини ростлаб, гапирмоқчиман дегандай қўлини кўтарди. Шов-шув тинди. Сахна олдида столларга тиқилишиб ғуж бўлиб ўтирган одамлар стулларини сал суришди, бир хотин бир нарса тўкилиб ҳўл бўлган кўйлагини рўмолчаси блан артар экан, «бу эси паст одамлар» тўғрисида алланима деб ғудирлади-да, ғазаб блан атрофга назар ташлади.

Плецитий гапирабошлади:

— Қурол бўлмаса ҳаммангиз хароб бўласиз! Буржуазия қуролланган. Апар сиз уни ўзингиздан ўтиб кетишига йўл қўйсангиз, тамом бўлганингиз. Эҳтимол, сиз қўлингизда қурол бўлатуриб ҳам мағлубиятга учрашингиз мумкин, лекин қуролсиз ҳолда эса хароб бўлишингиз турган гап. Буржуазия аяб ўтирмайди. — Нотиқнинг ранги оқариб, бетигаги оқиш чандиғи титраб кетди. — Рост-

дан ҳам сиз, мамлакатимизда гуманизм, пацифизм деган иборалар кўп истеъмо қилингани учун кураш қурбонсиз бўлади, деган ҳаёлда эмасмисиз? Бўлмаган гап! Гарчи қон тўкилмаган тақдирда ҳам ишчилар қирилаберилади. Агар сиз кўча жангларида ҳалок бўлмасангиз, барибир сиз касалидан ўласиз. Агар сиз бола-чақангизни етим қолдиришдан қўриқиб, курашдан бош тортадиган бўлсангиз, барибир улар ширинча ва раҳит касалидан ўлиб кетади. Бир нарсани унутмангиз: ҳозирги ишлабчиқариш ва моддий бойликларни тақсимлаш усулида мамлакатимиз сизларни боқаролмайди. Бош олиб кетадиган жойингиз ҳам йўқ! Ишсизлик ва муҳтожлик тобора кучайиб кетаяпти, буни ўзларингиз кўриб турибсиз. Сизларни ҳам очлик ва ўлат кутаяпти! — Энди Плецитий совуққонлик ва бепарволик билан гапирмасди, у худди сакрашга ҳозирлангандай олдинга эгилган эди, кўзлари чақнар, муштини силжитарди. — Ахир, тушунасизларми, агар, ўлимга ҳукм берилган, лекин ҳали барҳаёт минг киши ўз аҳволини тушуниб, зарба бериш учун қўзғолса эди, пролетариат, бутун инсоният қандай муваффақиятга эришарди, ҳарбиримиз қандай муваффақиятга эришган бўлардик-а? Буржуа девор тагида бошидан ўқ еб ағдарилса, уни бутун дунё кўради, барча мамлакатларнинг газеталари даҳшатга тушиб жар соладилар. Сизнинг жон талвасасида эканингизни ҳечким кўрмайди. Сиз урушда миллионлаб қирилганингиз, заводларда, операция столларида, барак суриларида минглаб ўлиб кетганингиз билан ҳечким қайрилиб қарамайди. Ишчиларнинг ўлигига, у ишчи кўча жангларида полиция ўқидан ўлгандагина эътибор қилишади, ўшанда ҳам ўлгани учун эмас, балки жанг қилгани учун. Ана шунда обивательлар халойиқни қуроли полицияларга қарши ҳайдаган масъулиятсиз ғаламисларга исбатан ҳаққоний норозилик руҳи билан суғориладилар. Полициячилар қуролини норозилар, яъни ўзини раҳмдил қилиб кўрсатадиган буржуаларгина халққа қарши йўналтирадилар. Улар бу даҳшатларни истамайдилар, чунки бу нарсга четэлдан олинадиган кредитга барҳам беради. Уларга кўпроқ сизнинг индамай-нетмай ўлиб кетаверишларингиз ёқади. Аммо кўча жангларида ҳалок бўлган ўнлаб революционерлар миллионлаб кишиларнинг ҳистини сақлаб қолади. Қўлларингизга қурол олингиз, эртоқлар! — деб жўшқинлик билан қичқирди Плецитий,

«р» ҳарфи жанговар сигнал каби жаранглаб кетди.— Қурул блан ғалаба қозонасиз! Уларнинг ва ўзингизнинг қанчалигингизга назар ташланглар! Бир зарб блан ҳокимиятни қўлга оласизлар. Бойларнинг мол-мулкини тортиб олинглар, хойнларнинг жазосини беринглар, хўжаликни ва мамлакатнинг бутун ҳаётини ўз истагингизча қайта қурунглар. Меҳнаткашлар хўжайин бўлиб қоладилар; ишламаган тишламайди. Ҳали фурсат қўлимиздан кетгани йўқ, аммо ҳадемай фурсат ўтган бўлади. Буржуазия ўз позицияларини мустаҳкамлаб олади ва бу ишда уларга бизларнинг йўлбошчиларимиз ёрдам берадилар. Лекин буржуазия ҳали жангга тайёр эмас ва барча имконият ҳам биз томонда. Агарда буржуазияга мустаҳкамланиб олиши учун вақт берсак, у бизни тор-мор келтиради.

Залда жиддий сукунат ҳукм сураб, лекин бу Тоник гапирган пайтдапи сукунатга ўхшамасди. Энди одамларнинг диққати нотиқнинг кўзларида янги куч манбаини туғдирган ягона оқим блан бирга оқмас эди. Энди бу қарашлар электр зарралари ва чақмоқ сингари тўқнашиб, бир-бировларини йўқотар эдилар. Бу мисли кўрилмаган куч эди. Бу ердагиларга нотаниш бўлган нотиқ одамларга шундай бир манзарани чизиб бердики, бу манзара кишиларни ҳам завқлантирар, ҳам даҳшатга соларди.

— Сизнинг нажот йўлингиз фақат битта, у ҳам бўлса кураш йўлидир! Курашиш учун, биринчидан, қурул керак, иккинчидан эса, сизларни курашдан четга тортадиган кишиларни орангиздан қувиб чиқаришингиз керак. Тусарни, Габрманни, Винтрни ва Гамплларни қувиб юборинглар! Сизларнинг асосий душманларингиз ана ўшалар! Уларни шафқат қилмай қувиб юборинглар!

Рангги ўчиб кетган раис ирғиб ўрнидан турди.

— Мен партияни ва обрўли ишчи йўлбошчиларини ҳақорат қилишга йўл қўймайман! Сени сўздан маҳрум этаман!— деб бақирди у, ҳаяжондан ўзгариб кетган товуш блан.

Тўс-тўполон бошланди. Одамлар столдан ирғиб туршар, патис ва пиво кружкалари жирингларди. Плецитий қўлини оғзига карнай қилиб, шовқин-суронни босиб кетадиган баланд товуш блан қичқирди:

— Мен сўзимни тамомладим, сизларга бошқа айтадиган гапим йўқ. Йўлбошчиларни ҳайдангиз ва қуруллангиз, сизни ғалабага олиб борадиган иккита шарт мана шу!

У, зинадан югуриб тушиб, оломон орасидан ўзига йўл очиб ўтабошлади. Зал гумбирлади. Депутатлар столини яна одамлар ўраб олди, у ерда жанжал-сурон жуда қилиб кетди, йўлбошчиларнинг илгариги мавқуи барбод бўлабошлади. Мажлис раиси саҳнанинг чеккасида энганиб турар ва қўл ҳаракати блан залдаги одамларга ниманидир исботларди. Плецитий аланглаб, ўтиришга жой қилириб қолди. У, Тоникнинг столи ёнидаги иккита бўш стулни кўриб ўша томонга жўнади. Нафрати қайнаб кетганидан Аннанинг ранги ўчди. Плецитий уларга қараб бош қимирлатиб жилмайиб қўйди.

— Ҳа, ошиқ-ма'шуқлар!

Плецитий блан бир вақтда ёндаги бўш стулга яна бир одам ўтирди; папкакана, озгин, сочлари сийрак, кўзойнакли, кийим кечаги эскириб кетган бу гумашта ёки майда чиновникка ўхшаш одамни Тоник илгари ҳеч кўрмаган эди.

— Жуда боппадинг, ўртоқ!— деди у одам тилёғламалик блан Плецитийга.— Сен уларга ҳаммасини тўппатўғри айтиб бердинг!

Собиқ қизил аскар унга кўз қирини ташлаб қўйди. Тоник бу одамнинг «сен» ва «уларни» деган сўзларни ғалати оҳангда айтганига алоҳида эътибор берди. Ўзига унча ишонмаган одамларгина «сен» деган сўзни шундай айтишади. Тоник, кўзойнакли одамга шубҳа блан қаради. У одам яна зўрма-зўраки илжайиб қўйди.

Зал ҳали ҳам ғала-ғовур эди.

— Мажлис давом этади,— деб қичқирди раис.— Сўз ўртоқ Оуграбкага берилади.

Унинг сўзини фақат олдинги қатордагилар эшитди. Оломоннинг ғазаби ҳали тингани йўқ, лекин саҳна олдида уймалашган одамлар анча сийраклашиб қолган эди. Саҳнада етмиш ёшли тўқучи, партия ветерани, кекса Оуграбка залнинг тинчишини кутиб турарди. У ўрмон манзараси тасвир этилган декорация олдида турарди, унинг оқартирилмаган бўздай рангсиз юзи, бир сиқим жутга ўхшаш сийрак сочлари кўмкўк декорация фонида кўзга яққол ташланиб турарди. Унинг оёқлари маймоқ эди. Ота-бобосидан тортиб йигиручи бўлиб келган бу чол ўз фаолиятини Поргес тўқимачилик фабрикасининг йигирув цехидан бошлаган, ўша ернинг ўзида, пахта тойлари орасида туғилган, етти ёшдан бошлаб мана шу фаб-

рикада кунига ўн беш крейцердан ҳақ олиб, ғалтакка ип ўрарди. Фабрика деразалари ҳаминча қалин пахта тўзонлари блан қопланиб ётар, ойнадан ҳечнарсга кўринмасди. Бу чанг-тўзонлар кекса Оуграбканинг ҳам баданига сингиб кетган эди. Ҳозир у саҳнада жим туриб, одамларнинг жой-жойларига ўтиришини тоқат блан кутар эди.

— Жим! Сўз ўртоқ Оуграбкага берилади.

Зал тинчиди, социал-демократик партиянинг пионери маймоқ оёқлари блан оқсоқланиб рампа ёнига келди.

— Ўртоқлар!— деб сўз бошлади у.— Узоқ сўзлаб сизларни чарчатиб қўймоқчи эмасман, лекин бир гапни айтмоқ керак...— унинг томоғига худди пахта чанглари ўтириб қолгандай овози таъсирсиз эдию, лекин аниқ эшитиларди. Оуграбка кекса чехлар, ёш чехлар, халқ социалистлари, анархистлар, аграрчилар ва клерикалларнинг¹ юзлаб йиғинларида ва мунозараларида кўп марталаб сўзлаган эди.— Сизларга очигини айтаман: бизнинг мажлисимизда худди шу кунлига ўхшаш қайғули воқиялар бўлиб туриши жуда аянчли ҳолдир; шуниси ачинарлики, биз — социал-демократлар орасида мутлақо бирлик йўқ. Биз фақат ишчилар синфининг ҳамкорлиги туфайли ҳаётда оз-моз дурустгина шарт-шароитларга эришдик. Ўртоқлар, менга қараганда ҳаммаларингиз ҳам ёшсизлар, шунинг учун ҳам эндигина ташкил топиб келаётган чоғларда кечирган қийинчиликларимизни кўпларингиз билмайсизлар.

Мажлисадагиларнинг чехрасида ачиниш аломатлари пайдо бўлди, улар тоқат қилиб тинглашарди. Кекса Оуграбканинг айтганларини ҳамма яхши билар, Маркет с'езди² делегати ва Росточил³ даврида азоб чеккан бу чолнинг ҳикояларини одамлар жуда кўп марта эшитган эдилар.

Тоник ўтирган столдаги гумаштага ўхшаш, кўзойнакли киши яна Плецитийга томон эгилиб:

— Сен яхши гапирдинг! Жуда тўғри!— деди.

¹ Клерикал партиялар — буржуазия мамлакатларида черков таъсирини кучайтиришга уринучи реакцион сиёсий партиялар.

² Маркет с'езди — чех социал-демократик партиясининг 1878 йилда бўлган биринчи, ташкилий с'езди.

³ Росточил — ишчилар ҳаракатини қаттиқ таъқиб этган президент полициячиларидан бири

— Мени тўғри гапирди деб ўйлайсанми?— жилмайди Плечитий.

— Албатта-да! Менимча ҳам, бизга энг керакли нарса, қурол. Бусиз ҳеч нарсага эришаолмаймиз.

— Сенингча, биз қандай қилиб қурол топсак бўларкин?

Плечитий блан ёнма-ён ўтирган Тоник тиззаси блан уни туртган эди, Плечитий стол тагида Тоникнинг оёғини четга суриб қўйди.

— Менимча, ҳалиги, ҳа,— деб жавоб берди кўзойнакли киши.— Бу-ку жуда яхши бўларди-я.

— Хўп, қуролни мен топаман.

Тоник Плечитийнинг лақмалигидан ваҳимага тушиб, гапга аралашди:

— Мен нима учундир сени танимаяпман, биринчи марта кўришим.

— Балки менга ишонмаётгандирсан?— деди шошиб-ишиб нотаниш одам; у шундай баланд овоз блан гапирардики, ҳатто нариги столда ўтирганлар ҳам жаҳл блан «жим!» деб қўйишди. Нотаниш одам ёнидан партия гувоҳномасини олиб, Тоникка узатди.

Кекса Оуграбка сахнада туриб, бундан ярим аср муқаддам ишчиларнинг аҳволи нақадар оғир бўлганини сўзларди. Тўқучилар ҳафтасига етти кун ўн уч — ўн тўрт соатдан ишлаб, ўн беш крейцердан ўттиз крейцергача ҳақ олардилар. Ишчилар фабриканинг ўзида овқатланишар, тунаб қолишар, кўпинча шу ерда ўлиб кетишарди, ишчи аёллар эса, шу ерда туғишарди, мастерлар кекса ишчиларнинг юзларига урар, болаларни эса арқон блан сава-лардилар. Цехларга полиция тез-тез келиб турар, бирор нарча латта олган ёки э'тироз билдирган одамларни олиб бориб қамарди. Мастерлар ёш ишчи қизларга бепомусларча тажовуз қилардилар. Кечқурунлари ишчилар фабрикадан қайтаётганларида обивательлар тўғри кўчани қўйиб эгри кўчага бурилиб кетишарди; чунки ишчилардан машина мойи, жут ва ароқ ҳиди келиб турар ва улар қўпол сўзлар блан ҳақорат қилишдан ҳам тоймасдилар.

Кекса ветераннинг гапини эшитаётганлар ундан минпатдор бўлиш ўрнига, ўзларини ҳатто ёлғондан бўлса ҳам қизиқаётгандай қилиб кўрсатмасдан, бепарволик блан қулоқ солар эдилар. Аллақачонлар барҳам топиб

кетган ваҳималарнинг уларга нима дахли бор? Бундан кейин нима бўлишини ҳамма биларди: Оуграбканинг хирилдоқ товуши жонланади, сўник кўзларида ўт чақнайди; чол, социалистларнинг Влтаванинг қумлоқ соҳилида бўлиб ўтган биринчи йиғилиши ҳақида, ишчиларнинг махфий ташкилотчилари ва газеталари ҳақида, қандай қилиб озодлик тоғги отабошлагани ҳақида гапирабошлайди. Залда ўтирганларнинг бу нотик чолга: «Биз сени жуда ҳурмат қиламиз, кекса ўртоқ, биров сени ҳатто бирор сўз блан хафа қилишига йўл қўймаймиз, лекин тушунсангчи, ҳозир гап бу ҳақда бораётгани йўқ. Минбардан туш! Биз сени яхши кўрамыз! Улганингда тобутингчи қизил гуллар блан безаймиз ва сени доим эсда сақлаймиз, лекин, марҳамат қилиб, ҳозир бу темани тўхтат. Сен бутун ўтмишга берилиб кетдинг, ҳозир бизнинг олдимизда эса, келажак — истиқбол масаласи турипти» дегилари келарди.

Тоник «гумашта»га партия гувоҳномасини қайтариб берди.

— Сен Жижков ташкилотиданмисан, ўртоқ Маржик? Шу вақтгача бир-биримизни танимасмидик-а?

— Мен четёлда эдим, келганимга фақат бир ой бўлди.

Плецитий кулиб қўйди.

— Прагалилар жуда эҳтиёткор одамлар, ҳамма нарсадан ҳадиксираб туришади,— деди у Маржикка.— Мен ўзимизга тегишли одамларни танийман. Хўш, ўртоқ, энди буерга қурол олиб келишга розимисан?

— Жоним блан,— деди у.— Сен қаерда турасан, ўртоқ?

Тоник ўқрайиб Плецитийнинг тўлиғига қаради.

— Қарлинада, Король кўчаси, олтинчи уй, иккинчи қават, Шлегрованинг квартирасида тураман. Лекин сен мени уйдан тополмайсан, уч кундан кейин Гамбургга жўнайман, қурол-яроғ ўша ерда, портдаги бир пароходда турипти. Сен ўша ерга бораоласанми?

— Шак-шубҳасиз!

— Аниқ-а?

— Сўз бераман! Мен бекорга овора бўлмайманми?

— Йўқ, мен ҳам сенга сўз бераман.

— Қачон етиб бориш керак?

— Роса бир ҳафтадан кейин. Адрес Гамбург, Санкт-Паули, Альтер Дамм, бир юз йигирма етти, Вестерманинг карвон саройи. У ерда мен сенга пулемёт блан бир

яшиқ қўл гранатаси бераман. Чегарадан ўтиб олишни ўзимиз уюштирамиз. Хўш, ма'қулми?

— Ма'қул!— деди у, кейин анча довдираб турди-да, кейин Плецитийга қўл берди.

— Қани, энди нотикни эшитамиз,— деб сўзини тугатди Плецитий,— ўзиям нуқул биз томонга қараб қўяяпти. — У Тоникка ўтирилиб деди:— Бу эзма чол саҳнага ўзи чиқиб олдим, ёки президиумдагилар чақириндими?

— Йўқ,— деб жавоб берди Тоник. Тоникнинг Плецитий блан гаплашаётганини кўриб Аннанинг гаши келарди.— Ўртоқ Оуграбка ҳамма катта йиғинларга қатнашиб туради.

— Мен ҳам буржуазия блан иттифоқ бўлишга ҳаминча қарши бўлиб келганман...— деди Оуграбка; чол аста-секин ҳозирги даврга етиб келган эди.

Кўзойнакли киши қўйнидан янгигина қалин блокнот олиб, унга Плецитийнинг Прагадаги адресини ёзиб қўйди-да, Гамбургдаги адресни яна сўради.

— Мен албатта бораман,— деди у.

— Бор. Менга ишонсанг бўлади, мен сени кутаман.

Кекса Оуграбка яна узоқ гапирди, у, ишчиларнинг ўтмишдаги ҳамма азоб-уқубатлардан қутқарадиган, уларнинг ёрқин келажagini та'минлайдиган ўзаро ҳамкорлик тўғрисида муфассал гапирди. Социал-демократик партия кучли ва уюшқоқ бўлиши керак, унинг сал тарқоқ бўлиши ҳам душманга қўл келади, деди.

— Ҳа, ўртоқлар, буржуазиядан тамоман ажралмоқ керак. Мен ҳам мана шу фикрдаман,— деб сўзини тугатди чол.— Бизнинг йўлбошчиларимиз ишчилар оммасининг хоҳишига бўйсунishi керак. Партия ичида ихтилофларга асло йўл қўйиб бўлмайди, бу энг хавфли нарсa. Келинглaр, йиғилишларда сўзлаб, шу фикрни ишчиларга тушунтирайлик. Агар буни йўлбошчиларимизнинг ўзлари тушунишмасa, буржуазия блан шартта алоқани узиш керак, шунда улар ўз-ўзидан ишчилар синфининг истагига бўйсуниб қоладилар. Шу блан сўзим тамом.

Қарсақлар янгради, лекин бу қарсақлар кўпроқ одат бўйича чалинардн. Оёқлари маймоқ, бўялмаган матодай рангсиз жиккак чол — Оуграбка саҳнадан тушди.

— Чол хато қилаяпти,— деди Плецитий Тоникка қараб.— У шароитни тушунмайдиган бўлиб қолган. Ихтилофлар чиқади, йўлбошчилар ҳам ишчилар оммасининг

истагини бажармайдилар.— Кейин кўзойнакли кишига ўгирилиб:— сен қандай фикрдасан?— деб сўради.

— Албатта, у хато қилапти,— деб жавоб берди, бу кутилмаган саволдан олазарак бўлиб қолган Маржик.

Парламент депутати ва социал-демократик партияси ижроия комитетининг раиси Антонин Немец саҳнага чиқди. Бу олтмиш ёшларга борган, семиз, қипқизил тепакал, олтин кўзойнак таққан киши эди. Залдагилар уни индамай қарши олдилар. Бу сукутда ҳам ғазаб, ҳам ҳаяжон, ҳам қизиқиш туйғулари аралашиб кетган эди.

— Ҳурматли ўртоқлар!— деб шошилмасдан гап бошлади Немец.— Мендан олдин сўзга чиққан нотиклар кўп жиҳатдан ҳақлидирлар. Республикамиздаги вазият кўпдан буён биз ишчиларни қаноатлантирадиган даражада эмас.— Немец бемалол, лекин жиддий қиёфада туриб, Тоник ва Плецитийлар томонидан ҳукуматга қўйилган айбномаларни бирма-бир такрорлаб чиқди.— Мен бу айбномаларга ўз томонимдан яна бир муҳим пунктни киритардим. Саноатда кризис аломатлари сезилмоқда, ўз манфаатини кўзловчи капиталистлар бунинг ҳамма оғирлигини бизнинг устимизга юклашга уринмоқдалар. Улар лоақал ҳарбий солиқларининг бир қисмидан воз кечишни ҳам истамайдилар...

Нотикқа кулиб қараб турган собиқ қизил аскар бирдан бақирди:

— Ашулани қотираяпсан! Мен, бўлсам қачон «гарчи шундай бўлса ҳам» ёки «шунга қарамай» дер экансан деб кутиб турибман.

Залдагилар кулиб юборди.

— Ш-ш-ш!.. Жим!— деб бақирди аллаким жаҳл блан.

Залдаги шовқин-суронлар чиниққан нотикқа таъсир қилмади. У, олтин кўзойнагини тўғрилаб, Плецитий ўтирган томонга виқор блан қараб қўйди.

— Кечирасиз, гражданин,— деди у сўзни чертиб, ясама вазминлик блан.— Агар янглишмасам, мен сизнинг сўзингизни бўлганим йўқ эди, ўйлайманки, сиз ҳам менинг сўзлашимга халал бермассиз. Мен сизни ўртоқ эмас, гражданин деб атайман, чунки сиз, бизнинг партиямизга мансуб кишимисиз, йўқми, ҳали маълум эмас...

— Сен ҳархил йиғинларда бўлавериб, роса ҳавосини олибсан-да,— деб кулиб юборди Плецитий.— Ҳеч ажабланидиган жойи йўқ: кўпйиллик тажриба-да!

— Биз уни биламиз!— деган овозлар эшитилди.— Уни ҳаммамиз биламиз! Бу ўртоқ Плецитий бўлади. Биз уни урушдан илгариеъ танирдик.

— Депутат жаноблари ҳам мени танийдилар, — деб кулди собиқ қизил аскар.

— Сизлар у блан таниш эканингизга ишонаман, — деди ўзини йўқотмай Немец. — Броқ урушгача таниб, кейин кўздан йўқотган кишиларимизнинг кўплари, худди бошқа одамга айланиб қолгандай, ўзгариб қайтишди. Мен ноҳақ та'налар блан бирор кишини хафа қилмоқчи эмасман. Сизлар унга ишонар экансиз, — демак бунга бир асосингиз бор. Мен бўлсам, — у кўкрагига уриб гапирарди, — мен халқ олдида бомбалар, динамитлар ва жаҳаннам машиналари тўғрисида гапирадиган одамларга унча ишонмайман.

Плецитийга берилган бу зарбадан Анна шу қадар хурсанд бўлиб кетдики, ҳатто кулиб юборгиси келди. У Тоникка шўхчан бир назар ташлашдан ўзини тияолмади. Лекин Тоник бошқа фикрда эди.

— У ёлгон гапираяпти, албатта, — деди Тоник, нотиққа ишора қилиб. — Лекин ҳозир туриб, буни айтилса, у «Мен бугунги мажлисни кўзда тутаётганим йўқ, бошқа мажлисларни, Плецитий бомбалар ҳақида гапирган мажлисларни кўзда тутаяпман», — дейди.

Плецитий кулар, бу вақтда юзидаги чандиғи аниқроқ кўзга ташланарди. Лекин, тажрибасиз Маржик хахолаб кулиб юборди. Уни туртишган эди, дарҳол жим бўлиб қолди.

— Қани, ҳарқалай гапимни давом эттирай, — деди нотиқ. — Шундай қилиб Чехословакия республикасига оғир иқтисодий кризис таҳдид қилмоқда...

Депутат Немец ҳали ҳам Плецитий кутган «броқ» иборасини ишлатгани йўқ. Бу мажлисда партия раҳбарлиги позицияси бирмунча беқарор вазиятда эди, шунинг учун ҳам Немецдан сўнг оппозициячилардан ҳечким сўзга чиқаолмаганлиги лидерларга фойдали бўлди. Ишчиларнинг мажлислари кечки соат ўндан кейинга камданкам чўзиларди, ба'зан бундай вақтларда мажлис қатнашчиларининг кўпчилиги, одатда, соат ўндан кейин дарвозабонга пул тўламаслик учун, эртароқ кетиб қолишарди. Ҳозир соат тўққизга яқинлашиб қолган бўлиб, нотиқлар қисқароқ сўзлашлари керак эди; лекин у, жўрт-

тага гапни чўзиб, роса ўн беш минутдан кейин ўша кутилган «броқ» деган сўзга ўтди. Бироз жим туриб, у бемалол олтин кўзойнаги орасидан Плецитий томонга яна бир қараб қўйди.

— Мана энди, ҳалиги «броқ»қа ўтамиз,— деди у.— Қулоғингизни диккайтириб турунг, гражданин Плецитий! Қани, ўзимизга савол берайлик: бу оғир вазиятдан қандай қилиб қутиламиз?— Нотиқ энди овозини кўтариб, шанғиллаб гапирабошлади.— Сиз, гражданин Плецитий, ишчиларни найза, пулемёт ва тўпларга қарши юбориш керак, деб ҳисоблайсизми? Сиз, пойтахт кўчаларида пролетарларнинг қутлуғ қонини оқизиш керак, деб ҳисоблайсизми? Сиз, гражданин Плецитий, янгидан минглаб бевабечора етим-есирлар кўпайиши блан аҳволимиз дуруст бўлади, деб ўйлайсизми?

Залнинг ҳар томонида шовқин-сурон солиб, намоёнш-корона чапак чалиб юборишди. Аудиториянинг қанча қисми нотиқни ма'қуллаяпти? Бешдан бир қисмими, олтидан бир қисмими? Қарсак чалганларга ҳамма бирдан ўгирилиб қаради, бу нарсга ҳаммани, айниқса Немецни жуда қизиқтирган эди; у, кўзойнак тагидан залга кўз югуртириб чиқди.

Ҳамма жим бўлгандан кейин, Плецитий ўрнидан туриб:

— Биз ўлиш учун эмас, балки ғалаба қозониш учун кўчаларга чиқамиз!— деб қичқирди.

Залдагилар бунга қарсак блан жавоб бердилар. Бу қарсаклар депутат учун чалинган қарсаклардан кўра қаттиқроқ бўлиб, узоқ давом этди. Ёшлар очикдан-очик Плецитий томонига ўтиб олган эдилар.

Немец сахнада хотиржам туриб, одамларнинг тинчилишини кутарди. У мийиғида кулиб турарди. У, ўнг қўлини ияги баравар кўтариб, кўрсаткич бармоғини қимирлатди. Унинг бу ҳаракати залдагиларни қизиқтирди.

Нотиқ:

— Йўқ, йўқ, гражданин Плецитий,— дер экан, унинг семиз бармоқлари худди девор соатининг маятникидай уёқдан-буёққа бориб келарди,— биз пролетариат ва ўз виждонимиз олдидаги мас'улиятимизни жуда яхши ҳис қиламиз, шунинг учун ҳам, ба'зи жинояткорона ҳаракатларга йўл қўйишигина эмас,— нотиқ бу сўзларни бақириб айтган экан, бутун гавдаси блан олдинга ташланди,—

балки енгил табиатли мас'улиятсиз ёки авантюрист элементлар ўз ёвуз ниятларини амалга оширмасликлари учун бутун кучимизни сафарбар этамиз! Қўрайисизми, гражданин Плецитий, мен мулойим гапираялман, чунки хатарли янглишишингизнинг самимий эканига ишонишни истайман. Мен сизни провакатор демоқчи эмасман. Шу блан бирга рус революцияси биз учун муқаддас, гражданин Плецитий, рус биродарларимизнинг курашлари биз учун ҳам муқаддас. Лекин биздаги шароит русларникидан фарқ қилади, шунинг учун ҳам биз бошқа йўлдан боришимиз керак.

— Крамарж¹ блан иттифоқ бўлибми!— деб қичқирган овоз эшитилди.

— Биз Крамарж блан иттифоқчи эмасмиз,— хотир-жамлик блан жавоб қайтарди нотиқ.— Аксинча, ўзингизга ҳам маълумки, биз Крамаржни ҳукумат составидан чиқариб юбордик.

— Швегла² ҳам ундан дурустроқ эмас! Бири-биридан бадтар!— Биз умуман буржуазия блан иттифоқ тузмоқчи эмасмиз. Биз ҳукумат составига кирган эканмиз, бундан кўзлаган бошқа мақсадимиз бор. Ҳукумат составида бўлиш ишчиларга фақат контрольлик қилиш имкониятинигина эмас...

Залда кулги кўтарилди.

— Сизнингча, ҳокимиятни буржуазиянинг ўзи танҳо идора қилса яхши бўлармиди?— деб сўради нотиқ.

— Йўқ, биз ўзимиз идора қилмоқчимиз! Бизга пролетариат диктатураси керак!— деган овозлар эшитилди.

— Тўғри!— деб бош қимирлатди нотиқ такаббурилик блан.— Ўртоқлар, ишчилар ҳокимияти ва пролетариат диктатураси ҳақидаги шиор социал-демократик программада кўпдан буён мавжудлигига шубҳа йўқ. Биз мана шунга интилишимиз керак, вақти соати блан бу шиорнинг амалга оширишимизга ҳеч шубҳа қилмайман.— Нотиқ ёқимлиқкина илжайиб қўйди.— Лекин мени хавотирга соладиган нарса шуки,— у мулойим гапирарди,— ҳадеб бир-биримизнинг сўзимизни бўлаверсак, гаплашиш жуда

¹ Крамарж — Чех реакцион миллий-демократик партиясининг бошлиғи, у кейинчалик Чехословакияда фашистлар ҳаракатини қўллаб-қувватлади.

² Швегла — Буржуазия Чехословакиясида аграр партиясининг лидери.

қийин бўлади. Қани, ўртоқлар, мен гапимни бемалол гапириб олай, қимдаким менинг фикримга қўшилмаса, кейин сўз олиб гапирсин. Шундай қилиб...

Плетиций саҳна олдига бориб, мажлис раиси столидаги нотиқлар рўхатига қаради.

У қайтиб келгач, Тониikka қараб:

— Ундан кейин депутат Гавлена ёзилган экан,— деди кулиб,— ундан кейин эса директор Хуммельганс.— Лекин барибир энди уларга вақт етмайди, шунчаки, ҳар эҳти-молга қарши ёзилиб қўйилган-да. Мен кетаман. Ошиқ-ма'шуклар, сизлар қоларсизлар-а?

— Биз ҳам кетамиз,— деди Тоник.— Анна эшик ёпилмасдан олдин уйга етиб олиши керак.

Плениций кўзойнакли одамга қараб буйруқ бергандай:

— Сен ўтиравер, ўртоқ Маржик,— деди. Маржик ган-гиб қолди.— Қолавер! Қолавер! Подполье ишининг бош-ланғичини ўрганиб олиш керак. Агар ҳаммамиз бирдан кетсак, бирор шубҳа туғилиб қолиши мумкин. Шундай қилиб, албатта, боргин-а, мен ҳамма нарсани тахт қилиб қўяман.

— Албатта бораман!

Анна, Тоник ва Пленицийлар залдан чиқишди. Анна, Пленицийнинг ҳам бирга кетаётганидан норози эди, у Пленицийга қарамасликка тиришарди. Улар ҳовлидан ўтишди. Павильоннинг ойнавон деворидан чироқ нури кўриниб турарди. Улар дарвозадан ўтиб, биринчи ҳовли-га чиқишди. Шу ерда уларнинг кетидан студент Ярда Яндак етиб келди.

— Нега сен кетаялсан? Мен сен блан гаплашмоқчи эдим — деди у Пленицийга.— Лекин Анна, Яндак уни деб кетларидан югуриб келганини пайқади.

— Мен соат ўн яримда Вильсон вокзалидан жўнаб кетаман, унғача эса уйга ҳам кириб чиқишим керак,— деб жавоб берди Плениций.— Кекса Немец одамларни роса гапга чалғитаяпти, яна ўн беш минутдан сўнг ҳамма тарқалиб кетади-ю, бутун мажлисдан ҳечқандай натижа чиқмайди. Ўлгундай ёмон ишлайсизлар! Мажлисга раҳ-барлик қилишни улар қўлига топшириб қўйиш нақадар аҳмоқлик-а!

Улар Халқ уйининг икки ҳовлисидан ўтиб, орқа дар-возага чиқишди. Босмахонада ротация эндигина иш бошлаган, редакция деразалари ёруғ эди.

— Қаёққа жўнайсан?— деб сўради Ярда.

— Венага. Бу ердаги полиция мени анча вақтдан бери та'қиб этиб юрибди. Ҳозир бирор тинчгина жойда пиниб ётишга вақт йўқ. Бунинг устига яна бу ерда қилади-дан иш ҳам йўқ; агар бу ерда иш бўлганда қолардим. Ёшлар ҳали ҳам нуқул қуруқ гап сотишдан нарига ўтмайсизлар.

— Сен бояги Маржикнинг гапларига ишондингми, ўртоқ Плецитий?— деб сўради Тоник.

Собиқ қизил аскар кулиб юборди.

— Таажжуб. Айғоқчиларингиз ўлгундай лақма!— кетди у.— Японги блокнот, партия гувоҳномаси, пулемёт ва бомбаларнинг чегарадан олиб чиқиб кетишгача таппа-пийёр бўлиб туриш! Лекин мен чиндан ҳам икки ҳафтадан сўнг Гамбургга бораман.

— Сен уни нега Гамбургга таклиф қилдинг?

— Уёққа борса яхши бўларди-ку-я! Лекин у бормайди, чунки Прага полициясининг бошлиғи Бинерт Гамбург полициясига хат ёзиб шу иш блан шуғулланиш керак, деб қўя қолади. Уёқдаги портда чиндан ҳам океаннинг нариёғидан келган пароходча турипти, унда ишончли ўртоқлар бор. Улар шу жосусга ўхшаш аблаҳларни трюм¹ ёки кубрикка² бошлаб киришади-да, гайка калити билан бошига тушириб портнинг лойқа сувига улоқтиришади. Агар бунақа ифлосларни қириб ташланмаса, у ўнлаб ўртоқларни ҳалок қилади.

Бу гапларни эшитганида Анна сесканиб кетди.

Улар Халқ уйидан Праганинг тунда порлаб турган, шижум кўчаларига чиқдилар. Плецитий атрофга аланглаб, ҳечким та'қиб этмаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, Анна эркакнинг қўлини қаттиқ сиқди-да, сакраб трамвайга чиқиб кетди.

Ярда Яндак аввал Плецитийга етиб олиб, бу блан ишпиш учун залдан югуриб чиқдим деган бўлишига аямай, Анна блан Тоникни Вацлав майдонигача кузатиб қўйди. Анна унинг ҳийла ишлатганини пайқади. Тоғ Рубешлар уйи олдида қучоқлаб ўпгани Аннага ошқор бўлди. Қиз ҳам унга қаттиқ ўпиш блан жавоб қайтарди, қипқизариб кетди, кейин бир чеккада уялиб

¹ Трюм — кеманинг механизмлар ўрнатилган таг хонаси.

² Кубрик — кеманинг пастки саҳнида команда учун махсус жой.

турган Яроушкага қўлини узатди. Уларнинг иккаласи ҳам бир-бировига қарамасди, лекин Аннанинг самимий, дўстона қўл сиқиши гўё хайрхоҳлик блан: «Мен кўнгиб бериб қўйганман, Ярда...» деяётгандай бўларди.

Студент блан Тоник иккаласи қолишди.

Ярда ҳаяжонини босиб:

— Мен сен блан бир гаплашмоқчи эдим,— деди Тоникка.— Бирорта кафега кирайлик.

— Майли.

Ёғиналарида қандиллари зарҳал қилинган, мрамор деворли муҳташам «Пассаж» кафесининг чироқлари порлаб турарди. У ердан қилли оркестр ижро этаётган сентименталь куй эшитиларди. Студент кафенинг эшиги томон юрди.

— Шу кафегами?— деб сўради Тоник.

— Ҳа.

— Мен бу кафега кирмайман.

— Нега?

— Кирмайман, вассалом.

— Нега, ахир?— Ҳайрон бўлди студент.— Ёки кумуш қошиқ ва озода идишлардан қўрқасанми? Пролетариат чинни идишларда овқатланиб, кумуш асбоблардан фойдаланадиган кунлар ҳам келиб қолади.

— Буларнинг ҳаммаси қуруқ гап!— деди жаҳл блан Тоник.— Буржулар бор жойга бормайман! Агар хоҳласанг Жижковдаги бирор кафега кирамиз, бўлмаса уйга кетаман.

— Хўп, кирамиз!— деб жавоб берди студент тааж-жубланиб.

Иккаласи ҳам индамасдан Жижковга жўнашди.

Тоникнинг аччиғланиши тезда босилди, кейин у бугунги мажлисни эслади, музокара вақтидаги безовталикини яна бошидан кечирди, хатоларни қайд этиб, тактик имкониятларга баҳо берди. Плецитий худди гильотина¹ сингари бераҳм одам, лекин доим у ҳақли: ахир, мажлисни бошқаришни ўшаларга топшириб қўйиш нақадар тентаклик бўлган-а! Мана ўнди улар боши берк кўчага бошладилар! Ҳа, улар шу мақсад блан жўрттага кекса Оуграбкани киритганлар, лекин чол ўз ролининг нимадан

¹ Гильотина — ўлим жазосига ҳукм қилинган кишиларнинг бошини кесадиган машина.

иборат эканини ўзи ҳам тушунмайди. Тоник фикран ҳали ҳам мажлисда ўтирар, студент эса фақат Анна тўғрисида ўйларди. Яроушка хуноб эди. Анна блан Тоникнинг ўпинишлари унинг юрагини орзиқтириб юборди. У ҳали ҳам Аннанинг қандай ма'нода қўл сиққанини ўйларди. У ҳижолат чекар ва қизариб-бўзариб ўйларди: «Анави «Пас-саж» кафеси олдида иккаламизнинг бир-бировимиздан аччиғлашишимизнинг сабаби нима? Интеллигент блан ишчининг тўқнашувими, ёки бир қизни севиб қолган икки йигитнинг бир-бирини ёқтирмаслигими?»

Улар Жижков кўприги томон борардилар. Кечаси кўчаларда одам сийраклашмоқда эди.

— Сен қандай ўйлайсан, партияда ажралиш бўлар-микин?— бирдан сўраб қолди Тоник. Студент қўққисдан берилган бу саволдан шошиб қолди,— чунки унинг фикри-ёди Аннада эди,— лекин у дарҳол ўзини қўлга олди. Шу вақт Халқ уйининг боғ павильони, тамаки тутуни блан қопланган шифтдаги лампочкалар, қурол-яроғ ҳақида бўлган гаплар, шиорлар, ўроқ ва болға тамғали қизил байроқлар унинг кўз ўнгидан бир-бир ўтабошлади. У революция ҳақида гап бошлади. Шу тўғрида гапириш уни анча енгиллаштирди. Жўшқин туйғулари бошқа нарса блан алахсиганидан қувониб, гўё қайғу ҳасратларини сўз блан босиб юборишга уринаётганга ўхшарди. У, рус ўртоқлар кўрсатган намунаси тўғрисида, Ленин тўғрисида, пролетар оммасининг узил-кесил ғалаба қозонган босқичи тўғрисида, ҳокимиятни қўлга олиш тўғрисида, келажакка сакраш тўғрисида, «Кўчамизда байрам бўлиши» тўғрисида гапиракетди.

— Партияда хоҳ ажралиш бўлсин, хоҳ бўлмасин, барибир,— деди у қизишиб.— Бу нарса масалани ҳал қилмайди. Революция бошланди, энди уни тўхтатиб бўлмайди. Революция стихияга, ўтга, сув тошқинига ўхшайди!

— Билмадим,— деди совуққонлик блан Тоник.— Бўлиши мумкин. Аммо революцияга раҳбарлик қилиш керак. Плецитий ҳақли: қурол зарур.

Студент ўзининг отаси ва партиядош ўртоғи, депутат Андак тўғрисида гапириб, унинг социал-демократик партияси ичида бирликка қандай қарашини айтиб берди. Яндак, ишчи-бошчиларнинг бир қисми революция блан бирга бор-оқибди, дер, улар жуда буржуалашиб кетишган, революция он қанот эса бутун партияни ўз орқасидан эргаштириб

кетаолмайди, деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам ажралиш бўлиши муқаррар. Пролетариат ўзининг янги, жанговар авангард бўлаоладиган пролетар партиясини тузиб олиши керак. Бу ишни қандай бўлса ҳам дарҳол амалга ошириш керак!

Улар Жижков кўпригига етиб боришди. Тоник индамасди. Студент эса, отасининг сўл қанотга жуда мойил эканлигини, Вена ва Берлинда сўллар блан алоқада бўлиб, улар орқали Москва блан боғланганини айтиб берди. Отаси шу ҳафтада Кладнода бўладиган мажлисга қатнашади. Шахтёрлар Кладноси Прагадан кўра ҳам революционроқ эканлиги, биринчи портлаш худди ўшаердан бошланажagini сўзлаб берди.

Тоник жавоб бермасди.

— Афсуски, ҳозир Халқ уйида отам бўлмади-да! Отамнинг Либнда мажлиси бор, ҳозир у Гампл блан олишиб ётипти.

Тоник ичида: «Ўзинг Халқ уйига нега келдинг?— Аннани деб келдингми?—деб ўйларди.

Студент суҳбатдошининг совуқ қараётгани ва жўрттага индамай келаётганини пайқади.

— Нега индамайсан?— деб сўради Ярда асабийлик блан.

Тоник кифтини қисиб қўйди.

— Ахир, нега индамайсан?— Жиғибийрони чиқиб такрорлади у.

— Сенинг отанг биз блан бирга бўлмайди,— деди Тоник қўққисдан.

Бу фикр Тоникнинг миясида йилт этиши блан ўчиб қолаётган учқундай бирнеча марта пайдо бўлган эди; агар шу ҳақда гап очилмаганда, Тоник бу гапни ҳечқачон айтмаган бўларди.

Улар кўприк остига боришган эди. Яроуш Тоникнинг йўлини тўсди, иккаласи ҳам тўхташди. Уларнинг тепасидан (кўприкдан) тарақа-туруқ қилиб поезд ўтиб борарди. Фонарь остидаги деворда Чаплиннинг сурати ишланган раиғба-раиғ афиша кўринарди.

Студент Тоникнинг қўлини маҳкам ушлаб олди.

— Жиғини-минни бўлиб қолдингми?!

Тоник унга қаттиқ тикилиб бош чайқаб қўйди.

— Отамнинг номига доғ туширадиган бирор нарса сенга ма'лумми?

— Йўқ, асло.

— Нимага асосланиб гапираяпсан, бўлмаса?

Тоник жавоб бермади.

— Индамаганинг блан қутилмайсан. Менга жавоб бериш ўртоқлик бурчинг.

— Кел, Ярда, шу гапни қўяйлик, мутлақо шу темада гаплашгим йўқ.

— Айтишинг керак!— деб хитоб қилди студент.

— Майли, айтақолай,— деди Тоник.— Гап шундаки, онангнинг оқ қўлқоп блан амиркон туфли кийиб юрганини, синглингнинг ипакли кўйлак кийиб юрганини кўрдим.

Яроуш Тоникнинг қўлини қўйиб юбориб, бошини чангаллади.

— Эсингни еб қўйибсан!

— Йўқ.

— Шунинг учун отам коммунист бўлаолмайдими?

— Ҳа, шунинг учун.

Студент асабийлашиб кулди. Улар Жижков кўчаларидан индамай боришиб, учинчи разрядли кафега киришди, бу ерда бир тўда ҳунармандлар аллақандай озғин хотин блан ўтиришарди. Столлардан бирида одамлар карта ўйнашарди. Мактаб ёшидаги икки сутенёр¹ жонончаларининг пул олиб келишларини кутиб ўтиришар ва зерикиб кетишганидан оркестрионга майда чақа ташлашарди. «Кармен» операсидан тореадор арияси янграрди. Оркестрион ойнасига тегирмон блан қиш манзарасининг сурати чизилган эди.

Тоник блан Ярда мармарга ўхшатиб бўялган темир столга ўтиришди. Афти-башарасига упа-элик чаплаган буфетчи хотин уларга бир стакандан сун'ий кофе берди.

Студент тирсакларини столга тираб, чаккаларини чангаллаб ўтирар ва Тоникка тикилиб, бош чайқарди. Тоник ҳам тикилиб тураверди. Оркестрион ҳамон гумбирлатиб тореадор ариясини чалар, қўшни столдаги картавозлар ва зўр бериб карта ўйнашарди.

— Ишчилар блан интеллигенция орасида шундай иншончсизликнинг бўлиши жуда ёмон нарса!— деди студент ма'юслик блан.

Тоник тотли суюқликни симиради.

¹ Фоҳишалар ҳисобига яшовчи эркак.

— Шундай қилиб, ҳамма гап оқ қўлқоп, амиркон туфли ва шоҳи кўйлақдами? Бўпти! Бу худди «Пассаж»-даги топтоза писла ва кумуш вилькаларга ўхшаган ўтакетган буржуазиячиликми? Агар Анна шоҳи блузка олиб кийса, сен уни севмай қўясанми?

— Пулим бўлганда, ўзим унга шунақа блузка олиб берардим.

— Ана, кўрдингми!

— Лекин менга ҳечқачон ўшанча пул тушмайди.

— Эй, бундай дегин! Демак, пули бор одам революционер бўлолмас экан-да? Еки, сенингча,— студент қовогини солди,— менинг отам буржуазиядан маош оладими?

— Шу гапларни бас қилайлик, Ярда. Отанг ҳақида ҳечқандай ёмон гап эшитганим йўқ деб айтдим-ку. Лекин у биз блан бирга бўлмайди.

Тоник айтган сўзидан қайтмади.

— Демак, сен менга ҳам ишонмас экансан-да, соатимнинг занжири олтин-ку? Ҳозир мен олтин занжирни ечиб анави икки муттаҳамга бериб юборсам, хурсанд бўласанми?

— Сен бўлмағур гапларни гапираяпсан!

— Эртагаёқ буни сотиб пулини партия кассасига топшираман.

— Беҳуда вайсама! Ҳозир мен сенга ишонаман. Борди-ю, ё бизни ёки отангни танлашингга тўғри келиб қолса, сен отанг блан бўлиб кетасан. Бошқа қандай чоранг бор? Сен ўқишингни битириб олишинг керак, энди албатта қора ишчи бўлолмайсан. Бу тентаклик бўлар эди ва бунинг ҳечкимга кераги ҳам йўқ. Қани кўрамиз, бир йил, балки ундан ҳам эртaroқ нима воқиалар бўларкин.

Студент ҳамон ерга қараб, чаккасини ушлаганча ўтирарди. «Бу интеллигент блан ишчи ўртасидаги мунозарами, ёки бири бахтиёр иккинчиси рад этилган икки ошиқ ўртасидаги мунозарами?»— деб ўйларди. У нақадар ноқулай аҳвол-а!

Ярда тагин отаси тўғрисида ўйлади.

— Бу жуда ёмон нарса, Тоник, бу ўтакетган инсофсизлик! Отам ўттиз йилдан буён сизлар блан бирга курашиб келаяпти, сизлар учун ишлайди, фақат сизларнинг муваффақиятларингизни кўзлайди, сиз бўлсангиз ҳали ҳам унинг интеллигентлигини кечирмайсиз. Биз со-

циализм та'лимоти асосида тарбияландик, сизларнинг орангизда ўсдик, сиз бўлсангиз, ишчи оилангизга бизни қабул қилганингиз йўқ. Бу жуда ёмон аҳвол!

— Тўғри, сенинг тўғрингда шундай дейиш мумкин. Гарчи сен бизнинг орамизда ўсмаган бўлсанг ҳам, кўп вақт биз блан бирга бўлгансан. Сен бундан мустасносан. Лекин ҳарҳолда сен ҳам биздан фарқ қиласан...

— Нима блан?— студент бошини кўтарди.

— Мен қаёқдан билай?— Кафе танлаш масаласидаги гап арзимаган нарсаси, албатта. Мана қулоқ сол, сен кумуш қошиқ блан топтоза идишлар тўғрисида жуда кўп гапирасан, ишчи бунақа «Пассаж»ларда ўтирадиган, ўзини таловчи аблаҳларни кўрганида, унинг ғазаби қайнаб кетади. Унинг кийим-кечаги ҳам бошқача, ишчи бундай кафеларда қандай ўтиришни ҳам, бу чиройли асбобларни қандай туттишни ҳам билмайди, ахир; бу нарсалар сенинг етти ухлаб тушингга ҳам кирмайди. Сен биздан ҳар томонлама фарқ қиласан! Ҳали, бу сен! Мана, сен партия йўлбошчилари, парламент депутатлари, ҳархил секретарь ва редакторларни олиб қара, ҳаммасини бирма-бир эсла-да, лоақал бирортасининг ўғли ёки қизини фалон вақтда бизнинг орамизда кўрдим дегинчи! Шундан кейин бизнинг ишонмаслигимизга таажжубланиб бўладими? Айниқса шундай пайтда—тинчлик даври ўтиб, жиддий воқиялар рўй бераётган вақтда?

Студент Тоникка узоқ вақт ма'юс тикилиб қолди. Ҳозир кўзларидан ёш чиқиб кетадиганга ўхшарди.

— Сен, ишчилар блан интеллигенция орасидаги ҳамкорликни қандай тасаввур этасан?— деб сўради студент.

— Мутлақо тасаввур этаолмайман! Жанг қилмоқ учун биз блан бирга кўчага чиққан интеллигентлар бизники бўлади. Лекин масалани интеллигенция ҳал қилмайди. Маржикка ўхшаш айрим сотқинлардан ўч олиш фойдали бўлишига қарамай, бу ҳам масалани ҳал қилмайди. Масалани ҳал қилиш ишчилар синфитининг қўлида!

„Қора қўл“

Анна Тоникка тегди. Лекин бу тантана тубероза гулларининг хушбўй ҳидлари гуркираб турган ҳашаматли ётоқда ҳам, дарё соҳилидаги хурмозорда, ёки кўкида минглаб юлдуз чироқлари порлаб турган Еврейлар пе-

чидаги чуқурларда ҳам бўлгани йўқ. Бу қизғин дақиқалар Вацлав майдонидаги 33-нчи уйнинг под'ёздида Анна блан Тоник иккинчи қаватга чиқиб кетаётганда, яна бир-неча марта ўпишиб олиш учун йўлакка кирган пайтларида юз берди.

Анна ўзича шундай ўйларди: «Меҳр блан қучоқлашишнинг ширинлиги тўғрисида нега шунча китоблар ёзилган-а? Ўпишиш ўн чандон яхши-ку!» Бу онларнинг энг наш'али минутлари шунда эдики, Тоник нимани истаса, Анна ўшани бағишларди. Шу куни кечаси Анна ҳужрасидаги чирогини узоқ вақт ўчирмай шифтга боқиб ётди. Бу кун — Аннанинг ҳаётида катта бурилиш рўй берган кун эди.

Анна ўз хавфини Маняга айтганида:

— Вой, қуриб кетсин! — деди Маня.

Бирнеча кундан сўнг Маня — дўконга кетаётиб яна Аннадан «ишлар қалай?» деб сўраган эди, Аннанинг «ўз-гариш йўқ» деганини эшитиб, бурнини жийирди.

— Ана, сен ҳам қўлга тушибсан. Қутилишни истайсанми?

Анна тушунмади, Маня қутилиш нималигини унга тушунтириб берди.

Йўқ, Анна бола туширишни истамайди!

— Бўлмаса нима қилиш керак?

Тоник уззукун турар жойлар бошқармасига қатнай-диган бўлиб қолди. У, завод дарвозасидан чиқасолиб, парламент депутатлари, партия раҳбарлари ва квартира олиш учун ёрдам бериши мумкин бўлган барча обрўли таниш-билишларини ахтариб кетарди. У, я'ни умрида бирор нарсани илтимос қилмайдиган Антонин Кроусский тушунтирар, бутун дардини гапириб берар, илтимос қилар ва ўзини калтаклангандай ҳис қиларди. Бунга жавобан, олазарақ бўлган кўзларни кўрар ва арзимаган бе-ма'ни саволларни эшитарди. Тоник илтимос блан борган одамлар елкаларини қисиб, бармоқларини столга урар-дилар-да, — «Бу жуда мушкул иш, дўстим», — деб илова қилардилар. Депутатлар ўзларининг визит карточкаларига тавсияномалар ёзишар, э'тиборли танишлари эса, Тоникни бошқа э'тиборли танишларига ҳавола қилишар, Тоник бу аҳволдан бадтар ғазаби қайнаб, яна қабул-хоналарда кутиб ўтирар эди. Тоник кўчама-кўча санди-рақлаб юриш натижасида ишҳақидан маҳрум бўларди;

у. ҳадеб ўз ҳисобидан ярим кунга рухсат сўрайверганидан кейин цех бошлиғи ҳам қовоқ соладиган бўлиб қолди. Аммо ҳамма уринишлари бекор кетди, янги республика пойтахтида аҳоли тўлиб-тошиб кетган эди. Давлатманд кишилар квартира топиб олардилар, албатта. Бош суқадиган жойи бўлмаган бирорта ҳам ишчилардан чиққан парламент депутати, касаба союз ёки партия раҳбари, ёки редактор йўқ эди. Аммо «Қольбён» заводи ишчиси, унинг севгилиси ва туғилажак чақалоғи учун бутун Прагада бошпана топилмади.

Анна: «Энди нима бўлади?— деб ўйлар, ваҳимага тушиб, юраги арзиқарди.— Ҳомиладорликни узоқ вақт яшириб бўлмайди. Аннанинг боласи тўрт ойлик бўлиб қолди, у ҳар куни эрталаб қорини пайпаслаб кўриб, шу пайтгача на хўжайка ва на бундай ишларга жуда қизиқадиган Дадла ҳечнарсани пайқамаганига ҳайрон бўларди. Кейин нима бўлади? У агар қабул қилса, бирорта ишчининг оиласига жойлашиб олади, ўзимга сеп қиларман деб йиғиб юрган пулларида бирнеча ўн кронини сарфлайди, уни деб Тоник қарзга ботади. Борди-ю, уни ҳечким қабул қилмаса-чи? Анна кўрқиб, кечалари уйғонар, пешонасидан тер чиқиб кетарди. Уйига қайтсамикан? Асло бўлмайди? У, ўз қишлоғида қандай таъна-маломатга қолишини ва бу ишга отасининг қандай қарашини ҳам жуда яхши биларди. Йўқ, яхшиси Влтавага ташлашиб фарқ бўлиш.

Броқ, хўжайка блан оймқиз Дадланинг Аннадан ташқари ҳам ўз дардлари ўзларига етиб ортарди. Оймқиз бетоб бўлиб қолди. Бир кун кундузи, хўжайин уйда йўқ пайтда хўжайка Дадлани машинада олиб келди-да, аллақандай нотаниш жаноб блан бирга зинадан суяб чиқиб, ўринга ётқизиб қўйди. Хўжайка қаттиқ ҳаяжонга тушган бўлиб, лўппи юзлари тупроқдай бўзариб кетган эди. Нотаниш жаноб чиқиб кетгандан кейин, хўжайка Аннага яқин келди, унинг ияги титрар, кўзлари чақнарди.

— Анна!— деб хитоб қилди у.— Дадлочка оёғини чиқариб қўйди, энди бирнеча кун ётади. Уни жуда яхши парвариш қилиш керак. Жуда яхши парвариш қилиш керак, тушунарлими? Агар шундай қилмасангиз ҳолингизга вой!

Хўжайка шу гапларни айтар экан, Аннанинг тумшуги олдида мушт ўйнатарди.

Онанинг омон қолган яккаю ягона фарзанди учун бунчалик кўйиб пишишига Анна тушунаолмас ва ўзича: «Нега у менга дағдаға қилади, мен ойимқизни ранжитаяпманми?»— деб ўйларди.

Кечқурун Рубеш келди. Унинг авзойи бузуқ эди, бу нарса унинг чимирилиб турган қошларидан яққол кўри-ниб турарди, лекин қизининг кроватига ўтириши блан чехраси очилиб кетди.

— Нима қилиб қўйдинг, тойчоғим? Мана, кўрдинг-ми, баланд пошнали туфли курғур шунақа фалокатга дучор қилади! Майли, қўявер, докторлар тузатишади, кейин сени бирор ёққа юбориб, оёғингни силатамиз. Бир вақт мен ҳам оёғимни чиқариб қўйганман, биламан, ўлгундай азоблайдиган дард бу.— У, қизининг елкасига қоқиб қўйди.— Лекин, тинчгина ётгин, хўпми, мен сенга яхши совға олиб келаман.

Дадла пардоз столчасини яқинроқ суриб қўйишга буюрди-да, сочларини таради, юзига упа сурди, чепчигига пушти ранг лента тақиб, уқали ичкўйлак ярашган-микин, деб ўзини ойнада тамоша қилди. Чамаси, Дадла касалдан унча азобланаётганга ўхшамасди, негаки илгари у сал бетоб бўлиб қолди дегунча ҳаммани бесаранжом қилиб юборарди, ҳозир эса, ҳеч хафа бўлмай, Анна блан ҳам ҳазиллашиб ўтирарди.

— Ҳаёт жуда аломат нарса-да! Ростми, Анна?— керишиб кулди Дадла, Анна патнисда нонуштани олиб келганда. Кейин Дадла тўсатдан бир нарсани эслаб қолди.— Менга қаранг, Анна, отам сизнинг севган йигитингизни большевик дейди. Шу тўғрими?

Анна индамади.

— Яширмай қўяқолинг, барибир биламиз. Сиз унга шу нарсани айтиб қўйинг...— Ойимқиз яна кулиб юборди, лекин бу сафарги кулгиси шодлик кулгисидан кўра кўпроқ заҳарханда эди.— Унга айтинг, большевиклар бутун дунёга ўт қўйсинлар ва бизнинг ла'нати уйимизга ҳам ўт қўйишни унутмасинлар!— Дадла ойнага қараб сочларини тузатди.— Сизлар ниҳоятда яхши яшайсизлар, Анна!

Аннанинг ранги ўчиб кетди: ҳа, у ниҳоятда яхши яшаяпти. Бундай сўзларни айтишга ойимқизнинг тили қандай бораркин-а!

— Хўш, нега меровга ўхшаб анқайиб турибсан? Чи-

қиб кетишинг мумкин, энди керагинг йўқ. Шоколад ейсанми?

— Йўқ, раҳмат, ойимқиз,— ўжарлик блан рад этди Анна.

— Майли, ихтиёринг.

Рубешлар оиласида энг ёмон ҳодиса фақат Дадланинг бетоблиги эмасди. Хўжайин ўзи ундан беш бадтар аҳволда эди: ҳар куни жанжал-сурон кўтариб турарди. Архитектор аллақандай пулни хўжайканинг оға-инилари блан баҳам кўрмагани учун жаноблар ўртасида жанжал чиқиб турарди. Бундан ташқари, хўжайканинг опасидан қарз олган пули тўғрисида ҳам англашилмовчилик чиқди. Хўжайка бу қарз олган пулни ҳам акаларига ишониб бериб қўйган эди, улар эса ўз навбатида яна Рубешдан пул талаб қилишарди...— Хуллас, ҳамма иш чигаллашиб кетган эди. Жаноблар Анна бор маҳалда бундай нарсалар ҳақида оғиз очмасликка тиришар, Анна овқат олиб кирган ёки столни тозалаётган пайтларда, Рубешлар гапни чала қолдириб, бир-бирларига хўмрайишиб ўтиришарди. Агар жанжал бутун бир ҳафтага чўзилиб, уйда бошқа ҳеч гап бўлмаса, узук-юлуқ гаплардан ҳам анча-мунча нарсани тушуниб олиш мумкин эди. Хўжайин уйни бошига кўтариб, шовқин солганда, хизматкор қизга ҳамма гап маълум бўлиб қоларди.

— Сизлар мени жуда пулдор деб ўйласаларингиз керак-а?— деб қичқирарди хўжайин ва овқат столидан ирғиб туриб, сальфеткани ёжимлаб ташларди-да, ошхонада уёқ-буёққа юрабошларди.— Акаларинг нақадар муттаҳам одамлар-а! Бундай одамларни тюрмада чиритиб юбориш керак! Тюрмада чиритиш керак, тушундингми?— У, сальфеткани полга улоқтирарди.— Юз йигирма минг-а! Сиз нима деб ўйлаяпсиз, мен бир умр хўкиздай ишлаб пулни сизлар учун топаяпманми? Поинсоф муттаҳамлар! Хаёлларида мени индамай-нетмай тўлайди-қўяди, деб ўйлайдилар шекилли! Уларга ёксхўр бўладиган аҳмоқ йўқ! Мен ишни бутунлай қонуний қилганман. Мана кўрасан, мен уларни тюрмага юмлатиб қўяман!

Бир куни у кутилмаган пайтда уйга келиб, ўз кабинетига кирди, звонок чалиб Аннани чақирди-да, хотинини айтиб юборишни буюрди. Анна унинг чақиртиргани-

ни айтган пайтда, хўжайканинг ранги ўчиб кетди-ю, лекин эрининг кабинетига кирди.

Кабинетда эр-хотин гаплашабошлашди. Ба'зан хўжайин овозини бирдан кўтарардию, яна дарҳол пасайтирарди — чамаси, хотини унга хизматкор эшитиб қолади, деб қўяр ёки буни ўзи эслаб қоларди. Шундай бўлса ҳам у, бир сафар шундай бақириб юбордики, ошхонадан ҳам бемалол эшитилди.

— Сўнгги марта сўрайман: Сен бу олти мингни нима қилдинг? Менга чўпчак айтмай қўяқол, мени лақил-латаолмайсан, ҳаммаси ма'лум! Сен бу пулни опангдан олгансан, опанг бўлса анави муттаҳам ака-укаларинг ҳисобидан сенинг қарзингни узиб юборган! Пулни қаёққа яширдинг?

Хўжайка йиғлаб, ҳаяжон блан алланималар дерди.

— Бас қил!— деб унинг сўзини кесди хўжайин.— Бу пулни нима қилганингни мен сенга айтиб берай: Давосга, анави муттаҳам қизинг блан унинг ишёқмас эрига юборгансан.

Шунда хўжайка нафрат тўла асабий товуш блан чинқирди:

— Онт ичиб айтаман, Зденочкага бир теллер ҳам юборганим йўқ! Мен учун энг муқаддас бўлган икки боланинг ҳаётини ўртага қўйиб қасам'ёд этаман! Тушундингми? Менинг Зденочкам муттаҳам эмас, эшитдингми? Сен... сен — қотилсан!

Хўжайканинг аччиқ йиғиси ва хўжайиннинг кабинетда уёқдан-буёққа юргани анча вақтгача эшитилиб турди. Кейин яна бўғиқ товуш блан гаплашабошлашди.

— Анна!

Бу кескин чақириқ Дадланинг будуаридан келди. Анна ўша томонга қаради.

— Нима буюрасиз, ойимқиз?

Бир уюм ёстиқ ва тўрлар орасида Дадланинг қора кўзлари чақнаб турарди. У китоб ушлаб ётарди.

— Улар яна акиллашаяптими?

Анна индамай бош қимиралатиб қўйди.

— Э иккаласи ҳам қуриб кетсин!— деб тишлари орасидан гапирди Дадла.— Қандай қабиҳ ҳаёт бу!— Дадла китобни улоқтириб юборди-да, бошини ёстиққа буркаб олди.

Рубешлар уйида ҳаёт шундай ўтар — уларнинг ҳам-ма жанжал ва шовқин-суронлари пул туфайли бўларди. Хўжайинлар кечалари ётоқ уйда ҳам оқанжаллашарди. Честмир вафотидан сўнг хўжайкаининг энди бир умр умумий ётоқда ётмайман деган қарори узоққа бормади: у махсус хонада бир ойдан ортиқ ётаолмади. Бир куни хўжайка Швейцария маркаси ёпиштирилган бир хат олиб, ранги қув ўчиб кетди-да, ошхонага кириб:

— Қани, Анна, кроватимни кўтаришиб юборинг,— деди.

Шундай қилиб унинг кровати блан пардоз столи яна ётоқ уйга кўчирилди, чунки хўжайка ҳар куни эрталаб эрининг чўнтагидан пул ўғирлаб Давосдаги Зденага юбориб турарди, шу пулни юбориб турмаса, Здена қийналиб қоларди. Она ўз болаларини деб, жуда кўп азоб чекарди, бу азоблар ҳамма нарсадан оғир эди. Хўжайка узоқ вақт уйда йиғлаб юрди.

— Яхши қиз, буёққа қара, икки оғиз сўзим бор,— деди эрталаб дарвозабон хотин, Аннани чақириб. Дарвозабон хотин Рубешлар квартирасининг ойнасидан кўринмайдиган бўлиб, дарвоза орқасига яшириниб олди.— Ойимқиз Дадларингизнинг аҳволи қалай? Ҳали ҳам оёқчалари оғрияптими?— Дворжакова муғомбирона жилмайиб қўйди.— Менга қара, яхши қиз, кеча соат учларда бу ерга ранги оч костюм кийган бир жаноб келган эди. Юқорига, сизларникига чиқмадими?

Маня ҳам ҳар куни эрталаб эшикда Аннани пойлаб турарди. Иккаласи корзинка кўтариб Вацлав майдонидан юқорига қараб кетишарди-да Маня Аннага деди:

— Тўпни чиқиб кетибдими?— Қимни алдашмоқчи бу гап блан! Дворжакова иккаламиз ҳаммасини типдан игнасигача биламиз: Дадлочкангизнинг бўйида бўлиб қолган, гапнинг очиги ана шу, оқонгинам! Бўйида бўлиб қолгандан кейин, онасига рўй-рост иқдор бўлган. Руди уларга доктор топиб берди, доктор уч минг олиб лборт қилди. Демак, бу ишга фақат уч минг кетган бўлиши керак, чолларинг бўлса нуқул, олти минг деб бақиради. Гап буёқда: анави маккор Руди умр бўйи Рубешлар орқасида тирикчилик қилмоқчи. Сен уни кўринми? Мен уни кеча учратиб қолдим, роса олифта бўлиб олипти, қўлида олтин дастали ҳасса. Руди хўжайкангни алдаб пулини олаяпти; анави олиб келган докторим-

нинг ассистенти менга дўқ қилаяпти, жанжал кўтариб, мени авахтага қаматиб қўйиш блан қўрқитаётир деб хўжайкангни ишонтираяпти. Уйлаб топган гапининг бема'нилигини қара-я. Ахир, ассистент шу қадар дўқ ва пўписа блан пул талаб қилармиди? Қампиринг бўлса, қўрқиб кетганидан, опасидан қарз олиб унга бераяпти. Мана, жонгинам, ишлар ана шундай!. Айтмабмидим сенга, ишнинг пачаваси чиқади, деб? Покиза оила! Ойимқизларини худди кўз қорачигидай асрашди; ёлғиз ўзини кўчага чиқаришмади, театрга ҳам, кинога ҳам юборишмади, у бўлса беш минутга занжирдан бўшаб, қилган иши шу! Яна биз тентакларни қизларни темир бочкага жойлаб қалайлаб қўядиган тунукачилар блан қўрқитиб юрипти-я!—Маня миясига бир фикр келиб, тўсатдан таққа тўхтаб қолди.—Менга қара, Анна, унинг оёғи боғланганми?

— Ха.

— Тахтакач қилинганми ёки оддий бинт блан боғланганми?

— Бинт блан.

— Ким бойлаб қўйди, докторми?

— Йўқ, хўжайканинг ўзи.

— Оббо шайтонларей! Оббо маккорларей! Рубешни алдаш учун шундай қилишган!

Анна паришонлик блан жавоб берарди, унинг хаёли бошқа ёқда эди. Уни қаранг-а, ойимқиз Дадла «қутилипти»—Аннанинг назари Вацлав майдонида кезиб юрарди, бу серқатнов кўча Аннага жуда олисда кўринар, гўё у дурбинни тескари ушлаб қараётгандай бўларди. Теварак-атрофдаги ҳамма нарсалар бегона ва ғайритабиий бўлиб кўринарди. Ойимқиз Дадла «қутилипти»—ана шу фикр Аннага тинчлик бермасди. Маня озиқ-овқат тўла сумкасини силкитиб, Аннага хўжайкасининг ака-укалари тўғрисида гапириб берарди: улардан бири ижтимоий меҳнат министрлигида, иккинчиси Прага шаҳар бошқармасида советник лавозимида ишлайди. Улар Рубеш блан шерик бўлиб ишлашади, унга заказ беришади, Рубеш эса фойдасини улар блан баҳам кўради. Дейвици канализация қурилишида Рубеш шаҳар бошқармасининг икки ярим миллион пулини ўмарди.

Анна бу гапларни бепарволик блан тингларди. Унинг назарида, кўчалар чала қоронғи, ўткинчилар эса экран-

даги шарпаларга ўшарди. Ҳа, шундай қилиб, ойимқиз Дадла «қутилипти-да!» Яна унга бало ҳам урмади,— бирнеча кун ётади, кейин яна бояги-боягидай бўлади — кетади. Оппа-осон-а!

Анна бирдан майдондан кўзини узиб, оёғи остига тикилиб қолди. «Йўқ,— деди у фикран ўз-ўзига.— Йўқ! Асло йўқ!» Аннанинг бу «йўқ» дейиши худди Тоник айтадиган «йўқ» ёки «ҳа» деган сўзлар каби қатғий эди.

Маня ҳамон Рубешларнинг давлатдан заказ олиб қиладиган фирибгарликлари тўғрисида гапирарди: чамаси, архитектор икки юз мингги қайнилари блан баҳам кўрмаган бўлса керак. Улар саксон минг тўғрисида келишиб олишгану, лекин қолган бир юз йигирма мингги тўғрисида ҳали ҳам жанжаллашиб юриштипти.

«Нима қилиш керак?»— деб ўйларди Анна. Тоник иккаласининг квартираси йўқ. Тоник бекордан бекорга овора бўлиб эшикма-эшик кезиб юрипти. Кеча ойимқиз Дадла Аннанинг қоматига одатдагидан кўра узоқроқ тикилиб қолди.

Кеча Тоник қовоғини солиб «Энди «Қора қўл» ташкилотидан ёрдам сўрайман»,— деди, Анна бирдан Шерлок Холмас блан Ник Картерларнинг саргузаштини эслади. «Қора қўл» —бу Жижковдаги махфий жамият бўлиб, уердаги жойини ижарага қўядиган уй эгаларига даҳшат соларди. Тоник бу жамият тўғрисида бошқа ҳечнарсга билмасди!..

«Йўқ, йўқ, бундан ҳечнарсга чиқмайди»,— деб ўйлади Анна сесканиб.

... Маня миллион-миллион пуллар тўғрисида жуда иншонарли қилиб сирли товуш блан сўзларди. Вацлав майдонида қизил трамвайлар ғувиллайди, автомобильлар гудок бериб ўтади. Анна буларни худди дурбинда тескари кўраётгандай бўларди.

«Балки, «Қора қўл» ёрдам берар?..»

— Қани юр, жоним, кетайлик,— деди Маня баққолчилик дўкони остонасида туриб,— бўлмаса хўжайканг блан кизи сени қарғашади.

Броқ энди хўжайка хизматкори чиқиб кетганида ошхонадаги соатга қараб минутларни ҳисоблаб ўтирмасди, у ҳатто Аннанинг кеч қолган-қолмаганини ҳам пайқамас эди. Анна харид қилиб келган пайтда, хўжайка ошхонадаги столда Дадлага бифштекс қилиб бериш учун қийма

қилар эди, у, бир қўлига ёғоч тўқмоқча ушлаб, иккинчи қўли блан қиймага туз блан гаримдори сепаркан, кўзларидан қиймага дув-дув ёш оқарди.

— Аҳ, Анна,— деб хўрсинди у, хизматкоридан сирини яширмай. Унинг йиғидан қизарган кўзларидан ёш оқар, семиз қўли ёғоч тўқмоқча блан гўштни тўқмоқлар, чап қўли эса чинни банкачадан бир чимдим туз блан гаримдори оларди. Бифштеке бутунлай оқ-қора бўлиб кетди.

— Аҳ, Анна,— деб такрорларди хўжайка, ва ҳадеб гўштни тўқмоқлаб, гаримдори сепарди.— Эй, худойимей!— У яна бир чимдим туз олди.— Сизлар — қуйи синф кишилари жуда яхши яшайсизлар-да. Мен ҳам сизларнинг ўрнингизда бўлишни истардим.

Анна бу гапни биринчи марта эшитаётгани йўқ, унга ойимқиз Дадла ҳам шундай деган эди. Жуда ғалати-да: миллионернинг хотини блан қизи ҳадемай боласи блан бирга қаердан бошпана топишни билмай қоладиган хизматкордай бўлишни ҳавас қилишади-я. «Агар менинг бутун аҳволимдан хабардор бўлишса, менинг ўрнимда бўлишни ҳавас қилишармиди?»— деб ўйларди Анна ва бу саволига ўзи жавоб тополмасди.

Броқ шундай кун келдики, Анна ўз-ўзига: «Ҳа, гарчи улар ҳамма нарсадан хабардор бўлганларида ҳам мендай бўлишни ҳавас қилишади!»— деди. Чунки улар ёлғиз, Анна эса ёлғиз эмас, у буюк оиланинг а'зоси. Ана шу оила қийинчилиikka тушиб қолган пайтда Аннанинг кунига яради.

Бир куни кундузи Анна квартирада ёлғиз қолиб, идиш-оёқларни юваётган эди, кимдир эшик звоногини чалди. Анна эшикни очиб қараса, новча бир киши Аннага қараб сапсариқ тишларини кўрсатиб илжайиб турипти. Бу жижковли ярим ишчи, ярим савдогар Франта Зауэр эди; у, Жижковдаги саёқлар блан ҳам партияли ўртоқларнинг кўпчилиги блан ҳам ошна, ўзи анча соддадил, қирқ ёшларга бориб қолган гўдак эди. Ёнида ундан кўра ёшроқ бир ишчи ҳам бор эди; Анна буни кўпинча мажлисларда кўрган-у, лекин отини билмасди.

— Биз — «Қора қўл»миз,— деди Франта.— Сизни олиб кетгани келдик, Анечка!

Анна уялди, бироз чўчиб ҳам кетди. «Қора қўл?» Анави квартиралардан бойларни ҳайдаб чиқариб, камбағалларни жойлаштирадиган «Қора қўл-а?» «Қора қўл» —

мана шу Франта Зауэр эканми? Булар майнавозчилик қилишаяптими?

— Анечка, нега бизни уйга киргизмайсиз? Бу Лойзик Қотрба. Сиз бу блан таниш эмасмисиз? — деди Франта.

Анна уларни даҳлизга киритди.

— Сенга квартира топиб қўйдик, ўртоқ, — деди Лойзик Қотрба. — Тезроқ нарсаларингни йиғиштир, жетамиз.

Анна уларни ошхонага олиб кирди. Тоник иккаласига квартира топилибдими-а? Наҳотки, рост бўлса? Анна бадтар қўрқиб кетиб, нима дейишини билмай туриб қолди. Ахир, уйда ёлғиз ўзидан бошқа ҳечким йўқ-да. Хўжайка блан ҳисоб-китоб қилмаган, кетиш тўғрисида унга бир оғиз гап айтган эмас.

Анна иккиланиб қолди.

— Мен...

У, гапнинг нимада эканлигини тушунтирмоқчи бўлди, лекин қандай тушунтиришга сўз тополмас ва қўлларини кир фартугига артиб, оғирлигини ҳали у оёғига, ҳали бу оёғига ташларди.

— Мен...

— Лекин гапни чўзма, ўртоқ. Вақт зиқ. Биз чорак кам бешдан кечикмай етиб боришимиз керак, йўл эса унча яқин эмас. Чемоданинг қаёқда?

Анна гап жиддий эканлигини тушунди.

— Демак, мен боришим керак? Ростдан-а?

Анна уларни ўз ҳужрасига олиб кирди-да, Тоник блан танишмасдан бурун ўзининг дастлабки топган пулига сотиб олган эски чемоданини берди. Зауэр блан Қотрба эркаклар одати бўйича Аннанинг нарсаларидан қўлга олиниганини олиб, пала-партиш чемоданга тикишаверди. Бир минутда ҳамма нарса тахт бўлди.

— Яна бошқа нарсанг борми?

— Йўқ, бошқа ҳечнарсам йўқ, лекин истардимки...

У, кийини олмоқчи эканлигини айтишга улгурмасданок ўртоқлар чемоданнинг темир тутқичидан кўтариб, бирпасда эшикка чиқишди-ю, зинадан тушиб кетмоқчи бўлишди. Анна ҳовлиқиб уйдан чиқди. Эй худойимей, квартирани нима қилсам экан-а? Анна нима қилишини билмасди, кейин бирдан қат'ий қарорга келди: эшикни қарс ёпиб, ўртоқларининг орқасидан югурди. Улар пастга тушиб кўчага чиқай деб туришган эди.

Улар Вацлав майдонидан ўтиб, қўйига, Пршикоп томонга қараб кетишди. Анна ҳам изма-из кетаверди. Франта блан Лойзик индамай кетишарди. Анна улардан бир суриштириб кўрмоқчи бўлди-ю, лекин Порох минораси олдига — сержатнов чорраҳага етишгандагина бунга жур'ат қилди. Анна қадамини тезлатиб, Зауэр блан ёнма-ён кетди.

— Қаёққа кетаяпмиз?— деб сўради у қўрқибгина.

— Жишжковга, Анечка, Есениов кўчасига,— кулимсираб жавоб берди новча Зауэр.— Уерда уй эгаси блан роса жанжал-сурон бўлади, лекин чидашга тўғри желади. Лекин квартира ҳам квартиранг борми деса, бор дегундай-да! Иккита қушча сиғадиган уя. Депутат Яндак сизларга квартира топиб беришни бизга буюрди, биз уни хурмат қиламиз. Эрингиз сизни ўша ерда кутиб туришти.

Саросимага тушиб қолган Анна ёшроғидан батафсил ма'лумот олмоқчи бўлган эди, броқ у жуда жиддий ва камгап одам экан. У Аннанинг безовта боқишига фақат:

— Хотиржам бўл, ҳаммаси жойида бўлади,— деб жавоб бериб қўяқолди.

Анна уни батафсил гапириб берар деб ўйлаган эди, лекин у гапириб бермади. Анна анча вақтгача у блан ёнма-ён борди-да, кейин яна орқада қолди. Қора чемо-даннинг темир тутқичидан кўтариб олган икки ишчи Прага кўчаларидан ана шундай борар, уларнинг орқасидан эса кўк блузка ва оёғига чувак кийган хотин ошхонада юмуш қилиб юрган ҳолича эргашиб бормоқда эди. Улар трамвай йўлидан трамвайларга, автомобильларга ва темир-терсак ортиб тарақлаб кетаётган юк машиналарига йўл бериб боришарди.

Улар ўн беш минути кам бешда Есениов кўчасидаги сувоқлари кўчиб тушган уй олдида тўхташди. Дарвоза олдида полициячи турарди. Уни кўриш блан Аннанинг юраги арзиқиб жетди. Анна, йўлкада турган аравачани кўриб, етиб келишганини пайқади, чунки аравачага Тоникнинг юклари: букланадиган ёғоч кровать, похол тўшак, йўл-йўл филофли кўрпа блан иккита стул ортилган эди. Демак, Тоник шу яқин ўртада бўлиши керак. Бу Аннани анча хотиржам қилди.

— Хўш, ишлар қалай, Пепик?— деб сўради Зауэр аравачада турган боладан.

— Ҳалиям хўжайин блан калит таланиб сўкишиб ётишпти. Полицияга боришди, комиссар ҳам, ҳу анави полициячи ҳам келди. Полициячиларнинг биттаси ичкарида.

— Ун минут қолди,— деди Зауэр индамас ўртоғига.— Шу ерда туратур, мен бир аҳвол олиб келай.

У эшикда турган полициячи ёнидан ўтиб, уйга кирди. Анна индамас Котрба блан қолди. «Мана аҳвол,— деб ўйлади Анна.— Ҳали квартира йўқ, энди гаплашишаяпти. Яна полиция ҳам шу ерда! Мана, «Қора қўл»га ишонининг оқибатию, бугунги чеккан ташвишларимнинг оқибати. Наҳотки, Тоник шу уйга жойлашиб олишимизга ҳали ҳам ишонса», Аннанинг ўпкаси тўлиб кетди. Котрба эса Аннага эътибор ҳам қилмай, папирос чекарди. У, гўё бу ерда ўзи жуда кўп марта бажарган бирор иш кутиб тургандай бир қиёфада турарди.

Бу вақт иккинчи қаватда, уй эгасининг квартирасида пешиндан буён музокара давом этмоқда эди. Франта Зауэр, кекса Чермак кулол, матбаачи Вик, ҳозир Анна блан бирга турган ёрдамчи ишчи Котрба ҳамда дурадгор Гонза Колар уй эгасининг олдига келишганда, ҳали Анна Рубешларнинг ошхонасида идиш-оёқ ювиш блан овора эди. Тоник ҳам улар блан бирга келган эди.

— Сизга нима керак?— деб пўнғиллади уй эгаси эшик олдида туриб, Оқисариқдан келган, юзлари қипқизил, қирқ ёшлардаги бу семиз одам уруш вақтида озиқ-овқат сотиб бойиб кетган эди.

— Жиддий гап, ҳазратим,— деди Франта Зауэр. Улар уй эгасини даҳлизга сиқиб чиқариб, ўзлари тўғри уйга киришди.

— Ўзи нима гап, ахир?— деб зарда блан бақирди уй эгаси.

— Ҳазратим,— деб гап бошлади Франта Зауэр,— уйингизнинг учинчи қаватида кичкинагина бўш квартира: бир уй ва бир ошхона бор; биз шу квартирани Кроусскийга ижарага беринг деб илтимос қилдик. Кроусскийнинг ўзи ҳам мана шу ерда, таништиришга ижозат этсалар, «Кольбен» заводининг қуючиси ўртоқ Антонин Кроусский жуда инсофли одам, бу киши муҳтарам уй эгалари — Козлик. Мен жижеквли Франте Зауэрман.

— Менда бўш квартира йўқ,— деб пўнғиллади уй эгаси.

— Бор, ҳазратим, бор!— Э'тироз билдирди Франта Зауэр.

— Йўқ,— деди хўжайин гапни чўрт кесиб.— Бу кват-
тира ижарага қўйилган.

— Биламиз, ҳазратим, биламиз: склад қилиш учун берилган. Прагада қанчадан-қанча одамлар бошпанасиз юрган бир пайтда квартирани савдогарга — склад қилиш учун бериш жуда бўлмагур иш.

— Қонун ҳам бунга йўл қўймайди,— деб сўз қисти-
риб қўйди Чермак кулол.

— Албатта, қонун йўл қўймайди!— деди Франта.— Жаноби хўжайин — оқ кўнгил одам, бир қаранг, қандай очиқ юзли. Қонунни пеш қилиб ўтирмай, ўзлари рози бўлаверадилар, шундай эмасми, ҳазратим?

Уй эгаси қипқизариб кетди.

— Энди сизлар блан гаплашиб ўтирмоқчи эмасман. Айтдимми, гап тамом-вассалом! Бўш квартирам йўқ.

— «Гап тамом-вассалом...» Бай-бай-бай! Ҳечким сиз-
ни бу қадар индамас, деб ўйламасди!— деди таажжубла-
ниб Франта Зауэр.

— Мени ортиқ безовта қилмай, ҳозирнинг ўзидаёқ бу ердан кетишингизни сўрайман.

— Бу асло мумкин эмас, ҳазратим. Биласизми, биз жижковли «Қора қўл» бўламиз, ўртоқ Кроусский блан хотини учинчи қаватдан квартира олмагунча биз бу ердан кетмаймиз.

— Сизлар нималарни ўйлаб чиқараяпсизлар ўзи?— деди хўжайин газаби қайнаб.

Тоник олға қадам ташлади. Унинг кўзларида ўт чақ-
нар эди.

— Прагада квартира нақадар танқислигини биласиз-
ми?— деб хитоб қилди у.— Сиз бўлсангиз, квартира блан савдо қиласиз, склад қилиш учун берасиз! Ўзингиз тушу-
насизки...

— Тўхта, Тоник, тўхта,— деб унинг сўзини бўлди Франта, улкан қўлини Тоникнинг елкасига қўйиб.— Шуна-
қангги ҳовлиқиш блан бир иш чйқариб бўладими? Шошилмасдан, ўйлаб иш қилиш керак, Ўзингни ҳам таш-
вишлантирма, хўжайин жанобларининг ҳам жигига тегма. Бирдан миясига қон қўйилиб кетса нима бўлади? Хўжа-
йин жанобларининг уволига қоласан-а. Яхшиси тек тур,
Тоник.— У хўжайинга ўгирилиб деди:— Нималарни ўйлаб

чиқараяпсиз дейсизми?— Жуда оддий бир нарса, биз учун бу янгилик эмас. Биз бундай ишни ўттиз мартача қилдик, ҳа, ҳа! Уртоқ Кроусский хотини блан бирга квартирага кириб олади-ю, биз ҳам бу ердан йўқоламиз. Жуда оддий-а?

— Бўпти,— деди хўжайин тумшайиб.— Бу ерда сизлар блан ади-бади айтишиб ўтираманми!— У, ишчиларни еб қўйгудай бўлиб тикилди-да, ғазаб блан бақирди, унинг мўлжалида шу бақирғи ишчиларни саросимага солиши керак эди:— Энди полицияни чақираман, сизлар блан ўшалар бир гаплашиб қўйсин.

— Бай-бай-бай!— деди Франта ўзининг икки биқинига муштлаб.— Буни жуда яхши ўйлаб топибсиз, ҳазратим! Нега бу нарса бизнинг ҳаёлимизга келмади экан-а! Қани, полицияга борсак борақолайлик, мен ҳали ҳеч борган эмасман!

Хўжайин телефон трубкасига ёпишди-ю, лекин анча вақтгача участкага телефон қилолмади. Ишчилар хахолашиб кулишарди. Ниҳоят, у полиция комиссари блан боғланишди.

— Менинг уйимга олти киши бостириб кирди... мутлақо нотаниш одамлар...— деди ғазаби қайнаб кетган Қозлик.— Мендан квартирангни бизга ижарага қўйсан деб талаб қилишяпти. Мени ҳимоя қилсин деб полицияга мурожаат қилаяшман.

Унга алланима деб жавоб беришди.

Қозлик телефон трубкасига:

— Ҳа!—деб бақирди-да, трубкани осиб қўйди.—Сўнгги марта сўрайман сизлардан,— деди у ишчиларга,— бу ердан жўнайсизларми, йўқми?

— Йўқ!—деб қичқирди Тоник.

— Сабр қил, Тоник, мен сенга ховлиқмасдан, ўйлаб иш қилиш керак дедим. Узинг ва'да бердинг-ку...

— Йўқ!—деб жавоб берди Чермак, совуққонлик блан хўжайинга.

— Жон деб кетардик-а, ҳазратим,— деди Франта Зауэр,— ҳеч иложи йўқ-да, ахир, «Қора қўл»нинг ша'ни устида гап кетаяпти.

— Ундай бўлса полицияга борамиз,— деб бўқирди уй эгаси.

— Юринглар, йигитлар, полицияга борамиз,— деди мийиғида кулиб Франта,— ҳаммасини ўшаёқда ҳал қиламиз. Соат бешгача ҳали анча вақт бор.

Улар кўчага чиқишди. Франта Зауэр блан Котрба Аннани олиб келгани кетишди, бошқалар полиция участкасига жўнашди.

Полиция комиссари кириб келаётганларга зарда блан қараб қўйди. «Қора қўл»нинг бу ерга биринчи келиши эмас эди. Комиссар кириб келган тўрт кишидан, иккитасини танирди.

— «Қора қўл»ми?— зарда блан бақирди комиссар.

— Ҳа,— деди қовоғини солиб кекса Чермак.

Комиссар жиддий ва расмий қиёфа олди.

— Менга қаранг, йигитлар,— деди у,— сизлар ҳадларингиздан ошибсизлар. Бу ҳазилнинг таги зил бўлади, бу ишда ёмон панд еб қоласизлар... Қани, хўш, ўзи нима гап, жаноби Козлик?

Козлик жигибийрони чиқиб гапирабошлади. Унинг уйига аллақандай қаллоблар босиб киришди... ахир, демократия, тартиб-интизом қани? Бу квартира учун аллақачон закат олиб қўйилган, солиқни ҳам ўз вақтида тўлайди... Комиссар унинг сўзини зўрға тоқат қилиб эшитди. У, бу гапларни неча марта лаб эшитган ва ишчилар блан баҳслашиб қолгудай бўлса уларнинг қандай жавоб беришларини ҳам олдиндан биларди. Уй-жой бошқармаларининг нақадар ночорлиги, уй-жой бошқармасининг районида одамлар ҳаробаларда — ертўлалар, кирхоналар, омборхоналарда туришини яхши биларди. Бу масалаларда гап сотишининг ҳожати йўқ, тартиб бузилдими, уни бир вақтлар қадимги Австро-Венгрияда қилганлари сингари, фақат полиция қуроли кучи блангина босиш мумкин эди. Броқ бу нарса ман' этилган эди. Тўғри, мамлакатда ҳамма нарса шу қадар жадаллик блан эскиликка қараб кетаётгани, балки комиссар ҳам бирорта қат'ий чора кўришга жур'ат этгудай бўлса, балки юқори мартабаларга эришган бўларди. Аммо бунинг акси бўлиб чиқиши ҳам мумкин: бундай ташаббус учун у, боши блан жавоб бериши, жуда бўлмаганда бошқа бир жазога маҳкум бўлиши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам комиссар ҳамма воқияни эшитиб бўлгач, афтини буриштириб «ўзим ўша ерда ҳамма ишни текшираман» — деди.

У расмий фуражкасини кийди-да, икки полициячини олиб жўнади. Комиссар Есениов кўчасидаги уйнинг учинчи қаватидаги бир хонали квартирани кўрди. Уйда

иккита яшик ва минерал сувли бирталай бутилка турарди.

Уй хўжайини тобора асабийлашарди, ишчилар эса ўзларини вазмин тутиб, ҳа деганда: «Бизга калитни беринг!» деб талаб қилишарди.

Франта Зауэр Анна блан бирга қайтиб кирганда, ҳаммаси ошхонада тўпланиб турган эди. Хўжайин куйиб-пишиб ўз баҳоналарини такрорлар, комиссар эса, қовоқ солиб унга жавоб беради. Кейин ҳаммалари уй эгасиникига киришди. Уерда жанжал яна давом этди; Козлий ҳаяжонлиниб қичқирар, ишчилар эса, гўё ҳадеб битта грамофон пластинкаси айланаётгандай, ўз сўзларида қатъий туриб: — «Квартирани складга айлантириш қонунга ҳилоф ва бу умуман чўчқалик бўлади, чунки Прагада бошпанасиз одамлар жуда кўп, буни жаноби полиция комиссарининг ўзлари ҳам эътироф қилишлари керак» деб такрорлашарди. Хўжайин минг қилгани блан улар калитни олмасдан чиқиб кетишмайди. Тоник қовоқ солиб сукут қиларди. Матбаачи Вик соатини олди-да, нақшинкор тошли, зарҳал циферблатли катта девор соатига қараб тўғрилади.

Айниқса Франта Зауэрнинг бепарволиги уй хўжайинини кўпроқ тутоқтирарди, — у, папирос чекиб, папирос кулини печка орқасига чертиб турарди.

— Бу ерда чекманг! — деб бақирди ғазаб блан Козлик. — Қаердасиз ўзингиз, оғилхонадамисиз?

Франта истеҳзо блан жилмайиб, папиросни яна бир марта яхшилаб тортди.

— Йўқ бўлса, йўқ-да, — деди оҳиста, кейин яна печка орқасига папирос кулини чертди-да, чала чекилган махоркасини жилетининг чўнтагига солиб қўйди.

Уй хўжайини гиламда уёқ-буёққа югурарди. Унинг кепчакдай юзи ва семиз бўйни қипқизариб кетди, — ҳозир унинг миясига қон қуюлиб кетадиганга ўхшарди. У пихини ёрган савдогар бўлатуриб, шунча ошна-оғайниси, тағини энди учта полициячи турсаю, ўз мулкига хўжайинлик ҳуқуқи бўлатуриб, мана шу учта ишчи қаршисида ожиз қолаверса, бу қандай гап, ахир! Ана шу фикр Козликнинг илғи-бийранини чиқармоқда эди. У калитни бермайди, олиб бермайди! Калитни бергандан кўра шу ерда ўлаб қўйилгани яхши!

— Хўш, мен солиқни тўламаяпманми? — деди хирил-

лаб қолган товуш блан,— комиссар жаноблари, менга ёрдам беринг! Еки энди қонун ўз аҳамиятини йўқотдими?

Комиссар қизил духоба креслода пинагини бузмай ўтирарди.

— Балки, яхшиликча битишарсизлар? — деди ма'юс товуш блан.

Товуши черков минорасидаги соатнинг товушига ўхшаш, тилла суви юритилган девор соати, (унинг занг уришини Анна ҳам эшитган эди) бешга занг урди. Анна ҳали ҳам кўчада индамас Котрба ва ўн икки ёшля Пепик блан турарди. У кутавериб асаби кўзгаб кетганидан йиғлаб юборди. Буларнинг квартираси йўқ эди, бундан кейин ҳам бўлмаса керак! Уларни бекорга умидвор қилишнинг нима жераги бор? Анна юм-юм йиғлади, дастрўмоллари шалаббо бўлиб кетди.

— Йиғлама, ўртоқ, яна ўн минутдан кейин квартирада бўласан,— деди қовоғини солиб Котрба; унинг овозида биринчи марта ачиниш садоси эшитилди.

Соат бешдан беш минут ўтди. Аннадан бирнеча юз қадам наридаги хилват кўчага бирдан одам тўлиб кетди. Еш ишчилар қўшни фабрикадан ишдан чиқиб келишмоқда эди. Ешлар тўдаси соф ҳавода чуқур нафас олиб, Анна турган кўчага томон юрабошлади. Кейин фабрика дарвозасидан яна бошқа одамлар тўдаланиб чиқди, улар ҳам боягиларни қувиб етишга ошиқарди. Меҳнат армиясининг бу авангарди Есениов кўчасининг қуйи томонига интиларди. Энди фабрика дарвозасидан одамлар оқиб чиқарди. Қора қўллар бутун кўчани тўлдириб ҳайқирмоқда, фабрика даврозасидан — янгидан-янги одамлар оқими чиқиб келмоқда, ҳали ён-вердаги кўчаларга тарқалмай кўчада ғужғон ўйнашиб, Тоникнинг юки ортилган аравача турган уйга томон гулдираб оқар эди.

Оломоннинг биринчи тўлқини Аннанинг ёнига етиб келди. Кўк спецовка устидан пиджак кийиб олган, ёшларга хос тоза юзлари мойга беланган уч йигит деярлик баравар сўради:

— Бу ерда нима гап, ўзи? Кўчиб келаяпсизларми? Сизларни квартирага киритишмаяпти?

— Аблах уй эгаси квартира блан савдо қилади, квартирани склад қилиш учун ижарага берипти, калитни эса бермаяпти. Манави қиз шўрлик кўчада қолди, кириб кўринглар! — деди бирдан руҳланиб кетган Котрба.

Йигитлар оппоқ тишларини ялтиратиб, уларга ачиниб хандон ташлаб кулишди. Улардан бири — сариқ сочлари ҳурпайган йигит оломон томонга ўгирилди-да, икки бармоғини оғзига тикиб, худди қароқчиларга ўхшаб қаттиқ ҳуштак чалди. Қопқора мойга бўялган энг ёш йигит эса қўлини оғзига карнай қилиб:

— Бола-ла-а-р, буёққа келинглари! Буерга кўчиб келиша-яп-ти! — деб бақирди.

Дарвоза олдида турган полициячи йўлакка кириб, дарвозани қулфлаб олди.

Ишчилар Аннанинг атрофини ўраб олишди.

— Нима гап?

— Нима қилаяпсизлар?

— Кўчиб келаяпсизларми?

— «Қора қўлми?»

Теварак-атрофдан кулги садолари эшитиларди.

Қотрба худди агитация қилаётгандай тушунтирарди:

— Манави муттаҳам квартира блан савдо қилади: квартирани склад қилиш учун ижарага қўйипти. Ўзининг бешта хонаси бор, башараси ҳам чўчканинг башарасига ўхшайди. Қамбағалларни каталакдай квартирага ҳам киритмайди. Булар уч соатчадан бери шу ерда кутиб туришпти, савдогарнинг уйида полиция комиссари блан иккита полициячи ўтирипти.

Кимдир икки бармоғини оғзига тикиб яна ҳуштак чалди. Бунга жавобан бирнеча ҳуштак эшитилди. Ҳаяжонга келган жўшқин оломон Аннани қуршаб олди.

— Юринглари, буларни квартирага жойлаштириб қўямиз! — деб бақирди бир одам.

— Юринглари, ичкарига кирамиз!

Оломон йўлакка кирмоқчи бўлди. Лекин дарвоза қулф эди. Ҳазабли хитоблари эшитилди. Кимдир эшик тутқичини қимирлатабошлади, олти оёқ бирдан эшикни тепди. Аммо эшик мустаҳкам эди.

Шу вақт Жижков фабрикасининг бир юз эллик ишчиси бирлашди. Уларнинг бирлашишига йўлларини тўсиб турган ва зарблардан дириллаётган дарвоза сабаб бўлди. Одамлар ўзларининг шахсий хусусиятларини бутунлай йўқотиб, бир кишига айланиб кетдилар.

Ҳайвон терисини ёпинган ибтидоий одамлар ҳам, катта ремонт чуқурга тушиб қолганда, шу қабилда суюниб, шодлик ва ҳаяжон блан чуқур атрофини ўраб олиб, ҳузур-ҳа-

ловатни олдиндан сезиб, сўнгги қилган хатоларидан ач-чиғлари чиқиб, очлик ва қувончдан ириллар, ҳайвонга қараб тош отар ва учи найза қозиқларни унинг қорнига суқар эдилар.

Худди шу сингари адолатга чанқоқ халойиқ дин йўлида хиёнаткор шаҳар амалдорларини Прага шаҳар идорасининг тор деразасидан гусчилар¹нинг сўйил ва найзалари устига улоқтирган эдилар.

Франциянинг «Озодлик, тенглик ва биродарлик» деб шиор ташлаган худди ана шундай жасур эр ва аёллари гранит деворлар ва Бастилия минораларини забт этиб бўлмайдди, деб ишонтирмоқчи бўлган кишини парчалаб ташлашга тайёр эдилар. Октябрь кунларида ҳам халқ оммаси қўлига қурол олиб худди мана шундай қудрат блан кўтарилиб, орқасига юнкерлар ўрнашиб олган Москва Кремли дарвозасини штурм қилган эди.

Ҳозир Жижков кўчасидаги уй олдида худди шу хилда одамлар коллективи туғилди. Бу одамларда минг-минг йилларнинг мероси бўлган эҳтирос ва ирода, газаб ва очлик, ҳамда инсониятнинг энг олижаноб ма'навий фазилатларидан бўлган адолатга чанқоқлик хусусияти бор эди.

Шумтол ёғочидан ясалган эшик бетўхтов зарблардан гумбирларди.

Уй олдида заводдан яна янги одамлар тўдаси оқиб келди. Бутун кўчани одам босиб кетди.

Қўшни уйлардаги одамлар деразалардан гултувак ва ястиқлар орасидан мўралашабошлади: ба'зилари кулишар, ба'зилари эса хўмрайиб, жиддий қиёфада қараб турардилар.

— Бизга анави аблаҳни чиқариб юборинг, бир кўрниб қўяйлик қанақа одам экан!

— У-я-т! У-я-т!— деб бақирарди оломон.

Оломон ичидаги бир кекса ишчи хотин Аннанинг ҳомилдор эканини пайқаб қолди. У сакраб арава ғилдирагига чиқди, эркакларнинг елкасига суянди-да, юзларини қизил доғ босиб, ҳаяжон блан қичқирди.

— Бу шўрликнинг қорнида тўққиз ойлик боласи бор экан, анави ит бўлса буларни кўчага ҳайдаб чиқаринти!

— У-ят, у-ят!— деб шовқин соларди оломон.

¹ Бу ерда гусчиларга қўйилган ҳайкаллар назарда тутилади.

— Юринглар, буларни жойлаштириб қўямиз!— деб қичқирди биров.

Бу худди оломон кутиб турган чақириқнинг айни ўзи эди. Оломон бу чақириққа «Жойлаштирамыз, жойлаштирамыз!» деган шовқин-сурон ва ҳуштаклар блан жавоб берди.

Бу шовқин-сурон даҳшат блан янграрди. Қўшни уйдигилар деразаларини тарақа-туруқ қилиб ёпабошладилар. Кейин бирдан душман қал'асининг дарвозаси очилиб кетди. Уйларнинг эшиклари ҳам ланг очилиб, унда учта ишчи кўринди. Улардан бири қўлини кўтарди. Оломон бирдан жим бўлди. Қадимги замонларда ҳам қуршовда қолган қал'а оқ байроқ кўтариши блан одомон жим бўларди. Ҳозир кекса Чермакнинг ўнг қўли мана шундай байроқ вазифасини бажарди.

— Хўжайин блан музокара олиб бориш учун депутат сайлаймиз, ўртоқ ишчилар!— деб хитоб қилди у, баланд товуш блан.

Бу чақириқ оғиздан-оғизга кўчар ва ҳамма жойда ўзи-га жавоб топарди.

Ишчилардан кейин дарвозадан полиция комиссари чиқди.

— Жаноблар,— деб гап бошлади у,— бу иш мутлақо гайрирасмий бўлгани учун полицияга ҳеч алоқаси йўқ. Биз буни фақат тинчлик блан битириш чораларини кўрдик. Бу иш битади!

Биров кулиб юборди. Албатта битади-да! Ахир, бу нарса аввалданоқ ҳаммага, шу жумладан полиция комиссарига ҳам ма'лум эмасмиди.

— Лекин ҳарқандай бўлганда ҳам тартиб сақланиши керак,— деди сўзида давом этиб комиссар.— Мен бунақанги оломонга мутлақо йўл қўяолмайман. Агар сиз мажбур қилмасангиз мен бирор қаттиқ чора кўрмоқчимасман.

Агар комиссар чиндан ҳам ҳамма ишнинг тинчлик блан битишини истаган бўлса, оломоннинг мустақиллигига қасд қилиб, тактик жиҳатдан хато қилди.

— Овозингни ўчир, кўп акиллама!— деб бақирди биров.

— Бу блан бизни кўрқитаолмайсан, читтак!

— Секинроқ юр, чатоқоғинг йиртилиб кетади!

Бу шов-шувларда қаҳр-ғазаб акс этарди.

Бирнеча йигитлар ва упаковка қилучи қизлар комис-

сарни очикдан-очик масхаралаб кулишарди. Полиция комиссарининг ияги титраб кетди.

— Депутация сайлаймиз!— деган қичқариқ эшитилди дарвоза олдидан. Оломон ичидан беш киши ажралиб чиқди.

— Депутациянинг нима кераги бор?— деб бақирди сочлари ҳурпайган, эгнига спецовка кийган йигит.— Анави уй эгасини кўчага судраб чиқинг!

— Буёққа чиқаринг, жазосини бериб қўяйлик!— деди унинг ўртоғи.

Броқ бу овозлар тартибсиз якка-якка ҳолда эшитилмоқда эди. Депутация дарвозадан ичкарига кириб кетди. Ҳамманинг диққат эътибори ўшаёқда эди.

Орага жимлик чўкди.

Оломон қимир этмай жим кутиб турарди.

Бундай жимликни фақат бирнеча минутгина сақлаб туриш мумкин. Бу жимлик ҳам узоқ чўзилмади.

Бирдан кўча шод-хуррам садоларга тўлиб кетди. Уй эшиги олдида Тоник, Чермак, Вик ва ишчилар депутатияси кўринди. Ҳаммасининг чеҳраси очиқ, кулиб турган Чермак эса, ҳалқага осилган оддийгина калитни баланд кўтариб турарди, бунақангги калитни темирчилик дўконидан уч кронга сотиб олиш мумкин эди. Лекин бу калит ғалаба симболи эди.

Саҳнага чиққан бирорта актёр, минбарда сўзлаган бирорта нотик, кўлида калит блан пайдо бўлган Чермак сингари зўр олқишларга сазовор бўлган эмас. Ғолибона ҳитоблар ва шодиёна кулжилар Есениов кўчасидаги уй деразаларини ларзага келтирди, бу шовқин-сурон бутун квартиралардан ошиб, тутунлар блан қопланган осмонга ўрларди.

Бастилия таслим бўлди!

Ишчилар шодланишар ва қаҳ-қаҳ уриб кулишарди. Улар ўз мақсадларига эришганлари учун шодланар, буржуа-уй эгасининг енгилгани ва полициянинг шарманда бўлгани учун кулишарди.

Аннанинг рангги сурпдай оқариб кетган эди. Бирдан бирталай — ўн-ўн беш киши, керагидан кўра анча ортиқ киши аравага томон интилиб, Тоникнинг юklarини ташимоқчи бўлди. Кўз очиб-юмгунча бирдан ўнларча қўллар арқонни ечиб, нарсаларга ёпишди, ўнларча елкалар оломон орасидан йўл очди, ўнларча оёқлар тапир-тупур қи-

лишиб, икки зинани бир қадам қилиб, учинчи қаватга интилдилар. Тоникнинг оддийгина уй жиҳозлари уч минут-да учинчи қаватдаги квартирага жойланиб, бу уй ўзининг янги эгаларини қабул қилишга тайёр бўлди. Нарсаларни ташиб чиққан ишчилар яна тапир-тупур қилишиб пастга тушиб кетишди ва бу тапир-тупурлар худди уй эгасининг бошига болға блан урилаётгандай туюларди.

Тоник ўз миннатдорчилигини оддийгина ифода этди. Бу миннатдорлик бирнеча қаттиқ қўл сиқиб ва дўстона жилмайишдан иборат бўлди. Кейин Тоник блан Анна ўзларининг янги квартираларига чиқиб кетишди, қурол-ас-лаҳа фабрикаси, Данек корхонаси ва давлат машинасоз-лик заводларидан тўпланган икки миңг ишчи эса тарқа-лабошлади. Ғалаёнга келган оломон қўшни кўчалар, Жижковдаги уйлар ва ўз уйларига тарқалиб, кўздан ғо-йиб бўлдилар. Аммо бу ишда қатнашган икки миңг киши-лик оломон айрим кишиларга, я'ни ярим белигача ялан-гоч бўлиб, иссиқ сув солинган умивальник олдида турган эркаклар, кечки овқат қилиш учун плита ёқаётган хотинлар бу баҳор оқшомида сайр этиш учун ойна олдида исаниб-тусаниб турган ишчи йигит, қизларга айланганла-рида ҳам лабларида табассум, қалбларида аллақандай ёқимли туйғу мавж урарди. Бу кишилар уйқуга ётганла-рида ҳам тўшакда бирдан кулиб юборишади-да, ўзларига ўйлари: «бугун Есениов кўчасида роса маш-маша бўлди-ди!» деб қўйишади.

Анна янги квартиранинг ўртасида Тоникнинг кўксига юзини босиб йиғларди. Кеч кириб қолди, ботаётган қуёш уй бурчагига ҳовуч-ҳовуч заррин нур сочар эди.

— Хўш, нима қилдик, Тоничек, энди шу ерда қолавер-дик бўладими?

— Ҳа,— деб жавоб берди Тоник.— Иш тезда ҳал бўл-ди. Биз келдик-да: «Калитни беринг, бўлмаса калитсиз ҳам кирамиз дедик!» Энди у ортиқча ўйлаб ҳам ўтирмади. Абатта шу ерда қоламиз.

— Соат неча бўлди экан?— деб сўради Анна тўсатдан бир нарсани эслаб. Шу вақт у шу қадар ҳаяжонландики, ҳатто боши айланиб кетди.— Мен яна хўжайканикига бор-саммикин, йўқми?

Тоник қовоғини солиб, ўйлаб қолди.

— Йўқ, борма!— демоқчи эдию, лекин кейин эсига ке-либ.— Паспортинг қаерда? Енингда эмасми? Мана кўр-

дингми, хўжайка сени йўқолиб қолди, деб полицияга хабар беради. Демак боришинг керак,— деди.

— Боришинг керак дейсанми?

— Ҳа, боришинг керак!

Иккаласи квартирадан чиқиб, эшикни қулфлашди. Эшик қулфи шиқирлади; Аннага таниш бўлган бу товуш ҳозир унга бутунлай янги, шу вақтгача ҳеч эшитилмаган бир товушдай туюлди. Тс-чик Аннани трамвайгача кузатиб қўйди, Анна ўзининг эски квартирасига кетди.

Хўжайка Аннага эшик очди-ю, унга худди еб қўйгудай бўлиб тикилди.

— Қаёқда қолдингиз?— деб сўради у қуруққина, лекин кескин оҳангда.

— Тоник блан иккаламиз квартира топдик. Мен эрга тегайпман.

Аннанинг юраги худди қинидан чиқиб кетгудай бўлиб уриб кетди, лекин у йиғламади, вазминлик ва ишонч блан жавоб берди. Бу гапларни эшитиб хўжайканинг тарвузи қўлтиғидан тушди. У миқ этмай эшикни қарс этиб ёпиб, чиқиб кетди.

Анна ошхонада чала қолган ишларини тугатди, хўжайинларга кечки овқат олиб келди, ўрин солди. Бу вақт ичида гўё Анна уйда йўқдай, унга ҳечким ҳечнарсаси демади. Бугун хўжайинларнинг қовоқ-димоғи унга асло таъсир этгани йўқ. Ниҳоят, у Тоникка тегиб олганидан кейин, бу қовоқ-димоқлар унга таъсир қилармиди дейсиз! Ахир, улар ўзлари учун тўй куни деб бир-бировларини танишган кунларини эмас, шаҳар бошқармасида никоҳ рўйхатидан ўтган кунларини ҳам эмас, балки шу бугунни, ўзлари учун бошпана топган кунларини тўй деб ҳисоблайдилар.

Броқ хўжайка блан ойимқиз буни тушунаолармидилар? Рубешларнинг саккизта хусусий уйлари бор. Тўй кунини Дадлани оқ шоҳига белаб ташлашади, бошига оқ харир рўмол ўратиб, мирт новдасидан гулчамбар қўйишади, (гинеколог қўлига тушиб сал бузилиб қолган) бу келин шаҳзода-куёв блан қатор автомобильлардан бирига тушиб, черковга боришади, черковда буларнинг оёқлари остида қизил гиламдан поёндозлар солинган бўлади. «Ойимқиз, тўйингизга қанча меҳмон келади?— деб савол берди Анна фикран Дадлага.— Ўттизтами? Қирқтами? Ҳарқалай элликдан ошмайди-ку. Менинг тўйимга неча киши қатнашганини биласизми, ойимқиз? Икки минг киши қат-

нашли! Дўстлар кўчаларни тўлдириб юбордилар — қурол-аслаҳа фабрикасидан, Данек заводидан, машинасозлик заводидан одамлар келишди! Сизнинг тўйингизда менинг тўйимдагига ўхшаган шодлик ва тантана бўлади деб ўйлайсизми? ..» Анна ўз қалбида жўш урган шодлик ва гурурдан титраб кетди.

Анна Дадланинг уйчасини йиғиб-териб четларига уқа тутилган батист кўрпа-ёстиқларни тўғрилади-да. «Олла,— деди ичида,— ойимқиз, ўрнингизнинг ҳиди димоқни ёради-я: атр, упа, ҳархил пардоз сувлари ҳидидан кўнгил гумуриб кетади. Менинг ўрнимдан хушбўй ҳидлар анқийди! Ундан Тоникнинг хушбўй ҳиди келади, ойимқиз! Бундан Тоник ишлаган заводнинг чўян ҳиди келади!»

Ойимқиз ётиш олдидан дипломатик музокара қилиш учун ошхонага кирди. У ўзини гўё бир стакан сув учун кирган қилиб кўрсатди: сув ичди, ойнага қараб сочларини тузатди.

— Сизни эрга тегаяпти деб эшитдим, Анна?

Анна Дадлага орқа ўгириб, идиш-оёқ юваётган эди.

— Ҳа, тегаяпман, ойимқиз. Энди квартирамиз ҳам бор.

— Ҳм... қаерда?

— Есениов кўчасида, Жижковда.

Дадла индамади.

— Бу сизга ҳеч ярашмайдиган иш-да, Анна,— деди у.— Сиз нонкўрлик қилдингиз. Биз ҳамиша сиз блан жуда яхши муомалада бўлдик, сиз бўлсангиз лоақал бир огиз сўз блан ҳам ўз ниятингизни сездирмадингиз. Демак сиз ойимни хизматкорсиз қолдирмоқчи экансиз-да?

Анна индамади. Бу сукут кишини азоблайдиган даражада узоқ чўзилди, лекин Анна жавоб бермасликка қатъий қарор қилган эди.

— Нега индамайсиз, яна менга орқангизни ўгириб турибсиз-а, Анна? Мен сиз блан гаплашаяпман!— деб жаҳл блан қичқирди Дадла.

Анна қаддини ростлаб Дадлага қаради-да, фартукка кўлини артди.

— Уйимиз бўлмагани учун олдиндан айтаолмаган эдим, ойимқиз, кутиш мумкин эмасди, квартирадан маҳрум бўлардик. Агар хоним бошқа хизматчи топгунимча турсин десалар, майли, мен турай. Энди квартирамиз бор, бирнеча кун тўхтаб турсак ҳам ҳечнарсга қилмайди.

— Бўлмаса бундай тентаклик қилманг, Анна, эрталаб

ойим блан гаплашинг. Яна такрор айтаманки: бугун сиз нонкўрлик қилдингиз!

Анна ўз хужрасидаги ўринда ётиб, хўжайинлар уйида чироқ ўчишини кутар экан, ўзининг нонкўрлиги тўғрисида хаёл суриб кетди. Дадланинг гинахонлиги уни бироз безовта қилиб қўйди. Анна, негадир мактаби ва руҳоний жанобларининг ўқучилар ўпиб юрган қўлларини эслаб кетди; унинг қўлидан сигара ва тер ҳиди келарди. Аммо бу енгилгина безовталиқ узоқ чўзилмади, шу ондаёқ Анна яна бугунги куннинг гурур ва осойишталик ҳиссиётлари блан чулғанди. «Йўқ,— деди у ўз-ўзига,— йўқ, мен ҳеч вақт нонкўрлик қилганим йўқ!» Бу гапнинг ростлиги тўғрисида бир қарорга келишга унинг ўзи ҳам ожизлик қиларди, чунки ҳамма нарсга тўла-тўкис тушунаолмаган эди. Агар у ҳамма нарсга тушунаолганида эди: «Ҳа, сизларникида чиндан ҳам ёмон яшамасдим. Қишлоқдаги уйимдан кўра анча яхши, балки бошқа хизматчилардан ҳам оз-моз дуруст яшардим. Хўжайка менга сал-пал йиртилган иккита кўйлак совға қилди, ойимқиз ҳатто графинялар кийса ҳам бўлаверадиған кўйлак берди. Рождествода эса менга кўйлаклик материя ҳад'я қилишди. Сизлар хайр-эҳсон бериш учун мени қишлоқдан олиб келганмидингиз? Сизларнинг бу совғаларингиз христианларга хос муҳаббат юзасидан қилинганмиди? Берган совғаларинг блан миннатдорчилик да'во қилишингиз балога грифтор бўлсин, архитектор Рубеш! Бугун сизлар Есениов кўчасидаги ишчиларни кўрганларинг йўқ ва улар менга нима совға қилганларини ҳам билмайсизлар! Улар менга Тоникни совға қилишганини, уй-рўзгор совға қилишганини ҳеч қачон тушунмайсизлар. Ҳозир ўзимда бор нарсаларнинг ҳаммасини мен ўшалардан олдим. Яна шуни ҳам биласизми, мен бу совғалар учун уларга лоақал анави жирканч «Ташаккур» деган сўзни ҳам айтганим йўқ; сиз бўласангиз ҳарбир пиёла кофе учун шу сўзни талаб қиласиз. Биласизми, ҳозир менинг қалбим шу қадар меҳр-муҳаббат ва миннатдорлик туйғулари блан тўлиб-тошганки, ҳам кулгим, ҳам йиғлагим келади. Борди-ю, мен уларга «раҳмат» деганимда ҳам, бу сизларга малайларча тиз чўкиб айтиладиган «раҳмат»дан бўлмайди, балки ишчиларга хос «раҳмат» бўладики, уни мен бу ерда ҳечкимга айтаолмас эдим. Чунки менга ёрдам қилган эркак ва аёллар, йигит ва қизлар мутлақо таниш эмасди; булар про-

летариат эди. Мен ҳам — иккинчи қаватдаги квартиранинг лақма, онгсиз хизматкори ҳам, мен, сариф соч, кўк кўз, ҳанузгача бироз паришон, соддадил қиз ҳам; мен, кўк чит кўйлак, эскигина туфли кийиб юрган оқсоч ҳам — шу пролетариатнинг бириман. Менга ўхшаш одамлар миллионларни ташкил этганда, қудратимиз ошади, завод трубалари, домна печълари, радио станция антенналари ҳамда оламдаги барча кўп қаватли бинолардан ҳам юксалиб кетамиз. Сизлар блан нима ишим бор, архитектор Рубеш? Мен ўзимизникилар олдига кетаман. Сизларнинг ғазабингиз, қайғу ҳасратларингиз ва болаларингизнинг менга нима кераги бор? Мен сизларга мансуб эмасман. Сизлар шу ерда чирийсиз, бир-бирингизнинг гўштингизни еб ётасиз!»

Хўжайинларнинг ётоғида чироқ ўчгани эшик остидаги тирқишдан кўриниб турарди. Чироқ ўчиши блан Анна ўрнидан туриб, секингина юқорига — тўртинчи қаватга чиқди. Ахир ўз қувончини Маняга айтиб бериши керак-ку, Анна панжарали ойнани тикиллатган эди, Маня эшик очиб уни ўз ҳужрасига киритди.

Маня бугунги воқиаларни эшитиб олгандан кейин, Аннани ўпиб, роса қитиқлади. У дугонаси учун хурсанд бўлиб кетганидан, йиғлаб юборишига сал қолди. Маня воқиаларни қисқача эшитиш блан қаноатланмади, албатта. У бутун воқияни батафсил эшитишни истар эди. Манянинг хўжайинлари театрга кетишган, бола-чақалари эса ухлаб қолишган эди. Маня юбкасини кийиб олди-да, дугонасини ошхонага олиб кирди. Улар ошхонада ҳали совумаган плита ёнидаги скамейкага ўтиришди, Анна бир бошдан батафсил гапириб бериши керак эди. Аннанинг гапирадиган гапи қолмагандан кейин, дугонасидан почта откриткасини сўради: ўз қувончи тўғрисида уйига хат ёзгиси келди. Маня унга бўтакўз сурати ва ленталар блан безатилган чиройли откритка берди, Анна унга ёш болалар ёзуви сингари йирик ҳарфлар блан хат ёзди:

«Азиз туғишганларим! Сизга самимий салом йўллайман ва маълум қиламанки, мен эрга тегаяпман, чунки квартирага эга бўлдим. Эримнинг оти Тоник, у Қольбек қуючи, бу жуда яхши иш. Энди менинг фамилиям Я. Маская бўлади; менга қуйидаги адресга хат ёзинг: Жижков, Есениов кўчаси, уй номер... «Брок вақтдан бемерини эслайолмади, унга бўш жой қолди».

ёлди. Откритка деярлик тўлиб қолди, чунки Анна жуда ириқ ҳарфлар блан ёзабошлаган эди. Шунинг учун ҳам иравардига келиб жуда майда ҳарфлар блан ёзди: «Сил-илларимга чин қалбимдан салом йўллайман. Улар Пра-ага — менинг уйимга меҳмон бўлиб келишсин. Агар биз Гоник блан зориқмасдан яшасак, мен уларга йўл хара-катлари учун пул юбораман» дегандаги «раман» деган ўғинини ёзишга жой қолмади, «юбо...» бўғинининг ўзи ҳам откритканинг энг бурчагига майда ҳарфлар блан қин-ир-қийшиқ қилиб ёзилган эди.

Есениов кўчасидаги уйда

Анна Рубешларникида яна бир ой ишлади: бу орада кўжайка бирор қишлоқи қизни излаб юрарди. Янги рўз-гор ёшлар гарчи квартираларига нимдош нарсалар сотиб олишаётган бўлса ҳам, уйни жиҳозлаш жуда қимматга тушиб кетди. Малласоч Аннани ёқтириб қолган гумаш-талар похоллар орасида бирорта яроқсиз идиш-оёқ ёт-маганмикан, деб прилавкаларнинг, омборхоналарнинг бурчак-бурчакларигача титкилашарди. Рубешлар уйида бир ой ишлаб юз крон олиш Аннага жуда асқотарди.

Тоник бу вақтда Есениов кўчасида турабошлаган эди. — Ҳали сиз блан ҳисоб-китоб қилишамиз, жаноби Кроусский!— деди хўжайин, ундан квартира ҳақини олар экан, совуққина қилиб; аммо уй эгаси бу гапни гўё ўз мағлубиятини э'тироф этмаётгандай кўрсатиш учун жўрт-тага айтаётгани аниқ сезилиб турарди. У, бирор кишини квартирадан чиқариб юбориш, уй-жой бўлимидан бир квартира олишдан кўра осон эмаслигини жуда яхши биларди.

Анна шанбадан якшанбага ўтар кечасини ўзларининг янги квартирасида Тоник блан бирга ўтказар, кейин яна Рубешларникига қайтиб кетарди. Бунга ҳам хўжайкадан рухсат олинган эди. Бундай кечалар... та'рифдан таш-қари даражада кўнгилли бўларди, чунки бундай кечалар ҳалеб такрорланавермасди, чунки кунларнинг пўлат зан-жирини олтин ҳалқа блан, я'ни олтитасини пўлат ҳалқа, еттинчисини эса олтин ҳалқа блан пайванд қилингандай эди. Эрталаб уйқудан кўз очганингда ёнингда ўз севги-лининг ётганини кўришдан ортиқ лаззат борми?

— Сен мени севасанми, Тоничек?— деб шивирлайди

Анна, мамнунийят блан эрига тикилиб, уни ўлиб уйғотар экан.

— Узинг биласан-ку!— деб жавоб беради, у уйқу ара-лаш кўзини очмай туриб. Тоник, фикрича, беҳуда кўринган «Мен сени севаман» деган сўзни айтишга тили ҳеч бормасди.

Тоник пўлатдай порлоқ кўзларини аста очади; унинг уйқу блан тиниққан чеҳраси ёришиб кетади, бақувват қўллари блан Аннани қучоқлаб шундай бағрига босадики, Анна секингина «вой» деб қўяди.

— Қандай яхши! Қандай ҳузур!— дейди у шивир-лаб.— Тўғрими, жуда ҳузур-а, Тоничек?

Лекин Тоник фақат меҳнат ва революцион курашларга доир сўзларни биларди. Унинг истақлари Аннани бағри-га босишда, унинг учун кўрсатаётган ғамхўрликларида ифода этилиб турарди. Анна ҳар шанбада ўз уйида бирор ишгиликни кўрарди: Тоник печка қурди, уй ва ошхонани оқлади; эски яшиқлар тахтасидан олиб полнинг тешик-теликларини беркитди. Ошхонада турадиган табуретка ясаб, оқ мой блан бўяди. Мана бу ишлар «севаман» деган сўздан кўра ортиқроқ маънога эга эди.

Биргаликда ўтказилган тўрт шанбадан учтасида То-ник Аннага: «Сен ухлаб қолмайсанми? Менинг мажлисим бор, соат ўнда келаман»,— деди. Шу блан бирга, у бирор марта ҳам: «Афсуски, мажлисга бориш керак-да», дегани йўқ. Бундай иборани айтишга уни ҳечнарсга мажбур этаол-масди. У жанговар тревога бўлиши кутилиб турган казар-манинг солдати эди.

Анна ҳатто уйда ёлғиз қолган кезларида ҳам ўзини бахтиёр ҳисобларди. У ўз уйини кўздан кечириб туриб: «Қани энди мана бу ерга бир диван блан шкаф бўлса, кинилоқдаги уйимизга ўхшаб деразалар тагида гуллар турса. Эҳ, Тоник мажлисдан тезроқ келақолсайди!»— деб айларди.

Ана шундай шанба кунларидан бирида кечқурун уй-ларига Маня меҳмон бўлиб келди; у ўроғлик қозонини олдидан, япянги пилик ва шишали яхши бронза лампани олиб столга қўйди.

— Эй, худойимей, нима қилардинг овора бўлиб, Ма-ничка?

— Барибир, бу ҳечкимга керакмас, қанча вақтдан бе-ри чердагимизда ётган эди.

Аммо янги шиша блан пилик чердакда ётмаган бўлса керак, албатта.

— Маня!— деб такрорларди севиниб кетган Анна.

— Бу менинг сенга қилган тўянам,— деди кулиб Маня.

— Бизникида ўтиратур, Манечка,— деди Анна; ўзининг биринчи меҳмонига шундай дер экан, биринчи марта айтган «бизникида» деган сўзи ўзига шавқ бағишлар эди.

— Утиришга вақт қаёқда, дейсан! Халқ уйида мени Богоуш кутиб турипти.

Маня ирғиб ўрнидан турди-да, югурганча зинадан пастга тушиб кетди. Анна уни аранг эшиккача кузатаолди. Маня иккинчи қаватга тушгач, ниманидир эслаб тўхтади.

— Ҳа, айтгандай, Дворжакова сендан бир нарсани сўраб келгин деган эди, нега кампиринг бугун худди сувга тушган мушукдай шалвираб юрипти?

— Хўжайин яна уришди, бақирди.

Маня хахолаб, югуриб тушиб кетди.

Анна якшанба куни Есениов кўчасидаги квартирадан ҳеч чиқиб кетгуси келмай қолди, лекин эрталаб соат тўққизда Рубешларникида бўлиши керак эди. Бу вақт Тоник столда ўтириб партия ишларига оид аллақандай хат ёзиш блан машғул эди, Анна уни бир ўпти-да, кейин зина томондаги эшикни очди. У блан бирга, гўё тасодифан чиққандай, иккиёқдан икки қўшни хотин ҳам чиқиб қолди: бири баланд бўйли, қотмадан келган, унтер-офицер Клабаннынг хотини, иккинчиси савдогар Эндлернинг хотини эди. Унтер-офицернинг хотини уйда кийиладиган қизил туфли блан абажурга ишлатиладиган гулдор материалдан халат кийган эди. (Агар Маня кўрганда. «Ойла, узун лампанинг худди ўзи-ку!» деб роса куларди). Иккала қўшни хотин ҳам Анна блан эрини яхшилаб кўриб олиш учун қия очиқ эшикдан анча вақт мўралаб туришди. Яна шу ерда ўн етти яшар Слава Кучерова ҳам укасини кўтариб юрар эди. У юбка блан фақат ички кўйлак кийиб олган, кўйлак остидан олмадек кўкраги аниқ билиниб турарди. У, атайлаб турганини яширмай, зинада Аннани пойлар эди. Анна ўзи ҳам сезмаган ҳолда қизариб, югурганча пастга тушиб кетди.

Энди трамвайга тушиш керак! Мана, ниҳоят, Анна жимжит Вацлав майдонидан ўтиб 33-нчи уйга бормоқда. Бутун йўл бўйи унинг хаёли Тоникда бўлди, а'зои-бадани

ҳамон бугунги кечанинг лаззати блан жўш урар ва у энди уйига бир ҳафтадан кейингина келиши тўғрисида ўйларди; у қадамини беихтиёр секинлатиб, ўзини худди дарсга кечикиб бораётган ўқучидай ҳис этар, гўё ҳозир ўқитучидан дакки эшитадигандай бўларди.

Хўжайка шўрва қилаётган эди, ошхонадан янги гўшт ва сабзавот ҳиди келарди. Анна у блан саломлашди-да, меҳмонхонага кириб, чанг-чунгни артабошлади (у ҳар якшанба куни шундай қиларди). Хўжайин шу топда вана қабул қилмоқда эди. Меҳмонхонадаги диванда ойимқиз Дадла кўк шоҳи халат кийиб, сочларини ҳам тузатмасдан ағанаб ётарди. У оёқларини чалиштириб, халатининг барини очди-да, ўзининг бежирим болдирларини завқ блан тамоша қиларди. Анна туфлисини ечиб, буфет олдига стул қўйиб чиқди-да, катта сариқ вазани олмоқчи бўлди. У қўлини узатиб, бутун гавдасини чўзиб вазани олаётганда ойимқиз уни диққат блан кузатиб турганини сездди.

Дадла дивандан ирғиб туриб, Аннанинг олдига тушди ва унга худди тешиб юборгудай бўлиб тикилиб қолди.

— Анна!— деб бақириб юборди у, худди жинояткор одамни тутган полициячидай.— Анна, сиз ҳомиладорсиз!

Анна қипқизариб кетди. Дадла истехзо блан хахолаб юборганча уйдан чиқиб кетди, лекин унинг бу кулгисида мутлақо хурсандлик аломати йўқ эди.

Анна уйни йигиб-теришда давом этди. У анча хижолат тортди, лекин энди у ҳомиладорлигининг ошкора бўлиб қолишидан бурунгидай қўрқмайди. Анна учун энди Рубешлар ким бўлипти? Ойимқиз Дадла ким бўлипти?

Ойимқиз бир минутдан сўнг қайтиб келди. У гўё кўчага қарамоқчи бўлгандай тўғри дераза олдига боради, кейин Аннага яқин келади. Унинг кўзларида ўт чақнайди.

— Сен мени бу ерда узоқ вақт қолади деб ўйлайсанми?— дейди Дадла.— Биринчи дуч келган эркак блан қочаман-кетаман!

Анна бу гапдан тутоқиб кетди-ю, лекин хиёл елкасини қисиб қўяқолди. У қочиб кетса Аннага нима? Уни Есенинов кўчасида янги квартира ва Тоник кутиб турипти. Энди у Рубешларникида узоқ турмайди.

Чиндан ҳам кунлар ўтиб бормоқда, лекин жуда секинлик блан ўтмоқда эди. Баъзан кечқурунлари Тоник Анна

блан Вильсон вокзалидаги боғда сайр қилиш учун чорак соат вақт топарди. Лекин бу қисқа-қисқа учрашувлар Аннада ўз уйига бўлган иштиёқини тобора алангалатарди, холос. Рубешларнинг етти хонали квартирасида рангги бўзарган, юзлари солиққан хўжайка ҳамон илгаригидай каловлаб, хизматчига буйруқ берар, Давосдан келган хатни ўқиб юм-юм йиғлар, эрта тонгда эрининг ҳам-бенидан пул ўғирлар, ошхонага борганда плита тепасида:

— Эҳ, сиз пастки табақа одамларига хўп маза-да! — деб хўрсиниб қўярди.

Бу сўзларда беморнинг соғлом одамга нисбатан ҳасад қилиши, кексаликнинг ёшликка бўлган гарази ифодаланар эди.

Мана, ниҳоят байлашилган тўрт ҳафта ҳам ўтди. Правардида хўжайка муносиб хизматкор ҳам топиб олди. Бу орада уларникига иккита хизматкор келиб, Анна блан бирга оз-моз ишлашиб кетди; лекин улардан бири ўта-кетган содда, анқов экан, уни олишмади, иккинчиси эса, социалистик партиянинг а'зоси эди: бир куни кечқурун хўжайка унинг бойлар ва камбағаллар тўғрисида Анна блан гаплашаётганини эшитиб қолди-ю, уни ҳам қабул қилмади. Биринчи хизматкорнинг исми Матильда эди; у Валашке Мезиржичида туғилган, ҳамиша черковга қатнаб турар, эрталаб соат тўрт яримда туриб, хўжайка блан ойимқизнинг қўлини ўпарди.

Бир куни хўжайка унга «керак эмас, керак эмас!» деди-ю, лекин қўлини тортиб олгани йўқ. Аммо Дадла ўзини тортиб: «Сизга нима бўлди, эсингизни едингизми, қўлимни ялашни бас қилинг!»—деди. Матильда ойимқизнинг қўлига маҳкам ёпишиб олар, Дадла эса куларди: «Вой, товбаей, мунча тентак бу!.. Ойим сизга Қис ва Ландру ҳақидаги ҳикояни бердимиз?»

Кўп ўтмай Анна Есениов кўчасига бутунлай кўчиб кетди. Хайрлашаётганда хўжайка унга семизгина икки бармогини узатиб қўяқолди, ойимқиз эса Аннага бир жуфт эски ботинка, уч жуфт сузилиб кетган чулки, янги гулли пушти шоҳи дастрўмол ва уч бўлак совун берди. Анна бу совғаларни Тоникка билдирмади, чунки у кўриб қолса, ҳаммасини улоқтириб юборарди, буларни ташлашга эса Аннанинг кўзи қиймасди.

Энди абадий хайр, Рубешлар хонадони!

«Уйга!» Бу янги, оромбахш туйғу эди! Бу туйғу Анна-нинг сўнгги маошига яхши идиш-оёқлар олиши блан яна ҳам кучайиб жетди. Энди ҳашаматли кафелардаги сингари мрамр гулли тоғорача, товалар унинг ўзида ҳам бор. Анна ўз оиласида биринчи марта ўзлари учун овқат қилди. Анна биринчи марта овқат қилар экан, янги духовкадан анча безовта бўлди; у овқатига солинадиган карамни ҳам қувона-қувона тўғради, ниҳоят эрига тарелкани тўлдириб овқат сузиб берди.

Шундай қилиб у, энди уйида — Есениов кўчасидаги эски уйнинг учинчи қаватида, коридорли квартирада яшайпти. Бу коридордан яна тўртта квартирага кирилади.

Анна шу уй биносида яшайдиган ва бошқа қўни-қўшнилари блан танишабошлади. Шу қаватдаги беш квартиранинг ҳаммаси бирхил бўлиб, ҳарқайси уйнинг ҳовлига қараган иккитадан деразаси бор эди, бу деразалардан буталар ўсиб ётган яшил тепаликлар кўриниб турарди; кечқурун бу хоналарни заррин қуёш нурлари ёритади. Бу ернинг ошхоналари қоронғу ва торгина эди. Кечқурун чироқлар коридор томондаги панжара қопланган, оқ ёки ранг-баранг пардалар тутилган деразаларни ёритиб турарди. Коридор ҳамиша нимқоронғи бўлиб, бу ерга фақат зина саҳнидаги иккита деразанинг хира ойнасидангина нур тушар, унинг ҳам биттаси пастки қават саҳнини, иккинчиси юқорини ёритиб турарди. Коридорнинг ҳавоси ҳархил чучмал ҳидлардан ҳамиша димиқиб ётарди; бу ерда йиёздоғ, шўрва, мағзава ҳамда куннинг иккинчи ярмида ёқиладиган керосин чироқларнинг ҳиди димоққа уриларди.

Жижковдаги уйларда кундузлари фақат хотинларни учратасиз,—эркаклар ишда, болалар мактабда ёки кўчада бўлишади. Агар эркаклардан бирортаси тунги сменада ишлаган бўлса, ҳозир уйда бўлади-ю, лекин уни ҳеч кўрмайсиз, чунки бу вақтда у гулдор тўшакли кроватда бурканиб ётган бўлади, сиз фақат кўрпа тагидан чиқиб ётган бир тутам сочнигина кўришингиз мумкин эди. Қўшни пўллар бир-бирларининг миридан сиригача: ким нима овқат қилаяпти, кимнинг ҳамёнида қанча пули бор ва кийимида неча ямоғи борлигини ҳам билишади. Бу ердаги урф-одатлар, ҳаммаёғи қулфлоглиқ турадиган мустаҳкам пўлат сандиқдай буржуа квартираларига ўхшамасди.

Ҷижковдаги уйларда, қозон ва жомашовлардан кўтарилган буғ тарқалиб кетсин учун эшиклар ҳамиша ланг очик турарди. Борди-ю, бирортасининг эшиги ёпиқ бўлса ҳам, ойнадан мўралаб, эгаси уйда эканлигини билиш, уйга кириб у блан саломлашиш, қирғичми, зирами ёки эртага-ча беш крон пул-мулми сўраб олиш мумкин эди. Қоридорда ҳамма учун битта водопровод блан иккита ҳожатхона бор бўлиб, булар ҳамавақт жанжалга сабаб бўлиб турарди.

Хотинлар уйда доим ғийбат қилишгани-қилишган. Уларнинг ғийбати икки масала устида: пул ва аёлларнинг қисмати — дун'ёни кўтариб турган икки устун ҳақида бўларди. Ҷамиятнинг бошқа доираларида бундай масалаларга иқтисодий формула берилган, уларни сиёсий партияларнинг программаларига киритилган эстетик мактаб ва оқсуяк табақанинг урф-одатларининг асоси қилиб олинган эди; бу ерда пул ва аёлларнинг қисмати масаласига жуда содда, моддий нуқтаи назардан қарайдилар: агар оила бошлиғи шанба куни ўтган сафардаги моянага нисбатан ўн крон ортиқча сарфлаб келгудай бўлса, бу ҳам оилада дўкондор маргарин нархини яна ярим крон ошириб қўйгандай жуда муҳим воқиа. Агар қўшни аёллардан бирортаси яна икки қат бўлиб қолса борми, бундан кўра оғир ташвиш йўқ, чунки ҳамма ҳам пулни кўпроқ, боланинг камроқ бўлишини истарди.

Бу асосий гаплардан ташқари яна эрлари, болалари ва қўни-қўшнилари тўғрисида ҳам гап-сўзлар бўлар эди. Уй хўжайкаларининг вақтлари майда-чуйда ташвишлар, бировларнинг ҳолига ва газета саҳифаларидаги жиноий ҳодисаларга қизиқиш, бема'ни рашклар, йўлак ва ҳожатхоналарни навбатма-навбат ювиш тўғрисидаги бўлмағур гаплар блан ўтарди.

Лекин бундай гапларнинг ҳаммаси иш кунларида бўлади. Якшанба кунларида эса аҳвол бутунлай ўзгаради, чунки якшанба куни эркаклар уйда бўлишади. Шанба куни улар тосда илиқ сув блан юз-қўлларини ювиб, тоза қўйлақларини кийишади, лекин пиджакни фақат якшанба куни тушдан кейин кийишга одатланишган. Уйда аҳвол бутунлай ўзгача, қарийб байрам кунларига ўхшарди. Ошхоналарнинг дераза пардалари тушириб қўйилган, гўё ҳамма квартиралар қал'ага ўхшайди. Қўшни аёллар бир-бирларининг олдидан шоша-пиша, худди бегона ки-

шилардай ўтиб кетишади. Ҳозир ҳаммасининг ўз севган эри уйда, унинг барча камчиликларидан қат'и назар, ҳарқайсиси ўз эрини қўшни хотинлардан оз-моз қизғонади. Унинг қўйлаги бошқаларникидан кўра тозароқ, ёқаси ва ҳарбир тугмаси жойида бўлиши керак, чунки қўшни аёллар кўриб, бошқаларга солиштиришади. Агар қўшни аёллардан бирортаси бегона эркакка кўзини олайтиргудай бўлса, балога қолади.

Анна қўни-қўшнилар блан танишди. Уларнинг ёнгинасида қирра бурун аёл — унтер-офицернинг хотини Қлабанова яшарди. Анна унинг абажурга ўхшаш халати блан қизил шиппагидан танирди. Қлабанова хонимнинг эгизак боласи бор эди; у, қўшни аёллар блан унча борди-келди қилмас, чунки унинг эри доимий оклад олар ва квартирада ҳам ёлғиз ўзлари туришарди. Нариги хонада етти боласи блан қора ишчи Кучера оиласи яшарди. Кучера хонимнинг эри ҳали қурилишларда, ҳали шаҳар канализациясида ишлар, ўзи кир-чир ювиб юарди. Эри-хотин ишлаган пайтларда амал-тақал қилиб кун ўтказишар, броқ ота ишсиз қолган кезларда оила ҳсят муҳтожлик тортиб қоларди. Улар ҳаминша уйларини икки-уч одамга ижарага қўйишарди; ўтган йили Кучера беш ой ишсиз қолиб, кўрпа-ёстиқларигача сотиб юборди, энди уларнинг устига ёпадиган нарсалари ҳам йўқ эди. Ба'зан она ҳам ишсиз қолар, бундай кезларда ёш болалар тиланчилик қилишарди. Болалар бир-бирларини етаклашиб бировларнинг ошхонасига боришар, эшик олдида бирор сўроққа ҳам, ҳазил-ҳузилга ҳам жавоб қилмай, ишонучан мовий кўзларини мўлтиратиб туришар, ниҳоят, бирор садақа олгач, чиқиб кетишарди. Қўни-қўшнилар буларни таниб қолишган эди; Кучералардан сал дурустроқ тирикчилик ўтказадиган қўшни хотинлар ба'зи-ба'зида уларга «Бугун бошқа-ёққа борақолинглар, шайтонваччалар, ўзимизда ҳам ҳечвақо йўқ», деб қўйишарди. Кучера оиласида рўзгор ишларини қотмадан келган, ўн етти яшар қиз Слава бажаради; у ҳаминша йўл-йўл матодан юбка блан ёнги калта қўйлак кийиб юарди.

Нариги квартира Ставов театрининг кийимхонасида ишлайдиган бева хотин — Эндлерники бўлиб, у ёши ва касби нома'лум бир киши блан бирга турарди. Ўтган йили бу одам урушда кўр бўлиб қолган кекса жангчилар фойдаси учун уйма-уй кезиб атр совун сотиб юарди, бу

йил эса, йигирма процентдан ҳақ олиб оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик Жамиятининг лотерей билетини тарқатиб юрипти. Бу ҳийла-найрангларнинг чуви чиққач, оригиналлиги учун кафолат бериш шарты блан тасвирий суратларни сотабошлади. Уларнинг уйида иккита ижарачи ҳам бор эди: бири чарм куртка кийиб юрадиган шофер йигит, иккинчиси тунги қовоқхонада ишлайдиган бир аёл бўлиб, булар битта кроватда ғалма-ғал ётишарди, у фоҳиша тунда қовоқхонада бўлган пайтда шофер ётарди, шофер кундузи ишда бўлганда эса фоҳиша ётарди. Бу ерда «фоҳиша» сўзи ҳақорат ҳисобланмасди. Масалан, агар сиз тўртинчи қаватдаги бичиқчининг хотинидан: «Стейскалова хоним, қизларингиз нима иш қилишади?» деб сўрасангиз, у: «Марженка Маршнернинг қўлида ишлайди, кичкинаси машиначида шогирд, Эмилька бўлса — «фоҳиша»деб жавоб беради. Бошқа ишлар қаторида бу ҳам бир касб ҳисобланаверарди. Тунда ота-она, Марженка ёки кенжа қиз зарурат юзасидан коридорга чиқишганда, ошхонадан ўтишарди, шу ерда Эмилька ўзига нон пули ишлаётган бўларди.

Унг томондаги кватирада ишчи Чинчваранинг оиласи яшайди. Чинчвара ва унинг хотини социал-демократик партияга а'зо эди. Лекин булар чинакам партиявий ўртоқларми? Қачон бу эри-хотин тўғрисида гап очилиб қолса, Тоник қўл силтарди, чунки улар доим ишлаб пул тўплаш пайида эдилар. Шу бинодагилар ҳамиша Чинчваранинг маблағи тўғрисида ғийбат қилишгани-қилишгани эди; ниҳоят, уларга Анна ҳам хасад блан қарайдиган бўлиб қолди. Унда деҳқон аёлларга хос эҳтирос ва бўлгуси онадаги худбинлик ҳиссиётлари пайдо бўлган эди. Тоник буни пайқади.

— Бу одамлар қандай бема'ни ҳаёт кечиришади-я,— деди у.— Бир ишчи оиласининг жирканч йўллар блан буржуадай бойлик тўплаши кимга керак? Ахир, яшашдан мақсад фақат ўғлига университет дипломини олиб беришдан иборатми? Агар кекса Чинчвара ҳар куни кечқурунги вақтини қўшимча пул топишга сарф қилмасдан партия ишларига актив қатнашганда, у бутун пролетариат болалари ва шу жумладан ўз болалари учун ҳам кўпроқ фойда келтирган бўлар эди.

Анна Чинчвара ва унинг хотинини бирнеча марта мажлисларда учратган ва улар Аннанинг ёдида қолгандикла-

рининг сабаби, биринчидан, фамилияларининг жуда галатилиги бўлса, иккинчидан, уларнинг юриш-туришлари ҳам бошқаларга ҳеч ўхшамаслиги эди: мажлисларда бир фикрга қўшилган ёки қўшилмаганликларини мутлақо билдиришмас, ҳечвақт сўзга чиқишмас ва доим бир кружка пивони иккаласи ичарди. Чинчвара трубка чекар ва ҳамниша чекиб тугатмай, чўнтагига солиб қўярди. Мажлисларда тез-тез ёрдам пуллари тўпланиб турилар, бунда ҳарким қўлидан келганча ёрдамини бераверар эди. Қўлидан келмаган одам ҳечнарсга бермаса ҳам, ундан ҳечким гина қилмасди. Шунда кекса Чинчвара ҳар сафар четда қолмас ва кўп ҳам, оз ҳам бермасди.

Хуллас бу одам бошқа ишчилардан ҳартомонлама фарқ қилиб турарди. Чинчвара печка устаси бўлиб, фабрикада ишларди. У ишдан келгандан сўнг бошқаларга ўхшаб ювиниб-кийиниб дам олмас, қўлига лой чела олиб, печка қуриш ва печка тузатиш учун уйма-уй айланиб кетар эди. У якшанба кунлари ҳам ишларди. Анна ҳарвақт унинг хотинини ҳўл фартук кийиб, енгларини шимариб юрган ҳолда кўрарди. Чинчварова ҳамниша плита ва жомашов ёнида туриб, ё ўзиникида ёки бировларникида ишлагани ишлаган эди. Якшанба кунлари ҳаво очиқ бўлса, ҳатто энг камбағал оилалар шаҳар четига сайр қилгани чиқишганида ҳам Чинчварова ошхонадаги дазмол тахтаси олдида бўлар, унинг эри эса лой челагини кўтариб аллақадарда юрарди. Уларнинг тўртта боласи: икки ўғил, икки қизи бор эди. Каттаси — Пепик юридик фанларини ўрганмоқда, Ярда реал билим юртида таълим олмоқда. Божена модали бош кийимлар тикучи хотинда шогирд, Фанда эса ҳали мактабда ўқирди. Бутун оила нуқул от гўшти блан тирикчилик қилар ва ҳаммаси битта торгина ошхонада ётишарди, чунки уйларини дўконда ишловчи учта қизга ижарага қўйишган эди. Улар ҳар кун иккита тўшакни ошхонага олиб кириб ётишарди-да, эрталаб яна уни ижарачи қизларнинг кроватига солиб қўйишарди. Чинчваралар оиласи жуфт-жуфт бўлиб эр-хотин, ака-ука ва опа-сингиллар бирга ётишарди. Ҳамма қўни-қўшнилар ётгандан кейин ҳам уларнинг ошхонасида алла-паллагача чироқ ўчмасди. Қизлар ва отаси ухлаб қолганда ҳам, онаси ё кир ювар, ё дазмол босар, иккала ўғил эса, ошхона столига ўтириб олиб чироқда дарс тайёрлашарди. Агарда учинчи синфда ўқийдиган

Ярда китоб устида мудраб қолгудай бўлса, онаси қулоқ-чаккасига бир шапалоқ уриб: «Ўқи!» — деб бақирарди.

Оилада мана шу барваста, кенг елкали, семиз хотин бошлиқ, пакана, серсоқол печкачи эса, унинг ёнида худди чумчуқ болага ўхшарди. Пул, фақат пул топиш керак! Чинчварова пулни қадрлашининг яна бир сабаби овқатга пулни аямас, унинг оила а'золари тўйиб овқатланишарди. У кофедан бошқа овқатни кўрмасдан, хароб бўлган қўшнисининг фожиасини унутмасди: уларнинг иккала ўғли ҳам ўқишни битиролмай, сил касалидан ўлиб кетишган эди. Пул, фақат пул топиш керак! Бир куни шундай бир ҳодиса бўлди. Ҳовлида ишлаётган дурадгорлар ўн бўш ёшли, сапсариқ сочлари ҳурпайган Боженани ҳужрага чақириб олиб, қани кийимларингни ечгинчи, ҳаммаёнинг шунақа сепкилмикин, агар яланғоч бўлсанг эллик геллердан пул йиғиб берамиз, деб ва'да қилишади. Қўни-қўшнилар қизи шу алдовга кўнганини Чинчваровага хабар қилишади. Кейин Боженанинг онаси «У пулни нима қилдинг, ярамас?» деб қизини елкасидан ушлаб силкитди.

Чинчварованинг кўзлари совуқ ва бежо эди. Анна унинг кўзидан қўрқарди. Анна у блан биринчи марта коридорда учрашганда, кир юваётиб қоғоздай оқариб кетган қўлини Аннага узатаётиб, жиддий қиёфада «Сиз блан танишмиз»,— деб қўйди. Унинг қўл сиқишлари ҳам жуда совуқ эди. Унинг атрофдаги ҳамма қўни-қўшниларига ҳасад блан қарашига сабаб, у болаларини тарбиялаш учун кечаю-кундуз молдай ишлайдию, бошқа ҳамма қўшнилари, унинг фикрича, бемалол ўйнаб-кулиб ҳаёт кечириётганга ўхшаб кўриниши бўлса керак.

Бир қават юқорида сочларини бўяб, лабларига қизил суртиб юрадиган бир бева хоним турарди. Уни аллақандай бир коммерсант боқарди; коммерсант ҳар душанба ва пайшанбада кундузи соат ўндан ўн иккигача мунтазам равишда келиб турарди. Хоним ҳамиша ресторанда овқатланар ва уйда хизматчи асрар эди.

Бир куни Чинчварова мана шу хонимни пойлаб турди-да, зинадан тушиб кетаётган пайтда ошхонадан чиқиб, чақириб қолди:

— Сизда икки оғиз гапим бор эди, хоним!

— О, марҳамат, Чинчварова хоним,— деб жавоб берди сохта такаллуф блан.

— Пепе!— деб чақирди Чинчварова.

Йигирма ёшлардаги студент ошхона эпиги олдига чиқди. Унинг юзлари қип-қизариб кетган ва онасидан ҳеч кўз узмасди.

— Буёққа, буёққа, яқинроқ кел!— деб бақириб берди Чинчварова; ёш йигит итоат блан индамай онасига яқин келди.

Она ҳўл қўлларини белига тиради.

— Жўш, хоним, мен бу болани сиз учун ўстираяпманми?

— Ие, нима деяпсиз, ўзингиз, Чинчварова хоним!

— Сурбетлик блан тонаман демай қўяқолинг! Бу аҳмоқ уйингизга уч марта чиққан! Мен сиқийштирган эдим, бўйнига олди. Сиз, пардоз-андоз қилиб юрадиган ярамас, уни йўлдан ураяпсиз...

— Ойи, худа ҳақи, сендан ўтинаман...

— Жим тур!— деб қичқирди Чинчварова, ўғлига мушт-тини ўхталиб.— Бу менинг ўғлим, билдингизми, хоним! Мен буни мана шу қўлларим блан катта қилаяпман, буни кўрдингизми, йигирма йил мобайнида нимага ўхшаб кетди, бу қўллар. Сизга бу бола албатта ёқади-да, нега ёқмасин! Лекин бу менинг ўғлим бўлади, агар сиз шу болани тинчига қўймасангиз, худди кунингизни кўрсатиб қўяман, бу қўллар,— у қўлларини малла хотиннинг сочларига узатди,— фақат меҳнатнинггина эмас, бошқа нарсани ҳам билади! Мана шуни эсингиздан чиқарманг, хўлми?! Қани, уйга марш, аҳмоқ тирмизак! Мен сени боплаб адабингни бераман!

Студент қипқизил лавлаги бўлиб уйга кириб кетди, бова хоним эса, нафрат блан елкасини қисиб, истеҳзо блан илжайди-да, зинадан тушиб кетди. Чинчварова унинг орқасидан: «Эй бузуқ, шарманда!» деб қолди мушт ўхталиб.

Ошхонанинг очик эшиги олдида унтер-офицернинг хонини Қлабанова турарди; қўшни эшикдан укасини кўтариб Слава Кучерова чиқиб келди, унинг беш яшар сингисси ҳам рангдор юбкасига тармашиб бирга чиққан эди. Бу вақт Анна ошхонада эди, ҳангомани эшитди. Жижжовдаги уйларда ҳеч сир сақлаб бўлмайди.

Кечқурун Анна бу воқияни Тоникка гапириб берди.

— Албатта шундай бўлади-да,— деди кулиб Тоник,— Чинчварова нуқул «менинг ўғлим, менинг ўғлим!» дегани-

деган.— Лекин бу харомхўр буржуй хотин қилмишига яраша жазо тортипти!

Анна Есениов кўчасида яшаб турганида, Венгрия революциясининг жафокаши Шандор Керекеш блан танишди. Бир куни Анна Тоник блан бирга Жижковда Керекешни учратди. Керекешнинг кўзлари худди мурданинг кўзлари сингари сўник, қўллари оловдай қайноқ эди.

— Аҳволлар қалай, ўртоқ Керекеш?— деб сўради Тоник.

— Уламан,— деб жавоб берди у, лўнда қилиб.

— Ахир, сен бундан кўра огирроқ қийинчиликларга ҳам бардош берган эдинг-ку.

— Энди бардош бераолмайман.

Керекеш бир словак ўртоғининг ҳужжатларини олиб, Прагада яшайбошлади. У бировнинг номи блан Данек заводига токарь бўлиб кирди. Броқ огир меҳнатга дармони етмас ва страхкассанинг врачлари унинг анкетасига «ИПТ» деб ёзиб берди; бу лотинча «infiltratio pulmonum tuberculosa»¹ дегани; ишчилар буни «инвалид, послеавтра труп», я'ни «инвалид, индинга мурда» деб та'бир қилишди. Бундай ҳолларда ишчилар ҳам, врачлар ҳам камдан-кам янглишадилар.

Керекеш кўчаларда газета сотиб тирикчилик қиларди. У, Анна блан Тоникни уйларигача кузатиб қўйди. Улар партия ҳақида, венгр муҳожирлари ҳақида, Венгриядаги оқ террор ҳақида суҳбатлашиб кетдилар.

— Мен уйимга қайтиб боролмайман,— деди Керекеш сил касалларга хос заиф товуш блан.— Мен ғалабамизни кўролмасман. Бу ерда сиз дастлабки қадамни эндигина қўймоқдасиз. Қани энди мен революция учун яна бирорта ёрдам бераолсам эди!

Улар Тоник блан Анна яшайдиган уйнинг олдида туришарди. Керекеш юқорига қараб зиналарни кўздан кечирарди— эҳтимол у, ўз суҳбатдошларининг кўзига кўзи тушмаслик учун шундай қилаётгандир.

— Ҳозир сен шу ерда турипсанми?— деб сўради у, ва ҳатто Аннанинг ҳа дегандай бош қимирлатганини ҳам кўрмади.

— Уйингдан бирор янги хабар келдими?— деб сўради Тоник жимликни бузиб.

¹ Упка силининг огир формаси.

Керекеш бош чайқади.

— Укамни осишипти, хотиним ва болаларим тўғрисида ҳечнарсга билмайман.

У, шошиб-пишиб оловдай қўли блан Аннанинг қўлини сиқди-да, ҳечқаёққа қарамай жўнаб кетди. Анна блан Тоник унинг орқасидан қараб қолишди, бу ҳол ҳар иккаласига ҳам қаттиқ таъсир этди. Эссиз Керекеш! Бу ачиниш фақат ўлиб бораётган одам учунгина эмасди — бу вақтда жуда кўп одамлар ўларди! — сафдан чиқишга мажбур бўлаётган жангчига ачиниш эди.

Шандор Керекешнинг тарихи

Сиёсий курашларнинг ҳал қилучи пайтлари яқинлашиб қолди. Депутат Яндак зўр бериб оммани уюштирмоқда. У: «Пролетариатни революцияга бошлаб боришни янги партия тузамиз! Битсин эскириб қолган социал-демократия!» деган шиорларни ҳеч тап тортмасдан, баралла овоз блан ўртага ташларди. Бошқалар бундай шиорларни қўрқа-писа айтар эдилар.

Яндак бу шисрлар блан Кладно кончиларини ва Прага заводларидаги ишчиларни уюштирди. Энди Острава шахтёр ва металлургларини, Брно тўқучилари, йигиручилари ва ёғочсозларини, йирик узельларнинг темирйўлчиларини, Пльзен ҳарбий заводидаги ишчиларни ўз томонига оғдириб олиши керак эди. Яндак омманинг барча ҳаракатларига раҳбарлик қиларди. У ҳамма нарсадан жуда яхши хабардор, доим ҳушёр, мухолифларнинг барча далилларини рад этишга тайёр эди. Яндак қалдирғочдай илдам, шердай жасур, фореельдек¹ қув эди. У ҳар куни албатта бирор митингда чиқиб сўзлар, ҳафтасига «Право лиду»да унинг ўтқир, дадил, ажойиб сиёсий мақолалари чиқиб турарди. Яндак энг машҳур сиёсий арбоб сифатида танилди. Барча заводларда, ишчиларнинг йиғилишларида унинг номи қайта-қайта тилга олинарди; у бошини энгаштириб худди ҳужумга тайёрлангандай минбарга кўтарилган пайтларда аудиториядаги юзлаб ишчилар уни ғоят баланд руҳ, давомли ҳарсақлар блан кутиб олар эдилар.

Ҳукумат партиялари кутириб газеталарда Яндакка роса бўҳтонлар ёғдирардилар. Яндак ҳақида аҳудийлар-

¹ *Форець* — балиқнинг бир тури.

га сотилган, чех халқини немисларга сотган, легионерларнинг ўлдирилишида айбдор, Россиядан бриллиантлар ва олтин занжирлар олган, унинг ҳашаматли автомобили, хотини ва қизида минглаб қимматбаҳо зеби-зийнатлар бор ва ҳоказо деб ёзар эдилар.

Яндак, депутат Яндак! У қирқ беш яшар, дўнг пешона, нафис лабли, ёноқлари кенг, бақувват бир киши эди. Унда жисмоний ва ақлий хусусиятларининг қўшилиувидан иборат бўлган пролетар саботлилиги, интеллигентлик нафосати ва йиртқишлардек чангал солиш хислатлари ажойиб равишда мужассам топган эди. Яндак умумнинг э'тиборини ўзига тортган эди.

Бир вақтлар Тоник ёш Яндакка «Сенинг отанг биз блан бирга бўлмайди», деб айтган эди. Тоник ишчиларга хос туйғуси блан шу хулосага келган эди, броқ бундай туйғулар кишини янглиштириши ҳам мумкин, албатта. Шундан буён Тоник, олифта хонимчанинг эри ва назокатли қизнинг отаси — революцион пролетариатга яхши раҳбар бўлаолиши мумкин эканлигига бирнеча бор қаноат ҳосил қилди. Тоник одатда ҳеч узр сўрамас, унинг лугатида «кечирасан» деган сўз йўқ, лекин у Жижков кўприги остидаги гапига пушаймон бўлиб, ўзини ҳеч кечира олмасди.

Бир куни Халқ уйида бўлаётган қизғин мажлисда ишчилар ҳаракатидаги сўл қанотнинг ғалабаси муқаррар бўлиб қолган пайтда Яндак ўз сўзини тугатиб, зўр қарсаклар остида минбардан тушди-да, Тоник блан Аннанинг столига келиб ўтирди. Тоник унга ҳўмрайиб қаради. Тоникнинг қалбида қаттиқ курашлар бормоқда эди. Ниҳоят у:

— Кўпдан буён мен сенга ишонмай келардим, ўртоқ,— деди тумшайиб,— чунки, сенинг хотинингнинг шоҳи кўйлак, қизингнинг амиркон туфли кийиб юрганини кўрган эдим. Лекин энди мен сенга ишонаман.

Бу э'тироф Тоникка унча осон бўлмади. Шу минутларда Тоник, Яндак ва Анна ҳам қизариб кетган эди.

— Майли, ҳечқиси йўқ!— деб жилмайди Яндак.— Қонли жангларга бирга боришдан аввал бир-бирини яхши билиб олиш керак.

Мана шу кун яна бошқа бир муносабат блан Тоникнинг ёдида қолди. У кеч соат ўнларга яқин Анна блан бирга мажлисдан чиқиб, Есениов кўчасидаги уйига қай-

тиб келганида, Шандор Керекеш эшикда кутиб турган экан.

— Сен блан гаплашмоқчи эдим,— деди у Тоникка. Анна венгрнинг заиф овозидаги ҳаяжонни сезиб, безовта бўлди.

Улар Керекешни уйга олиб кирдилар, Анна кофе иситгани ошхонага чиқиб кетди, Тоник блан Керекеш уйга кириб ўтиришди.

— ... бетма-бет гаплашмоқчиман,— деб қўшиб қўйдими меҳмон.

Тоник бош ирғаб, ошхона эшигини ёпиб қўйди.

— Граф Имре Белаффи ҳозир Прагада!— деди бирдан Керекеш, бугун унинг ранги одатдагидан кўра ҳам ўчиб кетган эди.

— У ким ўзи? — тушунмади Тоник.

— Эсингда йўқми? Мени тюрмада қийнаган гонвед обер-лейтенант граф Имре Белаффи-да. У «Мовий болдуз» меҳмонхонасидаги ўн олтинчи хонада турипти. Мен уни излаб бориб топдим. Меҳмонхонада менга ҳеч-ким э'тибор бергани йўқ. Граф эса мени мутлақо танимади.

— У нега келипти?

— Биринчидан, коммунистларга қарши террор уюштириш ва бизнинг ҳаракатимизни авж олиб кетмасдан туриб остириш учун келган. Иккинчидан эса, венгр муҳожирларини топиб дорга остириш учун Чехословакия ҳукуматидан уларни Венгрияга топширишга эришиш мақсадида келган. У Халқаро коммунизмга қарши кураш союзининг эмиссари.¹

Керекешнинг қонсиз юзида қизил доғлар пайдо бўлди.

— Буни аниқ биласанми, ё шунчаки тахминлаясанми?

— Менда исботлайдиган бирорта далил йўқ-ку, лекин қуёшдай равшан.

Тоник ўйлаб қолди.

— Партияни огоҳлантириб қўйиш керак.

Керекеш қўл силтади.

— Чехословакия социал-демократиясиними?

— Унинг сўл қонатини.

¹ Эмиссар — сиёсий ёки давлат ташкилоти томонидан махфий шириқ блан чет мамлакатга юборилган киши.

Керекеш яна қўл силтади.

— Мен унинг таъзирини бераман.

— Қандай қилиб?

— Улдираман.

Тоник жавоб бермади.

— Шу блан ўз ҳаётимни ҳам жуда яхши тугатган бўламан. Белаффи — бу инсон қиёфасидаги ҳайвон. Агар уни тирик қолдирилса, революцион ҳаракатга кўп зарар келтиради. Бирнеча ҳафталик умрим қолди, барибир революциягача етмайман. Мен Белаффини ўлдириш блан лоақал чех коммунистларига миннатдорлик билдирган ва ўзимнинг венгр ўртоқларимга ёрдам қилган бўламан.

Анна уйга икки чашка кофе олиб кирди-да, эрига ва меҳмонга қараб қўйди. У бўлажак она туйғуси блан хавф-хатарни дарров пайқади, юраги бир арзиқиб тушди. «Нима бўлди?» деб ўйлади хавотир олиб ва шу сн қорнида бола қимирлаганини ҳам сизди. Эркаклар жим бўлиб қолишди. Анна уйдан чиқиб кетаолмай қолди.

— Анна, сен ошхонага чиқиб тур, бизнинг ишимиз бор.

Анна чиқиб кетди.

— Бу гапларни партияга маълум қилиш керак бўлади, — деб такрорлади Тоник.

— Сен якка террорга қаршимисан?

— Йўқ, агар бунинг уюшқислиги блан қилинса, революция ишига фойда беради-ку; лекин бу нарсани ҳарким ўзинча қилавермайди-да. Бунақангги террорчилик акти керакми, йўқми, бу масалани сен блан биз иккаламиз ҳал қилмаймиз. Бунинг учун эса ҳали сиёсий вазиятни етарли даражада билмаймиз.

Керекеш заҳарханда қилди.

— Контрреволюциянинг нақадар хавфли эканлигига партияли ўртоқларнинг тушунмаслиги жуда ажабланирли ҳол; шундай бўлгач, бутун дунё пролетарларининг ўзлари бу нарсага ишонишга мажбур бўладилар. Сен бу ҳақда партияда кимни огоҳлантирмоқчисан? Парламент фракциясиними? Секретариатиними? Нима ҳожати бор? Бу блан ҳамма ишни расво қиласан ва полицияни изимга тушириб қўясан. Белаффи ўлиши керак!

— Хорти яна ўнлаб шунақангги одамларни юборади.

— Эндиги келадиганлар орасида Белаффига ўхшагани бўлмайди. Уни мен яхши биламан, сизлар билмайсиз.

Улар хайрлашишди, Керекеш чиқиб кетди.

Кечаси Анна Тоникнинг ёнига ётиб, анчагина кўтарилиб қолган қорни блан яхши жойлашиб олгач, ҳаяжонланаётганига қарамай овозига бепарво оҳанг бериб сўради:

— Унга нима керак экан?

— Ҳозирча сўрамай тур!— деб жиддий жавоб берди Тоник.

Аннанинг юраги яна арзиқиб кетди, қорнидаги бола ҳам яна икки марта қимирлаб қўйди. «Мана, бола ҳам безовта бўлаяпти» деб ўйлади Анна.

Тоник ухлайолмади. У кечаси блан ўйлаб, «ҳечким блан маслаҳатлашиш керак эмас» деган хулосага келдида, эрталабга яқин ухлади. Иш қилиб, революцияга хизмат қиладиган ҳамма нарсаяхши. Майли, бу террор амалга ошсин!

Эрталаб барвақт Тоник ишга отланиб, Анна сут олиш учун ғириллаб пастга тушиб кетганда, Керекеш келди.

— Эгнимдаги костюмни бир муҳожир венгр студентидан олдим,— деди у.— Бу кийимда мен хароб бўлиб қолган интеллигентларга ўхшайман, шу аҳволда борсам меҳмонхона ходимларига шубҳа туғулиши мумкин. Менга спецовкангни бериб тур.

Тоник шкафдан спецовкасини олиб венгрга узатди.

— Сен ўшаёққа кетаёпсанми?— деб сўради у.

— Ҳа.

— Ҳозирнинг ўзида-я?

— Ҳа.

Тоникнинг юраги тез-тез уриб кетди. У ўртоғини кузатиб қўймоқчи бўлган эди, лекин Керекеш қайтарди:

— Йўқ, борма, ҳечким иккаламизни биргаликда кўрмаслиги керак. Агар мен қўлга тушиб қолгудай бўлсам, судни бутун Венгрия контрреволюциясига қарши процессга айлантириб юбораман. Менинг айблашимдан бутун дунё ларзага келади. Сенинг спецовкангни бугун эрталаб, ўйларингда ҳечким йўғида мен ўғирлаб кетдим, буни эсдан чиқарма. Хотининг сутга кетган пайдан фойдаланиб уйга кирганман, сен зарурат блан эшикка чиқиб кетган эдинг. Тушундингми? Агар қўлга тушмасам, бугун кечқурун спецовкани коридордан ошхоналарингнинг деразасидан ташлаб кетаман.

Шундай қилиб, Керекеш граф Белаффини ўлдиргани кетди. У ҳар куни ўзи ётиб юрадиган эски темир-терсак складига кириб, кийинди-да, ишчи курткасининг ичидан болта осиб оладиган богич ҳам тикиб олди. Кейин у, «Мовий юлдуз» меҳмонхонасига жўнаб, эрта-лаб соат егтилاردан ошганда етиб борди. Швейцар Керекешнинг зинадан чиқиб кетаётганини кўрди-ю, лекин унга эʼтибор бергани йўқ. У иккинчи қаватга чиқиб 16-нчи хонани тақиллатди.

Жавоб бўлмади.

Керекеш яна тақиллатди.

— Ким?— деб сўради биров немисчалаб, уйқу ара-лаш.

— Очинг!— деди Керекеш венгрчалаб.

Ичкаридан оёқ товуши эшитилди.

— Ким у?— Яна сўради немисчалаб.

— Очинг, граф, сизга бир муҳим янгилик бор.

— Эшик очилди. Керекешнинг олдида пижама ва тунги туфли кийган граф Имре Белаффи турарди. Керекеш болтани богичдан суғуриб олди-да, муҳраси блан ўз душманининг бошига туширди. Графнинг башарасида ажабланиш аломати пайдо бўлди. Керекеш қулочкаш-лаб туриб яна туширди. Граф гандираклаб бориб чўк-калади-ю, ёнбошлаб йиқилди.

Керекеш эшикни ёлди. Шкаф олдига бориб ундан бирнеча кир ички кийимларни олди. Кейин Белаффининг устига энгашди-да, пижамасининг тугмаларини ечиб, юраги ураётганмикин деб ушлаб кўрди, юраги уриб турипти, граф Белаффи тирик эди. Керекеш кўйлак-нинг энги блан унинг оёқ-қўлларини боғлади ва оғзига латта тиқиб қўйди. Кейин у графни ҳушига келтирди. Бошдаги жароҳат унча хавфли эмасди, болта унинг мия-сига эмас, пешонасига теккан эди. Иккинчи жароҳати эса жуда ҳам енгил эди, болта фақат суякдан сирғилиб ўт-ган эди.

Керекеш графнинг кўкрагига ҳўл сочиқ блан урди. Белаффи кўзини очди, яна юммоқчи бўлган эди-ю, лекин ўзининг қай аҳволда ётганини дарҳол пайқаб қолди, шундан сўнг унинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Душманлар бир нафас бир-бирларига тикилишди. Кере-кеш стулга ўтирди.

— Гражданин Имре Белаффи, мени танияпсизми?

Оёқ-қўли боғлиқ граф йўқ, деб бош чайқади:

— Сиз мени эсингиздан чиқариб юборганингизга ишонаман. Сиз блан биз шахсий эмас, синфий душманлармиз. Менинг номим Шандор Керекеш. Сиз мени Будапештда роса қийнагансиз, агар қочиб қутилмаганимда кум халта блан уриб ўлдириб юборардингиз. Сиз менинг ўртоқларимнинг қаерларда яшириниб юрганлигини айтиб беришга мажбур қилмоқчи бўлдингиз. Сизнинг мўлжалингиз тўғри эди, уларнинг қаердалигини билардим. Такрор айтаман, биз шахсий душманлар эмасмиз ва мен сиздан ўч олгани келганим йўқ. Мен сизни қатл қилиш учун келдим, гражданин Белаффи.

Ажиб-ҳодиса! Бу ишлар худди Керекеш бирнеча бор кўз олдига келтиргандай воқиф бўлди: у столда ўтирипти, олдида пролетариатнинг ёвуз душмани ётипти ва у, Керекеш душман устида туриб қоралов нутқи сўзламоқда.

Белаффининг катта-катта очилган қора кўзларида даҳшат бор эди. Унда уйқудан асар ҳам қолмаган эди.

— Сиз хато қилдингиз ва хато қилаяпсиз, гражданин Белаффи. Сизнинг ғояларингиз ғолиб чиқмади ва ғолиб чиқмайди ҳам. Сиз Венгрияда фақат вақтинча ҳукмронлик қилдингиз. Жаҳон пролетар революцияси галаба қозонади, сизнинг унга қарши фитналарингиз беҳуда.

Керекешнинг за'фарондек юзларида қизил доғлар пайдо бўлди.

— Сизни буёққа топшириқ блан юборишган,— деб сўзида давом этди у.— Ким юборганини билмайман, эҳтимол, итвачча Хорти юборган ёки коммунизмга қарши кураш союзи юборгандир.

Граф бақрайган кўзларини Керекешга тикиб бетоқатлик блан тўлғонди. Белаффининг кўкраги кўтарилиб, оғзида латта блан алланима деб қичқирар ва бу овоз худди чуқур ертўладан чиқаётганга ўхшарди.

— Сизга венгр муҳожирларини топиб, дор остига жўнатиш вазифаси топширилган. Бундан ташқари, яна сиз коммунистик ҳаракатни бостиришда чех реакциясидан ҳам фойдаланмоқчисиз.

Белаффининг кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. Бу кўзлар гўё: «Сра ундай эмас, бу ғоят мудҳиш хатолик!»

деяётгандай бўларди. У жон-жаҳди билан бош чайқаб: «Йўқ, йўқ!» дерди.

— Тонмай кўяқолинг, бизга ҳаммаси ма'лум. Сиз ўлипингиз керак.

Белаффи худди жон талвасасига тушгандай қалтираб кетди... У бошини гиламга уриб, худди қутурган хайвондай бўкирарди. Унинг кўзлари гўё «Оғзимни бўшатинг, мен сизга ҳаммасини тушунтираман! Бу ерда хато бўлаяпти, даҳшатли хато рўй бераяпти! Ахир, сўзлашга имкон беринг, бўшатинг мени, бўшатсангиз-чи!» деб қичқираётгандай бўларди.

Керекеш энгашиб, икки бармоғи билан унинг бурнини қисди.

— Сиз жуда шовқин-сурон қилаяпсиз, граф. Бас қилинг, бўлмаса ҳозир бўғиб ўлдираман.

Керекеш графнинг бурнини қўйиб юбориб, яна стулга ўтирди.

— Мен ҳарҳолда, сизнинг нима учун бу аҳволга тушганингизни дурустроқ тушунтиришни истар эдим. Сиз мени мутлақо оддий бир қароқчи ёки қотил деб тушунманг. Сиз ўзингизнинг илгариги ёвузликларингиз учун эмас, балки революцияга қарши янгидан жиноятлар қилмаслик учун ўлаяпсиз.

Граф жон-жаҳди билан бўкирар, оёқларини букиб, бошини полга уриб тилирчилар, гавдасини кўтариб-кўтариб ташларди. У, худди кушхонада сўйилаётган молдай бўкирарди. Керекеш унинг устига ўзини ташлаб, томоғидан хип бўғиб гиламга босди. Революционернинг овози шу пайтгача вазмин ва болтанинг дамидай совуқ эди, энди эса зўр даҳшат билан алангаланди:

— Сен аблаҳ, бизни ўлимга қўйдай бошини тутиб беради, деб ўйлаганмидинг? Сен, итватча, бизларни, ўзини ҳимоя қилмайди, деб ўйлаганмидинг?

У, қўлига болтани олди.

— Харом ўл, чўчқа!

Керекеш графнинг бошига гиламнинг бир учини ёпиб, ўлдирди, кейин ҳорғинлик билан қаддини ростлади-да, ҳали илиққина турган ўринга чўзилиб, бирнеча минут кўзларини юмиб ётди. Кейин ўрнидан туриб, мрамор умивальник олдига келди ва бир вақтлар Темешвардаги металлургия заводида ишдан сўнг ювингандай, совуланган мочалка билан юз-қўлларини тозалаб ювди. Шу

дан сўнг у сесканмай қон ҳалқобидан ўтиб эшик олдида ташқарига қулоқ солди. Коридор жим-жит эди. Керекеш эшикни очиб, коридорга чиқди...

Қаршидан бир одам унга қараб келарди. Бу одам узун бўйли, чекка соқоли қопқора сақичдай, спортча костюм кийган эди. У Керекешдан уч қадамча нарида бўлиб, Белаффининг хонасига қараб келарди.

Керекешнинг юраги шув этиб кетди. У ичида «Иш чатоқ!» — деди-ю, лекин шошилмасдан эшикни ёпиб, кўк гилам поёндоздан зина тарафга бемалол юриб кетаверди. «Энди нима бўлса, бўлаверсин, — деди кўнглида. — Иш битди. Яна, мени суд қиладиган бўлсалар, бу судни Венгрия контрреволюцияси устидан бўладиган судга айлантириб юборайки, бу жаҳонда мисли кўрилмаган суд бўлсин!»

Ҳалиги нома'лум киши Белаффининг эшигини бир-икки тақиллатиб, кейин эшикни очиб кириб кетди; Керекеш коридорда кетаётиб буни эшитди.

Шу он жуда ғалати аҳвол юз берди — мутлақо Керекешнинг кутганича бўлмади. «Ёрдам беринг!» деган шовқин ҳам бўлмади, меҳмонхонада тревога ҳам кўтарилмади.

16-йчи хонанинг эшиги яна ёпилди, Керекеш гиламдан шошиб-пишиб келаётган оёқ товушини эшитди. Лекин орқадан ҳечким келиб уни тутгани йўқ, унга ҳечким: «Қотил!» деб бақиргани ҳам йўқ. Спортча костюм кийган одам тез унинг ёнидан ўтиб, пастга тушиб кетди. Керекеш зинанинг муюлишига келганда, швейцарнинг бир одам блан сўрашиб, унга тикилиб қолганини кўрди. Нотаниш киши айланадиган эшикдан тезгина чиқиб кетди. Керекеш ҳам швейцарнинг олдидан ўтиб, қорра кийимли иккита хоним блан баравар кўчага чиқди. Яна у, кўчада ҳалиги нотаниш кишининг юриб кетаётган трамвайга сакраб чиқиб олганини ҳам кўриб қолди.

Керекеш Жижков томонга жўнади.

Одам ўлдирилгани тўғрисидаги хабар эрталабки газеталардаёқ босилиб чиқди. Есениов кўчасидаги уйда бу ҳодисани ротмистр хотини Қлабанова гапириб берди. Тўғри, у қўни-қўшнилари блан унча иноқ эмасди, лекин бундай ҳодиса тўғрисида гапирмай туриб бўладими!

Анна коридорга сувга чиққанда Қлабанова хоним блан гардеробчи Эндлерни кўриб қолди.

— «Мовий юлдуз» меҳмонхонасида одам ўлдирилганини эшитдингизми?— деб сўради унтер-офицернинг хотини.

Театрга кетишга шошилиб, пайпогининг резинка тасмасини тақаётган Эндлер эса Аннани бошдан-оёқ кўздан кечириб, деди:

— Газетада ёзишларича, у бизнинг республикамизга ёмон ният билан келган экан. Бордию, шундай бўлмаса— қалбаки пул ясовчидир!

— Йўқ,— деди қат'ий равишда унтер-офицернинг хотини.— У жосус бўлса керак, ҳа, ишонаверинг!

Тоник овқат вақтидаги танаффусда тамаки дўконидан эрталабки газетани олиб, кўчадаёқ очиб кўрди. Брок у, ахборотни неча қайта ўқиса ҳам ҳечнарсга тушунаолмади. Фақат бир нарса аниқ эди: полиция ўртоқ Керекешнинг изига тушган. Тоникнинг мияси қотди. У завод ошхонасида ўтирар, суяқ ош ҳам томоғидан ўтмасди, ҳаминиша уйдан олиб келадиган бир бурда нон ҳам қандай келган бўлса шундайлигича қолди.

Овқатдан сўнг Тоник яна ўзининг қумлоқ чуқурчасига тушиб ишлади. Соат учдан ошди. Атрофда иш қайнарди. Қуюв цехида бутун полни бир метрча чуқурликда қум босиб ётипти; окопдаги сингари унда ҳам формовшиклар ерни ўйиб, истеҳкомга ўхшаш бир нарса ва болалар ясайдиган ўйинчоққа ўхшаган уйчалар қуришаяпти. Эритилган металл шувёққа оқиб тушиб совийди ва машина деталига — маховик ёки станина'га айланади. Тоник ўз формаси атрофини текислаб қумни намлаб, пойдеворни мустаҳкамлаш учун формага узун сим тиркагичлар қўқарди. Брок у, бутун эс-ҳушини бошига йиғаолмас, қўли ишга бормас, дамба-дам соатга қараб металл эритмасини кутарди, чунки шундан кейин уйга кетиш мумкин эди. Унинг бутун хаёли Шандор Керекеш билан банд эди.

«Ческе слово»² газетасидаги ахборот жуда ғалати эди:

«МОВИЙ ЮЛДУЗ» МЕҲМОНХОНАСИДА ОДАМ ЎЛДИРИШ

Газета чиқиш олдидан қуйидаги ахборот олинди. Бугун эрталаб, Пршикопдаги «Мовий юлдуз» меҳмонхонасида мудҳиш ҳодиса содир бўлган; Ганноверли фабрикант Густав Бреуэр ўлдирилган.

¹ Станина — машина ёки станокнинг мустаҳкам қилиб ўрнатилган таги, пойдевори.

² «Ческе слово» — Чехословакияда ўнг буржуазия газетаси.

Эрталаб соат тўққизда меҳмонхона ходимаси Бреуэр турган хона-нинг эшигини тақиллатади. Жавоб бўлмагач, у номерга киради-да, хонада яшовчи одамнинг полда қонга беланиб ётган ҳолда кўради. Ўлдирилган одам пижамада экан. Ўлдирилган одам ёнида қалта сопи болта ётипти. Ўликнинг бошига гилам ёпиб қўйилган; чамаси, қотил ўзига қон сачрамасин учун шу гилам ўстидан урган. Суд — медицина экспертизасининг хулосасига кўра, бу ҳодиса эрталаб соат етти яримларга яқин содир бўлган. Бу ҳодисанинг сабаби номаълум, чунки ўлдирилган кишига қарашли мол-мулкларга қўл тегизилмаган. Шунга қарамасдан, полиция қотилини излашга тушди. Уни тутишда меҳмонхона швейцари Иозеф Мюллернинг маълумоти ёрдам беради; швейцар қотиллардан бирини кўрган ва унинг афти-ангорини батафсил тасвирлаб берди. Қотиллиқни текшириш иши тажрибали терговчи, полиция комиссари Бубникка топширилди. Қатл этилган кишининг нарсалар ичидан топилган далилларига кўра, у бизнинг мамлакатимизга қора ният билан келган. Эҳтимол, бу ҳодисанинг сирли сабабларини ҳам худди мана шу нуқтаний назардан излашга тўғри келар.

Шундай қилиб, газета ахбороти лўнда қилиб айтилган-у, лекин кишини жуда ўйлатиб қўяр эди. Тоник бу ахборотни такрор-такрор ўқийвериб, ёд қилиб юборди. Лекин бу блан ҳодисани ҳеч аниқ тушунаолмади.

Ганноверли фабрикант Густав Бреуэр? Бу қанақаси! Балки Керекеш янглишиб бошқа одамни ўлдириб қўйганими? Ёки бу ҳақиқий Густав Бреуэр бўлмай, Имре Бенциффи шу ном блан яшириниб юриптимикин? Меҳмонхона швейцари Керекешни кўриб қолипти, ҳатто унинг шиффасини мукаммал тасвирлаб ҳам берипти. Полиция центр ўртоқнинг изига тушипти!.. Тоник ўз спецовкаси билан Анна тўғрисида ўйлаб қолди.

— Бугун нима учундир рангинг ўчган, Кроусский; олтимсан ишқилиб— деди қум формани намлаш учун цехда сув олиб келаётган кекса қора ишчи Блажек; Тоник эса гўё беҳос уйқудан уйғониб кетгандай ўзини цехов цехида кўрди, теварак-атрофи металл, қум, тепада цеховқин солиб кўтарма кран ишлаб турипти. Мана, рангинг нариги бошида мастер вагранканинг¹ лой қоп-пини очиб юбор, деб ишора қилаяпти. Тоник эса шу оқда қум чуқурда чўққайиб, ҳечқандай мақсадсиз, қуюв-рмасининг қиррасини бел блан сийлаб ўтирарди. . .

У, Блажекнинг гапига жавоб ҳам бермади, лекин билиб тушди-да, ўз асбобларининг шу қадар бўшашиб қолгани учун ўзидан ранжиди.

¹ Вагранка — чўян ва рангдор металллар эритадиган печка.

Вагранкадан ўт ёлқини худди ярадор бўлган одамнинг қони сингари варақлаб оқар эди.

Тарновдан тушаётган оқ пушти рангли қуюқ металл эритмаси қумни ва ишчиларнинг рангини ялтиратиб юборар эди. Қуючилар печка олдида иккитадан бўлиб бориб, узун сопли чўмични тарновга тутадилар. Учқун сачратиб турган металл эритмаси блан чўмичлар тўлиб турипти. Қуючилар уни олиб бориб қум формаларга қуймоқдалар. Бугун цех ярқираб, иссиқ ҳавони заҳардай аччиқ ҳид босиб кетган эди.

Иш куни тугай деб қолди. Мана ҳозир нариги цехда Симменс печларидаги эритмани олишарди-ю, шу блан қарабсанки, гудок чалинади.

Мана, ниҳоят гудок ҳам эшитилди.

Тоник ғириллаганча кийим-бошлар турадиган шкафга борди, ҳатто ювиниб ҳам ўтирмай, кўк спецовкаси устидан костюм кийиб, кўчага югурди. Фақат йўлда ўртоқларидан бирортаси тутиб қолмаса бас. У киоскадан кечки газетани олди-да, тоққа, Қбелига қараб жўнади. Тоник заводдан бироз нарироқ боргач, йўл-йўлакай газетани очди.

«МОВИЙ ЮЛДУЗ» ДАГИ ҚОТИЛНИНГ ҚАМОҚҚА ОЛИНИШИ

Тоникнинг юраги тез-тез уриб кетди. Демак, қотил тутилипти-да! Тоник ўртоқ Керекешнинг исмини ахтариб. газета саҳифаларидаги ҳамма устунларни кўздан кечириб чиқди.

Кичкина сарлавҳада «Қотил тутилди», дейилади. Тоник айрим сўзларнигина ўқиб, сатрларни кўздан кечиради:

Милан Иванович... меҳмонхона швейцарига... қуйдагиларни кўрсатди... Обер-кельнер ва ходималар блан... Радотин станциясида... қотилни қамоққа олиш... Полиция комиссари Бубник... йиғирма тўққиз ёшли Милан Иванович...

Тоникнинг назари сатрлар устида учди.

Аҳа, мана «Қотилнинг сўроқ қилиниши!»

Иванович... айтди... Густав Бреузэрни танимайман ва бу одам тўғрисида умримда ҳечнарсга эшитган эмасман... Нотаниш бир фотиҳанинг квартирасида... Ивановичнинг юки...

Унинг ахтараётган нарсаси бу ерда йўқ! Тоник жонжаҳди блан пастдаги сатрга қарайди:

Милан Иванович... бирнеча гувоҳлар блан...

— Оббо! Бу ерда аллақандай Милан Иованович нима қилиб юрипти?!

Тоник хабарнинг охирига қаради:

... У берган гувоҳлигида қаттиқ турипти... Тергов давом этмоқда. Бу сенсацион одам ўлдириш ҳақида газетамизнинг эртага эрталабки сонида батафсил ахборот берамиз.

Бори шуми? Бўлди! Керекеш ҳақида ҳеч гап йўқ!

Тоник «Қотил тутилди» деган кичик сарлавҳага яна бир марта қараб қўйди:

Радотин... вокзал... полиция участкаси... Қамоққа олинган қотил загребли йигирма тўққиз яшар Милан Иованович экан.

Бу қанақаси бўлди?

Қамоққа олинган қотил загребли йигирма тўққиз яшар Милан Иованович экан, бу Прага полициясига жуда таниqliк одам, халқ аро авантюрист сифатида бирнеча марта суд қилинган.

— Бу нимаси? Нега Милан Иованович?

Тоникнинг юраги гурсиллаб уриб кетди. У шошиб-пишиб шу жумлага яна бир бор кўз югуртириб чиқди. Ҳа, «Милан Иованович» деб ёзилган, ҳечқандай шакл-шубҳа йўқ.

Тоник кўзларини катта-катта очиб кўча ўртасида тўхтаб қолди. Кейин газетани буклаб чўнтакка тикди-да, югурганча шаҳар четига қараб йўл олди; у ялангликдан ўтиб юқорига, Кбелига жўнади. У нарироққа бориб, уватга бурилди-да, ерга ўтирди, бошоқлар орасига яшириниб яна газета ўқишга тутинди. Аввал «Қотил тутилди» деган сарлавҳани яна бир бор ўқиб чиқиб, кейин қолганларини бир бошдан ўқиш керак.

ХАЛҚАРО ФРИБГАРНИНГ УЯСИДА

Ўлдирилган Густав Бреуэр турган хонани наридан-бери кўздан кечиришнинг ўзи бу ишда жуда сенсацион бурилиш ясаб юборди. Айғоқчилар дастлаб кичкина чемоданча топдилар. Чемоданчадан умумий суммаси ўн минг кронга тенг келадиган икки кронли қалбаки банкнот¹ солинган пакет чиқди. Бу қалбаки пуллар яширин равишда Венгрия ёки Австриядан келтирилган. Полицияга дарҳол шу нарса маълум бўлдики, 16-нчи хонада халқаро миқёсда хавфли ўғри, фрибгар ва иславоthоналарга хотин-қизлар етказиб бериб туручи муттаҳам бир киши турган. Бу уй ўғирлик молларни сақлай-

¹ Банкнот — Банк томонидан чиқариладиган процентсиз кредит билети, муомилада пул ўрнида юради.

диган омборхонага айлантирилган: бу ердан икки юз беш минг крондан ортиқ Чехословакия ва ажнабий валюталар — марка, доллар, фунт стерлинг ва Голландия гульденлари топилди.

Ундан кейин яна эркаклар тақадиган бешта, аёллар тақадиган иккита олтин соат, иккита олтин портсигар, катта-катта бешта бриллиант, аёллар тутадиган кичкина қумуш сумка топилди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси киссабурларнинг ўлжаси бўлса керак. Ҳозир битта соатнинг эгаси топилди. Бошқа даъвогарларнинг полиция бошқармасига келишлари таклиф этилади.

Бундан ташқари, Бреуэрнинг хонасидан бирталай фотосурат ва хатлар топилди; ҳужжатлар унинг Яқин Шарқ мамлакатларидаги иславоthоналар учун фоҳиша хотинлар тўплаш билан шуғулланганидан далолат беради.

Ўлдирилган одам шубҳасиз, халқаро миқёсда хавфли жиноятчилардан бири бўлган. Шуниси ажабланарлики, афтидан, унинг ҳужжатлари бут, жойида бўлган ва полиция альбомларида унинг фотосурати йўқ, Прага полицияси бу иш бўйича Ганновер маъмурлари билан алоқа боғлади.

ОДАМ ЎЛДИРИШНИНГ СИРЛИ САБАБИ

«Мовий юлдуз»даги одам ўлдиришнинг сабабларини аниқлаш учун зўр тегиририлишига қарамай, ҳали бунинг сирли томонлари жуда кўп. Бу ишда бирнеча шарт-шароитлар диққатни жалб этади: биринчидан, Бреуэрнинг нақд пуллари ва қимматбаҳо ҳужжатлари яширилган бўлмаса ҳам, ўғирланмаган; иккинчидан, ўлдирилган кишининг оёқ-қўллари чамбарчас боғланган; учинчидан Бреуэр полда, эшик тагида, пижама кийиб ётипти.

Шундай қилиб, баъзибир асосларга кўра, қотилликни қўйидагича тасаввур этиш мумкин:

Бреуэр жиноятчилар тўдасининг иштирокчиси бўлган. Бугун эрталаб шу тўданинг аъзоларидан бири унинг эшигини тақиллатган ва Бреуэр келучининг овозидан ёки шартли белгисидан билиб, эшикни очган. Қотил бирдан унга ҳужум қилиб, оёқ-қўлини боғлаб, оғзига латта тиққан. Нима учун? Бу нарса ҳозирча номаълум. Эҳтимол, таҳдид ва қийнаш йўли билан бирор сир олиш, ёхуд қотил учун қимматли ёнги уни шарманда қилиб қўядиган бирор ҳужжат ёки буюمنى тортиб олиш кўзда тутилгандир. Бўлмаса қотил ўз қурбонининг нега бирдан ўлдириб қўяқолмай, унинг оёқ-қўллари билан боғлайди? Балки бу қотиллик шарқ одатига кўра қасос олиш усулидир? Эҳтимол, бу ҳодиса бирорта хотинни ўғирлаш билан боғлиқдир. Лекин бу гапларнинг ҳаммаси тахмин, албатта. Полиция текширишлари ва Милан Иовановичнинг терговда айтганлари бу саволларнинг ҳаммасига жавоб берад деб умид қиламиз.

ҚОТИЛ ТУТИЛДИ

Биз юқорида эслатиб ўтганимиздек, қотил куннинг биринчи ярмидаёқ тутилган. «Мовий юлдуз» меҳмонхонасининг дарвозабони Йозеф Мюллернинг гувоҳлиги полицияга катта ёрдам берди. У, полицияга ва бизнинг мухбирларимизга қўйидагиларни айтиб берди: «Соат йигирма уч минути кам саккизда бир одам зинадан пастига тушиб келаётганини кўрдим; у киши беш минутча илгари иккинчи қаватга чиқиб кетган эди. Унинг эғнида спортча қилиб тикилган

кулранг костюм, оёғида сариқ гетр ва бошида катак-катак кепкаси бор эди. Кўринишидан, у одамнинг ёши ўттизларга борган, чекка соқоли тим қора, кўзлари қора, умуман ташқи қиёфаси худди яҳудийларнинг ўзи эди (Милан Иовановичнинг миллати серб). Мен, ёзув столи орқасидаги девор соатга диққат блан қараб қўйдим, чунки бу одам диққатимни ўзига жалб этган эди. Утган ҳафта пайнибада менинг дам олиш куним эди, ошнам обер-кельнер Иозеф К. ва Павла Ш. ҳамда Иозефа Р. деган қизлар блан бирга ўйнаб келиш учун «Сектпавильон» сайргоҳига бордим. Биз у ерга соат иккилардан ошганда етиб бордик. Ложалардан бирида тўртта эркак ва бир-неча ўртаҳол хонимлардан иборат компания ўтирган эди. Улар қизини диққатимизни жалб этишди, чунки улар қаттиқ шов-шув қилишар ва бекордан-бекорга пулларини совуришарди. Бу улфатлар «Иоммери» маркали шампанскоедан ичишар ва ора-чора лўлилар оркестрини ҳам вино блан зиёфат қилишарди. Улар жуда кўп пул харажат қилишди, менинг чамамда, олти-етти мянг сарфлашди. Мапа шу улфатлар орасида ўша ўлдирилган Густав Бреуэр ҳам бор эди; у, ўша вақтда бизнинг меҳмонхонада турарди, шунинг учун ҳам мен уни танирдим. Шу улфатлар орасида, бугун эрталаб соат етти яримлардан кейин зинадан тушиб келган киши ҳам бор эди. Бу ерда ҳечқанақа хатолик бўлиши мумкин эмас, чунки, барвақт меҳмонларнинг бирортаси ҳам меҳмонхонага киргани ҳам, ундан чиққани ҳам йўқ. Фақат меҳмонхона ходимлари блан чердакда ишлайётган тунукачиларгина зинадан чиқиб-тушиб юришган эди. Катта станциялардаги поездлар эрталаб соат еттигача жўнаб кетгани учун, бу пайтларда меҳмонхонада одам сийрак бўлади. Соат етти блан саккиз орасида меҳмонхонадан икки эркак, бир хоним блан қизчаси ва иккита кексароқ хоним чиқиб кетишди; шундан ҳиёл бурунроқ уларнинг ҳаммаси меҳмонхонадаги кофеда нонушта қилиб ўтиришган эди. Яҳудийга ўхшаган, спортча костюмди одам иккинчи қаватга қайвақтда чиқиб қолганини аниқ айтолмайман, чунки шу пайтда мен ҳалнги иккита кекса хонимга гапириб туриб, соатга қараганим йўқ эди. Брок, шуни аниқ биламанки, у одам юқорида тўрт-еки минутгина бўлди, ҳарҳолда кўпи блан чорак соатдан ортиқ бўлаши йўқ».

Полиция бу фавқул'одда қимматга эга бўлган ма'лумотни олгач, дарҳол зўр ғайрат блан текширишга киришди. Прага шаҳари ва таҳар атрофидаги ҳамма полиция участкаларига қотилнинг афтигориини тасвирлаб, уни тутиш ҳақида буйруқ берилди. Вокзаллар оят ҳушёрлик блан назорат қилиб турилди. Эрталаб соат ўн бир-дўқ қотилнинг тутилгани тўғрисида Радотиндан хабар келди; у Арианске Лазнега билет олиб, поезд кутиб турган экан. Полиция комиссари Бубник дарҳол Радотинга бориб маҳбусни Прагага олиб келди ва шу ерда уни сўроқ қилинди. Маҳбус зағребли йигирма ўққиз ёшга кирган Милан Иованович деган киши бўлиб, у халқаро қирибгар сифатида бирнеча марта суд қилинган ва Прага полицияси-а жуда ма'лум одам экан.

ҚОТИЛНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ

Иованович Радотин полициясига ўзини Варшава коммерсанти Макс Ганевский деб ҳужжатлар кўрсатди. Аммо у полицияни алдитаолмади, чунки Прага полицияси альбомида унинг фотосурати

ва бармоқларининг изи бор эди; шулардан яхши билиб олинди. 1917 йилда Прага суди Иовановични қўшмачилик, киссабурилик ва тов-ламачиликда айблаб, уни бир ярим йил қамоққа ҳукм қилган эди. У Прагадаги Панкрац тюрмасида жазо муддатини ўтаб, кейин Юго-славия ҳукуматига топширилган эди.

Иованович бирмунча вақт тониб туриб, кейин ўзини танитди. Броқ у бошқа ҳечнарсани бўйнига олмайди ва одам ўлдиришда ўзини мутлақо қатнашмаган қилиб кўрсатади. Унинг айтишича, бутун эрталаб у «Мовий юлдуз меҳмонхонасида бўлган эмас, ўлдирилган одамни танимайди, «Сектпавильон» сайргоҳи тўғрисида ҳечқандай тасаввурга ҳам эга эмас эмиш. Иованович мана шу сўзида қаттиқ турипти. У кечагина келиб, туннинг биринчи ярмини аллақандай кафедра, кейин эса бир нотаниш бузуқ хотин билан ўтказдим деб, Прагада турган жойини яшираяпти. У Марианске Лазнега нима учун Прага вокзалидан кетмасдан Радотин станциясигача икки соат пиёда юриб бординг, деган сўроққа, тунги маншадан кейин жуда ланж бўлганим учун бироз соф ҳавода юргим келиб қолди, деб жавоб беради. Қамоққа олинганда унинг ёнидан беш минг крондан ортиқроқ пул чиқди. Бирор шубҳали ҳечнарсга топилмади. Иовановичда ҳечқандай юк ҳам йўқ, чамаси юкларини Прагада бирор ерга беркитиб қўйган бўлса керак. Полиция унинг юкларини топиш чорасини кўрди.

СўНГГИ МИНУТДА

Газета чиқиш олдида бизга қуйидагилар маълум бўлди:

Қамоққа олинган Милан Иовановични бугун кундузи бирнеча гувоҳлар билан юзлаштирилди. «Мовий юлдуз» меҳмонхонасининг дарвозабони Иовановични жуда яхши таниди. Бундан ташқари «Сектпавильон»даги кельнер ва обер-кельнер, Павла Ш. деган қиз ва фоҳиша Иозефа Р. лар унинг тунги маншадда қатнашганлигини тасдиқладилар. Мана шу асло рад этиб бўлмайдиган далилларга қарамай, Иованович ўз сўзида қаттиқ турипти. Тергов давом этмокда.

Тоник буларни ўқиб чиққач, бутунлай гангиб қолди. Тоник увотда бўшашиб, пайхон қилинган кўкатларга бепарво текилиб ўтирарди. Икки тарафда кенг буғдойзор ястаниб ётипти.

Милан Иованович, Густав Бреуэр! Ҳеч тушуниб бўлмайди! Ўзи нима гап бўлаяпти? Ўртоқ Керекеш ҳақида, граф Белаффи тўғрисида ҳеч гап йўқ...

Тоник кечки газеталардан яна бирнечтасини кўриб чиқди. Хабарларнинг ҳаммаси бирхил бўлиб, бирорга хабар ҳам бу сирни билиб олишга ёрдам бермади.

Тоник худди оғир меҳнат қаттиқ чарчатгандай аранг ўрнидан туриб, трамвай остановкасига борди. Кеч кирди. Тоник шаҳар марказига — Керекеш ҳар доим газета сотиб ўтирадиган кўчага борди. Броқ венгр у ерда йўқ эди. Тоник уни ён-веридаги муюлишлардан ҳам қидириб

кўрди, тополмади, Керекешнинг туриш жойини эса кўрмаган эди.

У уйга анча кеч қайтди.

Шу вақт ич кийимларга дазмол босиб турган Анна: — Тоник! — деб хитоб қилди қувонч блан. — Уйга келиб кетганмидинг?

— Йўқ.

— Йўқ дейсанми? — ҳайрон бўлди Анна. — Бўлмаса шкафдан спецовкани ким олди?

Тоник қизариб кетди.

— Худо кўрсатмасин, мен аллақандай хаёлларга бориб юрибман-а! — деб гапида давом этди Анна. — Кун бўйи уйдан эшикка чиққаним йўқ, кечқурун бундай қарасам спецовка ошхонадаги столда ётипти. Нима бало, ўври кирдими, дейман. Ҳамма нарса жой-жойида.

— Шу тўғрида гапни бас қилайлик, Анна.

У гапни шу қадар бепарволик блан бўлиб қўйганига Анна ҳайрон бўлиб, ҳатто хижолат ҳам тортди.

Тоник кечки овқатга ўзини мажбур қилиб зўрга ўтирди, Анна унга бир тарелка картошка шўрва келтириб қўйди. Броқ унинг ҳеч овқат егиси келмасди, қошиқни шундай тарелкага қўяқолди.

— Хафа бўлмайсан, Анна. Шўрва жуда ширин бўлипти, лекин ичолмайман.

Анна ташвишланиб эрига тикиларди.

— Бирор ҳодиса бўлиб қолдими, Тоничек? — деб сўради у.

— Йўқ, — деб жиддий жавоб берди Тоник, кейин у керосин чироқни ёқиб, стол ёнига ўтирди-да, партиявий ишлар блан шуғулланди. Ишларини тамомлагач, ювиниб, ётишга тайёрлана бошлади. Анна ўрин солди. У чойшаб устидан «Право Лиду» газетасининг кечқурунги сонини олди, газетанинг «Мовий юлдуз» меҳмонхонасида бўлган қотиллик ҳақида хабар босилган саҳифаси чиққ турган эди. Тоник анча хижолат тортди. Нега у бир нарсани унутди, қотиллик тўғрисида уларнинг газетасида ҳам кичкинагина бир хабар босилади, натижада, бу ҳодисадан Анна ҳам хабардор бўлади-ку!

Улар ўринга ётишди, аммо гаплашмай, жимгина ётишаверди. Анна оналарга хос меҳр блан эрининг бошини силаб қўйди. У қишлоқдаги синглиси касал бўлиб, бошига латта ҳўллаб ёпганда худди шундай қиларди.

Тоник қимир этмади.

Анна аллақачон ухлаб қолган эди, Тоник эса ҳамон хлайолмасди. Унинг хаёлидан нуқул одамлар ва турли оқиалар бирма-бир ўтарди. Ганноверли коммерсант, Илан Иованович, Шандор Керекеш, меҳмонхона дарозабони, кельнерлар, бузуқ хотинлар, музикачи лўлилар... Тоник гоҳ ташвиш блан бироз ухлар, гоҳ яна йғониб кетарди.

Эрталаб у ўзини ухлаб ётганга солиб кўзини юмди-ца, Аннанинг сутга кетишини кутди, Анна чиқиб кетиши бланоқ ирғиб ўридан турди-ю, апи-шапир кийиниб, газета олиб келгани югурди. У «Ческе слово» газетасини олиб йўл-йўлакай ўқиб келди, қолган қисмини эса уйга келгач, столга ўтириб ўқиди.

«МОВИЙ ЮЛДУЗ» ДА БЎЛГАН ОДАМ ҲАМ ҲАМ ТЎҒРИСИДАГИ ИШДА СЕНСАЦИОН ЎЗГАРИШ

Кеча кечқурун, «Мовий юлдуз» меҳмонхонасидаги одам ўлдириш ишида сенсацион ўзгариш юз берди. Қамоққа олинган Милан Иованович ба'зи нарсаларни э'тироф қилди. Тўғри, у, одам ўлдиришда ўз иштирокини бутунлай рад қилаяпти-ку, лекин полиция бу ишда унинг қўли борлигига ҳеч шубҳа қилмайди. Унинг берган сўроғига кўра, кеча кечқурун ва тунда Прагада кўп одам қамоққа олинди. Халқаро миқ'ёсдаги ўғрилар тўдасининг катта бир қисми: киссабурлар, қўшмачилар ва бирнеча қаллоблар ҳозир тюрмада ўтирипти. Қолганларини мамлакатнинг ғарбий қисмидаги курортлардан қидирилимоқда; олинган ма'лумотларга кўра, бу ўғрилар ўша ёқларга кетишга отланиб турган эканлар. Шунингдек, Иовановичнинг терговда берган ма'лумотларига кўра, ўлдирилган одамнинг ким экани ҳам аниқланди. У, собиқ ганвед офицери граф Эмерих Белаффи (Имре Белаффи) деган киши бўлиб, Венгрияда машҳур аристократик оиладан экан. Ўғрилар тўдасининг а'золари сохта ҳужжатлар ва қалбаки номлардан фойдаланганлар, шу жумладан ўзини Густав Бреуэр деб юрган Имре Белаффи ҳам шундай қилган. Жабр кўрган кишилардан бирнечаси ҳозир полицияга келди. Қотилнинг чемодани ҳам топилди, унда Иовановични фош қиладиган нарсалар бор. Полицияга бу чемоданнинг «Гарни» меҳмонхонасининг дарвозабони келтириб берди; дарвозабон қотилнинг афти-башарасини газета ахборотидан ўқиб, таниб қолипти. Маҳбус янги далилларнинг та'сири остида ба'зибир нарсаларни қисман иқдор қилди.

ҚОТИЛНИНГ НАҚЛИ

Иованович полицияни қуйидаги фантастик нақлга ишонтиришга уринмоқда. Кеча эрталаб у сохта Бреуэрга, я'ни Эмерих Белаффига гўё киссабурлар тўплаган навбатдаги ўлжаларни элтиб

Берини ва қўшмачилик блан шуғулланадиган аллақандай бир «хоним»нинг топширигини айтиш учун меҳмонхонага борган. Тўғри, ўғрилар тўдасининг а'золарига меҳмонхонада Белаффи ҳузурига бориши ман' этилган эди, лекин Иованович бунга жур'ат этган, чунки у тезда жўнаб кетиш тўғрисида Марианске Лазнедан буйруқ олган. У Белаффи турган хонага яқин борган пайтда, уёқдан бир одам чиққан эмиш, Иованович уни хонада бирор иш қилаётгани ишчи деб ўйлапти. Иованович бу одамнинг ташқи қиёфасини аниқ тасвирлаб беролмайди, лекин фақат эсида қолгани шуки, у ўрта бўйли, касалманд, тахминан эллик беш ёшларга кирган одам эмиш. Иованович хонага кирганда, граф қонга беланиб ётган экан. У шов-шув кўтармоқчи бўлган-у, лекин бу иш ўзимни ва шайканинг бошқа а'золарини хавф остида қолдиради, деб қўрққан. Шунинг учун ҳам у тезроқ қочиб кетишга шошилган. У қотилга зинада етиб олган, лекин ўзи зўр ҳаяжон ва қочини тўғрисидаги хаёл блан банд бўлгани учун, ҳатто унинг башарасига ҳам қарамаган.

Бу фантастик нақлга ҳечким ишонмаслиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Уша кунни меҳмонхонада ишлаётган туруқчилар ҳам сўроқ қилинди ва уларни Иованович блан юзлаштирилди. Иованович уларнинг ҳечқайсисини танимади. Уларнинг ҳаммаси соф кишилар ва айбдор эмасликларига шак-шубҳа йўқ.

МА'НАВИЙ БУЗИЛГАН АРИСТОКРАТ

Ўлдирилган граф Эмерих Белаффи тўғрисида Иованович қўйидагиларни айтди. Белаффи Венгрия тарихида шуҳрат қозонган аристократлар наслидандир. У, Будапештда ўзининг дабдабали ҳаёти блан машҳур эди ва бу ҳаёти туфайли оиласида тез-тез жанжал чиқиб турарди. Уруш вақтида Белаффи гонвед полкида обер-лейтенант бўлиб, большевиклар ис'ён кўтарган кунларда Руминияга қочиб кетган, кейин у Хорти ҳукумати даврида яна армияга қайтиб келган. Иованович Белаффини ҳарбий хизматда юрган чоғларидан бўён билади, Белаффи жуда маккор, қаллоб одам экан. Иованович ҳам шу иш блан шуғулланган; тезда улар топишиб олишади. Ўтган йили кузда Белаффи ўн минг долларга яқин (чехословак пулида тахминан бир миллион крон) пулни сарфлаб қўйган, буни Белаффининг бошлиқлари билиб қолишади. Графнинг оиласи унинг қарзини тўлаб, ишчи бости-бости қилиб юборади ва шунинг учун ҳам у судга берилмайди, броқ граф полкни ташлаб, четёлга қочиб кетишга мажбур бўлади. У Иованович блан алоқада эди, улар иккаласи биргаликда Варшавага ўтиб, ўша ерда қиморвозлик ва қўшмачилик блан шуғулланишади. Вақтлар ўтиши блан улар бирнеча шу хилдаги одамлар блан танишиб олиб, шайка тузишади ва бу шайка а'золари Варшава, Бухарест, Вена, Прага ва Ғарбий Чехия курортларида иш кўради. Белаффи ана шу шайканинг бошлиғи ва хазиначиси бўлиб бошқа а'золарининг ҳаммаси унга итоат қиларкан ..

Тоник мана шу ергача ўқиб келиб, ҳатто туфлаб юборди.

— Эҳ, қандай тентаклик, қандай хато! — деб гўнғиллади қовоғини солиб.

Анна дўкондан қайтди. Тоник ўрнидан туриб, ғазаб блан уй ичида кезабошлади.

— Қандай аблаҳлик... Қандай тентаклик, Анна! Бир арзимас, палид одамни шунчалар мақташ-а!

— Ўзи нима гап, Тоничек? — деб сўради Анна, у Тоникнинг жаҳли чиқаяпти, демак, энди ортиқча диққат бўлмайди, деб хурсанд бўлди.

Тоник қўл силтади.

Тоник нонушта қилгач, «Ческе слово» газетасини олиб, ишга кетди. Кўп ўтмай газетачи хотин «Право Лиду» газетасининг янги сонини олиб келди. Анна квартирани йиғиштириб, коридорда қўшни хотинлар блан саломлашди-да, газетани қўлига олди. Анна газетага қарашли блан биринчи бетдаги «Мана, Венгрия контрреволюционерлари қандай одамлар!» деган сарлавҳага кўзи тушди. Бу мақолада граф Имре Белаффи ва «Мовий юлдуз» меҳмонхонаси ҳақида ёзилган эди. Анна бирдан Шандор Керекеш ва унинг ўтган кунги ғалати визитини эслади. Яна Тоникнинг спецовкаси сирли равишда пайдо бўлиб қолиши эсига тушди-да, бу ишларда қандайдир робита борлигини пайқади. Аннанинг хаёлига ҳар турли ваҳималар келаверди. Унинг юраги сиқилиб, кўзларида қўрқув аломатлари акс этди; шундай хаёллар блан мияси ғовлаб кетди.

Кун ғоят узайиб кетгандай бўлди. Аннанинг қўли ишга бормас, вақтни қандай қилиб ўтказишини билмасди. Ба'зан у, эҳтимол Тоник ўшанда кун бўйи заводда қолиб кетгандир, деган хаёл блан ўзига-ўзи тасалли бериб қўярди... Лекин бу фақат тусмол, холос... ундан кейин ўша куни у уйга кеч қайтди, кайфи ҳам бузуқ эди, туз тотмади... Ҳа, бунинг устига спецовка масаласи. Эрталаб Тоник палид одам тўғрисида нималар деди? Аннанинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Анна тушда кўмир яшикка ўтириб бир-икки қошиқ шўрва ичишга уриниб кўрди-ю, лекин томоғидан ўтмади.

Коридордан қўшни хотинларнинг туфлиларининг тапир-тупири, сув олиши, идиш-оёқнинг тақирлатишлари эшитиларди. Анна бирор одам блан учрашиб қолишдан қўрқиб ташқарига чиқмади. Унинг умрида ҳеч маҳал вақт шу қадар секин ўтмаган эди.

Тоник уйга кеч, соат тўққизларга яқин қайтди. У, ишдан кейин шаҳардаги одатда газета сотучилар турадиган

барча чорраҳалар, вокзалларни айланиб чиқди, ўртоғи Керекешни бекорга ахтарди; кейин мажлисга жўнади.

Ниҳоят, Тоник ҳамма ишларидан қутилиб уйга қайтиб келган пайтда, асаблари бузилиб, энди меровсираб қолган Анна яна ташвишланабошлади, лекин қоронғида Тоник буни пайқамасди. У, хотиржам келиб, Аннани қучоқлаб ўпди-да, меҳрибонлик билан «Хўш, Анна, аҳволларинг қалай? Нима янгиликлар бор?» деб сўради. Кейин ўзи чироқни ёқиб, ишгажа билан овқатланди.

Тоникнинг хотиржамлигини кўргач, Анна ўзини ўн уч соат давомида қийнаб келган масала тўғрисида унга савол беришга ботинаолмади.

Ниҳоят, кечаси, эр-хотин ёнма-ён ётишганда, зўр ички курашлар ва тараддудлардан кейин у ўзини босиб, тирсасига ёнбошлаб олди-да, эрининг устига энгашиб шивирлади:

— Уни сен ўлдирмаганмисан, Тоничек?

Тоник дастлаб довдираб қолдию, кейин зарда билан жавоб берди:

— Нима, сен унга ачинаяпсанми?

Анна қўрқиб кетди-да, тағин кўкка қараб ётиб олди. Унинг юраги дукиллаб уриб кетди.

Узоқ сукутдан сўнг Тоник юмшоққина жавоб берди:

— Йўқ, уни мен ўлдирганим йўқ.

Аннанинг юрак ўйноғиси босилди. У кўзларини катта очиб, шифтга термулиб ётарди.

— Бордию, мен ўлдирган бўлсам, мендан кўнглинг қолармиди? — деди Тоник секингина.

Анна унинг елкасига бошини қўйиб, бир нафас жим ётди, кейин эрининг бўйнидан ўпиб, шивирлади:

— Йўқ. Лекин, эҳтимол сендан биров чўчиб қолардим. Сенга ҳечқандай хавф-хатар йўқми, Тоничек?

Анна унинг бош чайқаганини сизди ва яна ўртага жимлик чўқди, фақат будильник соатнинг чиқиллаши эшитиларди.

— Мана бу тентакликни қара, Анна: бир палид одамга шунчалик юксак баҳо бериш-а!

Хоин

Тоник бутун Прагани айланиб Шандор Керекешни ахтарди. У газета сотувчилардан суриштирди. Смихов яшшаводларига борди, Жижковдаги омборхоналар, Голешо-

вицидаги бутун ҳовлиларга бирма-бир кириб — ўртоқ Керекешни қаерда тунади деб эшитган бўлса, ҳаммасига бориб кўрди. Броқ венгр ҳечқаерда йўқ эди. Тоник баттар хавотирланди. Тоник бу ишда ўз мас'улиятини сезарди. Борди-ю, афтидан, ҳақиқатга яқин бўлган Иовановичнинг айтган гапларига ишониб қолса-чи? Борди-ю, Керекеш иқрор бўлса-чи? Эҳтимол, у аллақачон қамалиб, иқрор ҳам бўлгандир? Бу қотилликни венгр революционери қилгани нега ҳалигача ҳечкимнинг хаёлига келмайди? Ахир «Право Лиду»нинг ўзи беихтиёр ўқучиларда шу фикрни туғдириб қўйди-ку.

Партия манфаатлари хавф остида, иш ниҳоятда жиддийлашиб кетди, эндиликда бу ҳақда жим туриш мумкин эмасди.

Тоник Яндак блан гаплашмоқчи бўлди. Депутат редакциядан ҳам, партия секретариатидан ҳам топилмади, ниҳоят, Тоник унинг уйига жўнади. Яндакнинг кабинети Тоникни бироз ҳайратда қолдирди, чунки Қольбен заводининг қўючиси давлатманд одамларни беихтиёр ёмон кўрарди. Бу кабинет ёруғ, ҳашамдор жиҳозлар блан безатилган бўлиб, катта кутубхонаси ҳам бор эди. Езув столи устида Лениннинг портрети осилган эди.

Яндак Тоникни чарм креслога ўтқазиб, унга папирос узатди. Тоник рад қилди, у чекмасди.

— Мен бир тентаклик қилиб қўйдим, — деди у. Тоникнинг бундай шароитда гапириши қийин эди, шунинг учун қовоғини солди.

— Сен тентаклик қилдингми? Қани гапириб бер, ўртоқ Кроусский.

Тоник Шандор Керекешнинг тарихини гапириб берди. Яндак гарданини қашиб, бурнини жийирди.

— Оббо! Балки, бу ишларнинг оқибати яхши бўлиб кетар.

Тоник бошқача жавоб кутган эди. Яндакнинг бу қадар енгилтак тон блан гапириши унга сра ёқмади. Иккаласи ҳам бир-бирининг кўзларига тикилиб қолишди. Тоник қовоғини осилтириб ўжарлик блан, депутат эса хаёлчанлик блан тикиларди.

— Нима қилиш кераклиги тўғрисида бирор фикринг борми? — деди правардида Яндак.

— Бор. Мени партиядан ўчириш керак, — деди Тоник рангги ўчиб.

— Нега?

— Нега экани ма'лум,— деди Тоник ҳаяжондан овози титраб.— Агар мени шу иш бўйича қамоққа олишадиган бўлса, айбнома мендан кўра кўпроқ партияга қарши қўйилган бўлади. Шубҳасиз бу одам ўлдиришни халққа қароқчилик мақсадида қилинган деб тушунтирилади. Бирор воқиа рўй бермайтуриб, мени партиядан ўчиришлар, мабодо қамалиб қолгудай бўлсам, партия а'зоси сифатида қамашмасин.

Депутат ўз меҳмонига эҳтиром блан қаради. Унинг қарашларида ҳурматдан кўра кўпроқ меҳр-муҳаббат бор эди. Яндак бу одам учун партия нима эканини, пролетар шон-шарафи нима эканини ва у ўзини қандай қурбон қилаётганини биларди.

— Сени партиядан ўчиришга бизда сабаб йўқ,— деди Яндак юмшоққина қилиб.

— Мен ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрдим. Бизнинг ташкилотда а'золик бадалини мен йиғаман. Мен партиянинг пулини сарфлаб қўйган бўламан.

Тоник зўрға тупугини ютди.

— Йўқ, Тоник, бу иш ярамайди. Бирнеча кундан сўнг очиқ курашлар бошланади, социал-демократик министрлар ишхақини камайтириш тўғрисида буржуазияга розилик бериш ниятидалар. Улар ҳозир партия с'езди чақиришга йўл қўймайдилар, агар с'езд чақирилганда кўпчилик биз томонда бўлиши аниқ. Ҳозирги раҳбарларга партия бюрократларининг фақат бир қисмигина эргашаяпти, лекин улар партия ичида ўн беш процентдан ошмайди. Улар партия ичида ажралишга сабабчи бўладилар ва қизғин курашлар бошланиб кетади. Сен партиянинг анча кўзга кўринган а'золаридансан. Агарда ҳозирги вазиятда Қольбен заводининг партия ташкилотчиси ўртоқ Кроусский растратчи бўлиб чиқса, бу ҳол партия а'зоси ўртоқ Кроусскийнинг венгр контрреволюционерининг ўлимига бўлган узоқ муносабатидан кўра ёмонроқ бўлади. Кескин курашлар арафасида сенинг ўз ихтиёринг блан партия сифидан чиқишинг ҳам партияга мутлақо фойда бермаган бўларди. Имре Белаффининг ишини таваккал қилиб ташлаб қўяверишга тўғри келади. Бу воқияни қаттиқ сир сақла. Мен ҳам сир тутаман.

Тоник қовоғини солиб депутатга бир қараб қўйди-да, шоат ҳосил қилмай, унинг квартирасидан чиқиб кетди.

Милан Иованович ва унинг шайкалари устидан бўладиган суд қутилгандан кўра эртaroқ бўлди. Худди шу пайтда оппозицион газеталар давлатга кўмир етказиб бериш ишида суиисте'молчилик, порахўрликни фош қилиб қолди. Бу ишда кўзга кўринган парламент а'золари шарманда қилинди, суиисте'молчилар орасида ба'зибир министрликларнинг ходимлари ҳам бор эди. Бу воқиа атрофидаги шов-шувлар босилиб қолмасдан туриб, халқнинг диққатини чалғитмоқ керак эди. Иованович ва унинг шериклари устидан бўлган суд саккиз кун давом этди, саксон кишидан ортиқ гувоҳлардан сўралди. Судга тўққиз айбдор тортилган бўлиб, булардан еттитаси эркак ва иккитаси хотин эди; хотинларнинг иккаласи ҳам сап-сарик бўлиб, қош-кўзларини шунақангити чаплаб ташлашган эдики, бу ҳол қовоқхоналарда юрадиган фоҳиша деб қилинган тахминини яққол тасдиқлаб турарди. Умуман бу улфатлар қурама эди, уларнинг томирида венгр, словак, румин, яхудий ва лўлиларнинг қони оқарди. Айбдорлар гоҳ оқсуяклардай одоб сақлашар, гоҳ ўғрилар сингари беодоб бўлиб олишар, лекин улардан бирортаси ҳам бир нафас тинч ўтирмасди. Булар орасида илгари гонвед кадетларидан бўлиб, Белаффи блан бирга тюрмада Шандор Керекешни қийнаган барон, истараси иссиққина Тассилло Ченгери ҳам бор эди.

Милан Иованович қилган ўғриликларининг кўпига иқрор бўлди-ю, лекин қотилликни жуда қаттиқ туриб рад этди. Бу қорачадан келган барваста айбдорнинг ўрнидан туриб, қўлини пахса қилиб:

— Мен турмушда енгил-елпи яшаш йўлига кирдим, лекин қотил эмасман! Мен бундай ишни ҳечқачон қилолмас эдим, бунга сра юратим дов бермайди,— деб хитоб қилган пайти суд процессидаги энг ҳаяжонли дақиқалардан бири бўлди.

Иованович шундай деди-да, асаби кўзгаб йиғлаб юборди. Бу ҳол туҳматга учраган кишининг дод-фар'ёди-ми, ёки шайтонлик ва жанублилар қизиққонлигининг намоёиш қилинишими, тушуниб бўлмасди.

Бошқа ҳамма айбдорлар худди ўз айбини тўла-тўқис бўйнига олган тақдирда жазоси юмшатилишига ишонмайдиган ва фақат рад этиб бўлмайдиган жиноятлари учунгина жазоланишни афзал кўрадиган тажрибали рециди-

вистлар¹ сингари қаттиқ тониб туриб олишди. Милан Иованович далиллар блан Прага, Карлови Вари, Марианске Лазне, Вена, Варшава, Будапешт ва Бухарестда қилинган жиноятларни айтиб бериб, бирин-кетин уларнинг ҳаммасини фош қилиб ташлади. У, шу йўл блан суд маслаҳатчиларининг мурувватига сазовор бўлиш учун бор кучи блан прокурорга ёрдам берарди. Бошқа айбдорлар бу иши учун Иовановични жуда ёмон кўриб қолишди. Улар бу хойнга худди еб қўйгудай бўлиб тикилишар ва ҳатто Иованович блан улар ўртасига махсус соқчи қўйишга тўғри келди, акс ҳолда унга ҳужум қилиб қолган бўлардилар. Нозанин Мария Флореску тишларини ёғжирлатиб, Иовановични руминчалаб ҳақорат қиларди, рост, унга ҳечким тушунмасди-ю, лекин унинг ўт чақнаб турган кўзларидан ва соқчи блан уришиб кетганидан бу жуда ёмон ҳақорат эканини тушуниш мумкин эди. Айбдорни залдан олиб чиқиб кетишди.

Депутат Яндак суд процессини зўр қизиқиш блан кузатиб борарди. У, бу ишларнинг Тоник учун ҳечқандай зарар бермасдан ўтаётганига хурсанд эди. Иовановичга келганда, Яндак: бу муттаҳам дорга осилишга лойиқ деган хулосага келди. Иши бошидан ошиб ётган Яндак, суд процессига ҳар куни келолмасди, албатта, лекин ҳукм чиқариладиган куни вақтида етиб келди. У тўё «бир нафасга» келиб-кетмоқчи бўлди, чунки соат тўрт яримда халқ маорифи министри Габрман блан учрашиши, кечқурун эса, Коширжеда бўладиган митингда нутқ сўзлаши керак эди.

Суд зали ҳаяжонли оломон блан лиқ тўла, матбуот ходимлари ўтирадиган жой ҳам тирбанд, ойналар очиқ бўлса ҳам зал жуда дим эди. Яндак залга кирган пайтда, суд раиси «Мовий юлдуз» меҳмонхонасининг дарвозабони Мюллерни сўроқ қилаётган эди. Тўғри, Мюллер процесснинг иккинчи кунёқ сўроқ қилинган эди, лекин суд давомида баъзи гувоҳларнинг гапларида қарама-қаршилик чиқиб қолди, шунинг учун ҳам маслаҳатчилар ҳукм чиқарилгунча, гувоҳ Мюллернинг яна бир марта сўроқ қилинишини талаб этдилар.

Судда Мюллернинг гувоҳлиги катта аҳамиятга эга эди; у, илгари айтиб ўтган «тўрт ёки беш минут» деган сўз

¹ Рецидивист — такрор жиноят қилучи киши.

Милан Иованович ва унинг шайкалари устидан бўладиган суд кутилгандан кўра эртaroқ бўлди. Худди шу пайтда оппозицион газеталар давлатга кўмир етказиб бериш ишида сунисте'молчилик, порахўрликни фош қилиб қолди. Бу ишда кўзга кўринган парламент а'золари шарманда қилинди, сунисте'молчилар орасида ба'зибир министрликларнинг ходимлари ҳам бор эди. Бу воқиа атрофидаги шов-шувлар босилиб қолмасдан туриб, халқнинг диққатини жалғитмоқ керак эди. Иованович ва унинг шериклари устидан бўлган суд саккиз кун давом этди, саксон кишидан ортиқ гувоҳлардан сўралди. Судга тўққиз айбдор тортилган бўлиб, булардан еттитаси эркак ва иккитаси хотин эди; хотинларнинг иккаласи ҳам сап-сариқ бўлиб, қош-кўзларини шунақангити чаплаб ташлашган эдики, бу ҳол қовоқхоналарда юрадиган фоҳиша деб қилинган тахминни яққол тасдиқлаб турарди. Умуман бу улфатлар қурама эди, уларнинг томирида венгр, словак, румин, яҳудий ва лўлиларнинг қони оқарди. Айбдорлар гоҳ оқсуяклардай одоб сақлашар, гоҳ ўғрилар сингари беодоб бўлиб олишар, лекин улардан бирортаси ҳам бир нафас тинч ўтирмасди. Булар орасида илгари гонвед кадетларидан бўлиб, Белаффи блан бирга тюрмада Шандор Керекешни қийнаган барон, истараси иссиққина Тасилло Ченгери ҳам бор эди.

Милан Иованович қилган ўғриликларининг кўпига иқрор бўлди-ю, лекин қотилликни жуда қаттиқ туриб рад этди. Бу қорачадан келган барваста айбдорнинг ўрнидан туриб, қўлини пахса қилиб:

— Мен турмушда енгил-елпи яшаш йўлига кирдим, лекин қотил эмасман! Мен бундай ишни ҳечқачон қилолмас эдим, бунга сра юратим дов бермайди,— деб хитоб қилган пайти суд процессидаги энг ҳаяжонли дақиқалардан бири бўлди.

Иованович шундай деди-да, асаби кўзгаб йиғлаб юборди. Бу ҳол туҳматга учраган кишининг дод-фар'ёди-ми, ёки шайтонлик ва жанублилар қизиққонлигининг намоиши қилинишими, тушуниб бўлмасди.

Бошқа ҳамма айбдорлар худди ўз айбини тўла-тўқис бўйнига олган тақдирда жазоси юмшатилишига ишонмайдиган ва фақат рад этиб бўлмайдиган жиноятлари учунгина жазоланишни афзал кўрадиган тажрибали рециди-

вистлар¹ сингари қаттиқ тониб туриб олишди. Милан Иованович далиллар блан Прага, Карлови Вари, Марианске Лазне, Вена, Варшава, Будапешт ва Бухарестда қилинган жиноятларни айтиб бериб, бирин-кетин уларнинг ҳаммасини фош қилиб ташлади. У, шу йўл блан суд маслаҳатчиларининг мурувватига сазовор бўлиш учун бор кучи блан прокурорга ёрдам берарди. Бошқа айбдорлар бу иши учун Иовановични жуда ёмон кўриб қолишди. Улар бу хонига худди еб қўйгудай бўлиб тикилишар ва ҳатто Иованович блан улар ўртасига махсус соқчи қўйишга тўғри келди, акс ҳолда унга ҳужум қилиб қолган бўлардилар. Нозанин Мария Флореску тишларини ғижирлатиб, Иовановични руминчалаб ҳақорат қиларди, рост, унга ҳечким тушунмасди-ю, лекин унинг ўт чақнаб турган кўзларидан ва соқчи блан уришиб кетганидан бу жуда ёмон ҳақорат эканини тушуниш мумкин эди. Айбдорни залдан олиб чиқиб кетишди.

Депутат Яндак суд процессини зўр қизиқиш блан кузатиб борарди. У, бу ишларнинг Тоник учун ҳечқандай зарар бермасдан ўтаётганига хурсанд эди. Иовановичга келганда, Яндак: бу муттаҳам дорга осилишга лойиқ деган хулосага келди. Иши бошидан ошиб ётган Яндак, суд процессига ҳар куни келолмасди, албатта, лекин ҳукм чиқариладиган куни вақтида етиб келди. У гўё «бир нафасга» келиб-кетмоқчи бўлди, чунки соат тўрт яримда халқ маорифи министри Габрман блан учрашиши, кечкурун эса, Коширжеда бўладиган митингга нутқ сўзлаши керак эди.

Суд зали ҳаяжонли оломон блан лиқ тўла, матбуот ходимлари ўтирадиган жой ҳам тирбанд, ойналар очиқ бўлса ҳам зал жуда дим эди. Яндак залга кирган пайтда, суд раиси «Мовий юлдуз» меҳмонхонасининг дарвозабони Мюллерни сўроқ қилаётган эди. Тўғри, Мюллер процесснинг иккинчи кунидек сўроқ қилинган эди, лекин суд давомида баъзи гувоҳларнинг гапларида қарама-қаршилик чиқиб қолди, шунинг учун ҳам маслаҳатчилар ҳукм чиқарилгунча, гувоҳ Мюллернинг яна бир марта сўроқ қилинишини талаб этдилар.

Судда Мюллернинг гувоҳлиги катта аҳамиятга эга эди; у, илгари айтиб ўтган «тўрт ёки беш минут» деган сўз

¹ Рецидивист — такрор жиноят қилучи киши.

ҳақида суд залида жуда кўп гаплар бўлди. Мюллер полицияда берган гувоҳлигидаёқ «менимча, айбдор меҳмонхонанинг иккинчи қаватида тўрт ёки беш минутгина бўлди, холос», деган эди. «Мен фақат тўрт ёки беш минут деб, оёқ тирамайман-у,— деди у,— лекин қаттиқ ишонч блан айтаманки, айбдор юқорида чорак соатдан кам бўлди». Мюллер судда ҳам худди шуни такрорлади. Мана шу гап суд терговларининг асосини ташкил этарди.

Тўрт минутдан ўн беш минутгача бўлган муддатда бир одамни чамбарчас боғлаб, пулларини, ҳужжатларини тортиб олиш, ёки бирор сирни айтишга мажбур қилиш, болта блан йигирма жойига уриб ўлдириш, умивальникка сув қуйиб, совун ва мочалка блан бемалол ювиниб чиқиб кетиш мумкинми? Прокурор пул, ҳужжатларни тортиб олиш ёки бирор сирни билиб олиш ҳечқандай далиллар блан исботлангани йўқ,— деб ишонтирарди,— ҳарҳолда бошқа ишларнинг ҳаммасини чорак соатда ва ҳатто беш минутда ҳам бажариш мумкин, шунинг учун ҳам гувоҳ Мюллер айтган муддатнинг тўғрилигини текшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шундай қисқа муддатда шунча жиноий иш қилиш мумкин деган гапни оқловчи тажаник блан бема'ни гап деб атади, албатта. «Мовий юлдуз» меҳмонхонасининг дарвозабони суд раиси, прокурор, оқловчи ва маслаҳатчиларнинг ҳар томондан бераётган саволига нишон бўлиб қолди.

У ҳукм чиқариладиган кунни ҳам худди шундай сўроққа тортилди. Сўроқ қилаётганларнинг ҳарбири ўзича «хўш, неча минут бўлди?» деб қайта-қайта сўрашарди; эҳсонаси ўйнаб кетган айбдор, бутун тақдирини ҳал қилаётган гувоҳнинг жавобини тинглаб, қора кўзларини ундан сра узмасди.

Лекин Мюллер иккиланмади.

— Беш минутнинг ўзи. Мутлақо ўн беш минут эмас,— деди, ниҳоят, у қат'ий оҳангда.

Суд раиси соатини столга қўйди-да, гувоҳдан, сизнингча ҳозирги сўроқ қанча вақт давом этди деб сўради.

— Ярим соат, ёки сал ортиқроқ,— деб жавоб берди у; шундан кейин раис сўроқнинг йигирма олти минут давом этганини айтди. Гувоҳ учун ғайритабиий бўлган, уни изтиробга солиб турган вазиятни ҳисобга олганда, вақтни деярлик тўғри аниқлаганини эътироф этмай бўлмасди.

Аммо прокурор бўш келмади.

— Қани айтинг-чи, гувоҳ,— деди у,— эхтимол, айбдор ҳарҳолда у ерда чорак соатдан ортиқроқ бўлгандир? Ун саккиз, йигирма минутча бўлгандир?

— Йўқ,— деб жавоб берди гувоҳ норози оҳангда.

— Сиз «йўқ» деб жавоб бераяпсиз, ҳўш, бунга қандай килиб ишонасиз? Балки жўрттага ўжарлик қилаётгандирсиз? Лекин шундай одамлар ҳам бўлади, агар илгари «йўқ» деб қўйган бўлса, ўзини ўлдирса, ўлдирадими, кейин «ҳа» дейишга кўнмайди. Демак, сиз ўн беш минутдан ортиқ вақт бўлмаганилигини қат'ий равишда тасдиқлайсизми?

— Ҳа.

— Ҳамон шундай бўлса, ўз ишончингизни исботлаб беринг, ахир соатга қарамаганингизга ўзингиз иқрор бўлдингиз-ку.

— Бундай ишларга менинг кўзим ўрганиб кетган.

— Эҳ,— деди прокурор қўл силтаб,— ахир, сизнинг ўрганиб қолган кўзингизга ишониб бўладими! Мана сиз худди шундай ишонч блан Иовановични яҳудий деб ҳисоблаганингиз, яна типик яҳудий дедингиз. Агар сиз учун ҳарбир қорасоч киши — яҳудий бўлаверса, беш минут сизнингча бир минутга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Тўғриси айтганда, бу нарса ҳаммамизга аён,— деди заҳарханда блан у.— Сизларда меҳмонларга: «Беш минутда ҳамма нарса тахт бўлади», деб гапиришади-ю, лекин ярим соат бемалол кутилаверади!

Қораловчининг бу хилда ҳужумига оқловчи қаттиқ титроз билдирди.

Оқловчи ва қораловчиларнинг вакиллари сўзлаб бўлгандан кейин, маслаҳатчилар кенгашигани чиқиб кетишди. Прокурор иш блан яна бир марта танишиб чиқиб, ўн икки маслаҳатчидан саккизтасини Иовановични қотилликда айблаб, дорга осишга рози бўлишига шубхаланиб қолди, чунки бу жиноятнинг сабаблари ва гувоҳ Мюллер айтган жанжалли «тўрт-беш минут» масаласи тўла-тўқис ҳал бўгани йўқ эди. Шунинг учун ҳам прокурор, сўнгги вақтларда Прага, Карлови Вари, Марианске-Лазнеда қилинган қотиллик ва хотин-қизларни йўлдан уриш каби жиноятларни, жумладан Иовановичнинг ўзига, умуман кимга нисбатан, ҳечқандай далили бўлмаган айбларни, ҳар эҳтишомга қарши, унга тўнкар эди.

Маслаҳатчилар қирқ беш минут жонгаш қилишди. Бирор киши блан учрашишга ва'далашганда ҳамиша ва'дасининг устидан чиқишга одатланиб қолган депутат Яндак тоқати тоқ бўлиб, ҳа деганда соатига қарарди. Мана, ниҳоят маслаҳатчилар ҳам бирин-кетин залга кириб келишди-да, жой-жойларига ўтиришди. Зал бирдан тинчиб, оғир жимлик чўкди. Маслаҳатчиларнинг старшинаси, виночилик фермасининг бошлиғи тантана блан ҳукмни ўқиб эшиттирди:

— «Маслаҳатчиларга дастлабки берилган савол: «Шу йил 28 май куни эрталаб соат етти яримларга яқин «Мовий юлдуз» меҳмонхонасининг номерида венгр графи Имре Белаффини чамбарчас боғлаб, уни ўлдириш мақсадида болта блан бошига йигирма мартадан ортиқ уриб уни ўлдиришга сабабчи бўлишда Милан Иовановични айбли деб ҳисобланадими?» Бу саволга маслаҳатчилардан бештаси «ҳа», еттитаси «йўқ» деб овоз берди.

Айбдорнинг маслаҳатчилари старшинасига умидсизлик блан тикилиб турган кўзларида даҳшат аломатлари сўнди. Депутат Яндак мамнунлик блан кулиб қўйди. Суд ракси пенснесини¹ олиб столга қўйди. Залда жимжитлик ҳукм сурарди.

Мана шу оғир жимликда старшина суд қарорини ўқишда давом этди:

— «Милан Иованович мана бу ишларда айблими... деб берилган иккинчи сўроққа... кейин ҳархил жиноятлардан иборат ўттиз бир пункт бор эди — жумладан: қароқчилик, ўғирлик, сохта ҳужжатлар блан иш кўриш, қаллоблик, прописка ҳақидаги қонунларни бузиш, қурол сақлаш, қиморвозлик ва бошқалар. Маслаҳатчилар бунга яқдиллик блан «ҳа!» деб жавоб бердилар. Улар ҳам прокурорнинг тактикасини тушуниб қолишди, я'ни Милан Иовановични ҳамон қароқчилик мақсадида қотиллик қилган деб айблашнинг иложи бўлмаса, у вақтда бу аблаҳни бошқа жиноятлари учун дурустгина жазолаш керак. Бу фикрга ўн икки маслаҳатчининг ҳаммаси уч марта «ҳа» деб жавоб берди.

Иованович чех тилини шу бўлаётган гапларни тушуниш даражасида биларди. У, бошини қуйи солиб, бўзрайиб ўтирарди.

¹ Пенсне — бурнига қисиб қўядиган кўзойнақ.

Яндак суд ҳукмини кутиб туролмади, чунки соат тўртдан чорак ўтиб қолган эди, у шу топда министрликка бориши керак эди. Яндак шошилиб кўчага чиқди. У, ҳукми эртасига эрталаб газетада ўқиди. Иованович ўн икки йил, бошқа айбдорлар — бир йилдан беш йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Айбдорлардан фақат биттаси — собиқ гонвед офицери барон Тасилло Ченгеро оқланди. Маслаҳатчилар орасида иккита хоним бор эди, Ченгерининг ёшлиғи, ўзини эркин тутиши, қарғанинг қанотидай тимқора сочлари, ва жўшқин қарашлари мана шу хонимларга қаттиқ таъсир этган эди. Бундан ташқари, Ченгерининг бошқа айбдорлардан яна бир фарқи шу эдики, бошқа айбдорлар немис тилини бузиб гапириса, ёш барон словак тилида яхши гапирарди; бу тилининг жозибадор оҳангги маслаҳатчиларни бутунлай ўзига жазб этиб қўйган эди.

Депутат Яндак суд бўлаётган бинодан югуриб чиқди-да, юриб кетаётган трамвайга сакраб чиқиб, Малая сторона¹га Халқ маориф министрлиги саройига жўнади. У, суд маслаҳатчиларининг қароридан мамнун бўлганидан ҳамон илжайиб қўярди, лекин бу процесс тўғрисида ортиқ фикр юритишга унинг вақти йўқ эди. Министрликка келинг деб министр Густав Габрманнинг ўзи таклиф қилди, мана шуниси таажжуб эди. Министр Габрманга революционер Яндак нега керак бўлиб қолди, балки, эртага буларнинг ҳар иккиси икки томонга қараб кетишар? Яндак бугун эрталаб министрнинг таклифномасини олиб ажабланди; бу хат шошиб-пишиб майда ҳарфлар блан ёзилган эди, гарчи кейинги вақтларда министр анча чиройлик ёзадиган бўлиб қолганига қарамай, унинг бу хатида пролетарларнинг ёзувига хос аллақандай дағаллик бор эди. Нима мақсад блан таклиф этилаётгани тўғрисида хатда ҳечнарсая дейилмаган, министр депутатни муҳим бир иш юзасидан гаплашиб олиш учун бир келиб кетишини илтимос қилган. Бу таклифни рад қилишнинг ҳожани йўқ эди. Габрман кексайиб, янги постда эзма бўлиб қолган эди, шунинг учун бу визит ҳечқандай натижа бермаганда ҳам, ҳар ҳолда Яндак бирор нарсани билиб қолади-ку.

Қармелит кўчасидаги барокко услубида қурилган са-

¹ *Малая сторона* — Прагадаги районлардан бири.

рой дарвозабони депутат Яндакнинг визити тўғрисида аллақачон огоҳлантириб қўйилган эди. Яндакни министр ўз кабинетида кутиб олиб, унинг қўлини дўстларча сиқиб кўришди.

— Ўзим йўқлаб боролмаганим учун кечирасан,— деди у, самимий бир оҳангда,— лекин мен эртадан кечгача бандман. Шунақангги иш кўпки, қўяверасан! Партия ижроия комитетининг мажлисида қатнашган кунларимда министрликнинг ишлари блан кечаси шуғулланишга тўғри келади.

Яндак ичиқоралик блан сал илжайиб қўйди. У ишчи министрларнинг ҳечнарсасага вақти қолмасин учун жўрт-тага бўлар-бўлмас иш блан кўмиб ташлашларини биларди.

— Сен ҳали бу ерда — менинг ҳузуримда ҳеч бўлмаганмидинг? — деди Габрман.

— Йўқ, бўлган эмасман. Бу еринг жуда соз экан,— деди Яндак илжайган ҳолда атрофга кўз югуртириб.

— Юр, мен сенга бу ерга қандай жойлашганимизни кўрсатай.

Министр меҳмонни ҳашаматли устунлар ва нақшлар блан безалган оппоқ залга олиб кирди, саройдаги ажойиб оромбахш хоналарни айлантирди. Бу хоналар министрлик бўлимлари ва департаментига айлантирилган эди. У меҳмонга гиламлар ва гобеленлар,¹ кутубхоналар, қадимий ва ҳозирги замоннинг моҳир рассомлари ишлаган расмларни кўрсатди. Министрнинг чақнаб турган кўзлари ва бутун мулоим қиёфаси гўё: «Мана демократия, ўртоқ Яндак! Бир вақтлар бу залларда зolim феодаллар чех халқини қандай қилиб эзиш, ундан қандай қилиб кўпроқ даромад олиш тўғрисида кенашлар қурардилар. Бу ерларда ҳозир ўтирган кишиларда эса чех халқининг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан бошқа мақсад йўқ. Бундан икки йилгина муқаддам бу ерда ажнабий аристократлар — Камилл ва Аллан Рогани деган князьлар хўжайинлик қиларди. Ҳозир эса бу ерда мен — Густав Габрман хўжайинман; саксониячи йилларда ман' этилган ишчилар союзида қатнашган токарь хўжайинлик қилмоқда», деяётгандай бўларди.

¹ Гобелен — деворга осиб қўйиладиган ва ўртасига нақш солинган гилам.

Габрман меҳмонга Швабинский ишлаган расмларни кўрсатар экан, унинг кўз қарашларида гўё: «Кўраяпсанми, биз чех расмларини қандай оммалаштираяпмиз? Энди бизнинг рассомларимиз Австро-Венгрия ҳукмдорлиги давридагидай оч-яланғоч қолмайдилар, бизнинг ишчилар ҳокимияти раҳбарлигида сан'ат гуллаб яшнайди», деяётгандай бўларди.

Яндак салон ва залларни айланиб юрар экан, худди катта одамлар ёш болаларнинг мақтанишини эшитган пайтда қиладигандай бош қимирлатиб, такаббурлик блан жилмайиб қўярди. Министрликдаги бу зеб-зийнатлар қаердан келган ва нима учун хизмат қилишини у жуда яхши биларди. Буржуазия ишчилардан чиққан министрларга ўйинчоқ бериб қўйган эди, министрлар эса шу блан овуниб юрарди. Буржуазия армияда, давлат аппарати, саноат ва молия системасида ўз позициясини мустаҳкамламоқда; ишчилардан чиққан содда министрлар эса, саройлар, автомобильлар, ўз идораларини американча қилиб ясатиб қўйилганига махлиё бўлиб қолмоқда эдилар. Бу министрлар бир кунда бирнеча ўқитучилар, ёзучилар, рассомлар, актёрларнинг вакилларини қабул қилар эдилар; министрлар учун ўзларини сипо қилиб кўрсатиш ва атрофдаги ҳамма нарсага гўё жуда ҳавас блан қараётгандай бўлиб, бу нарсаларнинг ўзларига нақадар бегона эканлигини бошқалардан яшириш осон эмасди. Кечқурунлари министрлар француз тилини ўрганар эдилар. Улар ўқитучидан Monsieur et Madame N. N., ministre de... prie de lui faire l'honneur de venir au thé,¹ деган сўзни қандай қилиб ёзиш керак деб машқ қилар эдилар. Ўринга ётганларидан сўнг эса, кечаси блан мактаб дарслигидан ўзларига мутлақо кераксиз бўлган голланд ва уйғониш давридаги моҳир рассомларнинг номларини ёдлар эдилар.

Габрманнинг иш жойи ҳам, турар жойи ҳам тарихий саройларда эди; унинг квартираси Микулаш кўчасидаги граф Лобковицлар саройида эди. У ерларда кечқурунлари, агар унинг вақти бўлса, отлиқ аскарлар ва денгиз жангини тасвирлайдиган суратлар блан безатилган ҳашаматли, кишини хафақон қилиб юборадиган оромгоҳдан чиқиб, иссиққина ошхонага кириб оларди-да, катта круж-

¹ Жаноб ва хоним NN, министр... сизни бир пиёла чойга таклиф этиш шарафига муяссардир (фран.)

када ширин кофе буюриб, хол-хол гулли кўк клиёнка ёзилган овқат столига қоғозларини ёярдида, шу ерда тинчгина ўтириб ўз орзулари устида — мактабларни демократлаштириш проекти устида ишларди; у, бу ташаббусни ўз фаолиятининг юксак исте'доди деб биларди... аммо бу проект барибир амалга ҳам ошмайди, унга ҳеч-ким пул ҳам бермайди.

Депутат блан министр кабинетга қайтиб келишди-да, қимматбаҳо эрон тиламлари устидаги бир-бирига қаратиб қўйилган чарм креслога ўтиришди. Кекса Габрманнинг юзларида акс этаётган жиддийлик аломатларидан бу учрашувнинг асосий мақсади бўлган сиёсий темада гап очиш яқинлашаётгани сезилиб турарди.

Яндакнинг Габрман блан бевосита кўришмаганига анча вақт бўлган эди. Ўтмишда ишчи ва вилоятларда журналист бўлган бу одам эндиликда америкали олифта жентельменга айланиб қолипти; соқол-мўйловлари топтоза қирилган, сочлари силлиқ қилиб таралган, эгнида эса худди Нью-Йоркдаги энг яхши магазинлардан кечагина сотиб олингандай яхши костюм, ич кийимлар ва пойафзалларигача ярақлаб турипти. Габрманнинг фақат кўзлари ўзгармапти, унда аввалгича самимий ифода ва айниқса ҳамиша суҳбатдошининг диққатини ўзига жалб этучи нозик қарашлар ҳали ҳам сақланиб қолган эди. Кекса социал-демократнинг кўзларидаги бу ифода тюрмада пайдо бўлганлигини Яндак биларди. Бу ифода, тўрт йил давомида фақат ўзидан тўрт ярим қадам наридаги оқ девордан бошқа ҳечнарсани кўрмай ҳамиша кулфатда тутоқиб ётган ғамгин маҳбуснинг қалбидан абадий жой олган эди.

Министрнинг аҳволи унча дуруст эмасди, унинг жуда толиқиб қолгани сезилиб турарди ва бунинг устига ёши ҳам олтмишга бориб қолган эди.

Узоқ жимликдан кейин Габрман Яндак томонга эгилиб, қўлларини тиззасига тираб ўтирган меҳмоннинг қўллари устига қўйди.

— Яндак, — деди у титроқ товуш блан, шу он унинг кўзларида ғамгин ифода пайдо бўлди. — Қадрдон ўртоқ Яндак! Нима қилаяпсизлар!

— Хўш, нима қилаяпмиз? — деди илжайиб Яндак.

— Сиз нотўғри сиёсат юргизаяпсиз, даҳшатли сиёсат юргизаяпсиз, Карел! — министр сочлари оқарган бошини

чангаллади.— Тушунсанг-чи, ахир, буни тушунгин, дўстим!

— Қулоғим сенда,— деди депутат.

Броқ министрининг ҳамма гаплари унинг қўз қарашлари ва илиққина қўл сиқишларига нисбатан унча ишонарли эмасди. Габрман фақат ҳиссиётдагина буюк эди. Революциями? У, албатта, революция тарафдори! Ахир, унинг бутун ҳаёти ва меҳнати революцияга бағишланган эмасми? Ахир, революцияда пролетариатнинг мағлубиятга учраши эмас, балки ғалаба қозониши муҳим эди. Ҳозир бунинг фурсати эмас. Чех революцияси учун рус революциясидан таянч ахтариш жуда катта хатолик бўлур эди. Россияда рўй берган воқиялар марксистик нуқтаи-назардан мутлақо революция эмас, балки фақат аграр масаланинг кечикиб қал этилиши, холос. Бу нарса бизда 1848 йилдаёқ амалга ошган. Рус пролетариатининг қаҳрамонона курашлари Габрманга ҳам қаттиқ та'сир этадию, лекин...

— Наҳотки сен, дунёнинг олтидан бир қисмини ишчилар бошқаришига ғарб капиталистлари йўл қўйиб беради, деб ўйласанг? — деди Габрман.— Капиталистик йиртқичлар ғоят кучайиб кетганлар, улар Россиядаги революцияни бўғиб ташлайдилар.

«Гап бундай денг! — деб ўйлади Яндак.— Капиталистик тузум тарафдорлари ҳам худди шундай дейишади!»

— Хўш, мана шунга асосан биз социализмга хиёнат қилиб; капиталистик йиртқичлар хизматига ўтишимиз керакми? — деб сўради у.

— Унақа ноинсоф бўлма, Карел, гапимга қулоқ сол. Ярим йилдан сўнг Россиядаги советлардан асар ҳам қолмайди. Кейин у ерда қанақа тузум бўлиши ҳам нома'лум. Ишқилиб, бу тузум демократия бўлсин-да. Лекин, ишончли далилларга қараганда, бу реакциянинг жуда даҳшатли бир тури бўладиганга ўхшайди... Сизлар эса чех пролетариатининг тақдирини бутунлай рус революцияси тақдирига боғлаб қўймоқдасиз.

— Бир йил муқаддам сизлар худди ана шундай ишонч блан, советларни уч ой ҳам туролмайди, деган эдингиз! — деб э'тироз билдирди Яндак сал ичиқоралик блан.

— Ҳа, биз шундай ўйлаб хато қилган эдик. Лекин, Колчак, Деникин ва оқ поляклар — чакана кучми, ахир?

Рус пролетариати бу сўнгги зарбаларга бардош берди, броқ энди рус революциясининг праварди яқинлашиб қолди. Мамлакат вайрон бўлди, транспорт издан, саноат ишдан чиқди, ғоят оғир очлик ва муҳтожлик ҳукм сурмоқда. Давлат молиявий жиҳатдан бутунлай ҳалокатга учраган. Мана шунинг ўзи тамом деган сўз! Энди ҳечқандай куч ва ҳечқандай қаҳрамонлик ҳам ёрдам беролмайди!

Министр жим бўлиб қолди. У, чарм креслонинг бир четига ўтириб, яна қўлларини Яндакнинг тиззасига қўйди.

— Гарчи мен сир сақлашим лозим бўлса ҳам, ҳозир ба'зи нарсаларни сенга очиқ айтиб ўтмоқчиман. Таваккал қилинган нарсалар жуда кўп, лекин, сен блан бизнинг орамизда, партияли ўртоқлар орасида қандай сир бўлиши мумкин? — У салмоқланиб, ҳарбир сўзни аниқ тушунарли қилиб гапирарди, шу он Яндак бугунги ҳукмноманинг ўқишлигини беихтиёр эслади. — Россияга қарши жуда катта ҳужумга тайёргарлик кўрилаяпти. Унга қўққисдан қақшатғич зарба берилади. Шу блан бир вақтда мамлакат ичкарисида ҳам катта қўзғолон кўтарилади. Мана шу охирги зарба бўлади, заифлашиб қолган Россия бунга бардош беролмайди. Ярим йилдан сўнг ҳамма иш тамом бўлади. Бу охирги муддат, ўртоқ Яндак.

Броқ бу ахборотнинг депутатга министр ўйлаганча та'сир кўрсатмаганлиги яққол кўриниб турарди. Яндак ҳатто илжайиб ҳам қўйди ва бу ҳол кекса Габрманга гўё ўринсиз енгилтакликдай бўлиб туюлди.

— Сен рус мужиклари помещикларга ерни қайтариб беради деб ўйлаяпсанми? — сўради Яндак.

— Йўқ, беришмайди, улар ер учун сўнгги томчи қони қолгунча курашади. Лекин мужиклардан шафқатсиз равишда ўч оладилар.

— Совет ҳокимиятининг мустаҳкамлиги тўғрисида бизда бошқа ма'лумотлар бор.

— Булар ҳаммаси бирёқлама ва хато ма'лумотлар, Қарел. Бизнинг манба'ларимиз ундан кўра ишончлироқ. Россия ҳарқанча кучлик бўлгани блан ёлғиз ўзи ҳаммага қарши тураолармиди?

Яндак елкасини қисди. Баҳслашиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? У, ҳамма далилларнинг фойдали ва зарарли томонларини яхши биларди. Йўқ, баҳслашишдан ма'но йўқ. Бу темада ҳар иккала томоннинг айтиши мумкин бўлган гапларнинг ҳаммаси юзлаб ишчи йиғилишларида

айтилган. Лекин Габрман бундан беҳабар эди. У сиёсий вазият тўғрисида фақат газеталарда-ю, ҳукумат мажлисларида бўлган гапларнигина биларди. Омма блан алоқада бўлиш учун эса унинг вақти етишмасди,— ахир, у министр эди-да.

Габрман креслодан туриб, Яндакка яқин келди-да:

— Ўртоқ Яндак, мен сенга мутлақо гапирилиши мумкин бўлмаган нарсаларни айтаяпман,— деди жиддий қиёфада.— Бизда шундай маълумот бор: сизлар ўзгариш ясашга тайёргарлик кўраётган эмишсиз.— У оғир хўрсиниб, бошини чангаллади; унинг учун бу ҳақда гапириш нақадар азоб эканлиги кўриниб турарди.— Бунинг нима ҳожати бор, Яндак! Капиталистлар сизларни пулемёт ўтлари блан кутиб оладилар!— деб хитоб қилди трагик оҳангда.

Яндак қовоғини сэлди. Бу гап энди жуда ортиқча эди!

— Ҳукумат тепасида соцал-демократлар турипти,— деб жавоб берди у ўзини тутишга ҳаракат қилиб.— Ҳокимият сизларнинг қўлингизда. Сизнинг буйруғингиз бўлмаса, полиция ишчиларга қарши пулемёт блан чиқмайди. Ёки сиз буржуазияга шу қадар сотилиб кетгансизу, шундай қилишга борасизми?

Министр, депутатнинг ўтдай чақнаб турган кўз қарашларига чидайолмай четга боқди.

— Яндак,— деди у оталарча меҳрибонлик блан.— Менга қулоқ сол. Айтайлик, сизлар ҳокимиятни қўлга оларсиз ҳам, лекин жуда катта қурбонлар бериб, бирнеча ҳафтагина тутиб туришингиз мумкин. Хўш, кейин-чи, ярим йилдан кейин нима бўлади? Сен бу ишни охиригача ўйлаб олганмисан, ўртоқ Яндак, дўстим? — Министр ялингандай қўлини кўксига қўйди.— Сен биласанми, кейин ҳокимият тепасига ким чиқиб олади? Ҳозиргига ўхшаб ишчилар эмас, балки энг реакцион гуруҳлар, йирик саноат эгалари, банкирлар, клерикаллар,¹ уришқоқлар чиқиб олади... Чех ишчиларига шафқат қил, Яндак!— Габрманнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.— Сен уларни қонли кушхонадан сақлаб қол! Биз олиб берган неъматлардан уларни бебаҳра қилма!

¹ Клерикал партиялар — буржуа мамлакатларида черков таъсири ва ҳокимлигини кучайтиришга уринучи реакцион сиёсий партиялар.

Министр яна креслога ўтирди-да, кўкрак чўнтагидан батис рўмолчасини олиб кўзларини артди. Яндак қовоғини солиб ўтирарди.

Эркак киши кўзга ёш олган пайтда, айниқса у сиздан бирнарсани беҳуда илтимос қилган пайтда кўриш жуда ноқулай бир ҳол бўлади. Яна сиз бу кўзёшини чинакам қалбдан отилиб чиққанини билиб турсангиз, баттар азоб чекасиз.

Иккаласи ҳам бир минутча жим бўлиб қолишди. Кейин Габрман яна гап бошлади.

— Менга қара, Яндак, сен менга ўзларингизнинг Россия ҳақидаги ахборотларингиз ҳақида гапирган эдинг...

Бирдан Яндакнинг қалбида министрга қарши қаттиқ ғазаб кўзғолди. У ўзини тутолмай, ўрнидан турди.

— Сен доим ишчилар қони тўкилиши ҳақида вайсай-верасан! Пулемётлар капиталистларникими? Бу сизларнинг пулемётларингиз! Ҳокимият сизларнинг қўлингизда! Социалистларнинг вазифаси бу пулемётларни буржуазияга қарши қаратишдир. Лекин сен, албатта, бу ишни қилмайсан. Аксинчи, нуқул бу пулемётларни бизга қарши отишга тўғри келаётганидан нолийсан! Яна сен бу ишни буржуазиянинг буйруғи билан қиласан! Шундай бўлгач, айтиб йиғламай қўяқол! Сен жони-танинг билан буржуазияга сотилганингни этироф қил ва ўзингни ишчиларни ҳимоя қилучи одамдай кўрсатмай қўяқол!

Улар юзма-юз туришарди, Яндак мана шу айбни министрнинг бетига айтарди. У, Габрманнинг бақрайиб қолган кўзларида ҳайрат, ҳасрат ва ғам-ғусса аломатларини кўрди.

— Мен-а? — деди Габрман.

— Сен! — жавоб берди ғазаб билан Яндак.

— Мен ишчиларнинг қонини тўкишни испайманми? Шу сўзни менга айтаяпсанми, Карел?

— Ҳа, худди сенга айтаяпман!

— Мен-а? — шундай деди-ю, бу ўринсиз ҳақоратдан министрнинг кўзлари яна жиққа ёшга тўлди.

Яндак қўлини бир силкиб кабинетда уёқдан-буёққа юрабошлади... «Бу ерда нима қиламан, бу гапларнинг ҳам мутлақо фойдаси йўқ», — деб ўйлади у ва дарҳол Габрманга яқин келиб:

— Хўп, саломат бўл! — деди.

Габрман чўчиб унинг қўлидан тутди.

— Йўқ, йўқ, Карел, кетмай тур, биз шу аҳволда хайр-лашаолмаймиз. Сен менинг гапларимга охиригача қулоқ солишинг керак.

Габрман яна гапирaboшлади. Яндак қолгани учун ўзини койиб, унинг гапини хўмрайиб туриб эшитди.

— Яқин олти ой ичида ҳечқанақа тадбир қўлламасликларингга сўз бер, ўртоқ Яндак.

— Мен бунга сўз беролмайман. Ярим йил, кейин яна ярим йил, бу вақт ичида буржуазия ўз позициясини мустаҳкамлаб олади. Буржуазия узил-кесил мустаҳкамланиб олгач, сизларни ҳам ҳайдаб солади, кейин унга сизлар керак бўлмайсиз.

Министрнинг кўнгли ўксиди.

— Ҳеч бўлмаса, менинг гапларимни бир ўйлаб кўришга сўз бер.

— Бунга сўз бераман.

— Хўш, хўш. Бу-ку жуда оз-а, аммо ҳарҳолда ҳечдан кўра шу дуруст. Бу гапларни ўйлаб кўр, ўйлаб кўр, дўстим!

Яндак шу блан гап тамом деб ўйлади-да, ўрнидан турди. Министр ҳам турди. У меҳмонни эшиккача кузатиб қўйди.

— Уғлинг Ярда қалай? — деб сўради у йўл-йўлакай.

— У икки ҳафта тюрьмада ўтириши керак. Уни сизлар ҳукм қилгансизлар,— истехзо блан жавоб берди депутат.

Габрманнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, у Яндакнинг қўлини сиқди.

— Бу яхши! Тюрьмада ёмон кўришни ўрганади. Қийинчилик кишини чиниқтиради. У менга доим ёқарди. Мендан салом айт ва шуни ҳам уқдириб қўйгинки, у тюрьмага киргач, орқасидан камера эшиги ёпилади, ички томонда эшикнинг тутқичи йўқ эканини кўради, шунда мени эста олсин. Мен нега шундай деяётганимни тушунасанми? Бунақа нарсалар унутилмайди. Яна шуни ҳам айтиб қўйгинки, ёмон кўришни у фақат ўша ерда ўрганади.

Яндак титраб кетди. «Наҳотки тушунмасанг,— деб ўйлади у,— Ярда сени ёмон кўришга ўрганади, Густав Габрман?»

Яндак бошини чайқаб, министрнинг қабулхонасига чиқди. Бу одамлар саройда икки йил туришди, ҳатто ик-

ки йилдан ҳам камроқ! Лекин дарров сиёси айланишипти, қўйишипти!

Қабулхонада ички ишлар министрлигининг Подградский ўтирган эди. У депутатни кўришигиб ўрнидан туриб, олдига борди.

— А-а, жаноби депутат Яндак! Салом! Садик! — Улар қўл сиқиб кўришишди. — Аҳвол: нима ишлар қилиб юрибсиз?

Австро-Венгрия ҳукмронлиги даврида Гугокий Венада министрликда ишларди, ўша ерда арбоблари блан учрашиб турарди. Подградский қирқларга борган, инглизча мўйловли, оқ маса ҳам, яхши кийиниб юрадиган, қувноқ, а намона табиатли, сапсариқ одам эди; Яндак у блёқ танишган эди. Ҳукумат ўзгаришидан сўнг П Прагага желиб, Яндак блан улфатчилик ҳатто бир-бирларини «сан»сираб гапиришга эндиликда, ишчилар блан ҳукумат ўртасидагилар тобора кескин тус олиб бораётган пайтда, ички ишлар министрлигининг кўзга кўриниблан дўстона алоқада бўлиш ноқулай бўлиб қарамай, Подградский хушмуомалаликни масдиди; Яндакни кўча-кўйда учратиб қоларканмўлойимлик блан саломлашар, ҳатто ҳозир ҳсирагани йўқ.

— Менинг кабинетимга ҳам бир кириб ўт депутат. Жуда хурсанд бўлардим. Менинг мана шу коридорда, бирнеча қадам, холос... қилинг!

— Бир кун кирарман.

— Нега энди бир кун бўларкан! Ҳозир ки Яндак соатини олиб, вақт зиклигини баҳо бўлди.

— Э, соатга қарамай қўяқолинг! Бир мин анчадан буён сиз блан бир гаплашмоқчи бўдим. Сиз ҳечқандай гаплашадиган гапимиз йманг, тагин, мана кўрасиз — гап топилади иккимиз шу ерда қулай фурсатда учрашимиз, бир кириб энди, ўтинаман!

«Нима ҳам қилиб бўларди, — деб ўйла ҳамон ўзим шу ерда бўлганимдан кейин...»

— Хўп, майли, — деди у.

Улар коридорга чиқишди. Подградский бир эшкни очди-да, Яндакни ичкарига таклиф қилди. Депутатни креслога ўтқазиб, ўзи унинг ёнида меҳмонга дўстона тикилиб турди.

— Хўш, аҳволлар қалай? — У Яндакка бир коробка сигарет, гугурт ва кулдонни суриб қўйди. — Чекинг!

— Мен давлатникини чекмайман, — деди Яндак.

Подградский чўнтагидан ўз портсигарини чиқариб, очиб қўйди.

— Мана ўзимники, жаноби депутат!

У, бу сўзларни шундай дўстона қиёфада айтдики, рад этиш мумкин бўлмай қолди.

— Ўз тўғрингизда бирор нарса айтиб беринг, — давом этди Подградский. — «Олтин ўргимчак»жа бориб турасизми?

Яхши хотирадан унинг чеҳраси очилиб кетди.

Броқ бу хотиралар Яндакка унча ёқмасди. 1918 йилнинг охирларида Яндак бирнеча кун кечалари Подградский блан бирга худди мана шу тунги қовоқхонада майшат қилган эди.

— Эҳ, қандай бебош вақтлар экан-а! — деди кулиб Подградский.

— Ҳа, бу сохта озодлик блан ҳаммамиз маст бўлиб қолган эдик-да.

— Нега сохта бўлади?.. Айтгандай, бугун биз сиёсатдан гаплашмаймиз. Ҳарҳолда, ўша кунлар анча кўнгилли эди! Мен сизни «Бу чириган Австрияни ер блан яксон қилдик!» деган қўшиқларингизни доим эслаб юраман. М-ҳа... Ундан кейин, янави сариқ-машак Эрnochка ҳам эсимда бор. Ҳа, айтмоқчи... — у бирнимани эслаб кулди. — Мен сизга ба'зибир қизиқ нарсалар кўрсатишим мумкин. Буни эски ишлар орасидан тасодифан топиб олдим. — У устида иккита папка ётган ёзув столи олдига бориб, папкалардан бирини очди-да, уни варақлаб тугириб. — Ҳа, мана! — деди.

Бу нимқоронғи жойда олиниб, жуда катта қилиб ишланган фотосурат эди; лекин анча аниқ эди. Подградский кулиб суратга бир қараб қўйдида, кейин Яндакка узатди.

— Мана, бир кўринг-чи!

Суратда «Олтин ўргимчак» қовоқхонасининг махсус бир тонасида қилинган майшатбозлик тасвирланган эди. Суратнинг олди томонида шампанское блан кумуш челақ,

ундан кейин стаканлар, ширинликлар ва ғижимланган салфеткалар блан тўлиб кетган стол кўриниб турарди. Чап томонда эса ёндамалаб ўтирган депутат Яндак жуда яққол кўзга ташланади; унинг тиззасида қовоқхонадаги қизлардан бири ўтирибди. Орқа томонда Эрна турарди. Эرنани бир тарафдан — Чехославак социалистлар партиясининг а'зоси депутат Петак қучоқлаб, иккинчи ёнида эса қўлига қадаҳ кўтарган Подградский кулиб турарди. Бундай суратни буржуазиянинг паразитлашган ҳаётини фош этучи фотоҳужжат сифатида истаган ишчи газетасида чиқариш мумкин эди.

Яндак қизариб кетди.

— Бу нима ўзи?

— Буми? — кулиб юборди Подградский. — Ўзингиз кўриб турибсиз-ку: «Олтин ўргимчак». Полиция бизни мана шундай фотосуратлар блан юпатади. Улар «Олтин ўргимчак»да сурат олишни ўзларига қандай мартаба деб билишаркин-а. Мана, сенсация: депутат Яндак, депутат Петак ва департамент бошлиғи Подградский! Обба провинциялиларей! Бизга хизмат қилган кельнер полиция хабарчиси экан, мен бундан анча кейин билдим. У шундай муҳтарам улфатларни суратга олиш имкониятига эга бўлганидан жуда мамнун бўлипти. Унинг фотоаппарати галстугидаги тўноғичга яширилган экан. Жуда эпчил экан-да, қурғур! Бу сурат жуда катта қилиб ишланган, албатта.

Шу он бирдан Яндакнинг ҳаёлига ғалати бир фикр келди. У, қошларини чимириб шу тўғрида ўйлаб қолди. Ҳа, ҳа, иш бундай экан! У-ку Подградскийнинг илтимосини қайтараолмай, эски оғайнисини ранжитмаслик учун бу ерга кирган эди, бу оғайниси эса уни қопқонга тушириб, бўйнига сиртмоқ солишнинг пайига тушипти... Яндак тутақиб кетди. Йўқ, бу иш қўлингиздан келмайди, жаноблар!

— Менга қаранг, жаноби департамент бошлиғи, — деди у салмоқланиб, сўзни чертиб-чертиб. — Сиз мени буёққа фақат шу фотосуратни кўз-кўз қилиш учун таклиф этганга ўхшайсиз.

— Йўқ-йўқ, мутлақо, бу сурат сизга қизиқроқ кўринса керак деб, шунчаки бир ҳаёлимга келиб қолди, холос, — бамайлихотир жавоб берди Подградский.

— Сиз буни э'лон қиламиз деб мени қўрқитмоқчимидингиз...

— Жаноби депутат!— Хитоб қилди Подградский.—
Нима деяписиз, ахир, жаноби депутат!

—... Менга сиёсат блан дўқ қилмоқчимисиз!

— Тўғриси айтсам, мени ҳақорат қилаяписиз! Наҳот-ки, шундай қилади деб шубҳалансангиз! Ахир, биз энди танишганимиз йўқ-ку! Бу суратни олақолинг, сиздан ўти-наман.

— Сизларда негативи бор!

— Ахир, мен сизни шарманда қилармидим? Сиз мен-дан куласиз-да, бу суратда ўзинг ҳам борсан-ку дейсиз. Сиз ўйламанг, мен сиёсатни деб хотиним блан ажрашиб, болаларимни ўзимга қарши қилиб қўярмидим?

— Эҳтимол, бошқа бир нусхасида сизнинг афтингиз-ни бўяб қўйилган бўлар.

Подградский индамади.

— Негативни сизни таниб бўлмайдиган даражада ре-туш қилиб қўйиш мумкин,— деб такрорлади Яндак, суҳ-батдошига қаттиқ тикилиб туриб.

— Ҳа, менга шундай гапни ҳам айтишган эди,— жид-дий жавоб берди Подградский депутатга қаттиқ ти-килиб.

Яндак креслодан ирғиб туриб, истехзо блан кулиб қўйди.

— Ҳа, ҳа, бу гапни сизга айтишган ҳам эдими?— У Подградскийга яқин келди.— Хато қиласиз! Мени қўрқи-таман деб ўйламанг. Бу суратни э'лон қилақолинг. Хоти-нимнинг ақли-ҳуши жойида, у менинг изоҳларимга ишо-нади.

— Жаноби депутат!— бамайлихотир жавоб қайтарди Подградский, Яндакнинг жанговар авзойидан тап торт-масдан.— Бу сурат мутлақо э'лон қилинмайди, бунга мен сўз бераман. Энди мен ўзимнинг хоин эмаслигимга сиз-ни ишонтиргандирман, деб ўйлайман. Модомики, сиз ҳар-ҳолда мендан шубҳа қилар экансиз, рухсат этинг, мен сизга бир нарсани айтиб қўяй: бу фотосуратни э'лон қи-лиш масаласи муҳокама қилинган вақтда, чин сўзим блан ишонтираманки, мен бунга қарши чиқдим!— Шу вақтда бу суратга сизнинг оилангизнинг қандай муносабатда бўлиши ҳақида гап боргани йўқ, балки бу суратнинг иш-чиларга қандай та'сир этиши ҳақида гап бўлди.

Яндакнинг ғазаби қайнаб кетди. Сиёсий жиҳатдан шарманда қилиш учун кишиларнинг шахсий ҳаётидаги

фактлардан фойдаланиш — қандай пасткашлик! Шу блан бирга бу қандай беҳаёлик! Бу одам суратни э'лон қилмасликка сўз беради-ю, яна шу пайтнинг ўзида, ишчилар олдида сиригни фош қиламан деб қўрқитмоқчи бўлади!

— Суратни э'лон қилишингиз мумкин, мен қаршилиқ қилмайман!— деб бақирди Яндак.

— Мен бу ишни қилмайман, жаноби депутат!— Жуда мулозимлик блан такрорлади Подградский.

Яндак кабинетда уёқдан-буёққа юрди-да, кейин Подградскийнинг олдида тўхтаб, унга нафрат блан тикилди.

— Муттаҳамлар! Эҳ, қандай муттаҳамлар-а!— деб хитоб қилди у.— Сен ҳам ўша муттаҳамлардан бирисан! Мен кекса эшак бўлсам, бир вақтлар сизларга ишонардим! Тўғри, жазомни тортишим керак. Сен, тентак, мени шу фотосуратдан қўрқиб, бизга сотилади деб ўйлаяпсанми?

— Бақирма, Карел,— тасалли беручи бир оҳангда гапирди Подградский, унинг елкасига қўлини қўйиб.— Ён-веримиздагилар эшитиб қолишади...

Яндак унга ўқрайиб қаради-ю, лекин овозини бироз пасайтирди.

— Истагингиз нима эканини яхши биламан! Сизларга кераги шуки, мен ишчиларни сизлар томонга оғдиришим ва уларни буржуазияга сотишим керак. Сизлар революциядан ўлгудай қўрқасизлар ва унга қарши курашиш учун ҳечқандай воситадан жирканмайсизлар. Тентаклар! Сиз революцияга қарши курашни фотосурат ёрдами блан ютиб чиқмоқчимисиз? Ҳозиргина Габрман ҳам мени аврамоқчи бўлган эди...

Яндак бу номни тилга олиши блан, хаёлига бир гап келди. У пешонасига бир урди-да, Подградскийга жуда яқин келиб қўлларини белига тиради.

— Менга қаранг, жаноби департамент бошлиғи, ахир, сиз ички ишлар министрлигида хизмат қиласиз-ку...

Подградский бошлиғидан қаттиқ сўкиш эшитаётган амалдордай итоат блан Яндакка қараб турарди.

— Шундай бўлгач, сизнинг кабинетингиз бу бинода бўлмаслиги керак!— деб сўзини тугатди Яндак.

Подградский сукут қиларди.

— Бу сизнинг кабинетингиз эмас, сиз буни вақтинча олгансиз ва бу фотосуратни ҳам атайлаб олиб келгансиз. Бизнинг бугунги учрашувимиз тасодикий эмас, найранг

ишлатгансиз, мени пойлаб тургансиз. Менинг бу ерга келишимни сизга Габрман телефонда айтиб қўйган.

Подградский унинг юзига тикилди.

— Шундайми, йўқми?— деб бақирди Яндак.

— Унчалик эмас, жаноби депутат. Министр Габрман менга телефон қилгани йўқ. Жаноби министр... одобсизлик бўлмасин учун нима десам экан... Сиз кечиринг, жаноби депутат, мен тўппа-тўғриси айтиман: бундай ишларда жаноби министр анча ношуд кўринади... Лекин сизнинг шу ерда эканлигингиз бизга ма'лум эди.

— Сен масхарабоз, эски масхарабозсан! — деди Яндак нафрат блан, кейин жиркангандай қўл силтади.— Зап улфатлар йиғилишган экан-у! Сизларни аллақачон ахлат чуқурига ағдариш керак эди... Хўш, очигини айтчи, мендан нима истайсан?

Жаноби депутат «сан»сираши бланоқ Подградский ҳам сансирашга ўтди.

— Мен сен блан гаплашишим керак,— деб жавоб берди у.

— Нега, албатта, мен блан гаплашишинг керак?

— Ахир, сен сиёсий вазият қандай эканини мендан кўра камроқ билмайсан-ку. Прага ишчиларига депутат Немец блан жаноби Соукун¹нинг та'сири жуда сусайиб кетди. Ишчиларга ҳозир сен блан Шмераль² та'сир кўрсатаёпти.

— Нима учун Шмераль блан гаплашмайсан? Ёки сизларда унинг сурати бўлмагани учун унга дўқ қилаолмайсизларми?

— Шу фотосурат ҳақида гапни бас қил! Шмераль ҳеч гапга унамайди.

Яндак кулиб юборди.

— Хўш, меңи гапга унайди, деб ўйлайсизми?

— Ҳа.

Яндак яна кулиб юборди.

— Албатта-я?

— Албатта, Карел.— Подградскийнинг овозида қаттиқ иппонч бор эди.

¹ Немец ва Соукун — ўнг социал-демократларнинг оппортунист лидерлари

² Шмераль — социал-демократияда сўл, революцион қанотнинг йўлбошчиларидан бири, кейин— Чехословакия Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири.

Яндак истеҳзоли назарини суҳбатдошидан узмай крес-
лога ўтирди.

— Мана, кўраяпсанми, мен сенга қулоқ ҳам солаяп-
ман. Дўқингни давом этдиравер.

— Ҳаммадан бурун мен сенга нома'лум бўлган ба'зи-
бир нарсалардан сени хабардор қилиб қўймоқчиман.

— Ҳм...

— Масалан, мана бу ҳақда.

Подградский стол ёнига келиб, бошқа папкани очди-
да, ичидан бир варақ қоғозни олиб Яндакнинг олдига
қўйди. Депутат бир қаради-да, хахолаб юборди. Бу кул-
ги илгаригига ўхшаш истеҳзо эмас, балки чинакам шод-
лик кулгиси эди.

— Тезроқ олиб, яшириб қўй! Эҳтиёт бўл, яна ўғирлаб
кетишмасин. Бундай уйдирма нарсалардан ҳатто болалар
ҳам кулишади. «Большевиклар томонидан қатл этилади-
ган кишиларнинг рўйхати!» Биринчи навбатда президент,
иккинчи Немец, учинчи Соукуп! Мен кўришимнинг ҳожа-
ти йўқ, бу эртани ёддан биламан. Сиз мени тузоққа или-
нади деб ўйлайсизми? Большевиклар мени ҳам қатл
этишади-а?—Яндак яна кулиб юборди.—Менимча, бу
ҳужжатларга ўзинг ҳам ишонмасанг керак, тўғриси-
ни айт, шундай қилгани уялмайсанми?

— Бу ҳужжатларнинг бошқа ҳужжатлардан асло
фарқи йўқ. Бу ҳужжатларнинг қанчалик тўғри эканини
текшириш менинг вазифам эмас. Бордию, бунга сен мут-
лақо бефарқ қарайдиган бўлсанг, яна ўзинг биласан.
Аммо бу ҳужжат тўғрими, ёки йўқми эканидан қат'и
назар қисман ўз вазифасини бажарди ҳам. Менинг уяли-
шимга ўрин йўқ, ҳозир жуда оғир вақт. Сен бизни «Рево-
люциядан ўлгудай қўрқасиз», дединг. Тўғри! Лекин биз,
сизлар айтгандай, ўз фаровонлигимиз ёки бойлигимиз
тўғрисида ташвишланмаймиз. Менинг ҳечқандай бойли-
гим йўқлигини, сенга нисбатан ҳам камбағал эканимни
ўзинг яхши биласан. Биз, сизлар бошлаб юбормоқчи бўл-
ган граждандар урушидан чўчиймиз. Биз ихтиёримизга
ишониб топширилган минглаб кишиларнинг ҳаёти ва рес-
публика тақдирини тўғрисида қайғирамиз. Жамиятга мана
шундай хавф-хатар таҳдид қилиб турган оғир кунларда,
хавф-хатарни даф' этадиган ҳарқандай восита ҳам ишга
ярайверади.

«Қандай мунофиқлик, қандай самимият да'воси, ўз

чиркин мақсадларини қандай баланд парвоз гоёлар блан ниқоблаш бу» деб ўйларди Яндак. У, бирдан Подградскийни қаттиқ ҳақорат қилгиси келди, лекин шу кун бу кишига нисбатан ишлатиб келинган оддий сўкишлар блан эмас, балки ундан кўра бешбаттар таҳқирлайдиган сўз блан ҳақорат қилиш керак. Ниҳоят, Яндак гап бошлади:

— Сен Венада император ички ишлар министрлигининг чиновниги бўлатуриб бизнинг компанияга суқилиб кирганингда, биз сени провокатор деб ўйлапэн эдик. Кейин биз дастлабки таассуротимизни унутиб қўйдик, бу бизнинг хатойимиз эди. Сен ўша вақтда Франц-Иосиф ҳазратлари учун бу ифлос ишни қандай бажарган бўлсанг, ҳозир худди ана шундай жон-дилинг блан чех буржуазиясига хизмат қилаётганингга имоним комил.

Яндак бу гапларни истеҳзо блан салмоқлаб гапирди. Иккаласи гаплашиб, орада қаттиқ тортишув бошлангандан буён мана шу гапни эшитгачгина Яндакнинг суҳбатдоши тескари қаради ва ҳатто қипқизариб ҳам кетди. Аммо бу хижолат бир минутча давом этди, холос; Подградский бирдан ҳуш'ёр тортиб кетди, чунки у безовталанмаслиги керак, зарбага зарба блан жавоб беришга унинг ҳаққи йўқ, ҳатто унга ўз ҳужумида сур'атни тезлатишга ҳам рухсат берилган эмас, у ўз мақсадига томон йўналишда жуда оҳиста ва эҳтиёткорлик блан ҳаракат қилиши керак.

— Бу тўғрида сен янглишаяпсан,— деб э'тироз билдирди у.— Ўша вақтда ҳам мен ўз хизмат вазифамни чин ихлос блан адо этган эдим, шунинг учун ҳам бунинг ҳеч қандай ёмонлики жойи йўқ. Мен ўша вақтда ҳам мамлакатда тартиб сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилганимни э'тироф этишдан уялмайман.

Яндак истеҳзо блан кулди.

— Ҳа, балли! Мен ҳам худди шуни айтаяпман: ҳўп тартиб сақлардинг. Ҳаммаларинг бир бўлиб шундай тартиб сақладиларингки, жаҳон уруши бошланиб кетди.— У кулгисини тўхтатиб Подградскийга қаради.— Менимча, суҳбатимиз тугаган бўлса керак, мен кетсам ҳам бўлар.

— Илтимос қиламан, яна бир нафас тур.

— Тағин нима гап?

— Мен сен блан сиёсат тўғрисида гаплашмоқчиман.

— Сиёсат тўғрисида? Бу ҳақда Габрман гаплашди,

— У ҳаммасини айтгани йўқ.

— Майли бўлмаса, марҳамат. Қайтага буёғи қизиқроқ чиқаяпти. Шундай қилиб, сизлар граждaнлар урушидан чўчийсизларми? Бунга ишонаман. Мен сенга айтсам, бундан қутилиш учун бирдан-бир восита шуки: иқтисодий ва сиёсий манфаатлардан ўз ихтиёрларингиз билан воз кечасизлар. Сен менга бу мумкин эмас деб жавоб берасан, шундай бўлгач, бизнинг мунозараларимиздан ҳам натижа чиқмайди. Шундай қилиб, сизлар қўрқасизлар. Хўп, майли. Хўп, яна нима?

— Мавжуд ҳуқуқ қоидалари ҳақиқатан ҳам экспроприация қилишга ҳеч йўл қўймайди. Биз бу тартибни ўзгартиришни истамаймиз, чунки биз бу тартиб аҳолининг кўпчилиқ қисмига мақбул эканига ишонамиз.

— Я'ни сизларга мақбул-да.

— Ҳа, мен ҳам ўша кўпчилиқнинг бириман, бироқ бизда ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг бошқа усули ҳам бор. Биз ҳозирги тузумдан мамнун одамларни илжи борица кўпроқ тўпламоқчимиз, булар бизнинг тузумимизга таянч бўлиб қолади. Ҳаммани қаноатлантириш мумкин эмас, албатта.

— Я'ни, пролетариатни қаноатлантириш мумкин эмас-да?

— Ҳа, ҳозирча пролетариатнинг кенг табақасини қаноатлантиришнинг илжи йўқ. Ўзинг биласан-ку, бу йўлда жуда кўп ҳаракатлар қилинди. Хоҳиш бор эди, энг яхши одамларингиз ҳукумат составига киритилди... Аммо иқтисодий шароитлар бунга халал бераяпти.

— Сен жуда ростгўй бўлиб кетдинг-ку.

— Бизнинг аграр ислоҳотимиз, савдо ва молия сиёсатимиз мамлакатда мустақил, фаровон ҳаёт кечирадиган ҳамда давлатдан мамнун ва унга содиқ граждaнларни тобора кўпайтиришга қаратилган.

— Аҳолининг барча табақалари орасида-ю, лекин ишчилар орасида эмас. Бу тadbирларнинг ҳаммаси ишчилар ҳисобига қилинади.

— Биз ишчилар орасида ҳам турмушидан мамнун бўлганлар табақасини тузмоқчимиз.

— Биринчи марта эшитишим!

— Бутун пролетариатни рози қилишнинг илжи йўқ албатта, лекин табиий танланиш асосида унинг йўлбошчилари ва энг яхши ишчиларнинг ҳаётини яхшилаш ва

уларни рози қилиш мумкин. Сизларнинг бирқанча одамларингиз банк ва хилма-хил корхоналарнинг правлениеларига а'зо қилиб тайинланди. Биз уларни сиёсий, маданий ва бошқа муассасаларнинг катта-катта моянали постларига қўйдик. Хўш, нима деб ўйлайсан, биз бу ишларни нима учун қилдик? Шахсан ёқтирганимиз учунми? Асло ундай эмас! Биз уларга кўча-кўйдагиларнинг кайфиятига боғланиб қолишдан қутилиб, давлат сиёсатини мустаҳкамлаш учун амалий иш олиб бориш имкониятини яратиб бердик, чунки бу тадбирларнинг ҳаммаси правардида ишчилар манфаати учун хизмат қилади.

— Ҳм!— Истеҳзо блан илжайиб қўйди Яндак.— Балки, мени ҳам ўз томонингга оғдириб олмоқчидирсан?

Подградский гўё эшитмагандай, гапида давом этаверди:

— Хуллас... инкор қилаверишнинг нима ҳожати бор? Биз бу ишларнинг ҳаммасини ишчиларнинг лидерларини қўлга олиш учун қилдик. Булардан кўпчилигига бошқа йўл блан, я'ни савдо-сотиқ йўли блан бойиб олиш имконини бердик. Улар бу ишга жуда ҳам қобилиятли эканликларини кўрсатдилар.— Подградский хиёл кулиб қўйди-да салмоқлаб, дона-дона қилиб, лекин ҳали ҳам ўша мулойимлик блан гапирабошлади.— Бу ишда бизга уларнинг хотинлари ва қизлари жуда катта ёрдам беришди. Ахир, бундай инсоф блан қараганда тўғри-да: нега социалист лидерларининг хотинлари ҳузур-халовот кўрмайди, нега автомобилда юрмайди, нега шоҳи қўйлак, мўйна пальтолар киймайди, нега миллий театрдан абонент блан ложа олмайди? Хотин-қизлар, ба'зи қаттиқ принципдан воз кечтириб, амалий ишга кўндириш қийин бўлган эркакларга нисбатан анча кўнгилчан бўлади. Шундай қилиб, савдо-сотиқ ҳам бизга яхши ёрдам кўрсатди. Агар ишчилар орасидан чиққан бирор сиёсий арбоб давлат заказини профессиональ коммерсантдай ҳалоллик блан бажармаган тақдирда ҳам... уларга бирмунча риоя қилиш керак бўлади. Энди, бутунлай очигини айтганда, бундай мол стказиб беручилар биров аниқ ишламаган кезларда биз ҳатто хурсанд ҳам бўлардик, чунки бундай ҳол уларнинг қўл-оёғини боғлаб берарди. Биз бу блан алоқа қилишда сал-пал фирромлик қиладиган одамлар ҳамиша шуни эсда тутишлари лозимки, биз буни истаган вақтимизда унинг сайловчиларига етказишимиз мумкин.

— Ҳм!— деди депутат Яндак ва кулимсирамоқчи бўлди-ю, лекин уддалайолмади.— Сен жуда қизиқ нарсаларни айтаяпсан Чехословакияда сотқинлик бўлаяптими ҳали? Мени ҳам сотиб олишни истамайсанми? Эҳтимол, сенга мени бирор банк правлениесига таклиф этиш топширилгандир?

— Мавриди келганда бу ҳақда ҳам гаплашиш мумкин бўлади, албатта. Аммо мен сенга ҳозир буни таклиф этаолмайман.

— Бу ҳолда мени қандай қилиб сотиб олмоқчисан?

Яндак буни истеҳзо блан айтмоқчи эди, лекин ундай бўлиб чиқмади.

— Сотиб олишни?— деди салмоқланиб Подградский, хиёл елкасини қисди-да, бошини қийшайтириб, депутатга қия қараб қўйди.— Энди бунинг сра ҳожати йўқ.

Депутатнинг рангги худди олдида турган қоғоздай оқариб кетди.

— Бу блан нима демоқчисан?— сўради, бамайлихотир гапиришга беҳуда уриниб.

— Бу иш аллақачон битди.

Депутат ирғиб ўрнидан турди.

— Нима аллақачон битди?

— Утир, Карел, асабийлашма.

— Йўқ, йўқ!— деб қичқирди депутат тобора овозини баланд кўтариб.— Хўш, қандай воқиа юз берди? Сен ўт ўчирадиган асбобларни кўзда тутаяпсанми?

— Ҳа,— деб бамайлихотир жавоб берди Подградский.

— У блан менинг нима ишим бор?— ғазаб блан бақирди депутат.— Бу ўт ўчирадиган асбобларнинг менга нима алоқаси бор?— Унинг кўзларида ўт чақнар, худди муштлашишга тайёр турган одамдай муштлири тугилган эди.— Умуман сенлар блан менинг нима ишим бор?

— Утир, Карел, гапимга қулоқ сол.

— Бу блан сиз мени қўлга ололмайсиз, жаноблар!

Яндакнинг овози хириллаб қолди.

— Утир, Карел. Мана, кўрасан, биз битишамиз.

— Мен сенлардан қўрқмайман!— деди Яндак, заифлашиб бораётган товуш блан.

— Сендан ўтиниб сўрайман, гапимга қулоқ сол.

— Марҳамат!— деди Яндак ва кибр-ҳаво блан ўтирди.— Давом этдир! Шундай қилиб, ўт ўчирадиган асбоблар. Давом этдир, бу жуда қизиқ нарса!

Подградский ҳам депутатга қаттиқ тикилиб ўринга ўтирди, энди у, мушкул аҳволга тушиб қолган душманини қўлдан чиқариб юбормасликка жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди.

— Мен бу темада истар-истамас гап очаяпман, кўриб турибсан-ку, сўнгги восита сифатида шу мавзуга таян-япман. Ҳозирги вазият жуда ҳам оғир, бунинг устига сен ҳам биз учун жуда хавфли душмансан. Сен большевизм-ни тарғиб қилишдан воз кечишинг керак. Сенда бошқа йўл йўқ. Сен бу ишни бажаришинг керак. Сен мана шун-га ваъда бермагунингча бу ердан чиқармайман.

— Бунинг учун сен мени қандай мажбур қилишингни билишни истардим.

— Ут ўчирадиган асбоблар ҳақидаги гапни ҳаммага ошкор қилиб юбориш билан қўрқитаман.

Яндакнинг кўзлари яна чақнаб кетди.

— Бу савдо битимини акам тузган.

— Эҳ,— деб қўл силтади Подградский,— бу ишлар-нинг ҳаммасини ўзинг англаганингча эмас, балки бизча, бизнинг нуқтаи назаримиздан, бизга маълум бўлганича баён этиб беришингни сўрайман. Аканг бор-йўғи Нова Пака шаҳарчасида нонвой-да, бу тўғри. Бизга сенинг сиё-сатдан олис, нари борса оддий бир сайловчи, тиришқоқ, обиватель аканг нега керак экан. Бизга сен кераксан, Прага пролетариатининг йўлбошчиларидан бири, ёвуз пиятли депутат Яндак керак эди... Бу иш ўтган йили ба-ҳорда юз берган. Юзлаб давлат бинолари қуриш ва улар-ни жиҳозлаш ишлари бормоқда эди, заказ олиш учун мисли кўрилмаган даражада катта имкониятлар пайдо бўлди. Сенинг фаросатли аканг буни дарҳол сезиб қолди. Бир куни сен бизга мурожаат қилиб, шаҳарларингизда қурилаётган аллақандай саноат мактабига зарур бўлган ўт ўчирадиган асбоблар етказиб бериш учун акам заказ олса бўладими, деб сўрадинг. Ўша вақтда сен бу ишни шундай тасаввур қилган бўлсанг керак: гўё аканг бу иш-да бир, бир ярим минг ишлаб олади-ю, бу пул унга жуда асқотади. Бу жуда зарарсиз ҳимоя қилиш-да, шундай эмасми? У вақтларда сиёсий ҳаётда тўла ҳамжиҳатлик мавжуд эди, партиявий айирмалар йўқдай эди, ҳаммамиз ўзаро яхши муносабатда эдик, боя ўзинг айтганингдай, ҳаммамиз озодлик кайфи билан маст эдик. Бир йилдан сўнг бизнинг бир-биримизга ашаддий душман бўлиб қо-

лишимиз кимнинг хаёлига келибди дейсан? Мана, сенга э'тироф қилай: бу нарса бизнинг хаёлимизга келган эди.

Биз четэллардаги дипломатларимизнинг ёрдами блан сендан кўра кўпроқ ма'лумотга эга бўлдик. Биз воқиаларнинг боришини тушунардик ва депутат Яндакнинг характери билганимиз учун унинг қай томонга ўтишини ҳам олдиндан сезардик. Прага ишчиларининг йўлбошчиси бизга жуда керак эди. Мана шунинг учун ҳам сен протекция тўғрисидаги арзимаган илтимос блан бизга мурожаат қилган вақтингда, биз сени қўлдан чиқармасликка ва бир ярим минг крон блан чегараланиб қолмасликка интилдик. Биз депутат Яндакни қўлга олишимиз керак эди. Шунинг учун ҳам биз сени йўлдан урган эдик, буни очиқ э'тироф қиламан. Биз сенинг мактаб учун ўт ўчирадиган асбоблар олиш ҳақидаги илтимосингга э'тибор қилганимиз йўқ ва акангнинг йигирма минг донага заказ олиши мумкин деб жавоб бердик. Нонвойнинг умум давлат миқ'ёсида ўт ўчирадиган асбоблар блан та'минловчи коммерсант родини ўйнаши жуда ғайритабiiй бўлиб кўринади. Лекин бундай воқиалар сен ўйлагандан кўра ҳам кўпроқ бўлган. Эҳтимол, аканг бундай рақамни эшитиб ҳайрон бўлган ва дастлаб нима қилишини ҳам билмай қолган бўлса керак. Аммо иш юришиб кетди. Сизлар «Спасение» номи остида ўт ўчирадиган асбоблар блан савдо қиладиган шеркат туздингиз. Бу ишда сен, аканг, шаҳарингда яшайдиган аптекачи Ржегак ва прагали архитектор Вайгл шерик эдинглар.

Сен буларга махфiiй шерик эдинг. Лекин солиқ тўловчи эдинг, тўлаган солиқларингдан ҳам худди ўз билганимиздай: бу фирмага шерик эканлигинг ма'лум бўлиб турарди... Сизлар Германияга жуда кўп миқдорда ўт ўчирадиган асбоб заказ қилдиларингиз-да, буларни Чехословакия давлатига ҳар донасини бешюз йигирма крондан, я'ни ҳамма фирмаларга қараганда эллик крондан қимматига сотдиларингиз.

— Уларнинг сифати яхши эди.

— Шубҳа қилмайман. Коммерсантлар тили блан айтганда, энг яхши материал, пухта ишланган, бунинг устига тўлиқ гарантсия бериш. Ҳар донасидан қолган фойда эллик кронни ташкил этсин деб фараз қиламиз. Йигирма минг ўт ўчирадиган асбобдан нўмайгина пул, я'ни бир миллион крон фойда қолади,— буни тўртга бўлганда, ҳар кишига

икки юз эллик минг крондан тегади. Бу, албатта, унча катта бойлик эмас, лекин ҳарҳолда шу озроқ пул ҳам мустаҳкам оёққа туриб олиш ёки бизнинг тил блан айтганда, инobatли одам бўлиб олиш учун кифоя қилади. Депутат Яндак учун шунча пул тўланса арзирди. Лекин шу блан бирга депутат Яндак ўз зиммасига ба'зи мажбуриятларни олди. У камида бизга зарар етказмасликни ўз зиммасига олди. У шу мажбуриятни бажарар экан, ҳозирча биз у блан дўстона муносабатларимизни бузмаймиз. Агар йўқ дегундай бўлса, кураш бошлаб юборишга тўғри келади.— Подградский жим бўлди.— Менга қара, Карел,— деди у мулойимгина,— сен бизнинг ўт ўчирадиган асбобларимиз бошқаларникидан яхшироқ эди, дединг-а? Ишонаман.— У ёзув столига бориб, папкадан аллақандай ҳужжат олди-да, яна ўтириб, ўша ҳужжатни кўздан кечирабошлади.— Биз уларни экспертиза қилдик. Тўғриси-ни айтаман: Экспертиза қилганимизга бор-йўғи икки ҳафта бўлди, холос, бу вақтда сен блан албатта жанжал чиқиши муқаррардай кўринарди. Янада аниқроқ қилиб айтсам, иккала экспертга ўт ўчирадиган асбоблар жуда ёмон баҳо олса ҳам бизни қаноатлантиради деб тушунтирдик. Мана берилган баҳо. Бу шундай сўзлар блан бошланади: «Экспертиза қилиш учун олиб келинган «Спасение» маркали ўт ўчирадиган асбобнинг сифати ниҳоятда паст. Агар бунинг мутлақо эффе́кти йўқ эканлигини э́тироф этилмаган тақдирда ҳам, бу мутлақо такомиллаштирилмаган асбоб...» Кейин металл қисмлари, химик состави ва ҳоказоларини махсус анализдан ўтказиш кераклиги ҳақида гапирилади. Бу нарсаларни менга ўхшаб сен ҳам унча яхши тушунмасанг керак. Буларга берилган баҳо шу сўзлар блан тугалланади: «Модомики ўтган йилнинг апрель ойида «Спасение» маркали ўт ўчирадиган асбобнинг донасига беш юз йигирма крондан пул тўланган экан, ҳар донасига икки юз эллик крон ортиқ пул тўланган бўлади». Шундай қилиб, ўзинг кўриб турганингдай, олган фойдаларингиз бир миллион эмас, балки беш миллионни ташкил этади.

— Бу ёлғон, қипқизил ёлғон гап!— деб қичқирди Яндак.

— Экспертизанинг ғараз блан қилинганлигига мен ҳам ишонаман. Броқ актга иккита эксперт қўл қўйган, улар ўз хулосаларига кафил бўладилар. Ўзинг ўйла, агар биз бу ҳужжатни э'лон қилгудай бўлсак, нима бўлади?

Депутат Яндак олдида ётган коробканинг давлатники эканини ҳам унутиб, ундан учинчи сигаретани олиб чекди.

— Бу тухмат! Мен экспертларни судга бераман!

— Беролмайсан. Бундай процессда ҳатто сен ютиб чиққанингда ҳам сени қандай сиёсий оқибатларга олиб келишини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Яндак креслодан ирғиб туриб кетди. Унинг рангги оқариб кетган эди.

— Сенлар ҳайвонсанлар! Одам қиёфасидаги ҳайвонсанлар!

— Ҳеч ундай эмас, Карел. Биз фақат республикани ҳимоя қиляпмиз, республика биз учун муқаддас.

— Хўш, мендан нима истайсанлар энди?— деб бақирди Яндак.

— Утир, Карел!— Подградский Яндакни секин креслога итариб қўйди.

— Мендан нима истайсанлар?— деб такрорлади Яндак, кўзларини олайтириб.

Подградский меҳмон олдида бир нафас жим турди-да, кейин бамайлихотир ва жиддий бир қиёфада деди:

— Бизнинг талабимиз сен бир ҳафта ичида «Право лиду»да большевизмга қарши бир мақола ёзиб, мақола остига ўз фамилиянгни қўясан.

— Яхшиси ўзимни ўзим отиб ўлдираман.

Подградский елкасини қисиб қўйди.

— Ундай бўлса, биз экспертиза мулоҳазаларини э'лон қиламиз ва «Олтин ўргимчак»да олинган суратни газеталарда босиб чиқарамиз. Тўғри, бу икки ҳужжат икки хил даврга оид, лекин жамоат фикри булар орасидаги муносабатни топиб олади. Агар лозим бўлиб қолса, «Спасение» фирмасини фрибгарлик қилгани учун судга ҳам берамиз.

Депутатнинг кўз ўнгида бугунги суд зали, сенсацияга ишқивоз оломон, маслаҳатчиларнинг чеҳралари ва прокурорнинг одамнинг жиғига тегадиган истеҳзоси гавдаланди. Лекин шу ондаёқ бу манзара хаёлидан кўтарилди, чунки унга Подградскийнинг бамайлихотир, совуқ кўк кўзлари тикилиб турарди.

— Демак, ҳарқалай суратни босиб чиқармоқчимисанлар?— хиёл тиржайиб қўйди Яндак.— Сенинг чин сўзингга ишонса бўлади!..

Совуқ кўк кўзли одам жавоб берди:

— Агар мен ўз шахсий шон-шуҳратимни давлатнинг

бахт-саодатидан юқори қўядиган бўлсам, унда мен давлатнинг ёмон ходими бўлардим. Лекин мен ҳамма иш яхшилиқ билан битиб кетар деб ишонганим учун сўз берган эдим, бундан тонмайман. Сураат босиб чиқарилмайди. Босиб чиқарилмаслигининг сабаби, сенинг рози бўлишдан бошқа чоранг йўқ, ва рози бўласан ҳам.

— Йўқ, ўзимни ўзим отиб ўлдираман!

Депутат Яндак бу гапни бамайлихотир айтиб, ўрнидан турди. Хона жимжит эди. Гўё бутун сарой уйқуга киргандай, Иш вақти тамом бўлди, саройда шу иккаласи ва пастдаги дарвозабондан бошқа ҳечким йўқ эди. Деразалар боққа қараган бўлиб, бог ҳам бўмбўш эди.

Подградский миқ этмай ёзув столида ўтирар, Яндак эса товуш чиқармай гиламда уёқ-буёққа юриб турарди. Ниҳоят у чиновникнинг олдига келиб тўхтади.

— Ҳа, мен ўзимни ўзим отиб ўлдираман!— деб такрорлади у.

Подградский депутатга қаттиқ тикилиб қаради. У ҳам бундан кўзини олмади.

— Мен ҳам худди шундай бўлишини ўйлаб кўрганман,— деди бироз паузадан кейин Подградский.— Лекин шундай бўлган тақдирда ҳам бизнинг мақсадимиз амалга ошади. Мамлакатимизда граждандар уруши чиқиши хавфи бор. Бундай хавф-хатар олдида бизни бир одамнинг ўлими тўхтатаолмайди. Лекин сенинг ўлимининг кимга фойдаси бор? Биздан, я'ни сенинг сиёсий душманларингдан бошқа ҳечкимга фойда бермайди. Биз сенга анча манфаатли, ягона тўғри йўлни таклиф қиламиз: сен шу мақолани ёзасан...

— Йўқ.

— Бир ҳафта ичида эмас, мен бу шартни ўйламай айтиб қўйибман. Бу жуда ҳам шошқалоқлаш бўлуру эди. Сен бу мақолани бир ойдан кейин ёзасан, унгача бизга қарши мутлақо нутқ сўзламайсан ва ишчиларни қўзғатишни бас қиласан. Бу ишларнинг ҳаммасини жуда осонлик билан қилса бўлади. Ўзинг жуда толиққансан, бетобсан, дам олишга муҳтожсан. Бирор маданий ёки кооператив ишчилар бирлашмасида фаолият кўрсатишинг мумкин. Биз маданиятни жуда ҳам тақдирлаймиз, ишчи кооперативларини жон-дил билан қўллаб-қувватлаймиз, бу ўзингга ҳам ма'лум. Бир ойдан сўнг яна гаплашамиз... Мида бирмунча қувончлироқ темаларда суҳбатлашамиз...

Айтгандай, мен аминманки, тез кунда вазият кескин ра-
вишда ўзгаради ва биз бундан кейин бунақа ёқимсиз суҳ-
батларга қайтмаймиз... Шунга розимисан?

Улар яна сукут қилишди. Орага чуқур жимлик чўкди,
ҳатто кабинетда чиқиллаб жимликни бузадиган соат ҳам
йўқ эди; эски Праганинг бу бурчагига трамвайларнинг
шалдираб юрган товушлари ҳам етиб келмасди. Депутат
чарм креслога худди ёпишиб қолгандай қимир этмай ўти-
рарди, Подградский эса очиқ турган деразанинг тоқчасига
суялиб турарди. Жанг тамом бўлди, кескинлик юмшади,
жанг майдонига қоронғилик чўкди, бу қоронғилик князь
Рогановлар боғига қараган деразадан кириб келарди.

— Мудҳиш жазо!— деб шивирлади депутат ва жимиб
қолди.— Буржуазия блан уч ойлик дўстона муносабат
учун шундай мудҳиш жазо! Сенлар илондай айёр ва ша-
қалдай разилсанлар!

Жимжитлик қийнаб юборадиган даражада оғирлашиб
борарди.

— Хўш,— деди бирдан Яндак, хўмрайиб ўрнидан тур-
ди-да, Подградскийнинг олдига келиб, совуққина қўл чўз-
ди.— Хўп, саломат бўл!

— Хайр, яхши боринг, жаноби депутат!— Подградский
унинг қўлини сиқиб, мулойимлик блан таъзим қилди.

У, меҳмонни эшиккача кузатиб чиқди-да, гўё ўз ния-
тини амалга ошириб бўлган ва энди бу ҳақда гапирмаса
ҳам бўладигандай очиқ чеҳра блан гапирди:

— Менга қара, ўғлингни сал тийиб ол. Смиховдаги
митингларда шундай гапларни айтаяптики, эшитсанг те-
па сочинг тикка бўлиб кетади. Унга айтиб қўй, ҳозирги ик-
ки ҳафта ўтириб чиқиши — енгилгина бир огоҳлантириш
холос, бўлмаса биз уни қачондир ростакамига қамаб
қўямиз, унда иш чатоқ бўлади.

Яндак фақат қўл силтаб қўяқолди.

Мана, депутат бутун мойнасини қиморга бой бериб
қўйган одамдай; жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилиб
юрган, лекин номи чиқмаган ҳавоскордан енгилган бок-
сёрдай, шаҳдам қадамлар блан кетатуриб бирдан умурт-
қа суягига бир нарса текканини сезган ва бирнеча се-
кунд ўтгач, оёқлари майишиб, йиқилиб жон беришини
сезган жангчидай уйига кетарди.

Яндак зинадан квартирасига чиқди. Унинг иши ўнги-
дан келди, чунки ҳечким йўқ эди. У кабинетига кирди-да,

пешонасини ойнага тираб, бир нафас дераза олдида турди. Унинг хаёлида ҳечқандай фикр йўқ эди. «Нима бўлса бўлар, лекин ҳозир ётиб ухлайман»,— деб ўйлади у, ва деразадан узоқлашиб, ўзини диванга ташлади.

Тўғрисида, деворда Ленин портрети осиглиқ турарди. Яндак ана шу зийрак кўзли ва дўнг пешонали чеҳрага тикилди. Министрликдан қайтиб келгач, у биринчи мартаба бутун эътибори блан тикилган нарсаси ҳам шу Ленин портрети бўлди. Яндакнинг миясида фикрлар чувалиб кетди.

Ўзини ўзи отиб ўлдирсинми? Энг муносиб йўл шу бўлур эди. Яндак бир нафас шу фикр блан банд бўлиб қолди, тўғрироғи бу фикр уни банд қилган эди. Ҳу анови ерда дераза олдида, ёзув столининг нарийёғида туриб пешонасидан отиши мумкин. Унинг ўлиги креслода ўтирганча қолади, браунинг эса гиламга «тап» этиб тушади. Тепасига келиб хотини ҳушидан кетади, болалари йиғлайди. Лекин унинг ўлими Подградскийни тўхтатаолармиди? Дафн маросимидан кейин икки кун ўтгач, «Ческе слово» да «Депутат Яндак ўзини ўзи ўлдириши муносабати блан шундай овозалар тарқалдики, гўё...» деган мақола пайдо бўлади. Яндакнинг кўз ўнгиди катта сарлавҳа блан босилган хабар намоён бўлди, Яндак бу хабарда ёзилажак нарсаларни кўз олдига келтирди... Подградский тантан қилади. Унинг мақсади — коммунистлар орасига ни-фоқ солиш эди, у ниятига етади. Майин теридан қўлқоп кийган ўша жаллод... Йўқ, ўз-ўзини отишдан ма'ни йўқ. Подградскийни қандай қилиб авраса экан? Хужжатларни ўғирласинми? Министрликдаги чиновникларни қўлга олсинми? Тунда келиб министрлик эшигини бузиб кирсинми? Қандай романтик хаёл!

Диван тепасидан портретдан унга Лениннинг зийрак кўзлари истеҳзо блан қараб турарди.

Хўш, демак, бошқа чора йўқми?

«Йўқ! — деб хитоб қиларди Яндакнинг бутун вужуди. — Қутилишнинг иложи бор, бўлиши керак!»

Яндакнинг хаёлига бирдан янги бир фикр келди ва у нима учун бу фикр олдинроқ хаёлига келмаганига ҳайрон бўлди. У, ишчиларнинг олдига бориб, бўлган воқиянинг ҳаммасини айтиб беради. «Модомики буржуазия давлат моли ҳисобига бойир экан, нима учун ишчиларнинг йўл-бошчилари бундай даромад қилмасинлар?» — дейди у иш-

чиларга. Яндак «У Забранских» деган трактир залини — шифтларига деразалар қурилган, узун-узун шнурларга лампочкалар осилган, страпилига трапеция¹ ва кольцолар² ташлаб қўйилган торгина чалақоронғи бинони кўз олдига келтирди. Кўримсизгина ойнанинг икки тарафида Маркс ва Лассальнинг гипсдан ясалган бюстлари турарди. Депутат Яндак, йиғилган кишиларга минбарда туриб мурожаат қилади. У оташин нотик, унинг сўзини доимо зўр қизиқиш блан тинглашади. «Ҳа, ўртоқлар,— дейди у,— нима учун ишчилар пролетариат иши учун, революция учун хотиржам ишлаш имкониятига эга бўлмоқ мақсадида буржуазия давлатини экспроприация қилмайди?» Яндак шу гапларни айтгач, мажлисдагиларни кўздан кечи-ради, шу он сўз унинг бўғзига тикилиб қолади. Икки минг қора кўз унга тикилган ва ҳаммасида фақат совуқ норо-зилик аломатлари акс этиб турган бўлади! Халойиқ тепа-сини босган қиров тобора қуюқлашиб бутун зални қоп-лаб олади, совуқ одамларнинг суяк-суягидан ўтиб кетади. Яндакка ҳам совуқ та'сир этади, у пальтосининг тугмала-рини солмоқчи бўлиб турган пайтда залдан: «Хоин!» деган хитоб эшитилади. Шундан сўнг ҳамма бир овоздан: «Хо-ин, хоин!» деб бақириб юборади. Совуқ бўрон, мудҳиш қуюн кўтарилади. Зўр шиддат блан қўзғолган шамол муз парчаларини олиб келиб Яндакнинг бетига уради, депу-тат бетини қўллари блан яширади, бўрон қуюни уни ган-дираклатиб деворга уради, залдан чиқариб ташлайди, уни учириб томларга ва телеграф ёғочларига уради...

Яндак дивандан ирғиб туриб ўтиради, икки қўли блан бошини сиқади. Манглайини совуқ тер босган. У бўшлиқ-қа тикилиб қолади.

Энди нима бўлади? Нима?

Илож бор! У сўнгги геллергача ҳамма пулни қай-тариб беради. Бу пул бир миллиондан кам, балки, ҳатто бешюз мингга ҳам етмас. Яндак бу пуллар блан уларнинг башарасига уради. Броқ... унинг пули етармикан? Йўқ! Хотини блан қизи тўкис ҳаёт кечиришга ўрганган, ўғли социалистик китобларни жуда қўп олиб туради, унинг ўзи ҳам озмунча пул сарфлагани йўқ... Кеча буларникига архитектор келиб кетди, келаси ҳафтага улар Тройда иморат бошлаб юборишмоқчи,— хотинининг бутун фикри-

¹, ².— Гимнастика асбоблари.

зирки ҳозир мана шу иморатда... Ҳа, Яндакда бу пул йўқ!

Аҳ, аблаҳлар, ахир, уни қўлга туширишди-я! Ўзингни минг ёққа урганинг блан, ўласанми, қоласанми, энди уларнинг чангалидан қутилаолмайсан!

Деворда ёрқин та'сирчан рус революцион плакати осиг'лиқ: капитализм симболи бўлган уч бошли аждаҳо тош пьедестал устида оғир ярадор бўлиб жон талвасасида ётипти. Аждаҳонинг учта бошидан бири мажақлаб ташланган, ярасидан шариллаб қон оқиб ётипти. Қуйида, пьедестал остида ишчилар ғалаён қилмоқда. Улар тош пьедесталга пона қоқиб, кирка ва болғалар блан емириб ташламоқдалар, тепага тирмашмоқдалар, бир-бирларининг елкаларига чиқиб, қўлларига пичоқ ушлаган ва тишларида ханжар тишлаган ҳолда аждаҳо устига босиб бормоқдалар, бу манзара ҳам худди тепадаги аждаҳо сингари даҳшатли. Аждаҳо олдига етиб чиққанлар бутун гавдалари блан душманга ташланиб, унга ёпишиб олганлар ва жон-жаҳдилари блан унга ханжар соладилар, аждаҳо эса одамларни панжалари блан эзади, чақади, чангаллари блан бўғади, пьедесталдан айқириб қон оқаяпти. Аммо одамлар ҳеч бўшашмай, ҳужумни давом этдирмоқдалар, уларнинг жанговар шиддатлари асло бўшашаётгани йўқ, минглаб одамлар тўхтовсиз, аждаҳога ҳужум қилмоқдалар!

Яндак бу даҳшатли суратга тикилиб туриб, ундаги одамлардан биттасига диққат қилади. Аждаҳо уни босиб олиб, думининг учи блан бўғиб ташлаяпти, одамнинг баъшараси кўкариб кетган. Аждаҳо ўлдирадиган думини бўшатган пайтда, мурда ерга ағдарилиб тушади. Яндак мана шу бўғилиб ўлган одам сиймосида худди ўзини кўргандай бўлди. Ҳа, бу худди ўзи! Ўша шу, капитализм блан курашда фожиаи равишда қурбон бўлган депутат Яндак — шу. Аждаҳо уни худди сичқондек қисиб олган. У ҳалок бўлди. Жангчининг тақдири мана шу. Яндак бунга ишонади ва ўзига ўзи ачиниб, кўзлари намланади. У бир ёнига ўгирилиб, бошини ёстиққа буркайди. Бу ёстиқни отамга совға қиламан деб қизи гул тиккан эди. Бахтсиз болалар, бахтсиз ота!

Яндакнинг эсига тушган куй қанақа куй бўлди-а? Аллақандай бема'ни эстрада қўшиқлари. Аҳа, у, бу қўшиқни билади,—бу қўшиқнинг нақароти бор, бу нақарот:

«Яндак хоинлик қилди...» деган сўзлар блан бошланади. Бир вақтлар «Право лиду» газетасининг редактори Стивин тўғрисида шундай куплетлар тўқилган эди. У Чехияда биринчи чиққан большевиклардан эди, газеталарга коммунистик мақолалар ёзиб, тагига исмини ҳам тўлиқ қўйган, митингларда нутқлар сўзлаган, Кладно кончиларини партия томонига қаратган киши эди. Стивинни ишчилар яхши кўрар, буржуазия эса ўлгудай ёмон кўрарди. Ниҳоят, бир куни «Право лиду»да унинг имзоси блан контрреволюцион мақола чиқиб қолди. Стивин бир кечанинг ўзида тамоман ўзгарди, душман лагерига ўтиб кетди. Нега шундай бўлганини ҳечким билмасди. Ўша кундан бошлаб Йозеф Стивиннинг кар'ераси бошланиб кетди. У хотинини қўйиб, ёш бир гўзал қизга уйланди, ёш хотинини мўйна ва шоҳи кийимларга ўради, икки хонали квартирадан саройга кўчиб ўтди, машҳур рассомга ўз портретини заказ қилди. Эстрада сатириги Винца Баритон ўша вақтда «Сиринкс» кабарэсида ашула айтарди, ашуласининг нақаротида эса: «Стивин хоинлик қилди» дейиларди. Ҳозир бу сўзларни «Яндак хоинлик қилди»деган сўзлар блан олмоштириш мумкин.

Депутат гулдор ёстиққа бошини янада баттарроқ буркаб олди. Унинг афти буришиб кетди. «Яндак хоинлик қилди, Яндак хоинлик қилди! Яндак ўнглари томонига ўтиб кетди!»

Шартта ўтди ёв томонга,
Бир сакрашда, бир сакрашда!
Тойғанмасин хоин дея,
Қум сепилса, қум сепилса!

Бу ашула Яндакка шундай ёпишиб олдики, сра-сра-сра кетмайди, худди граммофон пластинкаси сингари ҳадеб такрорланаверади. А'зойи баданини кемиручи бу аҳмоқона куй Яндакни нарсаларга ҳуш'ёрлик блан қарашга мажбур этди. Агар бу куплетдан унинг содда ма'носи-ни бўғиб турган ёлғон-яшиқларни олиб ташланса, ўз-ўзини ўлдириш тўғрисидаги мулоҳазаларни ҳамда революцион плакат устида кўзеши тўкиб, ёлворишларни чиқариб ташланса, пластинка аниқ ва равон куйлайди-ку. Ҳа, Яндак хоинлик қилди. Ҳа, Яндак Подградский талаб қилган мақолани ёзади. Энди у Коширжеда бўладиган ишчи мажлисларига бормайди ва қаттиқ касал бўлиб қолдим,

деб телефонда айтиб қўяди... Яндак ҳечқачон пролетар революционери бўлган эмас, у ўлгудай шуҳратпараст одам эди. Революция ҳарқандай сохталикни фoш қилиб ташлайди.

Даҳлиз эшигининг қулфида калит шиқирлади. Депутат дивандан ирғиб туриб, ойна олдиға борди-да, шоша-пиша сочларини текислаб олди.

Уйға югурганча йигирма ёшли новқирон Ярда кириб келди.

— Ота!— деб шодлик блан хитоб қилди у, худди ўртоғига мурожаат қилаётгандай.— Мен оёғимни қўлимга олиб югурдим. Германиядан ажойиб хабар келди! Немислар бизлар блан биргалашиб ҳаракат қиладилар. Марказий Германияда ҳамма нарса тахт, улар фақат сигнал бўлишини кутиб туришипти.

Яндак ўғлиға қаради. Бўғриқиб кетган йигитчанинг образи унинг кўзи ўнгида худди қуюқ туманда кўрингандай ёйилиб кетди. Депутат Яндакнинг бутун вужуди жуда бўшашиб кетди.

— Сенга нима бўлди, ота?— ажабланиб сўради Ярда.

Фақат шундан кейингина отаси ўзини босиб олди.

— Менда бошқа маълумотлар бор,— бўшашиб гап бошлади у, ва сохта кескинлик блан давом этди:— немислар биз блан бирга бормаидилар. Бизнинг ҳамма революцион чиқишларимиз барбод бўлишга маҳкум.

Студент бир сакраб отасининг ёнига борди-да, унинг енгидан тутди.

Йигитчанинг кўзларида ноумидлик аломатлари бор эди.

— Сен жинни бўлиб қолибсан, ота!— деб қичқирди у.

Салом сенга, ёш пролетар!

Куз кунлари қисқа. Праганинг ҳашаматли кўчаларида, Халқ проспекти ва Пршикопда бу нарса унча сезилмайди албатта. У ерларда қош қорайиши блан фонарьлар чарақлаб кетади, заргарлик ва атторлик моллари магазинлари витриналарининг чироқлари ёнади, ойна юрқасидан қордай оппоқ ич кийимлар ва нозик чинни идишлар кўзларни қамаштирарли даражада ярақлайди, биноларнинг ташқи томонида рекламаларнинг нурли ҳарфлари ялтирайди. Есениов кўчаси эса куз фаслида хазин ва кўримсиз тус

олади. Электр фонарьлари осилган симёғочлар бир-бировидан узоқ қурилган бўлиб, улардаги сариқ шарлар худди дорга осилган бошлар сингари тебраниб туради. Боққолик дўконининг деразасида милтираган чироқ ташқи томони қопқоронғи катта бино олдида ғарибона шумшайиб турар ва ўз манзараси блан ҳечкимни қувонтираолмасди. Уй ҳам худди мана шундай хазин. Торгина йўлак шифтида ўн свечлик кичкина лампочка милтираб туради, совуқ, ҳархил нарсаларнинг иси анқиб турган чала қоронғи умумий коридорда эса, фақат битта гулдор парда тutilлган деразагина ғолибона нур сочарди. Бу квартира бирдан-бир электросчетчиги бўлган унтер-офицерша Клавнованики эди. Деразаси ғарб томонга қараган ошхона орқасидан хира осмоннинг бир чеккаси кўриниб турар, хоналар унча ёруғ эмас ва шу блан бирга ҳали унча қоронғи ҳам эмас; ҳозирча лампа ёқмаса ҳам бўлади, чунки кундан-кунга керосиннинг нархи ошиб кетаяпти.

Анна туғишини зўр ташвиш блан кутарди. Туғиш—оддий нарса, албатта, ҳамма ишчиларнинг хотинлари шу уйда туғишар, аборт қилдиришар, янги туғилган чақолоқларини жўмишарди. Есениов кўчасидан болалар тобутини кўтариб ўтиш кундалик воқиа тусига кириб қолган. Брок Анна бу воқиаларнинг ҳаммасини қанчалик ўйламасин, барибир уйда ёлғиз ўтириш қўрқинчли ва одамни зериктириб юборарди. Бу сирни ҳечкимга айтиб бўлмасди, албатта,—Анна қўшини хотинларнинг масхара қилишларини яхши биларди, ўртоқ Чинчварова бўлса: «Қандай нозик графиня-я! Ҳозирданоқ ўринда ясланиб ётгинг келмаяптими? Мен етти болани тирик, иккитасини ўлик туғдим ва ҳар сафар ҳам туққан кунимнинг эртасига ўрнимдан туриб, плита ёки жомашов ёнида юмуш қилардим», дерди.

Шундай қоронғи оқшомларда Анна Тониксиз жуда диққат бўларди. Шу ҳафта қуюв цехида катта токарь станогини учун пойдевор модели тайёрланмоқда эди, Тоник иш вақтидан ташқари ҳам ишлаб, уйга жуда кеч қайтарди. Лекин тугаб бораётган куз куни бугун нима учундир Аннага жуда ёмон таъсир қилди. Унинг юраги худди бўрон қўзғолиши олдидан катта дарахт танасига ёпишиб олган қушлар юраги сингари қисиларди.

Анна уйда ўтираолмади. Бошига рўмолча ташлаб, эрини пойлагани чиқди; у, Тоникни кўздан қочирмаслик учун

заводнинг панжарали дарвозаси олдидан узоқлашмай, анча вақтгача уёқдан-буёққа юриб турди. Қош қорайди. Цех дарвозасидан тушиб турган ёруғда фақат қум сешиб қўйилган завод ҳовлисигина кўриниб турарди. Ниҳоят, Анна Тоникни кўрди. У бир тўда ишчилар блан бирга қуюв цехидан чиқиб, шошилиш равишда заводнинг кўча эшиги томонига, контроль соат турган жойга ўтиб кетди. Тоник ўша ердан завод панжарасининг темирига суяниб турган Аннани кўриб, узоқдан унга қараб жилмайиб қўйди.

Қоровул дарвозани очди. Тоник чиқасолиб, Аннанинг қўлларини сиқди. Унинг мовий кўзлари гўё: «Сенсиз верикаман, қўрқаман, Тоничек»,— дейётгандай жовдираб турарди. Тоникнинг тикилишида эса: «Мен ҳам сендан хавотир бўламан, Анна. Лекин эсон-омон қутилишинг учун зарур бўлган ҳамма имкониятни яратиб берамиз. Қўрқма!» деган маъно акс этиб турарди. Бугапларнинг ҳаммаси кўз қарашлар блан ифодаланди, оғиздан эса, бирор сўз ҳам чиққани йўқ. Тоник блан Анна ёнма-ён кетишди.

— Мен сени уйгача кузатиб қўйиб, кейин Коширжега кетаман, Анна,— деди Тоник.— У ерда митинг бўлади, митингда Яндак нутқ сўзлайди, мен у блан гаплашиб олишим керак. Лекин мен мажлис охиригача ўтирмайман, тезда қайтиб келаман.

— Тезроқ кел!— деди Анна эрининг пинжига кириб.

Тоник биринчи муюлишдаги фонарь олдида борганда, симёғоч тагида санғиб юргандай кетаётган Ярда Яндакни кўриб қолди. Тоник унга: «Шайтон ҳар ерда ҳозир... шайтонбачча ҳам,— деб ҳазиллашмоқчи эди-ю, лекин студентнинг боши қуйи солишган ва авзойи бузук эканини пайқаб, ҳазиллашмади. Тоник блан Анна тўхташди. «Яроушканима бўлди?»— ўйлади Анна.

Студент ўз дўстларини кўриб таажжубланмади, ҳатто саломлашмади ҳам. Фонарь ёруғида унинг рангги яна ҳам бўзарганроқ кўринарди.

— Мен сизларникига борган эдим, Чинчаварова сени кечаси ишвақтидан ташқари ҳам ишляпти деди...

«Тўғри. Нега бу гапларни жуда ғалати қилиб гапираяпти?»— деб ўйлашди Тоник блан Анна, Ярдага савол назари блан қарашиб.

— Сендан бир илтимос бор, ўртоқ Кроусская. Уйларингда бирнеча кун тунашга рухсат берсанг!

— Майли, бемалол,— деб жавоб берди Тоник.

— Келақолинг, Яроуш!— деб қўшиб қўйди Анна.

Броқ бу изоҳ эмасди. Уларнинг иккаласи ҳам, қани, хичкина Яндак яна нималар деркин, деб кутиб туришарди.

— Энди уйимга асло қайтмайман. Амакимникига қўчиб кетаман. Тўғри, у ҳам буржуй, лекин бошқа ҳечкимим йўқ. Ҳозир у шаҳарда эмас, уч кундан сўнг қайтади...

Кроусскийларнинг бу гапларга ҳайрон бўлиб, бирорта шум хабар эшитишни кутишдан бошқа чоралари қолмади.

Ёш йигитнинг қошлари титраб, кўзларида умидсизлик аломатлари кўринди.

— Отам бизга хиёнат қилди!— деб хитоб қилди у.

Бугўё бомба портлагандай даҳшатли эди. Тоникнинг ҳам ранги ўчиб кетди, шу онда Яндакнинг хотини кийган амиркон туфли унинг ёдига тушди. У жанговарлик блан қаддини ростлаб, муштини тутиб, сал олдинга эгилди. Унинг кўзларида нафрат ўти чақнади. Улар шу вазиятда бирнеча секунд бир-бирларига тикилишиб қолишди. Ярда фақат бир нарсани: ўзини бирор кишининг бағрига ташлаб, йиғлашни истарди, холос. Ёнида Анна унга ачиниб қараб турарди.

— Қани юр, гапириб бер!— деди Тоник кескин.

Кетишди. Ярданинг ҳикояси қисқагина эди. Отаси бирдан ўзгариб қолипти. У, социал-демократларнинг аввалги сиёсатини сақлаб қолиш тарафдори ва янги партия тузишга қарши. У сабр қилиш керак дейди. Ҳозир ҳарқандай революцион чиқишлар барбод бўлишга маҳкум этилган. Отам Финляндия ва Венгриядаги воқиаларни рўкоч қилиб, Германиядаги революцион тўлқинлар ҳам пайсасаймоқда, Россияга қарши эса барча мамлакатларда қуролли интервенция тайёрланмоқда, дейди. Ишчилар давлатининг мағлубиятга учраши муқаррар...

— Бугун отамга бир бало бўлганга ўхшайди,— деб сўзини тугатди Ярда.

— Сен унга ишонасанми?

— Йўқ,— деб жавоб берди секингина.

— Балки унда бизда бўлмаган бирор ма'лумот бордир?

— Йўқ.

— Бугун у ким блан учрашди?

— Менинг билишимча, ҳечким блан учрашгани йўқ. У эрталабдан бошлаб уйда ишлаб, кейин судга кетди.

Тоник чиқарилган ҳукмдан беҳабар бўлишига қарамай, ҳатто у тўғрида сўрамади ҳам.

— Отангнинг хиёнат қилганидан яна бошқа бирор киши ҳам хабардорми?

— Йўқ, биринчи хабардор бўлган одам сенинг ўзинг.

Тоник шошилинич равишда энг яқин телефон будкасига қараб югурди. У, автоматга кетма-кет кронларни ташлаб, телефонда партия раҳбарларини ахтарабошлади, ниҳоят, район ташкилотининг секретарини топди.

— Депутат Яндак бизга хиёнат қилди! — ҳаяжон блан хабар берди Тоник ва Ярда блан гаплашган папларини бирма-бир айтди. — Яндак ит! — деб хитоб қилди у, бир вақтлар Халқ уйида депутатдан узр сўраганини эслаб. Трубка жим бўлиб қолди. — Эшитаяпсанми? — Безовтала-ниб қичқирди Тоник.

— Аблах экан у! — деган жавоб эшитилди уёқдан.

— Бугун Қоширжеда митинг бор, — деб давом этди Тоник. — Ҳали уерда бизга қарши ҳужум бошласа керак. Тезлик блан Қоширжега бориб, хойинни фoш қилиш лозим.

— Мен бораман, — деди секретарь, кейин бирпас жим туриб, худди ўйга чўмгандай: — Муттаҳам!.. деб қўшиб қўйди. — Бундай қиламиз, — деб давом этди у, — бугунги кеча планимиз бошқача эди, лекин ўзгартиришга тўғри келади, бу иш ҳаммасидан муҳим. Яндакка қарши ёлғиз ўзинг гувоҳсан, сенинг ҳам Қоширжега боришингга тўғри келади. Маълумки, революцион бурч Ярдадан ишчилар олдида хойинни фoш этишни талаб қилади. Броқ мен унинг бундай жасорат кўрсатишига ишюнмайман. Яндакни сиёсий жиҳатдан яксон қилиш керак!

— Майли, мен бораман, — деди Тоник трубкани қўятуриб.

Анна блан Ярда уни телефон будкасининг ёнида кутиб туришарди.

— Мен Қоширжега кетаман, Анна. Қачон қайтишим-ни билмайман, лекин кеч қайтсам керак, — деди у. — Меҳнатга шoн-шарафлар бўлсин!

Тоник тезгина Аннанинг қўлини сиқди-да, фақат кўз қири блан унга қараб қўйди, кейин студентга мурожаат қилди:

— Сен Анна блан бирга бор. У сени жойлаштириб қўяди. Лекин уни ҳар минутда тўлғoқ тутиб қолиши мум-

киди. Агар шундай бўлиб қолса, Чинчваровани уйғотиб, ўзинг акусхеркани чақириб келасан.

Тоник трамвай кетидан югуриб, юриб кетаётган трамвайга чиқиб олди. Унинг хаёлида Анна ва Керекеш тўғрисидаги фикрлар гавдаланди. «Ҳозир буларнинг ҳеч-қайсиси муҳим эмас, ишчилар иши хавф остида қолди. Хойинни фош қилиш керак!»

Тоник Яндакни фош қилгани кетди, Анна блан Яроуш эса уйга кетишди.

Анна блан Яроуш уйда ўтиришарди. Маня совға қилган керосин лампа қоғоз абажур остидан нур сочиб, арзонгина дастурхон ёзилган стол устида сарғиш доира ҳосил қилган эди. Анна ва Яроушнинг юзлари ним қоронғиликда қолди. Анна ич кийимларини ямарди. Иккаласи ҳам индамай ўтиришарди. Ба'зан Анна йигитчага ачиниб қараб қўяр, Яроуш эса ўзи муҳтож бўлган меҳрибонона қарашлари учун Аннага сукут блан ташаккур айттарди. У Аннанинг мовий кўзларини, яқинлашиб қолган оналик аломати янада кўркамлаштириб юборган юзларини кўрди. Мана, бир нафасга уларнинг кўзлари бир-бири блан учрашди ва Анна сал хижолат чекиб, мулоиймгина сўради:

— Нима бўлди ўзи, Яроуш?

— Жуда мудҳиш ҳодиса, ўртоқ Анна.

Улар тўё шиша қалпоқ остида ўтирганга ўхшайдилар. Уй — ҳаракат ва шов-шувлар блан тўла, лекин бу хонада жимжитлик ҳукм сураб ва ҳечким қимир этмасди. Зина ва йўлакда тинимсиз қалам товушлари эшитилади, эшиклар тарақлаб очилиб, ёпилиб туради, коридорда эса водопровод суви шовиллаб оқади. Кучеранинг квартирасида Славка тўрт яшар Франтикни калтакламоқда, унинг ёнидаги квартирада унтер-офицернинг хотини шу вақтларда расм бўлган тангони хиргойи қилиб эгизак бола-сини терватарди:

Эй азиз жиголо¹, ғамгин жиголо, ёшлигингни эслагин,

Бой-бадавлат, аслзода ёшлигингни эслагин!

Тоник рус оқ муҳожирларининг мана шу қўшиғидан доим кулиб юрарди. Броқ Аннанинг уйида ҳозир ҳечким

¹ Жиголо — Прагадаги тунги кўнгил очиб уйларида хизмат қиладиган ёлланма танцорлар, уларнинг орасида талайгина рус оқ гвардиячилари бор эди.

кулаётгани йўқ. Унтер-офицер хотини куйлаётган мунгли танго ҳам, бошқа ҳамма шов-шувлар ҳам ўткир шиша қалпоқдан ўтаолмас, ва бу қалпоққа урилиб, атрофидан сидирилиб, пастга тушиб кетаётганга ўхшарди. Аннанинг мовий кўзлари катта зангор тошга ўхшайди, чироқ нури унинг малла сочли бошида шу'ла гардиши ҳосил қилган эди. Унинг қўллари енгил ҳаракат қилади, бармоқлари учида игна ўйнайди. Худди шу вақтда эса Қоширженинг аллақасерида Яроушнинг отасига сиёсий жазо бермоқдалар...

— Энди сиз нима қиласиз, Яроуш?

— Билмайман, ўртоқ Анна.

Шу вақт кимдир зинадан худди оғир юк кўтариб чиқаётгандай қийналиб, аста-секин чиқиб келар эди. Ендаги хонадан «ўйинчоғингни қўйиб, дарсингни тайёрласангчи, безори» — деб бақирди Чинчваранинг хотини. «Тоник — яхши коммунист, — деб ўйлайди Ярда. — у кучли одам, у менинг отамни тор-мор қилиб ташлайди, у партия олдида ўз бурчини ҳалол бажаради, бунга шубҳа йўқ. Тоник блан Анна — бир жон-бир тан, уларга ҳамма нарса равшан, улар ҳечқачон иккиланмайдилар. Улар учун ҳарқандай фожиалар бегона, фожиалар умуман ҳамма партия а'золарига бегона, фақат у, Ярда иккиланади, унинг тинкаси қуриган, руҳи тушган. Унга ҳечким тушунмайди, унга ҳечким ёрдам ҳам бермайди. У бу ерда бегона одам. Ишчилар уни қабул қилишарди, у блан маслаҳатлашарди, унга ишонишарди, лекин уни ҳечқачон ўз одамлари деб ҳисоблашмасди. Ярда яширинча севадиган Анна унга ачиниб, шундай меҳрибонлик блан тикиладики, ҳечқандай ма'шуқа ҳам бундай тикилмайди; лекин Анна партияли ўртоқлар ўзаро гаплашгандаги каби унга ҳечқачон «сен» деб гапиргани йўқ. Броқ ҳаммадан даҳшатлиси шуки: у яхши кўрган, ўз ҳаётини бағишлаган бугун отамнинг ғажасини беринглар деган одамлари уни ўз оилаларига қабул қилмайди. Ярда уларга бегона...».

Коридорда аллаким водопроводга келаяпти, катта тунука челақка шариллаб тушаётган сув товуши эшитилди. Клабановларнинг эшиги очилди. Бир вақт коридорда Чинчварова зарда блан «Божен!» деб қичқиради. Божен? Ҳа, анави куни ҳовлида дурадгорлар блан можа-рога йўлиққан сариқ қиз... Товушлар Аннанинг хонаси

устига қопланган шиша қалпоққа урилиб, парчаланиб кетарди.

Ярда ўрнидан туриб, Тоникнинг китоблари турган жовон олдига борди, Лениннинг «Давлат ва революция» китобини олиб ўтирди-да, ўқишга ҳаракат қилди.

— Уйқунгиз келганда менга айтинг, Яроуш. Мен Тоникни кутаман,— деди Анна.

Студент «хўп» дегандай бош қимирлатиб қўйди. Ўқишга уринади, лекин ўқийолмайди. Лекин китобга қараб тинчгина ўтириш ва ўзингги китоб ўқиётган қилиб кўрсатиш— ҳарҳолда бўлар-бўлмас гапларни ўйлайверишдан кўра камроқ қийнайди. Борди-ю, ўқиб ўтирган бўлиб кўринмоқчи бўлсанг, вақти-вақти блан китобнинг вароғини очиб туриш керак, бундай сохтакорлик эса кишини таҳқирлайди. «Нега мен бу ерда ўтирибман,— деб ўйлайди Ярда.— Енимда Анна ўтирганидан, унинг игна тутган пушти бармоқларига тикилиб ўтирганимдан нима фойда? Баъзан игна ялт этиб қоладикки, худди унда Аннанинг қалбидаги ҳарорат акс этаётгандай туюлади. Ҳа, майли, Аннани кўрган пайтимда кўнглим анча таскин топади».

Уйга Тоник кириб келди. У, уйдагилар кутганидан кўра эртaroқ қайтди.

— Тоник!— деб хитоб қилади Анна қувончдан қипқизариб, Ярда юрагини ҳовучлаб, ўртоғининг юзидан кўз узмайди.

— Меҳнатга шон-шарафлар бўлсин!— дейди Тоник.

— Меҳнатга шон-шарафлар бўлсин!— секингина жавоб қайтарди Ярда, унинг кўзларида ташвишли савол ифодаси бор эди.

— У келмади,— дейди Тоник.

— Келмади!— деди Ярда, шу сўзларнинг таъсири остида. Унинг юраги гупиллаб урарди-ю, лекин ҳарҳолда бундан бирор минут илгаригидай эмасди. У ҳаяжонда, аммо ўзини анча енгил ҳис қилди, чунки отасининг жазоламини бирнеча соат кечиктирилган эди.

— Менга овқат берасанми, Анна?— деди Тоник.

— Анави ерда кофе бор.

— Нон йўқми?

Анна эрига ғамгин назар ташлайди. Йўқ, нон йўқ. Эрталаб барвақт ҳали Тоник ишга кетмасдан бурун уларникига ишсиз ўртоқ Стрнад келди. Тоник сўнгги

чорак буханка нон блан бир бурда шпикни унга бериб юборди. Пул ҳам йўқ. Тоник кеча кечқурун Аннадаги охирги ўн кронни олиб сўл газета чиқариш мақсадида тўпланаётган маблағ учун тўлади. Ёнида қолган бор пулини эса бугун автомат телефонга сарф қилиб бўлди. Мойна эртага чиқади. Анна Ярдага катта кружкада қуйиб бергани учун кофе ҳам озгина қолди. Тоник бу бемаза кофени ҳеч ичкиси йўқ: ейиш-ичиш унинг хаёлига ҳам келмасди-ю, лекин Аннани хафа қилгиси келмади.

Тоник кофени ичиш учун ўтирди.

— Митингда нима бўлди?— қўрқа-писа сўради Ярда.

— Шмераль сиёсий вазият тўғрисида доклад қилди.

Кураш кескинлашиб борапти.

— Сен у блан гаплашдингми, отам ҳақидаги воқияни билдингми?

Тоник бош қимирлатди.

— У нима деди?

— Арзирлик бир нарса дегани йўқ. Ҳамма гапни суриштириб олди-да, елкасини қисиб қўяқолди. Сенга салом айтди.

Улар уйқуга ётабошлашди. Тоник Анна блан кроватьда, Ярда полда тўшакда ётди.

Шу кун кечаси ёш пролетар туғилди; энди унинг қисмати отаси каби жангчи бўлиш эмас, балки келажакнинг қуручиси бўлишди.

Ярда худди тонг отарга бориб ухлаган эди, лекин шовқин-сурон ва чироқ ёруғи уни уйғотиб юборди. Тоник тезда кийинди, Анна кроватьда ётарди, унинг кўк кўзлари шифтга термулган, лаблари юмуқ эди. У оғир нафас олар ва секин инграрди.

— Сен бироз шу ерда туратургин,— деди Тоник студентга ва ўзи шошилиб чиқиб кетди.

Ярда шошилиш равишда кийинди ва оёқ яланг, оёқ учида эҳтиётлик блан юриб, кровать ёнига борди, чунки ҳозир унинг ҳарбир ножўя қўйган қадами шаккоклик бўлар эди. У ўриннинг оёқ томонида турди. Аннани тўлғоқ тутабошлади. Анна кўзларини юмиб, лабларини қисиб олган эди. У бармоқлари блан кўрпани чангаллаб, инграшини аранг босиб турарди.

Анна, Ярданинг шу ерда, ўз ёнида турганлигини сезаётганмикин? Агар сезмаётган бўлса яна яхши. Ярда нима қилса экан? Унинг азоб-уқубат акс этиб турган бети-

га тикилиб туриш, қийналиши ва азобланишига чидаб, унга, Аннага ҳечқандай ёрдам бермай эзилиб туравериш ярамайди-да, ахир! «Эҳ, буларнинг ҳаммаси бўлмагур, қуруқ гаплар,— деди, ниҳоят, Ярда ичида.— Унинг дарди менинг дардим эмас-ку, менинг ачинишим кимга ҳам керак? Менинг ўрнимда Тоник бўлганда нима қиларди экан?» Ярда мана шу ҳолни кўз олдига келтиришга уринади. Ҳа, тўғри, булар бошқа-бошқа одамлар.

Анна кўзларини очмасдан зорланиб илтимос қилади:

— Яроушек, ташқарига чиқиб туринг, уяламан.

Ярда қипқизариб, ошхонага чиқиб кетади. У ошхонадаги қоронғи бурчакда, плита олдида туриб ўйга толади: «Мен бу ерда нима қилиб юрибман? Қўлимдан нима келади-ю, кимга зарурман?» У ўзини бировнинг бағрига ташлаб, бировнинг елкасига бошини қўйгиси желлади. Броқ унинг игундай яқин одами дун'ёда йўқ. Ярда икки қўли блан бошини сиқиб, кошин плитага пешонасини тирайди. Уйдан Аннанинг оҳ-фар'ёди эшитиларди.

Тоник акушеркани бошлаб келди. Квартирада югур-югур бошланди. Тоник ошхонада шам ёқиб, печкага олов қўйди, коридордан бир челақ сув келтириб плитага қўйди-да, жомашовни ювди. У, миқ этмай бу ишларнинг ҳаммасини чаққонлик блан тез-тез қиларди. Унинг узун сояси деворда ва шифтда тебраниб юрарди. Аннага у деярлик ҳеч қарамайди. «Мана, содда, чин муҳаббат»— деган фикр Ярданинг хаёлидан ўтади.

Акушерка ўз иши блан машғул. Шов-шувдан уйғониб кетган Чинчварова елкасига рўмол ташлаб, ички юбкасида югуриб келди.

— Ҳечнарс қилмайди, ҳечнарс, онажоним,— дейди у Аннанинг ёнига келиб.— Бусиз иложи йўқ, ҳаммамизнинг бошимиздан ўтган. Лекин зорланма! Партўшакни олиб ташланглар! Агар оғриғинг жуда зўр бўлса, қаттиқ бақиравер, ёрдам беради... Қани бундай қилинг, холажон... Уҳў, иш катта-ю, йўргак боғлари ҳам тахт! Мен оддийгина бўзга ўраб қўяқолгучийдим.

Аннанинг инграши тобора зўрайиб, бақирӣққа айланмоқда.

— Ҳа, майли, майли,— деб қўярди Чинчварова.— Овозни аяма. Қўявер, девор орқасида Клабановахонимнинг жиғига тегсин. Яхши кўрган тангоси «Жиголо»ни айтақолсин.

«Мана,— деб азобланарди Яроуш,— манавининг бе-
ўхшов дўстлиги ҳам менинг арзимас муҳаббатимдан
фойдалироқ!»

Тоник ҳеч тиниб-тинчимасди. У акушерка учун кофе
тайёрлади, чунки унга кофе бериш зарур эди. Тоник
ҳарбир ишни қай тартибда қилишини биларди.

Уй ичидан Аннанинг ваҳима блан:

— Тоничек!— деб қичқирган овози эшитилиб қолди.
Тоник унга югурди. Ярда ошхонада қолди. У, чала ярим
кийиниб ялангоёқ, ҳечкимга кераксиз, бегона, ортиқча
бир одамдай ошхонанинг бурчагида серрайиб турарди.
Чинчварова ошхонадан ўтаётиб уни кўриб қолди.

— Ҳа, йигитча, сиз бу ерда нима қилиб турибсиз?—
деб сўради Чинчварова уни бошдан-оёқ кўздан кечи-
риб.— Қани, жўнаб қолинг бу ердан, ҳозир бу ер сиз-
нинг жойингиз эмас. Бирор кафега боринг.

Ярда нарсаларини олиш учун югуриб уйга кирди.
Ярда уйда Аннани худди туман орасида кўргандай бўл-
ди; сеvimли Анна кўзларини катта-катта очиб, мудҳиш
оғриқдан азоб чекиб, яланғоч ётарди. Унинг малла соч-
лари тўзиб кетган. Тоник унинг тўшаги ёнида турипти.
Анна эрининг қўлига тармашиб олган эди. Бу сафар Ан-
на студентни пайқамади.

Йигитчани ноумидлик чулғаб олди.

У кийим-бошларини қўлтиқлаб, секингина яширинча
уйдан чиқди. Унга ҳечким эʼтибор ҳам қилгани йўқ. Яр-
да қоронғи зина саҳнида кийинди, у, пешонасини совуқ
деворга тираб ва худди шу зайилда қотиб қолгандай,
узоқ вақт кийинди.

Дарвозабон аёл уни кўчага чиқариб юборган пайтда,
тонг ёришиб қолган эди. Ярда, шўрлик Анна тўғрисида
бирор хабар эшитиш учун иккинчи қаватда туручилар-
дан биронтаси кўчага чиққунча уй олдида кутиб туриш-
га қарор қилди.

Декабрь

Кольбен заводлари тепасида вагранка юксалиб турар-
ди. У кечалари қип-қизил шафақдай порлайди, баʼзан
эса ўтли тилларини кўкка чўзиб, йўловчиларнинг диқ-
қатини ўзига жалб қилади. Бу вагранка жуда катта ме-
талл цилиндрдан иборат бўлиб, унинг пойдевори пастда,
Тоник ишлайдиган чўян қуюв цехида туради.

Юқорида — вагранка оғзига қўйилган ингичка темир кўприкча устида кекса Литохлеб блан жингалак сочли, чорпахилдан келган йигит Эда Ворел ишлайди. Эданинг енглари шимарилган, кўйлак тугмалари ечибли, кўкрагига кўриниб турарди; у доим кўмир чангги ва темир зангидан қопқора дашқалдай бўлиб юрарди. Подъёмник, вагонеткаларда ҳовлидан шаҳардаги барча ҳовлилар, ахлатхоналар, омборхоналардан йиғилган темир-терсакларни шу ерга чиқариб бериб туради. Буларнинг орасида нималар йўқ дейсиз: ёрилган қозонлар, синиқ калитлар, ишдан чиқиб қолган вагон ғилдираклари, ёрилган эски темир чамбараклар, радиаторлар ва ҳатто шрапнель қобиқлари-ю, йирик калибмли снарядларгача бор эди. Ворел кунига саккиз соат шу ерда туриб белкурак блан ишлайди, у печь оғзига гоҳ металл, гоҳ кокс ва оҳак ташлаб туради. Ёб тўймас вагранка эса металл, ёқилғи, оқ оҳакларни аждаҳодек ютиб, бир минг икки юз даража Цельсий иссиқликда ҳазм қилиб юборади.

Пастда, қуюв цехида шиғиллаб турган вагранканинг кўкимтир улкан танаси худди пўстлоғи шилинган йўғон дарахтга ўхшайди. Вагранка танасининг силлиқ юқори қисмига тюрма камерасининг эшигидай кичкина тўйнуқ қилинган. Бу тўйнуқчанинг металл дарпардасини истаган пайтда олиб, слюда пластинаси орқали вагранканинг оддийгина, худди овқатни қонга айлантиручи қурт ошқозонига ўхшаш оддий, ичини бемалол кўриш мумкин эди. Пуштисимон оқ музга ўхшаш кокс ва оҳак орасидан қизғиш оқим қора томчилар аралашиб оқиб туради. Бир соат илгари синиқ-мертик темир-терсаклардан иборат бўлган металл энди вагранка қонипа, яна бир соатдан кейин эса машиналар деталига айланади. Вагранка қони ҳам худди қуючи ишчилар қони сингари капиталга қарам бўлиб қолган, чунки бу ерда одамларни ҳам, печьни ҳам бекорга боқмайдилар. Вагранка қони катталиги кафтдай келадиган тешикдан оқизилади, — ҳозир бу тешикни лой блан суваб қўйилган, шунинг учун ҳам уни кўриб бўлмайди.

Кундузи соат тўрт. Қуючи мастер узун пўлат ходани кўтариб келиб, уни худди кушхонадаги молнинг қорнига пичоқ санчгандай, печьга санчади. Вагранка қорнидан оқ пушти ранг қуюқ ўт ёлқини шариллаб чиқади-да, бутун цехни ва одамлар юзини чақмоқдек ялтиратиб тарновдан

оқабошлайди. Ишчилар тарнов ёнида қўлларига узун дастали чўмич кўтариб, икки киши-икки киши бўлиб туришади. Улар чўмични вагранканинг ўт ёлқини блан тўлдириб тезликда қолипга қуядилар. Цехда бирдан ўилаб қизил гуллар очилиб кетгандай бўлади. Ҳаво қизиб, ҳаммаёқни аччиқ ҳид босиб кетади. Агарда қум қолиплар яхши қуритилган бўлмаса, эритма шифтга сачраб, тепадан худди қизиган милтиқ питрасига ўхшаб қуючицларнинг бошлари ва ёқаларининг ичига тушади...

Мана, иш куни ҳам тамом бўлди. Эда Ворел тер блан аралашиб бетига ёпишган куяни енгги блан арғиб, папирос чекишга тутинади, кекса Литохлеб эса темир уюмига ўтириб, белкурак дастасига таянади-да, рўпарасига ма'носиз тикилиб қолади.

Тепада Эда, пастда Тоник ишлайди. Катта узунчоқ цехнинг ҳамаёғида қум ва темир уюлиб ётипти. Кулранг қум қипқизил темир-терсак, металл ва захкаш ер ҳиди. Фармовшиклар қум устида уймалашиб, аллақандай мураккаб иншоот қурмоқдалар. Металл шу томонга оқиб келиб, машина деталъларига айланади. Аммо бу ишнинг юраги — одамлардир. Машиналар ҳаракатга келишининг сабаби, ишчилар меҳнатлари блан унга ўз идроклари, асабларининг та'сирчанлиги, ўз қонидаги ҳарорат ва ҳаётининг бир қисмини бағишлайдилар. Қолипини Тоник тайёрлаб берадиган турбогенераторнинг негизи машинага айланганидан кейин, у машина қаерда ишламасин, уни Тоникнинг кучи ҳам ҳаракатга келтиради. Бу генераторнинг қуввати ҳаракатга келтирадиган машиналар ҳам — тўқув ёки йигирув машинаси ҳам, механик темирчилик болғаси ҳам, ёки токарълик станоги ҳам Тоникнинг юрак уруши блан ҳамоҳангдир.

Чўян қуюв цехида Тоник блан бирга юзта ўртоқ ишлайди. Ўт ёлқинлари ва металл блан қўшилиб кетган меҳнат ва кураш уларнинг юзига жиддий тус берган, қўлларини қорайтириб юборган эди.

Тоникдан ўн метрча баланддаги кранда унинг дўсти ва партиядош ўртоғи Петр Малина юради. Петр Малина — кўтарма механизмнинг жони. У темир катакда ўтириб, темир издан шақир-шуқур қилиб юручи кранни бошқаради. Крандан йўғон илмоқли занжир туширилади, унга чўян плиталар, машина деталълари ёки сушилка печьлари илинади ва бу нарсаларни ҳавода баҳайбат

ебратиб цехнинг нариги бурчига олиб борилади. Энг ирик детальлар қуйиш пайтида, кран худди вагранка-нинг ўзига яқин келиб, металл эритмаси солинган улқан идишни илиб олади, ярим метр юқори кўтариб, қум уюм-лари, қолип ва чўян плиталар устидан ўтиб, мурак-каб қолиплар олдига олиб боради. Бу ишларни бажариш маросими худди тантанали намойишга ўхшайди. Ишчи-лар кўтарма кран занжирини шақирлатиб, ҳавода аста сузиб бораётган идишни жиддий қиёфада кузатадилар ва темир таёқлар блан идишнинг мувозанатини сақлаб турадилар. Эритилган металл ёғдусида, ҳечқайси черков-да учрамайдиган чироқлар орасида, ишчилар бўлажак машина шакли устида тўхтайдилар, қуючилар идишни энгаштирадилар, эритилган металл вишиллаб ва ялти-раб оқиб тушабошлайди-да, оловдай қипқизил шу'ласи ишчиларнинг юзларида, қўлларида ва кран йўлида акс этади...

Иш куни тамом бўлди. Петр Малина қопқора бармоқ-лари блан бурнини артиб, катакдан бошини чиқаради-да, олазараб бўлиб Тоникни излайди.

Чўян қуюв цехи ёнида — пўлат қуюв цехи бор. У ерда— мартен печьларида кечаю-кундуз темир худди сувдай қай-наб ётади. Бошқа томонда — пўлат қуйилади; у ердаги қолиплар кичкина-кичкина бўлиб, худди болаларнинг ўйинчоғига ўхшайди. Ҳовлида қум чиқадиған темирмон, те-мирчилик, дурадгорлик устахонаси, экспедиция, кўмир ва темир омборхоналари, конторалар жойлашган. Ҳама-ёғи завод корпуси ва трубаларидангина иборат бўлган бу шаҳарчада ишчилар ҳормай-толмай ишлашади. Бу ерда бир минг тўрт юз етмиш эркак ва аёл ишчининг ик-ки минг тўққиз юз қирқта қўли тинимсиз ишлаб туради. Бу ерда бир минг тўрт юз етмишта ҳозирги замон сано-ати пролетари бор!

Энди булар ота-боболаримиз наслидан қолган, йирик саноат корхоналари блан бўлган конкуренцияга бардош беролмай хонавайрон бўлиб пролетарлашган ва ниҳоят ноилож заводга ўз ихтиёри блан келган, лекин ўзининг энг яхши кунларини ҳали эсдан чиқармай, ўз душмани бўлган машиналардан ўч олиш, уларни бузиб ташлаш иштиёқида юрган ҳунармандлар эмас. Энди булар отала-римиз наслидан қолган ҳимоясиз, ўн уч соатлик иш ку-нининг қули, жут ва қоп уюмлари устида машиналар

шовқини остида туғилиб, ҳамиша оч ва гангиб юрадиган, ойлик олган кунни бир рюмка ичиши блан қулаб қоладиган заиф одамлардан эмас; бу қулликка маҳкум этилган, омма орасидан келажакнинг жангчилари, жафокашлари ва қаҳрамонлари эндигина етишиб келаётган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Жойлардаги трактирларда тузилган ишчи ташкилотлари, ўтмишдаги тақиб ва тюрма азоблари пролетар оммасининг онгини уйғотган эди. Пролетариатнинг ўз-ўзини синф сифатида англаши янги асрнинг улугвор янгилigi бўлди, бу ҳол дин ва ватанпарварлик ғоялари даражасида таъсир кўрсатди ва ҳатто бу ғоя дин ҳамда ватанпарварлик устидан ғалаба қозонди. Бу оммага илҳом берди, уларнинг онгида янги фикрлар ва курашга муҳаббат туйғуларини уйғотди. Оммада ўлимдан тап тортмасдан курашиш ҳиссаётларини уйғотди; уни ғалабага олиб боручи курашга олантирди. Синфнинг ўзини англаш ғояси Антонин Кроусский ва унинг ўртоқлари қонига аллақачон сингиб кетган эди. Улар ўзларининг ишчи, яъни дунёда ҳамма нарсанинг яратучиси ва хўжайини эканликларини, ўз қўллари блан бунёд бўлган нарсаларга ўзлари эгалик қилишлари лозимлигини тушундилар. Энди улар машина ва заводларга нафрат блан қарамайдилар. «Ёлловчи» деган сўз энди улар учун конкрет маъносини йўқотган. Чунки ҳозир фабрикантлар бир вақтлардаги сингари байрам кунларида фабрика дарвозаларидан экипажда чиқиб кетмайдилар; ишчилар ҳам эндиликда бир бочка пиво ва бир челақ сосисска учун уларнинг деразалари ёнида туриб миннатдорчилик билдирмайдилар. Мансабдор фабрикант акция пакетлари орасида ўз қиёфасини йўқотган; буржуа квартирасидаги ёзув столи яшигининг бутун мазмуни мана шу акциялардан иборат бўлиб қолди. Булар аёлларнинг пардозхонаси ва бутун дабдабали ҳаётнинг мазмуни бўлиб қолди, шунинг учун ҳам ишчиларга бойларнинг ҳаммаси эксплуататор бўлиб кўринарди. Синф-синфга қарама-қарши бўлиб қолди. Ҳар иккала томон жангчилари бирнеча мартадан отишмалар ва позиция жангларида бўлдилар, улар бир-бирларининг миқдори ва кучларини, кураш методларини билардилар, шу блан бирга икки синф ўртасида ҳечқандай сулҳ ва битимлар бўлиши мумкин эмаслигини жуда яхши тушунар эдилар!

Ғарбада улуғ жанглар арафаси эди. Шарқда, Россияда эса жанглар ғалаба қозонган эди. Ҳар иккала томон армиясининг жангчилари худди жангга киришга тайёр тургандай, ғоят ҳаяжонли эдилар. Бу жангда Тоник ишлайдиган «Қольбен» заводи олдинги позициялардан бирини эгаллаган эди. Юқорида, вагранка оғзида ишлайдиган Эда Ворел, пастда ишловчи Антонин Кроусский, кўтарма крандаги Петр Малиналар ҳаммаси авангард отряднинг жангчилари эдилар.

1920 йил тўққизинчи декабрь, кундуз соат учдан ошганда, металл эритмаси қум қолипларда учқунлар чақнатиб оқаётган бир пайтда «Қольбен» заводининг олдинги позициясида жанговар тревога бошланди: қўшни цехда ишлайдиган кочегар Недела югуриб кирди.

— Кроусский, полиция Халқ уйини ишғол қилипти!

Тоник қаддини ростлади, унинг юраги дукиллаб кетди, бармоқлари гўё милтиқ қўндоғини ушлаётгандай юмилди.

— Аниқроқ маълумот борми?

— Йўқ. Бизнинг завод ёрдамга бориши керак.

Тоник цехнинг у бошидан-бу бошига югуриб, ҳархил асбоб-ускуналар, қизиб ётган металл парчалари устидан ҳатлаб, айланма зинадан вагранка тепасига чиқди.

— Эда, Халқ уйини полиция эгаллаб олипти. Биз ёрдамга кетаямиз. Сен одамларни ҳовлига тўплаб тур, мен цехларни айланиб чиқаман.

Тоник тезда пастга тушиб, кран олдига югурди.

— Петр, Петр!— қичқирди у бошини баланд кўтариб.

Петр кабинадан бошини чиқариб қўлини қулоғига тутди. Тоник қолипга чиқиб, шовқинни босиб кетгудай баланд товуш блан бақирди:

— Ишни тўхтат, ишни тўхтат! Уртоқлар, полиция Халқ уйини эгаллаб олипти. Тарқалманглар, ҳозир ўшаёққа борамиз! Ҳар томондан ишчилар югуриб келаверди. Ҳатто бетараф ишчилар ҳам нима воқиа бўлганини эшитай деб ишларини тўхтатишарди.

Вагранкадан югуриб келаётган мастернинг юзлари кипқизариб кетган эди, у Тоникка қараб бақирарди:

— Жинни бўлдингми. Шу пайтда, ишни ташлаб бўлармиди!

Юқорида, шифтнинг таггинасида ишлаётган Петр Малина кранни тўхтатди, бирдан цехга жимлик чўкди.

— Ҳай, Тоник, биз ёрдам бергани ўшаёққа борамизми?

— Ха!

Петр Малина ҳам ўз крани устида қаддини ростлаб, шу қадар баланд товуш блан қичқирдики, ҳатто бошқа цехлардаги ишчилар ҳам унинг айтганини бемалол эшитдилар.

— Ишни тўхтат! Полиция Халқ уйини эгаллаб олипти!

Цехга инженер югуриб кирди. Маэстер қўлини пахса қилиб кранчига бақирарди:

— Йигитлар, ақлдан оздингизми!

Ҳамаёғи қопқора бўлиб кетган, паҳлавон қомат, қуючи ишчилар форасидан ўтиб, унга яқинлашди-да, кўзларини олайтириб овозининг борица бақирди:

— Бизнинг ишимизга аралашманг!— Кейин ўртоқларга ўгирилиб:— ишни тўхтат!— деди.

Тоник қуюв қолипидан сакраб тушиб, қўшни цехга югурди. У ердан чиқиб пўлат қуючилар цехига югурди.

— Ишни тўхтат! Юринглар, Халқ уйидаги ўртоқларга ёрдамга борамиз!

Шу орада Эда Ворел ҳовлини айланиб, қум чиқарадиган тегирмон, омборхоналар ва ёрдамчи устакхоналарни ҳабарлаб келди.

Қольбен заводининг ишчилари бекорга тревога кўтармаган эдилар: тўққизинчи декабрьда полиция ҳақиқатан ҳам Халқ уйини ишғол қилган эди. Кузга келиб катта воқиялар юз бериши яқинлашиб қолган эди. Социал-демократларнинг саксон проценти коммунистлар томонига ўтган ва партияда ажралишлар муқаррарлиги ҳаммага аён бўлиб қолган эди. Бирнеча ҳафта давомида партиянинг марказий газетаси бўлган «Право лиду» саҳифаларида тартибсиз мунозаралар давом этиб турди, кейинчалик эса газета бутунлай контрреволюцион позицияга ўтиб кетди. Шундан сўнг актив ишчилар сўздан амалий ишга ўтдилар. Октябрь кунларидан бирида кечқурун Шмераль ишчи активларини «У Забранских» трактирининг спорт залига тўплади. Ишчилар бу ерга тўппа-тўғри заводлардан спецовкаларда, хотиржам ва жиддий қиёфада, нима воқиа бўлиши ва қандай ишга киришганликларини тушуниб келган эдилар. Мажлис узоқ чўзилмади: доклад бўлди, оз-моз чапаквозлик бўлди-ю, бирнеча киши сўзга чиқиб, докладни ма'қуллаб гапирди. Тоник ҳам сўзга чиқди, унинг «ўртоқлар!» деган хитоби тагин сандонга урилган болға зарбидай жаранглади. Кейин Прага заводи актив-

лари ишчи трактиридан чиқдилар, уларнинг зарбдор отрядлари оқшомда кўчаларни тўлдириб, Халқ уйига томон оқабошлади.

Полициядан редакцияга Антонин Немецга телефон қилиб: «Халқ уйига икки юзтача кишидан иборат оломон яқинлашиб келмоқда. Сизларга қўриқчи керак эмасми, жаноблар?» — деб сўрадилар.

Кекса Немецнинг юрагига ваҳима тушди. Мана, иш қаергача бориб етди! Бир вақтлар унинг ўзи ҳам ишчи эди, энди бўлса ишчилар унга қарши ҳужум қилмоқдалар.

— Раҳмат, керак эмас, — деб жавоб берди у, ва қизариб, гурур блан бошини баланд кўтарди-да, Иозеф Стивин блан бирга редакцияни ташлаб чиқиб кетди; бу редакцияни у бир вақтлар ўз қўли блан ташкил этган эди.

Редакцияда қолган хизматчилар коммунистлар эди. Ишчи активлари Халқ уйини бемалол эгаллаб олишди.

Ишчиларнинг Халқ уйининг ним қоронғи ҳовлилари ва зинапоядан юқорига қилган юришлари бу бинода унчалик ғала-ғовур кўтармади. Гўё бояги икки одам бу ерда бўлмагандай набор цехи, ротация, экспедиция ва контролада иш одатдагича давом этмоқда. Тўғри, Халқ уйининг биноси расмий жиҳатдан партия бошлиғи Антонин Немецга қарарди. Брок, ахир, шу ишчилар ўз вакилларидан: «Халқ уйи қурилиши учун бир ғишт» деб ёзилган варақани сотиб олиш учун озиқ-овқат ва папиросга сарфлайдиган пулларини тежамаганмидилар? Ахир, «Право лиду» учун оғир бўлган кунларда ишчилар маблағ тўпламаганмидилар, уйма-уй юриб агитация қилмаганмидилар, эрта-лаб иш вақтигача ҳамаёқни айланиб ўз газеталарини тарқатиб келмаганмидилар? Мана ҳозир улар яна ўз ҳуқуқлари учун курашга отландилар.

Улар «Право лиду»ни «Руде право» деб ўзгартириб, бу ҳуқуқни икки ойгача сақлаб турдилар. Газетани ўзининг «қонуний хўжайинига» қайтариб бериш тўғрисида социал-демократик депутатлар блан ҳукумат ўртасида икки ой музокаралар олиб борилди, праварди шу нарса равшан бўлдики, бунга фақат қуроли кучлар ёрдами блангина эришиш мумкин экан. Аммо, ишчиларга қарши қурол ишлатиш социал-демократлар учун мақсадга мувофиқ бўлармикан? Асло! Бу партияни ҳалок этиш деган сўз бўларди. Нима илож бор? Илож топилди: социал-

демократик ҳукумат исте'фо беради. Бош министр, социал-демократ Тусар исте'фо берди ва унинг ўрнини эса эски австрияли бюрократ, ишчилардан ўч олишнинг йўлини биладиган Черний эгаллади. Шундай қилиб, Қольбен заводи ишчилари бу воқияни, я'ни Халқ уйининг полиция томонидан ишғол қилинганини бугун, тўққизинчи декабрьда иш кунининг охирида билиб қолдилар.

Бу воқияларни амалга оширишда расмийчиликнинг барча формаларига риоя қилинди. Соат уч яримда Халқ уйи биносига Прага шаҳар бошқармасининг чиновники босмахона мудирига расмий қоғоз топширди, бу қоғозда босмахона печатъланиши керак, деб ёзилган эди. Бу расмий ишни эҳтиётлик билан зимдан бажарилиб, бунинг учун жуда қулай фурсатни топишган эди: газетанинг кечки сони чиқиб, эрталабкиси учун эса ҳали иш бошланмаган эди; машиналар тўхтаган, босмахонада деярлик ҳечким йўқ эди. Бундай пайтда — қоронғилик тушиб, витриналардаги чироқлар ёқилиши билан кўчаларда одам жуда сийраклашиб қолган эди; кишилар уйларида ўтириб революциядан кўра, яқинлашиб келаётган байрам арафаси тўғрисида, байрамда майиз солиб пишириладиган пирог ва бола-чақаларига олиб келинадиган совғалар тўғрисида кўпроқ ўйлашарди. Собик ишчи лидерлари бировларнинг қўли билан атака қилиб, қал'анинг заиф жойини, унинг гарнизонини яхши билиб олган эдилар.

Киши билмас чиновник бундай сокин оқшом чоғида Халқ уйига кириб келишидан олдин бутун давлат аппарати жиддий тайёргарлик кўрган эди. Қўшинлар жанговар ҳолатда тахт қилиб қўйилган, полиция бошқармаси эса, эрталабданоқ шайланиб турарди. Полиция бошқармаси шаҳар атрофидаги ҳамма ходимларини Прагага тўплади; Халқ уйи билан бўладиган телефон алоқалари назорат остига олинди. Киши билмас чиновник босмахонага келиб, уни печатълаш тўғрисидаги буйруқни топширган пайтда, бош министр Черний ва унинг содиқ ёрдамчиси Подградский, Австрия ҳукмдорлиги даврида чиникқан ҳар иккала администратор Чернийнинг кабинетига ўтириб сугара чекишар ва вазминликни сақлашга тиришиб, телефон звоногини кутишарди.

Шу вақт социал-демократик партиянинг юрисконсульти квартирасига эса шу партиянинг йўлбошчилари тўпланган эди. Уларнинг раиғлари ўчиб кетган бўлиб, ўзлари

жуда безовта эдилар. Биринчи марта улар ишчиларнинг қонини тўкишга қарор бердилар. Кекса Антонин Немецнинг олтин кўзойнакка яширинган кўзларида ташвиш аломати якс этиб турарди. У партия ичидаги конфликтларнинг шундай натижага олиб келишини мутлақо истамас ва бу ерга ўзининг қандай қилиб келиб қолганини ҳамда нимани кутаётганини ўзи ҳам тушунмас эди. Наҳотки, адвокатлар ва министрлар уни мутлақо қутилиб бўлмай-диган бир аҳволга тушириб қўйган бўлсалар?

— Йўқ, йўқ! — деб хитоб қилди титроқ товуш блан исте'фодаги министр Габрман, ҳаяжондан кўзёшларини зўрга тийиб. — Ишчиларнинг қонини тўкишга йўл қўйиб бўлмайди. Чернийга яна телефон қилиб айт, агарда бирор томчи қон тўкилгундай бўлса, мен уни худди ўз қўлим блан отиб ташлайман.

Тўрт йил ўтириб чиққан камерасининг оқ деворлари Габрманнинг эсига тушди. Уни эрталабдан бери бир нарсa ташвишга соларди: шу рўй бераётган воқиаларнинг бош сабаби ишчи министрлари концеляриясининг қайтадан америка ёзув столлари блан эски усулда жиҳозланиши эмасмикан?

— У менга ҳамма иш деярлик тинч йўл блан ҳал бўлади, деб ва'да берди, мен унга ишонаман, — деб жавоб берди собик бош министр. — Броқ, кечаги кун энди қайтиб келмайди, бу нарсa аниқ: ҳозир ҳокимият тепасида Черний турипти.

Халқ ўйининг директори бу ерни печатлаш тўғрисидаги буйруқни олпач, шаҳар бошқармасига телефон қилган эди, у ерда хизматкордан бошқа ҳечким йўқ экан, чунки иш вақти тамом бўлган эди. Кейин у полицияга телефон қилди. Лекин сиёсий далиллар полиция бошлиғига унча та'сир қилмас, эҳтиёткорлик тўғрисида эса у мутлақо ўйлашни ҳам истамасди. Броқ у, бу аҳволни бош министрга ма'лум қилишга рози бўлди. Бир нафасдан кейин Халқ ўйи дирекциясидаги телефон жиринглаб қолди: ички ишлар министрлигидан томонларнинг розилиги блан конфликтларни тинчлик йўли блан бартараф қилишни маслаҳат беришди. Министрлик бу ишнинг сиёсий вазиятни кескинлаштиришга олиб келишини ва ошқор бўлишини истамайди. Министрлик соат олтида Халқ ўйида завод ишчилари вакилларининг мажлиси бўлишини э'тиборга олади ва ана шу мажлисда бу масала ҳал қилинади.

— Полиция мажлис қатнашчиларини Халқ уйига қўядими? — деб сўради директор — нариги томондаги киши узоқ сукут қилганидан кейин.

— Бош министр жаноблари ҳозир бу ерда йўқлар,— деб жавоб берди уёқдан.— Лекин мен у кишига айтиб қўярман. Агар ҳақиқатан ҳам фақат вакилларнинг ўзи тўпланса, у вақтда қўйишса, эҳтимол. Балки...

Бу гапираётган — департамент бошлиғи Подградский эди. Унинг ёнида чарм креслода оёқларини чалиштириб параллель телефон трубкасини ушлаб бош министр Чернийнинг ўзи ўтирар эди. У Подградскийнинг савол назари блан қарашига қисқагина қилиб бош силкиб қўяқолди.

Мана шу бефойда музокаралар бўлиб турган бир пайтда уч юзта полициячи Халқ уйини ишғол қилиб олди. Полициячилар ҳовлиларни ўраб, талай соқчи блан иккала под'ездни ҳам маҳкамлаб олдилар. Ҳечбир кутилмаган пайтда босиб олинган ишчилар қал'аси шаҳардан ажратилиб, тақа-тақ беркитиб қўйилди. Ҳечкимни киргизишмасди ҳам, чиқаришмасди ҳам. Фақат телефонлар ҳали ишлаб турарди. Тасодифан шу бинога кириб қолган бирнеча ишчи активлари бирдан заводларга телефон қилиб юбордилар; «Халқ уйини полиция эгаллаб олди, иложи борица ҳаммага хабар қилингиз! Қольбен ва Данек заводларидаги ўртоқларга, Чех-морав машина-созлик заводи, қурол-яроғ ва Рингхоффер заводларидаги ишчиларга ма'лум қилингиз. Халқ уйининг боғ павильонида бугун кеч соат олтида Прага завод ишчилари вакиллариининг мажлиси чақирилади.. Бу ҳақда ҳаммага хабар берингиз!»

Телефон станциясида Халқ уйи блан бўладиган алоқаларни назорат қилиб турган полиция бу чақириқни эшитиши блан телефон алоқасини шартта ўзиб қўйди ва шу блан Халқ уйи ҳаммаёқдан ажратиб қўйилди. Шу декабрь оқшомида у ҳамма уйлар орасида ғариб, ҳамма уйлардан ажралиб, қонундан ташқари бўлиб қолди.

Кўчада тамошабинлар тўпланабошлади. Қаршидаги вокзалдан чиққан кишилар нега Халқ уйининг дарвозасини соқчилар қўриқлаб тургани ва кўчани ҳам полициячилар босиб кетганининг сабабини билиш учун тўхташарди. Лекин буржуазия воқиянинг моҳиятини олдиндан биларди: газеталар бирнеча ҳафтадан бери уларни большевистик хавф блан қўрқитар эди.

— Қани ўтинлар, тўхтамасдан ўтинлар! — деб бақирарди полициячилар йўловчиларга қараб.

Аммо қизиққан кишилар полициячилар блан жанжаллашиб ўтирмаслик учун итоат қилиб юз қадамча нари боришарди-да, яна қайтиб келишарди. Шундай қилиб, бирнеча минг кишидан иборат оломон Гибернск ва унга туташган Гавличков кўчаси орасида уёқдан-буёққа кезиб юрарди. Трамвайлар оломон орасидан ўтаётганда секинлашиб, тинмай звонок чалиб ўтар эди. Кўчалар шунча қадар тикилинч бўлиб кетдики, ҳатто одамлар энди полицияга қулоқ ҳам солмай қўйдилар, полициячилар ҳам ҳечнарсаси қиллолмай қолдилар.

Соат бешдан кейин буёққа қурол-яроғ заводи ишчиларининг биринчи уюшган группаси етиб келди; группадан бир юз элликка яқин киши бор эди. Улар кўча бўйлаб шахдам қадам ташлаб боришар, оломон эса трамвайларга йўл берганларидан кўра буларга илдамроқ йўл берар эди. Ишчилар группаси дарвозага бориб, полициячиларга рўпара желгач тўхтади-да, хиёл сесканди. «Орқага! — деб бақирди ним қоронғи йўлакдан полиция офицери; у тўрт катор қуролли кишилар орқасига яшириниб турарди.— Орқага қайтинг, бўлмаса мен қурол ишлатишга бўйруқ бераман!» Унга жавобан ғазаб нидолари янгради. Полициячилар бир-бировларининг қўлларини маҳкамроқ ушлашиб, тўрт катор ғов бўлиб олишди. Ҳар икки томон бир-бировига бақирарди. Қурол-яроғлар заводи ишчиларининг вакили полиция офицерларига бақириб, соат олтига Халқ уйида мажлис чақирилганлиги, унга ўз вакилининг киритилиши зарурлигини айтарди. Ишчилар эса соқчиларга тобора яқинлашиб, ғазаб блан гапиришар, уларнинг ўзи ҳам пролетар эканлигини исботлашар, полицияда хизмат қилгани блан улар ва уларнинг оилалари муҳтожликдан қутилаолмаслигини тушунтирар эдилар. Ранг-ги ўчиб кетган полициячилар бетларида акс этган лоқайдлик ифодасини сақлаб, ҳаяжон блан бир-бировларининг қўлларини қаттиқ сиқишарди. Тинимсиз шовқин-сурон орасида: «Олға! Айда!» деган овозлар эшитиларди. Орқадан бўлган кескин ва кучли туртки блан ишчилар ва полициячилар тўқнашиб қолди. Ишчилар қўллари блан юзларини пана қилиб, «Ура» деганча олға интилдилар-да, полиция соқчиларининг биринчи линиясини ёриб ўтдилар. Орқадагиларнинг итаруви блан ишчиларнинг олдинги отря-

ди дарвозага ёриб кирди, тор йўлак югураётган одамларнинг тапир-тупуридан гувиллар эди. Оломон барча қизиқчиларни ўз кетидан эргаштириб Халқ уйининг ҳовлиси-га йўналди.

Ура, ура!

Кўчадаги тамошабинлар орасида турган ишчилар группаси ўз ўртоқларининг муваффақиятини ҳолибона хитоблар билан табриклар эди. Обивательлар уларга нафрат аралаш қизиқиш билан қараб туришарди. Ёриб ўтилган соқчилар линияси қайтадан бирикиб, ҳовлига киришни тўхтатиб қўйди. Полициячиларнинг рангги бўзариб кетди. Ҳар тарафдан уларни масхаралаган товушлар эшитиларди.

Тайёр кўйлақлар фирмасининг катта савдо уйи — «Зигмунд Странский»нинг ёпёруғ бўлиб турган витриналари шарақ-шуруқ этиб туширилган темир дарпардалар билан тўсилди. Кўча янада қоронғилашди.

Кўп ўтмай Халқ уйига Данек заводининг ишчилари ҳам ёриб киришга муваффақ бўлдилар. Ундан кейин Қольбен заводидан бир юз эллик киши келди. Улар йўл-йўлакай қурол-яроғ заводи ишчиларининг иккинчи колоннаси билан қўшилдилар.

Олдинда Тоник, Петр Малина ва Эда Ворел келарди. Бу колоннанинг келиши узоқдан ҳам сезилиб турарди. Икки юз эркак «Қизил байроқ» қўшиғини айтиб келарди, бу қўшиқдан ва қадам товушидан настки қаватдаги дераза ойналари зирқирар эди. Кўчада «Битсин золимлар, йўқолсин кишанлар!» деган сўзлар янграрди.

Шафқатсиз суд кун келар бегумон,
Муқаррар шундай кун келар, албатта!

Кечки осмонда қўшиқ янгради, колонна ҳам яқинлашиб келарди, Халқ уйи олдидаги бекорчи оломон бу уюшқоқ қудратли куч олдида қўрқув аралаш эҳтиром билан унга йўл берди. Меҳнатда қўллари қорайган икки юз металлистнинг кўзлари қатъият билан чақнар, улар оломонни худди пичоқ нонни кесгандай енгилгина кесиб ўтдилар. Дарвозадаги полиция офицери яна алланималар деб бақирди.

Жим турган оломон орасидан тирсаги билан ўзига йўл очиб студент Ярда Яндак олдинга чиқди-да, ишчи колон-

наси томон югурди. Унинг кўзлари чақнар эди. У югуриб Тоникнинг ёнига борди.

— Ҳовлига ёриб қирамиз! — Хитоб қилди у, ёнма-ён кетатуриб. — Мени ҳам бирга олиб кетинглар.

— Юравер, — деб хотиржам жавоб берди Тоник қадамини секинлатмай, қўшиғини давом этдираркан.

— Олдинда иккаламиз борамиз, Тоник! — деди Ярда хаяжондан товуши титраб. — Биз ёриб ўтишимиз керак! Уёқдаги, ичкаридаги ўртоқларни огоҳлантириб қўйиш керак, полициячилар Гавличков кўчасидаги кинода ўтириштипти. Сеанс тугаши блан улар орқа томондаги дарвозадан Халқ уйига ўтиб олишади.

Колонна блан полиция соқчилари орасида йигирма қадамча масофа қолди. . . Ярда Яндак икки қадам олдинга чиқиб, ўнг қўлини кўтарди-да: «Ура-а-а-а!» деб бақириб, тўтнатўғри полициячиларга қараб югурди. Тўрт юзта оёқ ўн беш марта хатлади, қўшиқ ўрнини «Ура-а-а-а!» садолари эгаллади; металлистлар иккиланиб қолган соқчилар орасини деярлик ҳечқандай қаршиликсиз ёриб ўтдилар-да, худди пробкаси олиб ташланган бочкадаги суюқликдай шиддат блан ингичка йўлакдан Халқ уйининг ним қоронғи ҳовлисига кириб кетдилар. Оломон тўлқини деворга қапиштириб қўйган полициячиларга энди ҳечким парво қилмасди.

Ҳовлидан қурол-яроғ заводи ва Данек заводи ишчиларининг «ура» деган табрик хитоблари эшитилди. «Қизил байроқ» деган революцион қўшиқ куйлари зўр қудрат блан янгради. Ишчилар бу қўшиқни ўз ишларига зўр ишонч блан тўлиб тошиб куйлар эдилар. Фақат Яроуш Яндак қўшиқни паришонлик блан паст овозда айтарди. Қўшиқнинг сўнгги сўзлари айтилиши блан у бирдан:

— Гавличков кўчасидан сизга ҳужум тайёрланаяпти! — деб хитоб қилди.

Ишчилар баррикада қурабошладилар. Улар боққа яшик ва қўл аравачаларни олиб келиб, кинога ўтиладиган, лекин ҳозир фойдаланилмайдиган эски йўлни беркитдилар. Бундан ташқари яна дарвозаларда, полициячиларнинг орқа томонига ҳам яшик ва қоғоз рулонларидан баррикада қурилди. Шундай қилиб, кўчани ўраб олган, ҳозир эса қамал қилиб қўйилган полициячилар ҳам, уларнинг ҳовли девори ёқалаб турган кичик-кичик группалари ҳам энди хавфли эмас эди; улар ишчилар томонда куч

кўпчилигини англаб тинчгина туришар ва ҳатто баррикада курилишини кўриб кулишарди ҳам. Кўчадаги полиция офицери ўз одамларининг ночорлигини кўргач, граждан кийимидаги бир агентига телефонга бориб шаҳардан кўшимча куч сўрашни буюрди.

Ҳовлига қараган болохонага бир ишчи чиқиб, тинчий-бошлаган оломонга қараб қичқирди:

— Заводлардан келган вакил ўртоқлар! Тезлик блан боғ павильонига мажлисга боринг. Фақат вакилларинг борсин, бошқа ҳечким бормасин!

У ишчи гапини тугатгач, ғойиб бўлди.

Ойна деворли ёғоч павильон тезда одамлар блан лик тўлди ва одатда кечқурунлари бўлгандай бугун ҳам собиқ граф оранжереяси худди фонарьдай чарақлаб кетди. Халқ уйи ҳовлисига кириб қолган ишчиларнинг кўпчилиги вакил эмасди. Улар юзларини ойнага тираб павильон ичкарисида нималар бўлаётганини кузатиб турардилар. Бу ишчилар вакилларнинг қарори ва чақиригини кутар эдилар.

Саҳнага вакиллар советининг раиси, химия заводи ишчиси Доминик Гавлин чиқди. У мажлисни очиб, шу кунги воқеалар тўғрисида қисқача гапириб берди. Ундан кейин Халқ уйи директори депутат Скалак сўз олди. У эшикларнинг қандай очилгани ва бу ерга семиз, тепакал бир одам бошчилигида бирқанча кишилар кириб келгани тўғрисида зўрга гапириб берди. Тоник беихтиёр равишда ўша томонга қараб, улар орасида кўзойнакли, ориқ, кўримсиз, идора ходимларига ўхшаган бир одамга кўзи тушди. «Мен уни қаерда кўрган эканман?» деб ўйлади Тоник. Кейин бирдан эслаб қолди, бу жосус Плецитий блан бўлган суҳбатда зўр бериб Гамбургдан қурол-яроғ олиб келишга юборишларини талаб қилган одам эди.

Шу пайтда залнинг ўнг томондаги бурчагидан кимдир «жосуслар келдилар!» деб бақирди. Бирдан ҳамма ўгирилиб кириб келаётган одамларга қаради. Яна аллакимнинг «манави аблаҳ кални мен танийман!» деган овози эшитилди. Ишчилар эшик томон ташланишди. Жосуслар қочишга уринишган эди, лекин ушлаб олишди, кейин роса дўппослаб, эшикдан ташқарига улоқтиришди. Бу қисқагина эпизод бошқа вақтларда фақат кулгига сабаб бўларди, ҳозир эса одамларни ғазаблантириб юборди, улар ҳа деганда ўзларини босаолмадилар.

Ниҳоят, зал тинчиб энди Скалак сўзини давом эттириши мумкин эди. У беш минут ҳам гапиргани йўқ эдики, ҳовлидан аллақандай шовқин-сурон эшитилди. Одамлар бир сесканиб, қадрларини ростлашди. Ҳамма ўша томонга ўгирилди. Полициячилар Гибернск кўчасига чиқадиган дарвозадан баррикадани ёриб ўтиб ҳовлига югуриб киришарди. Мажлис қатнашчилари стулларни тарақлатиб суриб, ўринларидан туришди. Ҳовлидан қисқа ва жуда қаттиқ ҳуштак товуши эшитилди — бу огоҳлантиручи сигнал эди. Тоник ирғиб туриб, эшикка томон ташланди. Синпан ойналар жаранглаб, ромлар зириллаб, павильоннинг ойнавон деворлари тарақа-туруқ блан ичкарига қулаб тушди. Полициячилар ҳаммаёқни занжирдай қуршаб, ҳовлидан павильонга ҳужум қилиб келмоқда эди; улар юпқа сариқ ромларни қўндоқ блан уриб синдириб павильонга босиб кирдилар. Полициячиларнинг бошқа бир группаси залга эшикдан кириб, ишчиларни урабошлади. Мажлисдагилар қаттиқ ғазабга келдилар. Тоник полициячиларга ташланиб, улардан бирининг хиқилдоғидан бўғиб олди, кейин найзасига чап бериб, уни синган ойна деворга қараб улоқтирди. Полициячи, ярми боғ томонга қулаб тушган синиқ ромга бориб тушди; унинг оёқлари зал томонга осилиб қолди. Кимдир Тоникнинг биқинига урди, яна кимдир уни туртди. Тоник стулни кўтариб яна олға ташланди-да, душманга зарба берди. Стул милтиқ қўндоқлари ва аллакимнинг каскасига тегиб парча-парча бўлиб кетди. Тоникнинг қўлида стул суянчидан бир бўлагигина қолган эди, у душманларни ана шу қурол блан савалар эди.

Атрофда полиция мундирлари кўзга ташланар, йиртқиш башаралар, очилган оғизлар гоҳ пайдо бўлиб, йўқолар, гоҳ найзалар ярақлаб кўринарди. Тоник ҳеч ўзини тутолмай, худди қутиргандай муштлашарди. У шовқин-суронни эшитар ва ўзи блан бирга ўртоқлари ҳам жанг қилаётганини аранг пайқарди. Унинг кўзига тушиб келаётган қўндоқ лип этиб кўриндию, кейин у бошига урилган қаттиқ зарбани сизди-да, ҳушдан кетди. У, қулочини ёзиб бориб, тўнкарилиб ётган столга йиқилди. Одамлар унинг устидан ҳатлаб ўтишарди. Бутун зал тўс-тўполон бўлиб кетди. Одамларнинг бир қисми тор йўлак томонга, бошқалари сахнага чиқадиган йўлга югуришарди. Баъзи кишилар эса, ойналари синиб ётган ромдан тўғри боққа

сакриаб тушаман деганларида қўллари ва юзларини синиқ ойналар тилиб юборди. Полда ярадорлар ётар, синиқ-мертик мебельлар орасидан қон ҳалқоби кўриниб турарди. Икки ўртоқ зўр қийинчилик билан, туртиниб-суртишиб бирнеча ярадорни саҳнага олиб чиқишди, бўлмаса бу кишилар оёқ остида қолиб кетарди. Броқ, бу ягона нажот оролига одам шу қадар тиқилиб кетдики, тахта тўшама унга бардош бераолмай, саҳна босиб қолди. Полициячилар тўнтарилиб ётган стуллардан ҳатлаб одамларга ташланиб, уларнинг бошларига урар эди. Ҳамма дуч келган тарафга тумтарақай бўлиб кетди, кичкина ресторанчага ўтиладиган торгина йўлак ҳам одам билан лиқ тўлиб кетди.

Яна бир полиция отряди Халқ уйининг ҳовлиларида ҳўжайинлик қиларди. Гибернск ва Гавличков кўчаларида эса полициячилар оломонни ҳайдарди. Оломонга қўндоқ ва резина таёқлар ёғилар, калтак еган кишилар ва йиқилиб тушган аёлларнинг дод-фар'ёдлари эшитиларди.

Тоник бироз беҳуш бўлиб ётди. У ағдарилиб ётган стол устида кўзини очди, унинг тиззасига стул тиралиб турарди. Тоник кўзини очганда, биринчи кўрган нарсаси электр лампочкасининг ғира-шира шакли бўлди. Тоник лампочкани ҳеч аниқроқ кўраолмасди, бунинг сабабини бир минутдан кейингина тушунди. Унинг кўзларига қон қуйилиб кетган эди. Тоник столни ушлаб, зўрга ўрнидан турди. Теварак-атрофдаги нарсалар бузиб-синдириб ташланган эди. Агдар-тўнтар бўлиб кетган стол-стуллар орасида ярадорлар ётипти. Бирнеча одам уёқдан-буйёққа югуриб юрарди. Тоник бу нарсаларни худди туман орасидан кўргандай элас-элас кўрарди. Узоқдан, чамаси, кўчадан бўлса керак бўғиқ шовқин-сурон эшитиларди, бу товушлар ҳозирги жимликда жуда ғалати туюларди. Тоникнинг хаёлига келган дастлабки фикр шу бўлди: «Биз тор-мор этилдик, ҳаммаёқда ўртоқлар ўлиб ётипти... У, кўзларини яна юмгиси келди, броқ бундан кўра аниқроқ бир фикр уни қаддини ростлашга мажбур этди: Бу— «Энди нима қилиш керак?» деган фикр эди.

Кольбен заводининг қуючиси Антонин Кроусский: ҳеч-қачон жим турмаслик кераклигини, қаерда бўлсанг— заводда ҳам, уйда ҳам, жангда ҳам, ҳатто ярадор бўлган чоқларда ҳам ҳаракат қилиш лозимлигини биларди.

Тоникнинг боши чидаб бўлмас даражада зирқираб

турган бўлишига қарамай, ана шу фикр уни оёққа туришга мажбур қилди. Тоник ўрнидан турди. Қимдир уни қўлтиғидан олди.

— Тоник! Мен бўлсам сени қидириб юрган эдим!

Бу Ярда Яндак эди. Унинг юзлари қон талашиб кетган эди. У, Тоникни боғдан ва бўшаб қолган ҳовлилардан олиб ўтди. Фақат деворлар тагида — унда-бунда полициячилар турарди.

— Қандай хиёнаткорлик! — деди Ярда. — Нақадар қабих хиёнаткорлик! Ишчи вакиллари музокара олиб бориш учун йиғилишга ҳукуматнинг ўзи таклиф қилган эди. Ишчилар йиғилгандан кейин эса, уларга қарши полиция юборди! Бу маркиз Геронинг¹ қонли ўч олишидан қандай фарқ қилади?

У, Тоникни ҳарф териш цехига олиб борди. Ҳаммаёғи қон бўлиб кетган умивальник тепасида кимдир ярадорларнинг ярасини бойламоқда эди. Учта ярадор навбат кутарди, улардан бири эса қонга беланган рўмолчани кўзига босиб турарди. Яра боғлаётган киши врач бўлса керак, чунки у ўз ишини эпчиллик блан бажарар эди. Ҳарф теручилардан бири узун шнур блан келтирилган лампочкани тутиб, унга ёруғ қилиб турарди.

Ярасини боғлашаётганда Тоник тишини-тишига қўйиб турди.

— Бошингиз жуда ёрилиб кетипти-ку, — деди врач Тоникка, унинг бошидаги ярани тикаётиб. — Докторга қатнаб туришингиз керак бўлади.

Ҳарф териш цехига янги ярадорлар киришарди.

Қаттиқ оғриқдан Тоникнинг мияси равшанлашди.

— Бу ерда партия Марказий Комитетидан бирор киши борми? — Қовоқ солиб сўради у Ярдадан.

— Ҳа, улар анави ерда, редакцияда. Ўзингнинг аҳволинг қалай, Тоник?

— Яхши, ўзинг кўриб турибсан-ку. Эртага нима бўларкин-а?

Ярда елкасини қисиб қўйди.

Улар учинчи қаватга, редакцияга чиқиб кетишди. Иккаласи зинадан чиқиб кетишаётган пайтда, Тоникнинг лат

¹ Маркиз Геро (Фридрих Габсбург) — биринчи жаҳон уруши даврида Австрия армиясининг генералиссимуси эди; у минглаб гуноҳсиз одамларни отиб ўлдирган.

еган оёғи зирқираб кетди, лекин у Ярда қўлтиқлаб оламан демасин, деб оғриқни сездирмасликка ҳаракат қилди. Тоник полициячилар блан муштлашганида янглишиб қолгани учун ўзидан хафа бўлди.

Улар коридорда Шмеральга дуч келишди. Шмераль Тоникнинг боши боғланганлигини кўргач, ярадорга ачиhib қаради.

— Эртага нима бўлади, ўртоқ Шмераль? — деб сўради Тоник.

— Ўртоқ Кроусский, сен Жижковдансан-а, шундай-ми? Бошингга нима қилди?

— Э, ҳечнарсa қилгани йўқ... Эртага нима бўлади дейман?

— Ярда,— деди Шмераль студентга, Тоникнинг ранги ўчиб кетган юзига ишора қилиб.— Ўртоқ Кроусскийни тезлик блан уйига олиб кет. Чиқиб кетаётганингизда тутиб қамашмасин учун ярасини кепкаси блан яшириб олсин...

— Хўш, эртага нима бўлади?— деб такрор сўради Тоник.

— Сен бу тўғрида ташвиш қилмай, бориб ёт,— деди қат'ий равишда Шмераль.— Кейин бу ерда — зинапояда лақиллаб юрма. Гапимни эшитдингми? Ҳозироқ уйингга жўна!— У зарда блан гапирардию, лекин кўзларида оталарча меҳрибонлик ифодаси акс этиб турарди. Худди ма-на шу меҳрибонлик ифодаси Тоникка қаттиқ тегди. Унинг юзи қипқизариб кетди.

— Бемаъни гапни қўй!— деб қичқирди у.— Эртага нима бўлади? Мен буни билишим керак, мен Қольбен заводи ишчиларининг вакилиман.

Бу гап худди: «Мен иккинчи дивизиянинг командири-ман» дегандай жаранглаб эшитиларди. Шунинг учун ҳам Шмераль жангчининг бу ҳуқуқига ён берди.

— Ҳозир мен сенга батафсил жавоб бераолмайман,— деди у.— Ҳарқандай шиор ўз вақтида берилиши керак, бирор минут ҳам олдин айтилмайди, буни ўзинг яхши биласан. Жиддий воқиа бўлади. Сен бу шиорни эрталаб газетада ўқийсан. Эртага ҳаммамиз парламент олдида йиғиламиз. Ана энди уйингга бор, тушундингми?

— Ҳа, тушундим.

Тоник блан Ярда дарвоза олдида турган полициячилар ёнидан ўтиб кўчага чиқишди. Ҳаво совуқ ва нам эди,

шаҳар осмони булут блан қопланган бўлиб, ҳўмрайиб турарди. Халқ уйи олдида полиция соқчиларидан бошқа ҳечким кўринмасди. Тоникнинг боши боғлангани учун трамвайда бирор шубҳа туғилиши мумкин деб Ярда иккаласи Жижковга пиёда жўнашди. Тоник бор кучи блан оқсамасликка тиришиб, индамай қовоқ солиб борарди. «Ҳоинлик!» Ҳамда «Отам хиёнат қилди» деган қабих сўзлар Ярданинг хаёлидан ҳеч нари кетмасди.

Улар Есениов кўчасидаги уйга етиб борганларида кеч соат ўнбир ярим бўлган эди. Худди шу пайтда социал-демократларнинг йўлбошчилари, гўё забт этилган қал'ага киргандай, Халқ уйи дарвозасига кириб боришарди. Полициячилар уларга йўл бердилар-да худди фахрий қоровулга қўйилгандай честь бериб турдилар. Олдинда баланд бўйли Франтишек Соукуп, унинг кетидан кекса Антонин Немец, кейин Габрман, Стивин, Биновец, Коуделка боришар эди. Улар бўм-бўш, жимжит ҳовлилардан, ишчилар қони тўкилган тош йўллардан ўтиб боришар экан, янги вазиятдан бироз хижолат бўлиб, шу блан бирга ижтимоий ҳаётда қанчалик юқори поғонага кўтаририлганликлари учун бироз ҳаяжонланишар ва фахрланишарди: гарчи қон тўкилиши муқаррар бўлишига қарамай, улар янги тарихни яратишади-ку. Йўлбошчилар орқасидан бир тўда редакция ходимлари ва касаба союз ходимлари, улар блан бирга эса ўн бешта жосус бормоқда эди, булар орасида яқинда боғ павильонида калтак еган беш жосус ҳам бор эди. Жосусларни яна ўша семиз кал блан идора хизматчисига ўхшаган кўзойнакли, нимжон одам бошқарарди.

Бу ўн бешта жосус ҳозир бу ерда худди саҳнада индамай юрадиган артистлар ролини бажаришарди: бу кеча улар зиммасига ғазабланган социал-демократик ишчилар ролини ўйнаш вазифаси юкланган эди, улар ҳам бу рольни жуда эпчилик блан ўйнадилар. Халқ уйида йўлбошчилар сўзлагандан сўнг чорак соат ўтгач, улар редакцияга босиб кириб, у ердан «Руде право»нинг ходимларини ҳайдаб чиқардилар. Улар, кекса, нимжон шоир Антонин Мацекни деворга итариб юборишди-да, Шмеральни зинадан пастга қараб судраб кетишди, унинг костюм ва кўйлагини тарра-бурра қилиб юборишди. Улар орасида энг йиртқичи, Тоник бир вақтлар у блан боғ павильонида танишган кўзойнакли киши экан.

Ярим кечага бориб Халқ уйи яна ўзининг «қонуний» хўжайинлари ихтиёрига ўтди.

Бош министр Черний ва департамент бошлиғи Подградский ҳали ҳам ички ишлар министрининг кабинетида бедор ўтиришарди. Улар қора кофе ичиб, сигара чекишар эди. Бош министр полициянинг Халқ уйига қилган ҳужуми натижаси тўғрисида телефонда маълумот олгандан сўнг, республика президентининг шахсий оромгоҳига телефон қилиб, бутун воқиа тўғрисида қисқача ахборот берди. Кейин у трубкани қўйиб, қаддини ростлади.

— Эртага нима бўлар экан-а?— деди у Подградскийга қараб.

— Жаҳди-жадал кун бўлади-да,— деб жавоб берди у.

— Яна бирорта буйруқ бериш керак бўладими?

— Менимча, ҳожати йўқ.

— Сизнингча, эртага умумий забастовка бошланармикин?

— Ҳа.

Улар хизматчига пўстинларини келтиришни буюриб, ўзлари пастга — машина ёнига тушиб кетдилар. Уларнинг ҳам «иш кунлари» тамом бўлган эди.

Студент Ярда ўртоғини уйига кузатиб борди-да, Тоникдан олдинроқ бориб дарвозабонга звоноқ қилди.

— Мен сени квартирангча олиб чиқиб қўяман.

— Тентаклик қилма! Ўзинг ҳам кўриб турибсан-ку, менга унча шикаст етгани йўқ. Уйингга бор!

Улар хайрлашишди, Тоник зинапоя панжарасини ушлаб-ушлаб юқорига кўтарилди. У Аннани уйғотиб юбормаслик учун қоронғи квартирада секингина ечинди. Лекин Анна унинг келганини сизди.

— Сенмисан Тоник?— деб сўради у уйқу аралаш.

— Ҳа, мен, ухлайвер!

— Нега уйдан дори ҳиди келаяпти?

— Бўлмаган гап. Мен редакцияда эдим. Ухлайвер, Анна, менинг ҳам уйқум келаяпти.

Тоник диванга ётди, лекин ҳеч уйқуси келмади. Эртага, эртага, эртага! Эртага унинг заводидаги ишчилар парламентга боришади! Эртага нима бўлади? Жанг!

Тоник, Петроград Советининг Октябрь революцияси кунларидаги полиция ёки қўшинлар осонгина эгаллаб олиши мумкин бўлган истохкомларда тўпланмаслик керак, деган кўрсатмасини эслади. «Кимки мана шундай қилишга

чақирса — уни провакатор ёки тентак деб қарамоқ керак...»

Тоник ётгандан кейин, қимир этса оёғининг оғриғи кучаяверди. «Хужум қилаётган казакларга қарши махсус ўқчиларнигина қўйинг, улар бирнеча ўқ узгач, уйларга яширинишаолади, деворлардан ошиб, бошқа кўчаларга ўтиб курашни давом эттиришаолади. Шунини унутмангизки, солдатлар — бизнинг биродарларимиздир. Фақат офицерларга қараб ўқ узингиз; лекин казакларга омон бермангиз, улар жуда кўп ишчиларнинг қонини тўкканлар!»

Кроватьда ухлаб ётган Анна эркин нафас олади, ёнида эса, кийим-бошлар турадиган корзинида уларнинг ўғилчаси ухлайди. Бу ўғилча энди отаси сингари жангчи эмас, балки янги жамият қуручилардан бири бўлади. Унга, улуг доҳий Владимир Ильичнинг ҳурмати учун Владимир деб исм қўйдилар. Ленин Кремльда ишлайди, Кремльнинг минораси тепасида қизил байроқ ҳилпирайди. Дунёдаги барча пролетарларнинг назари ўшаёққа тикилган. «Мана, мен ҳам Прагадаги аҳвол тўғрисида Ленинга рапорт бераман...»

Тоникни иситма тутабошлади, миясида турли-туман фикрлар чалкашиб кетганининг сабаби шу эмасмикан? Эҳтимол, шундайдир, ахир, у умрида касал бўлган эмаску. Унинг юзлари худди металл эритмаси қуюлган чўмич олдида тургандай қизир эди. Тоник ўринда у ёнбошдан-бу ёнбошга ағдариларди. У «эртага» деб ўйлайди. Унинг хаёлида бутунги воқиа, ниҳоятда, аниқ бўлиб гавдаланади. Мана, Эда Ворел завод ҳовлисида уёқдан-буёққа югуриб: «Ишни тўхтат!...» деб бақиради. Мана, ишчилар саф тортиб Халқ уйига томон кетмоқдалар, уларнинг қадам товушлари кечки пайт кўчаларда гувиллайди... Дарвозаларда, полициячиларнинг орқасида ўртоқлар баррикадалар қурмоқдалар... Полициячилар милтиқ қўндоқлари билан ўриб павильоннинг ойна деворларини ағдариб ташламақдалар — эҳ, ойналари мунча қаттиқ жаранглайди! — Улар залга ҳам босиб кирмоқдалар... «Жиддий воқиа бўлади,— дейди Шмераль.— Сен шиорни эртага газетда ўқийсан». Эртага, эртага! «Агар городовийлар қаршилик кўрсатмаса, уларни фақат қуролсизлантириш керак, аммо соқчиларни қириб ташлаш лозим!» дейилган эди Петроград Советининг чақириқларида... Ҳа, Тоникнинг иситмаси бор. Унинг боши айланиб, оғзи қақраб қолди. Ух-

лаб қолмаса бўлгани эди-я! Фақат ухлаб қолмаса бўлгани! Агар Кольбен заводи Тониксиз чиққудай бўлса жуда уят бўлади-я!

Тонг отди.

— Тоник!

Титроқ товуш Тоникнинг алоқ-чалок уйқусини бузиб юборди. У сесканиб, кўзини очди. Оппоқ тонг отиб кетган эди.

— Тоник!

Тоникнинг тепасида Анна турар, унинг кўзларида қўрқув аломати бор эди...

— Сенга нима бўлди Тоник?!

Корзинада ётган бола йиғлади.

— Соат неча бўлди?

— Ҳали эрта, вақт бор. Қани, менга айтиб бер. Сенга нима бўлди!

Анна унинг қўлига ёпишди.

— Э, ҳечнарсга бўлгани йўқ, кеча Халқ уйида мени полициячи бир урди. Аллақандай бир доктор ярамни боғлаб қўйди. Ўзинг ҳам кўриб турибсанки, ҳечнарсга қилгани йўқ. Жанг бўлади, Анна,— деди Тоник, жадал кийинатуриб. Унинг бошидаги яра қаттиқ оғрирди.

— Қанақа жанг, Тоник?

Бола йиғлаб қолди.

Тоник ҳайрон бўлиб Аннага қаради.

— Ҳали ҳечнарсадан хабаринг йўқми?

— Йўқ, Тоничек,— деб жавоб берди Анна ваҳима блан.

Тоник тишини-тишига қўйиб, кийинди. Кейин у, кечаги бўлган ҳодисани қисқача сўзлаб берди.

— Жанг бўлади, Анна!— деб хитоб қилди у; шу он унинг кўзлари чақнаб кетди.

Шуниси ажабланарлики, Тоникнинг ҳаяжони Аннага ўтмасди. Корзинада бола йиғлар, у оч қолган эмизукли болаларга ўхшаб бир маромда тинмай йиғларди. Анна эса қўрқув акс этиб турган кўзларини корзинадан узиб, эрининг бинт ўралган бошига тикди.

— Докторга борасан-а, шундайми, Тоник! Мен ҳам нонушта тайёрлаганим йўқ, шошилма, ҳали вақт эрта. Ҳозир болани эмизиб бўлиб нонушта тайёрлайман.

Тоник яна ҳайрон бўлиб Аннага қаради.

— Докторга дейсанми?— деб сўради Тоник.

Ҳар иккаласининг ҳайратли назари тўқнашди. Қўк кўзлари гўё «Балки уйда қоларсан?» деб ташвиш блан сўрар; пўлатсимон кўзларда эса: «Қандай қилиб қоламан?» деган савол ифодаси акс этиб турарди.

— Сен заводга бормоқчимисан дейман?— деб хитоб қилди Анна, гап нимада эканини тушунабошлаб.

— Албатта бораман.

— Уёққа бормайсан!— Аннада куч қўзғолди, у бир сакраб эрининг ёнига борди.— Мен сени юбормайман!

— Сен мени тушунмадинг, Анна. Жанг бошланаяпти Революция бошланаяпти!

Анна унинг икки қўлидан ушлаб, юзларига тикилди.

— Демак сен... Сен ҳам кўчага чиқасанми?

— Албатта!— хотиржамлик блан жавоб берди Тоник.

Анна эшик олдига борди-да, эшикка орқа ўгириб турди.

— Йўқ!— деди қисқагина қилиб Анна.

Бу «йўқ» деган бир оғиз сўзда ўз севган йигитини ҳимоя қилаётган аёлдаги қат'ият, ўз болаларини муҳофиза этаётган онадаги меҳр-муҳаббат ифодаси акс этиб турарди. Аннанинг «Йўқ» деган бир оғиз сўзи ҳам худди Тоникнинг «ҳа» ёки «йўқ» дегани каби, худди Кольбен заводининг пўлати каби қат'ий эди.

— Тентаклик қилма, Анна,— деди Тоник ҳамон ўзини босиб.— Боланг бўлмаганда, сен ҳам мен блан бирга боришинг лозим бўларди.

— Йўқ!— деди Анна, бир нуқтага тикилганча туриб.

— Ақлдан озибсан!— Нима, сен мени хош деб ҳисоблайсанми?— Бундай даҳшатли сўзни айтар экан, Тоникнинг кўзлари ғазаб блан чақнаб, овози дағаллашиб кетди. У, хотини олдига келди.

— Қўйиб юбор!

— Йўқ!— деб қичқирди Анна ма'юсланиб, унинг товуши оч чақалоқнинг чинқириғини ҳам босиб кетди.

Тоник бақувват қўллари блан унинг билагидан ушлади-да, бир сиқиб, осонгина эшик олдидан четлатди. Броқ Анна ғазабдан тутоқиб кетганида ҳам хотинларга хос найрангини унутмади: бундан бир минутча илгари қўлларини орқасига қилиб, секингина эшикдан калитни олиб, блузкасининг остига яширган эди.

— Калит қани?— деб бақирди Тоник эшикни тортиб.

— Билмайман.

Энди Тоникнинг ҳам ғазаби қайнаб кетди.

— Қалитни бер буёққа!

— Бермайман!

Тоник Аннанинг ёқасидан олиб, блузкасини ғижимлаб, уни ўзига томон тортди. Унинг кўзларида кўк чақмоқ чақнарди. Аннага ҳечқачон унинг кўзлари бу қадар даҳшатли бўлиб кўринмаган эди; Анна унинг худди бегона хотинга, худди синфий душманга қарагандай қараётганига ишонди. Аннага худди синфий душманга муомала қилгандай муомала қилди! Ҳозир уни ерга йиқитади, полга улоқтиради-да, бошини деворга уриб ёради. У ўз мақсади йўлида ҳечнарсадан тоймайди. «Мана ҳозир, ҳозир мени уради»,— деб ўйларди Анна. Аммо Тоникнинг кўзларидаги кўкимтир чақмоқ бирдан сўнди.

— Жаҳлимни чиқарма, Анна! Сен хоин ёки хоин аёл нима эканлигини тушунасанми? Контрреволюционер аёл нима эканлигини тушунасанми ўзинг?— Яна у худди шу даҳшатли сўзлардан озор чеккандай:— Қалитни бер!— деб бақирди.

— Йўқ!— деб шивирлади Анна, ҳатто ҳимоясиз бўлса ҳам бўш келмай. У, эрининг кўзларига қараб: «Мана энди у мени ўлдиради, албатта ўлдиради!» деб ўйларди.

Лекин Тоник уни ўлдирмади. У, Аннани қўйиб юборди-да, кепкасини бостириб кийиб, эшикка ташланди. У, ники қўли блан тутқичга ёпишиб, оёқларини тиради-да, эшикни силтаб тортабошлади. Раз!— эшик қирсиллаб кетди-ю, лекин очилмади... Тоник яна бир силтаб тортган эди, уйдан ошхонага чиқадиган эшик қарсиллаб, шундай зарб блан очилдики, унинг йиқилиб тушишига сал қолди.

Тоник орқа ўнгига қарамай, югуриб квартирадан чиқиб кетди.

Анна бирнеча секунд данг қотиб қолди, кейин югуриб зинапояга тушди.

— Тоник, жоним!— деб қичқирди эрининг кетидан умидсизлик блан.

Анна бирнеча зина пастга тушиб тўхтади-да, зинада уёқдан-буёққа юрабошлади. Унинг севгилиси кетаяпти, орқасидан югуриш керак эди. Лекин юқорида бола йиғлаб ётипти, уйга қайтиш ҳам зарур. Анна эрининг кетидан ҳам бормади, уйга ҳам кирмади. Унинг тиззалари букилиб, алам блан зинада ўтириб, бошини қуйи солди-

да, йиглаб юборди. У ҳўнграб йиғлар экан, елкалари титрарди.

Бирвақт ногоҳ унинг тепасидан аллақандай нафратомиз товуш эшитилди:

— Оббо, графиняей, уят-е! Фу!

Анна ўзини тутиб, ўрнидан турди. Унинг кўзи Чинчварованинг совуқ кўзларига тушди; Аннанинг рўпарасида Чинчварова кир ювавериb оқариb кетган қўлларини белига тираб турарди.

— Фу, уялинг-е!—такворлади яна у; бу та'на худди киши устига тўсатдан ағдарилган ма'завадай жирканч эди.

Анна югуриб уйига кирди. У корзинадан болани олиб эмизди. Бола онасига маҳкам ёпишди, дод солиб йиғлаши таққа тўхтаб, миқиллатиб эмишга бошлади. Лекин Анна бир минутдан сўнг тагин ўғлини унутди. У бўшлиққа тикилиб қолди. Тоник, Тоник! У, эри қаерда бўлса, ўша ерга бориши зарурлигини тушунди-да, боришга аҳд қилди. У Тоникни ташламайди ва ҳечкимга бермайди. У ўзи учун ҳам, боласи учун ҳам эрини сақлаши керак! Унда яна, қийинчилик блан топган молига ёпишиб олучи молпараст қишлоқи деҳқон хотинлар ҳиссаёти қўзғолди. Тоник, Тоник, Тоник!

Анна шу минутдаёқ Тоникнинг орқасидан югураолмасди. Эмаётган чақалоқ ва она кўксидан бола танасига қараб сизилиб оқаётган она сути Аннани шу ерда қолишга мажбур қиларди. Лекин Анна фикран эрининг кетидан қувиб борарди. У ҳаяжонланар ва унинг безовталиги болага ҳам ўтди.

Эшик тақиллатилмай очилиб, Чинчварова кирди. У яна оппоқ қўлларини белига тиради, кўзлари одатдагича совуқ, овози эса жуда ҳам зардали эди.

— Уят эмасми сизга? Демак, бизга ва болаларимизга бир бурда нон топиш мақсадида курашиш учун эрларимизнинг кўчага чиқишини истамас экансиз-да? Менинг эрим ҳам ўшаёқда, мен уни ўзим юбордим. Агар бормаганда, башарасига туфлар эдим. Бу эркаклар умрида нима иш қилади, дейсиз? Ҳечнарсa! Биз хотинлар бўлсак отдай ишлаймиз. Биз... Лекин, сиз-ку, унчалик эмас-а... — деб зарда блан қўшиб қўйди у.— Хўш, улар нима иш қилишади? Менинг эрим унча-мунча лой-пой қилиш блан шуғулланади, сизники бўлса қолип тайёрлаш блан овора бўлади. Майли, бугун полиция блан бир беллашиб қў-

йишсин! Бу нарса ҳамиша фойдали ёрдам берарди, ҳозир ҳам ёрдам беради. Уялинг-е, Кроусская!

Аннанинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, унга қарарди.

— Ҳа, нега йиғлайсиз?— деб қўрслик блан сўради Чинчварова.

— Энди йиғламайман, Чинчварова хоним.

Қўшни хотин уйига чиқиб кетди. Анна болани эмизиб бўлди-да, аллалаб, уйда уёқдан-буёққа юрабошлади. У, уёқдан-буёққа юрган— дераза блан ошхонанинг бузук эшиги ўртасида тўққиз қадам уёққа, тўққиз қадам буёққа бориб келаётган пайтида, бир қарорга келадидай-дай туюлди... Мана, ниҳоят у бир қарорга келди ҳам. Броқ бу хато эди. У ўғлини аллалаб жадал, тоқатсизлик блан юриши аллақачон бир қарорга келиб қўйгани сабабли эди. Анна ухлаган болани корзинага ётқизиб, тез-да кийинди. У нонушта қилгани йўқ, ахир, Тоник ҳам очнаҳор кетди-ку. Анна қўшниникига кирди.

— Чинчварова хоним,— деди у,— Влада ухлаб ётипти. Барака топинг, агар бола йиғлаб қолса, бизнинг уйимиздан хабар олинг.

Чинчварованинг болалари— Божена ва тўртинчи синфда ўқийдиган ўғли ижарачи аёлларнинг кроватига солиб қўйиш учун ошхонадан похол тўшакларини судраб чиқишарди.

— Илдамроқ қимирла, илдамроқ!— деб қичкирди онаси ўғлига.— Бўлмаса мактабга кечикасан!— Кейин у, норози қиёфа блан Аннага ўғирилди.— Сиз қасдқа кетаяпсиз?— деб сўради Чинчварова ва Аннага қия қараб қўйди, лекин бу қарашда адоват йўқ эди.

Анна намоийишчилар қаерда эканини билмасди, шунинг учун:

— Улар қайси томонга кетишди?— деб сўради.

— Билмайман. Старомест майдонига кетишган бўлса керак. Эрим эрталаб барвақт шу тўғрида гапираётган эди. Бугун «Руде право» чиққани йўқ, лекин, аллақандай варақа чиқарилган дейишади. Броқ бизнинг газетчида бу варақадан йўқ экан. Хўш, майдонга боришингизнинг нима кераги бор?

— Тоникнинг ёнига бораман.

— Уйингизнинг калитини беринг,— деди қовоғини солиб Чинчварова.— Агар бола йиғласа, уйимга олиб чиқаман.

Анна чиқиб кетди.

Эрталаб Есениов кўчасини оппоқ қор босди, аммо ҳаво совуқ эмас эди, шунинг учун қор эирди. Анна шошиб-пишиб шаҳар марказига томон борарди. У, қўшни кўчаларнинг биридан «Руде право» газетаси ўрнига чиққан варақани топди. Хитобномага «Чехословакия республикасининг ишчиларига!» деб сарлавҳа қўйилган эди, бу йирик қора ҳарфлар блан ёзилган сарлавҳа Аннага аҳволнинг ғоят жиддий эканини англатди. Сарлавҳанинг тагида: «...Умумий забастовка блан жавоб берамиз!»— деб ёзилган эди.

Аннанинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Ишчиларнинг қони тўкилди ва булар орасида Тоник ҳам бор. Анна шошиб-пишиб хитобноманинг охиригача ўқиди:

*Бу зулмга бизнинг жавобимиз
қат'ий ва қудратли бўлади:*

Умумий норозилик забастовкаси э'лон этамиз!

Анна умумий забастовка нима эканини тушунарди. Унинг юраги янада қаттиқроқ уриб кетди. У, Старомест майдонига кетаётган трамвайга сакраб чиқиб олди. Ҳамма йўловчиларнинг кўзлари газеталарга тикилган бўлиб, вагонда гап-сўз одатдагидан кўра камроқ эди. Ишга кетаётган чиновниклар бирнеча ҳафтадан буён ўз газеталарида Прагада коммунистлар қон тўкишга тайёрланаётирлар, деган гапларни ўқирдилар. Ҳозир улар юракларини ҳовучлашиб ҳамроҳларидан хитобнома босилган варақани олиб ўқиб, байрам арафасида бола-чақаларига олиб бермоқчи бўлган қуён тери пўстинчалар, агар соту-чи бадалини яна эллик крон камайтирса, бирнеча муддатда пулни тўлаш шарти блан америка печкаси олиш тўғрисида ўйлашарди. Анна марказий кўчалардан ўтиб бораркан, оломон ёки бир группа ишчилар кўриниб қолмасмикин деб кўз узмай трамвай деразасидан қараб борарди. Броқ ҳечқаерда ишчилар кўринмасди. Шундай қилиб, у майдонга етиб борди. Майдон бўм-бўш эди. Шундай бўлса ҳам Анна трамвайдан тушди. Йўлкалар ва трамвай изларида эриган қор суяқ лойга айланган бўлиб, Ян Гус ва гусчилар ҳайкали устидагина янги ёққандай оппоқ бўлиб турарди. Рутубатли кун нима бландир ўлим жазосидан дарак берарди.

Анна парламент томонга жўнади. У ерда ҳам одам кам бўлиб, жимжит ва совуқ эди.

Тоник қаерда? Уни қаёқдан ахтарсиң? Аннани ташвиш босди. Шу топда унинг бир вақтлар, булдан кўп вақтлар илгари кўчада худди мана шундай ночор, кимга мурожаат этишини билмай юргани ғира-шира эсига тушиб кетди.

Қувноқ бир аёл товуши уни чақириб қолди:

— Сиз Пелгржимовли Анна эмасмисиз?

Унинг рўпарасида котик манто¹ кийган, қадди-қомати келишган, чиройли бир хоним мулојимгина жилмайиб турарди.

— Ойимқиз Дадла!— ажабланиб хитоб қилди Анна ва бир вақтлар кўчада нима сабабдан ва қандай вазиятда сарсон-саргардон бўлиб юргани эсига тушиб кетди. Бу воқиага анча бўлган, жуда кўп бўлган. «Менга Рудини бошлаб келинг. Агар у ерда бўлмаса, фалон жойга, писмадон жойга бориб кўринг»,— деган эди Аннага шу ойимқиз. Хўш, бугун Тоникни қаердан ахтариш керак?

— Аҳволингиз қалай, Анна?

— Раҳмат, ойимқиз, яхши.

— Энди мен ойимқиз эмасман... Сиз газеталарда менинг тўйим тўғрисида ўқимадингизми?

— Йўқ.

— Мен, банк директори Урбан жанобларига тегдим.

Дадла илжайиб қўйди, унинг кўзлари шўхлик блан чақнар ва гўё ҳозир: «Шоколод ейсанми, Анна?» дейдигандай туюларди.

Броқ Дадла бутунлай бошқа нарсалар тўғрисида гапириб кетди.

— Менинг эрим сизнинг эрингизни танийди. Эрингиз коммунист-а?

— Ҳа.

— Ҳа, айтгандай, эсимда бор,— яна илжайиб қўйди Дадла. У ўзининг собиқ хизматкорига меҳрибонона қизиқиш блан тикиларди, бу Аннага ёқмасди.

— Ўзгариб кетибсиз, Анна. Биз блан турганингизда анча яхши эдингиз. Болангиз борми?

— Ҳа.

— Уйингизга жўнайқолинг, Анна,— деди Дадла, Аннага жуда яхши таниш бўлган буйруқ оҳангида.

¹ Манто — аёлларнинг кенг пальтоси.

Анна унга савол назари блан қаради.

— Боринг, бораверинг,— деб буйруқ қилди банкирнинг ёш хотини ҳамон илжайиб.— Уйингизга боринг-да, эрингизни ҳечқаёққа чиқарманг. Бугун сизларни ўққа тутишади.

— Э... Худойимей!— деб хитоб қилди Анна; у қўрқиб кетди Дадланинг кўркам чеҳрасига ваҳима блан боқиб, икки қўли блан бошини чангаллади.

Тоникни қаёқдан топиш керак?!

Анна гўзал хонимчага қаттиқ тикилиб қараган эди, бирдан унинг кўз ўнгига бу хонимча ўзгарабошлагандай туюлди. Энди бу, қўлида шоклод ушлаб кулиб турадиган бойвучча оймқиз Дадла эмас. Бундай Дадла аллақачон йўқолиб кетган. Энди бу, Аннага меҳрибонлик кўрсатиб ўз лагерининг планини айтиб қўйган мулойимгина хоним эмас. Анна декабрь кунларининг нам ҳавосида қўлига милтиқ олиб, отиш учун ҳаддан ташқари нозик, бу қонли дақиқада мулойим дўсти ва меҳрибон маслаҳатгўйи бўлиб кўринмасликка юраги бетламайдиган синфий душманнинг башарасини кўрди. Ахир, у бугун мана шу олчаранг ипак блан гул солинган котик манто учун Тоникка қараб ўқ узишади-да! Худди мана шу модали туфли ва ипак чулкилар учун ишчиларни ўлдиришади. Худди мана шу гўзал шляпалар, американча қўлқоп ва банкир хотинининг кўкрагида яшнаб турган ранг-баранг гулдор гунчалар учун кеча ишчилар қони тўкилди! Аннанинг аллақачонлар эсидан чиқиб кетган хотиралари ёдига тушди: бир вақтлар ёши тегурчининг қолдан тойган хотини «Чех қалби»нинг совғасини олиб келиб хайр-эҳсон қилучи хўжайканинг оёқлари остига отиб урган эди. Аннага худди Дадланинг кўзларида ғазаб акс этаётгандай ва илжайиши ҳам истеҳзолидай туюлди...

Шунда Аннанинг дунёга қарашлари ҳам ўзгарди, ундаги ҳадиксираш ва қўрқув аломатлари йўқолди, жиддий тўсга кириб кўзларида ўт чақнади. Собиқ хизматкор қаддини ростлади, гўё унинг бўйи ҳам чўзилиб қолгандай бўлди. Унинг хижолати йўқолди, у адоват ва қатъият блан:

— Сизлар бизга қараб ўқ узасизларми? Биз ҳам сизларга қараб ўқ узамиз, хоним! — деди.

Анна шу сўзни айтди-да, чир ўгирилиб жўнаб кетди. Энди у, қаёққа боришини ҳам билиб олган эди. Тоникнинг ёнига эмас, балки ишчилар ёнига, ўз кишилари ёни-

га жўнади. Чунки Тоник ҳаминша ўз синфи блан бирга, шу минутда у қаерда бўлмасин — Анна блан ёлма-ён туриптими ёки ундан узоқдами, барибир, Тоник ўз синфи блан бирга эди. Ўз синфи блан бирга! Мана шу синф унга севиқли ёр, бошпана ва фарзанд берди, энг оғир минутларда у блан бирга бўлди.

Анна заводга боради.

Анна газабдан рангги қув ўчиб кетган олифта хонимга ҳеч парво қилмай, шахдам қадамлар блан трамвай оспановкасига жўнади. Бу пролетарлар нақадар қадр билмас, қўрс, виждонсиз одамлар-а; манови хизматкор хотин, эрига берган ва'дасини ҳам бузиб, чин кўнгилдан унга яхшилиқ истаган, дун'ёда киши учун энг қимматли бўлган нарсани — Анна ва эрининг ҳаётини сақлаб қолмоқчи бўлган хонимга шу қадар қўполлик блан жавоб берди-я!

— Ифлос! — деди газаб блан Дадла, Аннанинг кетидан.

Анна заводга жўнаб кетди. Энди унда қўрқув ҳам, ҳаяжон ҳам йўқ эди, унинг қалби жасорат блан жўш урарди. Трамвай Карлин районига борганда, Анна узоқдан ишчилар намойишини кўриб қолди. Шу он ҳаяжон ва шодликдан унинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Ҳа, бу ўшалар, бу ўртоқлар! Трамвайда кетаётган обивательлар жойларидан туриб, ойнага тикилиб қолдилар. Анна вагондан сакраб тушди.

Ўртоқлар келишяпти. Мана улар!

Мана, пролетарлар Жижкови қизил байроқ блан одим отмоқда. Унинг орқасидан Карлин ва Либень, Голешовице ва Височани бормоқда. Минглаб кишилар дард-алам блан индамасдан шаҳар бўйлаб кетмоқда. Бу сафлардаги қора қўл матонатли кишилар тўқимачилик ва йиғирув фабрикаларининг дарвозаларидан, тегирмон ва нонвойхоналардан, дурадгорлик ва ёғочсозлик устахоналаридан, ўтин ва кўмир складларидан, қуюв цехлари ва вагон қуриш устахоналаридан, механика ва химия заводларидан, вокзал ва транспорт деполаридан чиқиб келмоқдалар. Бу ишчилар эксплуатация қилинаётган пролетар бўлиш блан бирга, ҳарқандай стихиядан ҳам қудратлироқдир, чунки у дунёнинг эгаси ўзи эканлигини англайди. Минг марталаб ишчиларни тор-мор этдилар, минг марталаб уларнинг қони тўкилди — шунда ҳам улар галаба

ишончи блан яна ҳужумга борадилар. Мана шу декабрь куннда янги тузум идеали уларнинг ҳаммасини бирлаштиради ва уларнинг тепасида қизил байроқ ҳилпирайди. Намойишчилар колоннаси бутун кўчани эгаллаб бормоқда, уларнинг қадам зарбидан тош кўчалар зириллайди.

Намойишчиларга қараб бир аёл югуриб келмоқда. Бу — малла сочли пролетар Анна.

— Кольбен заводининг ишчилари шу ердами? — деб хитоб қилади у.

— Шу ерда! — деб жавоб беради аллаким.

Анна девор тагига чиқиб туради, оломон унинг олди-дан ўтиб боради, минглаб кишилар унинг олди-дан оқиб ўтадилар. Анна жовдираб Кольбен заводи ишчиларини ахтаради. Унинг ёнига бир йигит югуриб келади.

— Анна! — Сен шу ердამисан?

Бу Ярда Яндак. У қувонч блан Аннанинг қўлини сиқади, унинг кўзлари чақнайди. Бу унинг Аннани биринчи марта сансираши эди.

— Яроушек!

Анна ва Яроуш сафга кириб, намойишга қўшилишади-да, у блан бирга оқишади.

— Тоник қани?

— У блан яна бирнеча ўртоқни олдинроқ жўнатиб юборишди. Парламентда партия Ижроия Комитети эрта-лаблан бўён мажлис қилаяпти. Биз ўшаёққа кетаялмиз.

Кўпмингли оломон шаҳар бўйлаб бормоқда, унинг қадам товуши уйлар орасида гурсиллайди. Томларни оп-поқ қор қоплаган. Савдогарлар шақир-шуқур қилиб темир пардаларини туширадилар.

Намойишчилар Старомест майдонига кириб бормоқдалар. Улар мақсадларига эришдилар, бу тушунча уларни ҳаяжонга солади. Уларнинг қони гўё ягона оқим сингари борган сари тезроқ оқаётгандай туюлади... Оломоннинг қон томири бир, ҳаммаси умумий бир зарб блан уради. Минглаб бошлар худди бир кишининг бошидай кўтарилади. Қадам товушлари каттиқроқ гурсиллайди. Минглаб киши бир овоздай куйлайди:

Золимлар йўқолсин, кишан йўқолсин,

Керак эмас эски қулликнинг йўли!

Янги йўл кўрсатамиз биз олам учун,

Ҳоким бўлар меҳнат — меҳнаткаш қўли!

Ишчилар тинни жанговар қўшиққа айланиб кетди, бу қўшиқ зўр қудратли ва даҳшатли хорал¹ сингари инграрди ва Старомест майдонидаги қадимий биноларни ларзага келтирар, бу қўшиқ ратушанинг готик² дорзаларига ва Тин соборининг тош плиткаларига урилиб акс садо берар эди. Тарих акс садоси блан такрорланган бу қўшиқ минораларнинг чўққисига учади-да, уларнинг найзасидан булут қоплаган осмонга парвоз этиб, у ерда бўрон ҳамда чақмоқларга айланиб кетарди.

Кўз ёшига тўла бепоеън жаҳон,
Умримиз ўтади оғир меҳнатда,
Шафқатсиз суд кунн келар бегумон,
Муқаррар шундай кун келар, албатта!

Олдинги колонналар қўлидаги қизил байроқ муқаддас Микулаш ибодатхонаси ёнидан ўтиб кетди, орқада Целётна кўчасида эса ҳали ҳам нақарот эшитилмоқда:

... Бу бизнинг қонимиз ёнар ёлқинда,
Бу бизнинг қонимиз порлайди унда!

— Уртоқ! — бир киши иккиланиб Аннанинг енгидан тортиди. — Бу ерда сенинг эринг йўқми? У қаерда?

Анна кўзойнакли бу совуқ одамни танимайди, лекин у кўзига анча шубҳали бўлиб кўринди. Анна Ярдани чақирмоқчи бўлди. Броқ у одам буни сезиб, хатосини тушуниб қолди-да, кейинги қатордаги намоийшчилар орасига кириб кўздан ғойиб бўлди. Ярим минутчадан кейин Анна уни яна кўрди: у сафдан чиқиб, тезда бир кўчага бурилиб кетди.

Намоийшчилар Капров кўчасидан кетмоқдалар. Бу ердан беш юз қадам нарида устини қор қоплаган тўғарак гўлзорли майдонда, парламент олдида ишчилар митингги бўлмоқда. Бундан икки соатча илгари бўм-бўш турган худди мана шу майдонда Анна Дадла блан гаплашган эди. Ҳозир майдоннинг ярми одамга тўлди. Броқ ҳозир бу ерда фақат Смиховдан келган ишчиларнинг ўзи эди, холос; улар бошқа томондан — кўприкдан ўтиб келишган

¹ Хорал — католик ва протестантларнинг диний ашула ҳамда шу шаклдаги музыкали пьесаси.

² Готика — Европада ўрта асрларнинг охирида бўлган архитектура услуби.

эди. Влтаванинг нариги қирғоғида заводлар кам, шунинг учун ҳам намойишчиларнинг кўпчилиги ҳозир Жижков, Либень ва Карлингга етиб келишарди. Ҳозир улар Капров кўчасига киришди.

Парламент панжарасида нотиқ турипти. Бу — ишчилар ҳаракатининг ветерани, тюрмаларда кўп ўтирган кекса Штурц эди. У олтамиш икки ёшида ҳам худди йипирма ёшидагидай оташин революционер.

— Умумий забастовка қиламиз! Кечаги қон тўкишга бизнинг жавобимиз худди мана шундай бўлиши керак! — деб хитоб қилади у.

Митинг бу чақириққа гулдирос қарсаклар блан жавоб беради.

Парламент биносидagi социал-демократик фракция бўлмасида партия Ижроия Комитети мажлис қилмоқда. Ҳукумат ҳам мана шу ёққа полиция юборди: олдида иккита шернинг тош ҳайкали қўйилган дарвозада тўла-тўқис қуролланган полициячилар взводи турипти, майдоннинг шарқ томонида эса, қуролли отрядлар кўриниб турипти; улар хотиржамлик блан пайт пойламоқдалар. Полиция офицери олдида кўзойнакли бир одам бориб ниманидир доклад қилади-да, дарров жўнайди.

Майдондаги оломон сал сесканди. Одамлар диққат блан қулоқ солиб, ниманидир кутардилар. Старомест майдонидан қўшиқ эшитилади.

Панжарадаги нотиқ муҳим нарсалар тўғрисида гапираяпти-ю, лекин унинг сўзлари нам ҳавода йўқолмоқда, одамлар унинг гапига қулоқ солишмаяпти, Капров кўчасидан қўшиқ эшитилади! Ҳамма бошини ўша томонга ўгиради.

Капров кўчасида қўшиқ янграйди.

Ишчилар қўшиғи янграйди!

Намойишчилар бутун кўчани лиқ тўлдирдилар. Буёққа Большой Прага пролетарлари келмоқда! Уларнинг бошида қизил байроқ ҳилпирайди. Жанговар қизил ранг минглаб кишилар бошида ҳилпирамоқда. Ура-а-а! Бу нақадар улугвор дақиқа!

Байроқдор қўлидаги байроқ дастасини маҳкам тутиб, байроқни баланд кўтаради. Байроқ бор бўйича ёйилиб шамолда ҳилпирайди. Олдинги қатордагилар қадамни тезлатишади. Анна блан Ярда биринчи қаторда, байроқдор олдида кетмоқдалар.

Ишчилар майдондан ўтиб намоийшчилар қаршисига югурадилар.

Шу пайтда полиция ишга киришди. Полициячилар писиб турган жойларидан чиқиб, атрофга ёйилиб, резинка таёқларини маҳкам ушлаб намоийшчилар қаршисига югурадилар. Улар, икки оқимдан иборат оломоннинг қўшилишига тўсқинлик қилмоқчи бўладилар.

Броқ полициячилар бирнеча секунд кечиқиб қолдилар. Уларнинг орқасидаги майдонда тирбанд оломон, олдида эса, Капров кўчасидан оқиб келаётган талай одам бор эди. Кўз очиб-юмгунча полициячилар икки томондан бос-тириб келаётган икки оломон девори орасида сиқилиб қолдилар. Оломон олдинга интилади, ҳаяжонланади. Қаттиқ қичқириқлар эшитилади. Бошларга дастлабки зарбалар тушабошлади, ҳавода полиция таёқлари ва намоийшчилар таёқлари кўриниб қолди. Қаёқдандир гишт парчаси отилди, полициячи икки қўли билан юзини чангалади. Ур калтак-сур калтак бошланиб кетди.

Шу он бирдан пақ... пақ... пақ!.. ўқ овози эшитилиб қолди. Полициячилар тўппончаларини олиб ўқ узабошладилар.

Пақ... пақ... пақ!..—ўқ товуши бутунлай бежавфхатар, ҳатто аллақандай ёлғондакам ўйинчоққа ўхшайди. Анна қўрқмайди.

Пақ... пақ... пақ!..

«Бизларники ҳам отишаяпти, шекилли»,—деб ўйлайди Анна.

Қизил байроқ бирдан ғалати бўлиб чайқалди-да, ерга эгилди. Байроқдор муккасидан йиқилди. Ярда Яндак байроқ олдига югуриб келиб, уни баланд кўтарди. «Ура-а-а!»—деб қичқирди. Унинг кўзлари катта-катта очилади.

Полициячи унинг юзига қараб ўқ узади. Қалин оломон ҳалок бўлган студент мурдасини бирнеча дақиқа ушлаб турди, кейин у эриган қор устига юз тубан йиқилди.

Оломон Аннани гоҳ олдинга, гоҳ орқага суриб юборар, аллақайларга олиб борарди-да, яна орқага суриб келарди. Гоҳо Анна бир зум тош галерия тагидан югуриб чиқаётган полициячиларни кўриб қоларди; улар оломонни тарқатишга ва одамларни кўприк томонга ҳайдашга уриниб штикларини ўқталишиб келишарди. Уёқда ҳам қонли ўч олинмоқда, отишмалар бўлмоқда эди. Майдонда одамлардан тозаланган бўшлиқ гоҳ кенгайиб, гоҳ

тораяди. Қор устида ярадорлар ётадилар. Лекин Анна сра кўрқмайди, бу воқиаларнинг ҳаммаси гўё ёлгондакам ва жуда олисда бўлаётгандай туюларди.

Оломон уни яна олиб кетади. Мана у ёндаги бир кўчага ҳаяжонли одамлар орасига келиб қолди. Бу ерда анча одам сийрак эди. Орқа томондан оёқ товуши ва қий-чув, кейин яна бирнеча ўқ товуши эшитилади.

— Бу ерда бизни ўтқазишмайди,— деб қичқиради кимдир Аннанинг ёнида.— Легий кўпригидан ўтиб, нариги томондан келиш керак.

Оломон бўмбўш кўчадан шошилиб кетаяпти, Анна ҳам ҳамма блан баравар югуради. Одамлар халлослаб қолишпач, одимлаб юрабошлайдилар. Улар, ҳали ҳечнарсадан хабарсиз йўловчилар ёнидан ўтиб борадилар. Улар қошларини чимириб, кўзларида ўт чақнаб, дадил олға борадилар кўзларидаги жанговар ўт сўнмайди. Улар худди фронтда юрган жангчилар сингари борадилар.

Оломон илдам қадамлар блан кўприкдан ўтиб, нариги қирғоқдан парламентга шошилади.

Кўчаларда одамлар ғужғон ўйнайди. Учта трамвай вагони олдида оломон жўш урмоқда — бу полиция парламентдан қувлаб юборган ишчилар эди; бу ишчилар трамвайни тўхтатиб, ундан оломон орқасига ўтиб олмоқчи бўлган полициячиларни тортиб туширардилар. Ишчилар полициячиларнинг таёқларини тортиб олиб, ҳиқилдоқларидан бўғиб судраб чиқишар ва ўлгудай дўппослашар эди. Полициячилар ҳатто ўзларини ҳимоя ҳам қилолмай қолдилар, улар фақат қўллари блан кўзларини эҳтиёт қилишар ва қочиб қолишга уринардилар. Ҳаммаёқда уларнинг каскалари думалаб ётарди.

Анна блан бирга кетаётган намоишчилар полициячиларни тутиб олиб, уйларнинг деворига қапиштириб қўйишарди. Анна кўчанинг ўртасида тўхтади.

— Тоник, ўртоқ Тоник!— деб қичқиради у қўлини силкитиб.

Тоник, контора ходимига ўхшаш бадбашара, кўзойнакли одамнинг ёқасидан хиппа бўғиб туради. Тоник бу жосусни, гўё бундай маразга ўзининг бутун пролетар кучини сарф этишни ҳам хайф кўргандай бепарволик блан итариб юборади.

— Уртоқ Анна!— деб қичқирди Тоник ва унинг қаршисига югурди.

Смихов томондан полициячилар пистолетларидан кўра хийла қаттиқроқ ва ғужроқ ўқ товуши эшитилиб қолди. Бу солдатлар бўлса керак.

— Рингхоффер заводи олдида отишаяпти!— деб қич-қиради аллаким.

Оломон ўша томонга ташланади.

Олдинда Тоник блан Анна югуради. Уларнинг қадам товушлари кўча бўйлаб гумбирлайди.

Олға, олға!

Улар ёнма-ён кетмоқдалар.

Олға, олға!

Аннанинг жонажон қишлоғи, парвоз қиляётган кап-тарчанинг расми ишланган тунука блан ямалган уйчаси-нинг томи, кўмкўк ялпиз блан қопланган увотлар, дала-даги тераклар узоқ-узоқларда қолиб кетди. Рубешлар квартирасидаги ошхона ва ойимқиз Дадланинг пушти-ранг уйчалари узоқларда қолиб кетди. Есениов кўчаси шаҳарнинг нариги бошида қолди...

Тоник, Анна, олға, олға!

1928.

МУНДАРИЖА

	Бет.
Иван Ольбрахт ва унинг «Анна пролетар қизи» романи	3
Еш барин	11
Оғир кун	42
Бизга қурол керак, қурол!	79
«Қора қўл»	115
Есениов кўчасидаги уйда	142
Шандор Керекешнинг тарихи	155
Хоин	175
Салом сенга, ёш пролетар!	213
Декабрь	223

На узбекском языке

И. ОЛЬБРАХТ

АННА ПРОЛЕТАРКА

Перевод с издания

Госиздата худож. литературы 1954 г.

Госиздат УЗССР — 1956 — Ташкент

Редактор Р. Комилов

Рассом Б. С. Жуков

Техн. редактор Ф. Рахматуллин

Корректор В. Мақсудова

Теришга берилди 13/IV 1956. Босишга рухсат этилди 8/VI 1956. Формати 84×108¹/₃₂-8,125. Бос. л. 13,125, шартли бос. л. 14,0. Тиражи 15000. Р 05835. Индекс *н/а*. Ўзбекистон ССР Давлат Нашриёти, Тошкент, Полиграф кўчаси, 74. Шартнома № 497/54.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 3-нчи босмаҳонаси, Тошкент, Ленинград кўчаси, 15. Заказ № 168, Баҳоси 9 с.